

Сафахбор



Үстөз Набижон Қодировба

Жетолиқ үзүн

САРАХБОР

Тузувчилар:

Дилором ЭРГАШЕВА,
Азизбек ҲАКИМОВ

Тошкент

«Akademnashr»

2017

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ү)

Э 74

Эргашева, Дилором.

Сарахбор [Матн] / Д. Эргашева. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – 256 6.

ISBN 978-9943-4908-4-0

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ү)

Кўлингиздаги китобда элимиз севиб тинглайдиган мумтоз қўшиқларнинг матни берилган. Санъат йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ўқитувчилар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул мұхаррир:

Махмуджон ТОЖИБОЕВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи

Тақризчилар:

Сўйима ФАНИЕВА, филология фанлари доктори, профессор,

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ, адабиётшунос

ISBN 978-9943-4908-4-0

© Дилором Эргашева, Азизбек Ҳакимов

«Сарахбор»

© «Akademnashr», 2017

ТУЗУВЧИЛАРДАН

Муҳтарам китобхон!

Аниқ биламизки, сиз мумтоз қўшиқларимиз шайдосисиз. Акс ҳолда, бу китобни ўзгача қизиқиши билан қўлга олмаган бўлардингиз, шундай эмасми? Модомики шундай экан, ўзингиз куйлаётган ёки тинглаётган қўшиғингизга катта муҳаббат ва самимий эҳтиром билан қарамоғингиз лозим. Чунки мумтоз куй-қўшиқларимиз – ҳикматлар тўла хазина. Ундан улуш олмоқчи бўлган ҳар бир шинавандадан покиза рух, покиза қалб ва покиза нигоҳ талаб қилинади.

Эскириб қолган сўзлар, арабий ёки форсий бирикмаларнинг кўплиги боис бўлса керак, аксарият ҳаваскорлардан тортиб эл орасида «ҳофиз» деган ном олиб ултурган ижрочи-ларнинг баъзилари ҳам мумтоз қўшиқларимизнинг матнини бузиб айтишлари одатий ҳолга айланмоқда. Бу «бузғунчилик» шу даражага бориб етдики, «Оғайни, мана бу ери бундоқ бўлиши керак эди», – десангиз, «Фалончиям шундок айтган!» деган қайсарона жавоб оласиз.

Майли, фалончилар бузиб айтгандир, айтаётгандир. Келинг, сиз катта устозлар айтганидай, улуғ шоирларимиз ёзиб кетганидай айтинг!

Биз ушбу тўпламда нисбатан кўпроқ ижро этиладиган қўшиқларни саралаб олиб, уларнинг асл матнини жамладик.

Айrim шеърларнинг қўшиқда ижро этилмаган қисми тушириб қолдирилди. Матнни мусиқага уйғунлаштириш мақсадида киритилган баъзи ўзгартишлар, агар улар маънога

шикаст етказмаган бўлса, сақланди. Ҳар бир саҳифада эскириб қолган, араб ёки форс тилидан ўзлашган сўзлар изоҳи келтирилди.

Матнларни муаллифлари бўйича, муаллифларни эса яшаб ўтган даврларига қараб кетма-кетликда жойлаштиридик.

Бу борадаги ният қилган катта ишларимиздан нуқсонлигина бир мужда бўлгани боис тўпламни «Сарахбор» деб номладик.

Самимий фикр-мулоҳаза ҳамда дуоларингиздан умидвормиз.

ЛУТФИЙ

(1366 – 1465)

Лутфийнинг асл исми баъзи манбаларда Лутфулла деб берилади, айрим тахминларга кўра эса Умардир. У Ҳирот яқинидаги Дехиканор қишлоғида туғилган. Бизгача форсча ва туркий тилдаги ўн икки минг байтдан зиёд ижодий мероси жамланган икки девони етиб келган. Қабри Дехиканорда.

ХОҲ ИНОНМА

О.Хотамов мусиқаси

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон¹ кечаси чархи фалакка² етар, эй моҳ³,
Оҳи сахарим⁴, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки⁵, қилич келса бошимга, эшикингдин
Йўқтур гузарим⁶, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунгга кўз солғали ўзга киши бирла
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди⁷,
Эй сиймбарим⁸, хоҳ инон, хоҳ инонма.

¹ Ҳижрон – айрилик.

² Чархи фалак – фалак, осмон айланаси.

³ Моҳ – ой; мажозан ёр юзига нисбат.

⁴ Оҳи сахар – сахар (наҳор)ги оҳ, тонгти нола.

⁵ Ҳақко – ҳақикатан, дарҳақиқат.

⁶ Гузар – ўт(иб кет)иш, кетиши.

⁷ Ёшурди – яширди. Мисра мазмуни: ишқ ўтида куйиб тозаланган Лутфийнинг юзи сариқликда олтинданд ҳам ўтиб кетди.

⁸ Сиймбар – айнан кумуш(дек ок) бадан.

ГУЛЪУЗОРИМ ҚАНИ?..¹

«Ёлгуз» катта ашуласи асосида
Ж.Султонов басталаган

Кўкарди чаман, гулъузорим² қани?
Сиҳи³ сарви⁴ бўйлуқ нигорим⁵ қани?

Топибдур бу кун васли гул андалиб⁶,
Дариғо⁷, менинг навбаҳорим⁸ қани?

Эшикингда тупроқ бўлдум, vale
Демадингким, (ул) хокисорим⁹ қани?

Сенинг аҳди ҳуснунгда¹⁰ йўқ менда сабр,
Менинг ул бурунқи¹¹ қарорим қани?

Эришур дебон қилма Лутфийға қаҳр,
Бу ишда, бегим, ихтиёrim қани?

ҚАШҚАРЧАИ

САВТИ САРВИНОЗ

«Бузрук» мақомидан

Бир париваш¹ ғамзаси² ақлимни мажнун³ айлади,
Кўз юмуб очгунча ҳолимни дигаргун⁴ айлади.

Субҳидам кундек чиқиб кўргузгач ул қутлуғ юзин,
Толеим масъуду баҳтимни ҳумоюн айлади.⁵

Кўп югурмактин кийик кўзи қарорди саҳм еб⁶,
Кўр, нечук ғамзанг ўқи они жигархун⁷ айлади.

Интизори йўли устида қўюб кетти кўзунг,
Бизни ул Лайли сифатлик мисли Мажнун айлади.

Сехр элидин воқиғи эрди ҳиндуди Кашмир, бас,
Бу ажабким: турк экач, ул кўз юз афсун айлади.

Лабба-лаб васлин тилаб, топмон канорин⁸, нечаким
Кўзларим ол ёшини⁹ ҳасратда Жайхун айлади.

Бир кун ул ҳусн элининг султони туткай деб қулоқ
Ишқ Лутфийнинг сўзини дури макнун¹⁰ айлади.

¹ Бу қўшикни аввал Жўрахон Султонов ўзи қайта ишлаган «Гулъузорим қани?»
катта ашуласида, кейинроқ эса Ориф Алимаҳсумов «Фигон II»да айтган (М.Т.).

² Гулъузор – гул юзли.

³ Сиҳи – тўғри, текис; келишган.

⁴ Сарв – тик ўсувчи дараҳт; маъшука қаддига ишора.

⁵ Нигор – сурат; хушсурат маҳбуба.

⁶ Андалиб – булбул.

⁷ Дариғо – водариг, э воҳ!

⁸ Навбаҳор – айнан янги баҳор; илк баҳор.

⁹ Хокисор – тупроқсифат, оёқости бўлган, ер билан битта; бечораҳол, иложсиз.

¹⁰ Аҳди ҳусн – чиройли аҳд, гўзал вайда.

¹¹ Бурунқи – бурунги, аввалиги, илгариги.

¹ Париваш – парига ўҳшаш гўзал.

² Ғамза – қош, кўз, юздаги нозик ишоралар билан дил овлаш.

³ Мажнун – телба, савдойи.

⁴ Дигаргун – бошқача.

⁵ Мисра мазмуни: баҳтимни зиёда, қутлуғ ва муборак қилди.

⁶ Мисра мазмуни: ўқ еб, кўп югурганидан кийикнинг кўзи қорайди.

⁷ Жигархун – бағри қон; ошик.

⁸ Топмон канорин – кирғозини тополмайман.

⁹ Ол ёш – қизил ёш, конли кўз ёши.

¹⁰ Дури макнун – садаф ичига яширинган дур.

САРАХБОРИ БУЗРУК

«Бузрук» мақомидан

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ¹ әмиш –
«Күздин йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ» әмиш.

Тинмас хаёли кейнича² кўз ёши қатрадин,
Юз сорина³ юргургучи гулгун буроқ⁴ әмиш.

Бўлмас висол бирла кўнгул дарду доғи кам,
Ул тўймагурда, вах, не бало иштиёқ⁵ әмиш.

Қон боғлади жигарлари ул ғамза саҳмидин⁶,
Чину Хитода⁷ нечаки оҳу қароқ⁸ әмиш.

Ёйдек бўюмни эгди⁹ қошинг бори ғам¹⁰ била
Ким, эгриликда даври қамар¹¹ ичра ток¹² әмиш.

Бузди қаро черик¹³ била кўнглум вилоятин
Ул кўзки, турклардек иши таламоқ әмиш.

Лутфий, Ҳири(й)да¹⁴ қолмади шеърингга муштари¹⁵,
Азми Ҳижоз қилки¹⁶, мақоминг Ироқ әмиш.

¹ Фироқ – айрилик.

² Кейнича – ортидан.

³ Юз сорина – юз томон.

⁴ Буроқ – Мұхаммад (с.а.в.)га меърож кечаси туширилган от. Бу ерда шоир қонли ёшларини юз узра югурувчи асов қызил отга ўхшатмоқда.

⁵ Иштиёқ – кучли истак.

⁶ Саҳм – ўқ. Ғамза саҳми – ноз-карапша ўқи.

⁷ Чину Хито – Кошфару Хитой.

⁸ Оҳу қароқ – оҳу кўзли.

⁹ Ёйдек бўюмни эгди – қаддимни камондай эгди.

¹⁰ Бори ғам – ғам юки.

¹¹ Даври қамар – ой атрофидаги айланга, гардиш.

¹² Бу ерда «ток» сўзи икки маънода келмоқда: 1) ягона; 2) ток – эшик ва бинолар тегасидаги яримдоира шаклида ишланган қисм.

¹³ Черик – лашқар. Қаро черик – катта (кўп сонли) кўшин; мажозан ёр киприклари.

¹⁴ Ҳири(й) – Хирот шаҳри.

¹⁵ Муштари – ҳаридор.

¹⁶ Азми Ҳижоз қилмок – Ҳижозга кетмок. Бу ўринда сўз ўйини бор: Ҳижоз (Арабистондаги Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган пасттекислик), Ироқ тарихий жой номлари бўлиши билан бирга ўн икки мақомга кирувчи мақомлар номини ҳам англатади. Шунингдек, «мақом» сўзи «яшаш жойи» ва «музикий асарлар мажмуси» маъноларида келган.

КЎЗИ ҚАРОНИ...

У.Атоев мусиқаси

Қайдин доғи¹ кўрдум мен ўшал кўзи қарони,
Куч бирла кетурди бу кўнгул бошга балони.²

Бу хомтамаъ³ кўнглум агар бўлмаса мажнун⁴,
Сан сиймбаданданму⁵ тилар эрди вафони?

Дардимға қилур чора табассум била лаълинг⁶,
Исо қани ўрганса бу «Қонун»и шифони.⁷

Бир қил учини минг ёрайин сўзи қошинда,
Касб этсам⁸ агар кун юзидан зарра сафони⁹.

Бўлғай асари баҳт, даги толеъи масъуд,
Гар ҳафтада бир кўрсам ўшал моҳлиқони.¹⁰

Беважҳ чиқар кун юзи давринда уёлмас,
Бир йўли ўшал хийра кейин солди ҳаёни.¹¹

Гар бўлса эди зарра вужуд оғзида мавжуд,
Лутфий қачон андиша қилур эрди фанони?¹²

¹ Доғи – яна.

² Мисра мазмуни: бу кўнгил келмаётган балони ҳам ўз бошига ўзи мажбурлаб келтирди.

³ Ҳомтамаъ – бехуда орзу қилувчи.

⁴ Мажнун – телба, жинни.

⁵ Сиймбадан – кумушдай оқ бадан.

⁶ Лаъл – кизил рангли қимматбаҳо тош; мажозан ёр лаби.

⁷ Мисра мазмуни: қаниди, Ҳудонинг инояти билан ўликни ҳам тирилтира оладиган Иео Масиҳ шу ерда бўлса сендан бу даволаш сирларини, конун-қоидаларини ўрганса. Бу ердаги «Қонун»дан мурод Ибн Синонинг машҳур асари – «Ал-Қонун фит-тибб» («Тибб конунлари»)дир.

⁸ Қасб этмок – ўрганмок.

⁹ Сафо – поклик, гўзаллик.

¹⁰ Байт мазмуни: агар ўша ой юзлини ҳафтада бир кўрсам, баҳт-саодатим янада занда бўлади.

¹¹ Байт мазмуни: кун (куйш) ой юзли ёрнинг даврида (яни у бўла туриб) уялмай-нетмай ҳеч бир сабабсиз (яни унинг чиқишига зарурат бўлмаса ҳам) чиқаверади. Ўша хира (яни куйш) ҳаёни бира тўла оркага ташлади, ийғиштириб кўйди.

¹² Байт мазмуни: агар ёрнинг оғзида заррачалик вужуд (яни бор эканлигининг моддий ифодаси) мавжуд бўлса эди, Лутфий фанони (йўкликни) ҳаёл қиласмиди?!

МУСТАХЗОД¹

Тошкент-Фарғона ашуулаларидан
М.Мирзаев ишилаган

Эй пари юзли бегим, жонлар фидо бўлсин сенга,
Дуняда² ҳусн оти бор эркан, бақо³ бўлсин сенга!

Ҳадди маҳлуқотдиндир нори ул ҳусну жамол,
Улки йўқдир – раҳм эрур, бу ҳам ато бўлсин сенга.⁴

Ийманиб ҳосид⁵ тилиндан, даст бермас чун салом,
Кўз учи бирлан йироқдан «Марҳабо!» бўлсин сенга.⁶

Чун вафосизларга бермишдир азалда кўркни,
Бу камоли ҳусн ила қайдан вафо бўлсин сенга?!

Бир қиё боқсанг закоти ҳусн учун, эй кўркабой,
Лутфийи мискиндин ўлгунча дуо бўлсин сенга!⁷

¹ «Мустахзод» арабча сўз бўлиб, «орттирилган» маъносини ифодалайди. Адабиётдаги мустахзод шеър шакли билан мусикадаги мустахзодни адаштирамаслик лозим. Мусикий усул бўлмаш мустахзодда ғазал жанридаги матн ҳам айтилиши мумкин.

² Дуна – дунё, олам.

³ Бақо – боқийлик, абадийлик.

⁴ Байт мазмуни: у ҳусну жамол маҳлуқотнинг (яратилган нарсалару кишиларнинг) имконидан ташқаридир. Сенга етишмаётган нарса биргина раҳм-шафқат, холос, илоё, у ҳам сенга насиб қилсин!

⁵ Ҳосид – ҳасадчи.

⁶ Байт мазмуни: ошиғинг сенинг номингни ҳатто тилидан ҳам қизғониб, ошкора саломлашгани ийманади. Йироқдан туриб, кўз учи билан «Марҳабо! Хуш келибсан!» дегандай умид ва илтижоли нигоҳини сенга тикади.

⁷ Байт мазмуни: эй гўзал, гар ҳуснинг закоти сифатида мискин, муҳтож Лутфийга бир қиё боқсанг; у ўлгунча сени дуо қиласин.

САККОКИЙ

Саккокий Халил султон, Мирзо Улуғбек сингари ҳумқдорлар даврида (XV асрнинг биринчи ярмида) Мовароуннахрда йашаб ижод этган, уларга бир қатор қасидалар бағишилаган.

Бизгача етиб келган адабий мероси 11 қасида ва 40 ғазалдан иборат.

«Саккок» сўзининг луғавий маъноси «пичоқчи» бўлиб, бу шонрининг ҳунарига ишорадир деган тахминлар ҳам бор.

САВТИ МИСКИН

«Мискин» сурнай йўллари асосида
Ф.Мамадалиев ишилаган

Қаро кўз бирла бир ғамза⁸ қилиб, юз минг жафо қилма,
Карашма⁹ бирла оламни менингдек мубтало қилма.

Менинг бу хаста жонимга сенинг дардинг эрур марҳам¹⁰,
Қиёматта теги¹¹ ҳаргиз бу дардимга даво қилма.

Мени, эй ой, қўрқармен, қилиб дунёда саргашта¹²,
Эшигинг тупроғин кўзга топилмас тўтиё¹³ қилма.

Фироқинг бўтаси¹⁴ ичра танимни сизғиур¹⁵ ҳар дам –
Юзумни олтин этколи ғамингни кимё¹⁶ қилма.

⁸ Ғамза – қош, кўз ва юз харакатлари билан дил овлаш.

⁹ Карашма – нозик кўз караш, ишва, ноз.

¹⁰ Марҳам – малҳам, шифо.

¹¹ Теги – қадар.

¹² Саргашта – овора, сарсон.

¹³ Тўтиё – кўз дори.

¹⁴ Бўта – заргарларнинг маъдан эритадиган идиши.

¹⁵ Сизғиур – куйдирмок, ўртамок; киздирмок, эритмок (метални).

¹⁶ Кимё – бу ўринда ўрта асрларда кенг ёйилган ал-кимё назарда тутилмоқда. Алжимёгарлар ҳар қандай металнинг асосида олтин ётади, агар киздиринш, эритиш ўли билан ёт унсурлар ажратиб олинса, исталган металл олтинга айланади деб фарз қилишган.

Охир бегона деб гирён эшикингдин қувар бўлсанг,
Кулар юз кўргузуб аввал, кишини ошно қилма.

Бағир қон айладинг жавру жафо бирла, э султоним,
Кўзим ёши билан ҳар дам юзимда можаро қилма.

Э Саккокий, бу шах қобқин¹ ганимат тут, чу зулфинга²
Оёғин боғлагон қушсан, учарга ҳеч ҳаво қилма.

НАВОЙ

(1441 – 1501)

Гиёсiddин Муҳаммад ўғли Низомиддин Алишер Навоий
Ҳиротда туғилган. Темурийзода Ҳусайн Бойқаро саройида
амалдор бўлгани боис исми олдидан кўпинча «мир» сўзи қў-
ниб айтилади. Қабри Ҳиротда.

Икки туркий ва бир форсий девони – «Девони Фоний»
(форсча асарларини «Фоний» тахаллуси билан битган), «Ха-
зойин ул-маоний» куллиёти, беш достондан иборат «Хамса»
асари, ўндан ортиқ рисолалари машхур.

УШШОҚ¹

Мулла Тўйчи Тошимуҳаммедов мусиқаси

Қаро кўзум, келу мардумлиғ² эмди фан қилғил³,
Кўзум қаросида мардум⁴ киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин⁵ яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға⁶ бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада⁷ жон риштасин⁸ расан⁹ қилғил.

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни боштин-аёғ чин¹⁰ ила шикан¹¹ қилғил.

¹ Ушшоқ – ошиклар.

² Мардумлиғ – одамийлик, одамгарчилик.

³ Фан қилмоқ – одат қилмоқ.

⁴ Мардум(ак) – кўз корачиги.

⁵ Равза – бог.

⁶ Таковар – от, тулпор.

⁷ Ғамзада – ғамгин, қайгули.

⁸ Ришта – ип.

⁹ Расан – аркон.

¹⁰ Чин – бу ерда ўриш маъносида.

¹¹ Шикан – жингалак.

¹ Бу шах қобқин – бу шоҳ дарвазасини.

² Бу ўринда шоир «зулф» ва «зулфин» сўзларининг шаклий ўхшашилигига таяниб
нозик сўз ўйини қилмоқда: 1) эй Саккокий, бу шоҳ дарвазасин ганимат бил, учигша
шайланаверма, чунки сен оёғи ёр зулфи (сочи) билан боғланган қушсан; 2) ... чунки
сен оёғи зулфинга (дарвоздаги ҳалқага) боғланган қушсан.

Хазон сипоҳига¹, эй боғбон, эмас монеъ,
Бу боғ томида гар иғнадин тикан қилғил.

Юзида терни күрүб ўлсам, эй рафик², мени
Гулоб³ ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ⁴ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиғ ўқин⁵ шамъи анжуман қилғил.

ҚҮШЧИНОР

Халқ қуиши

Тун-оқшом келди-ю, келмас менинг шамъи шабистоним⁶,
Бу андух ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, күргузса кўксум пораси чоки гирибоним⁷,
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин⁸ доғи пинҳоним.

Фамидин дурри макнундек⁹ сиришким¹⁰ оқти Жайхундек¹¹,
Музайян¹² қилди гардундек¹³ жаҳонни ашки ғалтоним¹⁴.

Навоий киби¹⁵ ҳижрондин бу оқшом ўлдум афғондин¹⁶,
Фамим йўқ бўйла¹⁷ юз жондин, етиб гар келса жононим.

¹ Сипоҳ – қўшин. Хазон сипоҳи – айн. куз қўшини; мажозан қазо, ажал.

² Рафик – дўст, улфат.

³ Гулоб – айн. гул суви; гулнинг гулбаргларидан тайёрланадиган ичимлик.

⁴ Анжумани шавқ – шавқ анжумани (бундан сўнг форсий бирималар, агар улар тушунарли бўлса, изоҳланмайди).

⁵ Бошоғлиқ ўқ – айн. бошоқли (бошоққа ўхаша) ўқ; камон ўқи; бу ўринда мажозан маъшуканини жафо ўқлари назарда тутилган деб тахмин қилинди.

⁶ Шабистон – тун, коронгулик. Шамъи шабистон – тунни ёритувчи шам.

⁷ Чоки гирибон – ёқанинг йиртиги.

⁸ Ёра – яра, жароҳат.

⁹ Дури макнун – яширин (садаф ичидағи) дур.

¹⁰ Сиришк – кўз ёши.

¹¹ Жайхун – Амударёнинг қадимий номи.

¹² Музайян – зийнатланган, безатилган.

¹³ Гардун – осмон, фалак.

¹⁴ Ашки ғалтон – айн. думалаётган кўз ёши.

¹⁵ Киби – каби, сингари.

¹⁶ Афғон – «ғифон» сўзининг кўплиги, фифонлар.

¹⁷ Бўйла – бунингдек, бу каби.

МУБТАЛО БЎЛДУМ САНГО

К.Жабборов мусиқаси

Қўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак¹ мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим: «Вафо қилғил» – манга зулм айладинг,
Сен қачон дединг: «Фидо бўлғил манго!» – бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Гусса чангидин навое² топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво³ бўлдум санго.

ФОШ ЎЛСИН

К.Жабборов мусиқаси

Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола⁴ тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун.

Қуёшни бўлмас, эй гардун⁵, ул ойфа айламак ташбеҳ⁶,
Оғиз гар зарра, чўлпон⁷ – кўз, янги ой анга қош ўлсун.

Агар пайконларин⁸ кўз истабон топти кўнгул, ғам йўқ,
Келиб йиглар маҳал ул қатра сувлар кўзга ёш ўлсун.

¹ Батаррак – баттаррок, янада.

² Навое – куй, наво.

³ Бенаво – мискин, йўқсил.

⁴ Жола – дўл.

⁵ Гардун – фалак, осмон.

⁶ Ташбеҳ – айламак – ўхшатиш.

⁷ Чўлпон – юлдуз.

⁸ Пайкон – камон ўқи, ўқ учидаги учли темир; тиканнинг ўткир учи.

Күнгүлда сирри ишқин асрай-асрай ўлдим, эй соқий¹,
Қадаң тутким, харобот аҳлиға² фош ўлса фош ўлсун.

Навоий ашқ³ дурридек тиларким күзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.

АЙЛАГАЧ

X. Тұхтасинов мусиқасы

Хүсни ортар, юзда зулфин анбарафшон⁴ айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур, торин⁵ паришон⁶ айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг
Ё юзунгга тегди қонлар, бизни қурбон айлагач?

Қон эмаским, ёпти гулгун⁷ ҳулла⁸ жаннат хозини⁹,
Ишқ мақтулин¹⁰ шаҳид айларда урён¹¹ айлагач.

Ошкор айлаб юзун, кўзумни ҳайрон айлади,
Ёшурун¹² олди кўнгул, кўзумни ҳайрон айлагач.

¹ Соқий – май қуювчи.

² Харобот аҳли – 1) тарки дунё қилган, харобаларда яшовчи дарвешлар; 2) май-хонадагилар, май ичувчилар.

³ Ашқ – кўз ёши.

⁴ Анбарафшон – хуш бўй таратувчи. Анбарафшон айламоқ – (сочни) ёқимли бўй таратиб ёймок.

⁵ Топ – тола.

⁶ Паришон – ёйилган, тўзғиган.

⁷ Гулгун – гулранг, кизил.

⁸ Ҳулла – ёпинчик; кийим.

⁹ Хозин – хазина болон.

¹⁰ Мақтул – катъ қилинган (ёки қилинувчи).

¹¹ Урён – ялангоч.

¹² Ёшурун – яширинча.

Жонда қўйғоч нақди ишқин¹, қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтуур махрамни² сulton, ганж³ пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,
Бас, недурким қон келур оғзингдин ағфон⁴ айлагач?!

СОҚИЙНОМАИ БАЁТИ ШЕРОЗИЙ

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Кўзунгга тани нотавоним⁵ фидо,
Равонбахш⁶ лаълингға⁷ жоним фидо.

Лабинг ранги олинда⁸ қоним сабил,
Қадинг жилвасига равоним⁹ фидо.

Жунун¹⁰ бирла ақлим – ғаминг садқаси
Ки, оллингда яхши-ёмоним фидо.

Фано даштида¹¹ қони¹² оворалиғ
Ким, ул сайдраға хонумоним¹³ фидо.

Навоийдин олдинг кўнгул, жони ҳам
Санга бўлсин, эй дилситоним¹⁴, фидо.

¹ Нақди ишқ – ишқ хазинаси, бойлиги.

² Махрам – сultonларнинг энг ишончли кишилари.

³ Ганж – хазина.

⁴ Ағфон – фигонлар.

⁵ Нотавон – заиф, қувватсиз.

⁶ Равонбахш – жонбахш.

⁷ Лаъл – кизил рангли қимматбаҳо тош; мажозан маъшуқа лаби.

⁸ Олинда – олдида. Сўз ўйини қўлланган: ол, яъни қизилга ишора ҳам мавжуд.

⁹ Равон – 1) юриш; 2) тез; 3) жон.

¹⁰ Жунун – телбалик.

¹¹ Фано дашти – йўқлик дашти. Тасаввуфда олий босқич – руҳан Ҳаққа қўшилиб, ундан алоҳида (маҳлук сифатида) мавжуд бўлишнинг йўқолиши.

¹² Қони – қани?

¹³ Хонумон – бисот.

¹⁴ Дилситон (дилситон) – маҳбуба.

КАРО БЎЛУБДУР...

O.Хотамов мусиқасы

Күзүнг не бало қаро бўлуптур
Ким, жонға қаро¹ бало бўлуптур.

Мажмуъи давони² дард қилди
Дардингки, манга даво бўлуптур.

Ишқ ичра аниңг фидоси юз жон –
Хар жонки санга фидо бўлуптур.

Бегона бўлуптур ошнодин,
Бегонаға ошно бўлуптур.

То қилди юзинг ҳавоси³ жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлуптур.

То тузди Навоий ояти⁴ ишқ,
Ишқ ахли аро наво⁵ бўлуптур.

HE HABO

Ю.Ражабий мусикаси

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас түти такаллум¹ шаккаристондин жудо.

Ул қүёш ҳажрида, құрқармен, фалакни ўртагай
Хар шарореким² бўлур бу ўтлуғ аффондин³ жудо.

Хажр ўлимдин талх⁴ эмиш, мундин сүнг, эй гардун⁵, мени Айлагил жондин жудо килгүнча жонондин жудо.

БАЁТ II

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Бир күн мени ул қотили мажнуншиор⁶ ўлтүрғуси,
Усрук⁷ чиқиб, жавлон қилиб⁸, девонавор⁹ ўлтүрғуси.

Гар заъф¹⁰ ила ожизлигим күнглига раҳме солса ҳам,
Бошимға етгач, секретиб¹¹ беихтиёр ўлтурғуси.

Васли аро гар ўлтиур, жонимға юз минг шукр эрур,
Чун қолсам андин бир замон, ҳижрони зор ўлтиргуси.

¹ Такаллум – сўзлаш.

² Шарор(а) – учқун.

³ Афғон – фиғон, нола.

⁴ Талх – аччик.

⁵ Гардун – фалак, осмон. Бу ерда тақдир маъносида.

⁶ Мажнуншиор – телбасифат.

⁷ Усрук — масть.

⁸ Жавлон қилмоқ – от ўйнатмоқ.

⁹ Девонавор – девоналарча.

¹⁰ Зъф – заифлик.

¹¹ Секретмоқ – сакратмоқ, ўйнатмоқ.

Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони¹ хастаким –
Ҳажр ўлса, ғам куйдурғуси, васл ўлса, ёр ўлтиргуси.

Дерлар: «Навоий қатлифа гул-гул очибдур оразин»²,
Кўргунча они, войким, бу хор-хор³ ўлтурғуси.

БАЁТ III

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Дўйстлар, мен телба ахволига йиғланг зор-зор
Ким, солодур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушган хор-хор⁴.

Истамас бўлса сабо бир-бир кўнгул жамъ айламак,
Нега зулфингни паришонлиғдин⁵ айлар тор-тор⁶?

Сен қуёш бирла муносибсен ўюнда, хўблар⁷
Икки-икки чунки киргайлар отошиб «ёр-ёр».

Кўрқарамким, бўлмағай озурда⁸ нозук қоматинг,
Этнинга хуш-хушки солмиш жаъди анбарбор⁹ бор¹⁰.

Халқа-халқа бўйнума солмиш таноби¹¹ зулфини,
Журми¹² ишқимга магар ҳукм айлади дилдор дор.

Эй Навоий, бўлди ул бут¹³ кофири оташпаст,
Не ажаб, ваҳ-ваҳ, гар урса жонинга зуннор¹⁴ нор¹⁵?

¹ Нотавон – заиф, қувватсиз.

² Ораз – юз.

³ Хор – тикан; мажозан ракиб, ёрнинг бошқа ошиқлари. Агар «хор-хор» чизиксиз, ажратиб ёзилса, «Ракиблар мени хор қилиб ўлдиради» маъносини ҳам тушуниш мумкин.

⁴ Хор – тикан.

⁵ Паришонлиғ – ёйниш, тўзғиши.

⁶ Тор-тор – тола-тола.

⁷ Хўблар – айн. яхшилар. Бу ерда гўзаллар маъносида.

⁸ Озурда – озор чеккан, ранжиган.

⁹ Жаъди анбарбор – хушбўй, ҳарир либос.

¹⁰ Бор – юқ; оғирлик.

¹¹ Таноб – арқон.

¹² Журм – гуноҳ, айб иш.

¹³ Бут – санам.

¹⁴ Зуннор – насрочий ва яхудийларнинг чилвир белбоғи.

¹⁵ Нор – олов.

ЎЛМАСУН

Ж. Султонов мусиқаси

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур¹ ўлмасун²,
Жумлайи оламда расволикка машҳур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй³,
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур⁴ ўлмасун.

Жонима бедоду⁵ зулмин, ё Раб, ул миқдор қил
Ким, анинг ошиқлиғи ҳар кимга мақдур⁶ ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ⁷,
Бизни бузди ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур⁸ ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ⁹, эй тонг ели,
Воқиф¹⁰ ўл, ҳолимни айтур чоғда маҳмур¹¹ ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди¹² кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатға мағрур ўлмасун.

¹ Махжур – айрилган.

² Ўлмасун – бўлмасин.

³ Гуфтугўй(й) – айн. айтди, деди; умуман, сўзлаш, гапириш маъноларида.

⁴ Мазкур – зикр қил(ин)иш, тилга ол(ин)иш.

⁵ Бедод – адолатсизлик.

⁶ Макдур – тақдир килинган.

⁷ Рафиқ – дўст.

⁸ Маъмур – обод.

⁹ Қадаҳ чекмоқ – қадаҳ кўтармоқ, ичмоқ.

¹⁰ Воқиф – хабардор.

¹¹ Маҳмур – маст.

¹² Қовмоқ – қувмоқ.

НАЗЗОРА ҚИЛ

К.Жабборов мусиқаси

Эй пари, юз ёралиқ¹ күнглум сари наззора² қил,
Ёрасиз ҳар қайдаким топсанг ани ҳам ёра қил.

Хайли³ ҳиндудекки, душман илгіда бўлғай асир,
Ҳар бирисин олам ичра бир тараф овора қил.

Чун алар овора бўлди, кўзларимни ҳам ўюб,
Ўтқа ташлаб, уйларин ҳам тош била юз пора қил.

Ул икавдин бошима келган балоу фуссани
Айлабон мундоқ уқубатлар замоне чора қил.

Эй Навоий, ўйнафунг йўқ ишқ то юз кўрмагунг,
Узр айтиб, ер ўпу сўз таркини якбора⁴ қил.

ЭЙ САБО

Д.Зокиров мусиқаси

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга⁵ айт,
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга⁶ айт.

Буки онинг аҳду паймонида мен ўлсам даги⁷,
Яхши фурсат топсанг ул бад аҳду паймонимга⁸ айт.

¹ Ёралиқ – ярали, жароҳатли.

² Наззора – назар, қараш.

³ Хайл – кўшин; тўда, гурух; эл.

⁴ Якбора – бир марта, бир йўла; бетакор.

⁵ Сарви – тик ўсувчи дарахт; мажозан маъшука қомати. Хиром – юриш. Сарви хиромон – айн. юрувчин сарв.

⁶ Хандон – (хандон отиб) кулувчи.

⁷ Даги – яна, тагин.

⁸ Бад аҳду паймон – аҳду паймонига амал қилмайдиган, унутадиган.

Буки юз жон садқаси қилсан пушаймон бўлмагум,
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимга айт.

Даҳр¹ боғи гуллари ҳусни вафосиз эрканин
Юзи гул, жисми суман², кўйи³ гулистонимга айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшанинг сенингдек хушнаво
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимга⁴ айт.

ТАРОНАИ БАЁТ

Фарғона-Тошкент
мақом йўлларидан

Донаи ашкимки⁵, ёғмоғлиғ била афсонадур,
Тухми меҳрин⁶ экмак учун ҳам ёғин, ҳам донадур⁷.

Ишқ комил бўлса, маъшуқ аргувонҳад⁸ бўлмасун,
Каҳрабо⁹ шамъига ҳар қаҳбарг¹⁰ бир парвонадур.

Даҳрнинг¹¹ бегонаваш¹² золига¹³ бўлма ошно
Ким, сени то ошно этти, ўзи бегонадур.

¹ Даҳр – дунё.

² Суман (ёки ёсуман) – ясмин (жасмин) ўсимлиги.

³ Кўй – кўча, йўл.

⁴ Сухандон – сўзга чечан, гапга уста.

⁵ Донаи ашқ – кўз ёш томчиси.

⁶ Тухми меҳр – меҳр уруғи.

⁷ Дона – уруғлик, дон.

⁸ Аргувон – кизил гулли дарахт. Аргувонҳад – аргувон бўйли.

⁹ Каҳрабо – сарик рангли тош, янтарь; сарик.

¹⁰ Қаҳбарг – ҳазон.

¹¹ Даҳр – дунё.

¹² Бегонаваш – бегонасифат.

¹³ Зол – кампир; мажозан дунё тимсоли.

Ул санам кўйида¹ кундуз – гум² кеча, сойир³ кўнгул –
Шаппаредурким⁴, анга кундуз мақарр⁵ бутхонадур⁶.

Эй Навоий, мужиби⁷ саргашталик⁸ эрмиш жунун⁹,
Ичкали бу майни ҳар соат бошим айлонадур.

ТОПМАДИМ

C.Каломов мусиқаси

Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе¹⁰ қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Фам била жонимға еттим, ғамгусоре¹¹ кўрмадим,
Ҳажр¹² ила дилхаста бўлдум, дилситоне¹³ топмадим.

Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон,
Бир камонабрўда¹⁴ туэзликдин¹⁵ нишоне¹⁶ топмадим.

Хусн мулки ичра сенек шоҳи золим кўрмадим,
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне¹⁷ топмадим.

¹ Кўй – кўча, йўл.

² Гум – коронгу.

³ Сойир – сайд қилувчи, айланиб юрувчи.

⁴ Шаппар (шабпар) – кўршапалак.

⁵ Макарр – қароргоҳ, макон.

⁶ Бутхона – вайрон; майхона.

⁷ Мужиб – сабаб.

⁸ Саргашталик – саргардонлик.

⁹ Жунун – телбалик.

¹⁰ Бас(е) – яна, ҳам.

¹¹ Ғамгусор – дардкаш.

¹² Ҳажр – айрилик.

¹³ Дилситон – маҳбуба.

¹⁴ Камонабрў – камон қопши.

¹⁵ Тузлик – тўғрилик.

¹⁶ Нишон(а) – асар, из.

¹⁷ Нотавон – бечораҳол, йўқсил.

Кўп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин булъажаброқ¹ достоне топмадим.

Ул амон² ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен
Бир замон ишқида меҳнатдин³ амоне топмадим.

ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН...

O.Хотамов мусиқаси

Қоши ёсинму⁴ дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Кўзи қаҳринму дейин, киприги заҳринму дейин,
Бу кудурат⁵ ора рухсори⁶ сафосинму⁷ дейин?!

Ишқи дардинму дейин, ҳажри⁸ набардинму⁹ дейин,
Бу қатиг дардлар аро васли давосинму дейин?!

Чарх¹⁰ ранжинму¹¹ дейин, даҳр¹² шиканжинму¹³ дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?!

Эй Навоий, дема, қошу кўзининг васфини эт,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

¹ Булъажаб – ажойиб, қизик.

² Амон – омонлик.

³ Мехнат – машакқат.

⁴ Ё(й) – камон. Шаклан маъшуқанинг қошига ўҳшатилади.

⁵ Кудурат – алам, ташвиш.

⁶ Рухсор – юз, жамол.

⁷ Сафо – соғлиқ, поклик.

⁸ Ҳажр – айрилик.

⁹ Набард – уруш, жанг.

¹⁰ Чарх – фалак, осмон; бу ерда тақдир маъносида.

¹¹ Ранж – алам, озор.

¹² Даҳр – дунё.

¹³ Шиканж – азоб, азият.

МУНОЖОТ¹

И.Икрамов қайта ишлаган²

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрү³ келмади,
Күзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў⁴ келмади.

Ул париваш⁵ ҳажридинким йигладим девонавор⁶,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Толиби содик⁷ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлғаким, аввалқадам⁸ маъшуки ўтру келмади⁹.

Эй Навоий, бода¹⁰ бирла хуррам¹¹ эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

КОШКИ

Ю.Ражабий мусиқаси

Очмағай эрдинг жамолинг олам аро, кошки,
Солмағай эрдинг бори оламда favfo, кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез¹,
Қилмағай эрди кўзум они томошо, кошки.

Бўлмағай эрди кўзум ўтлуқ юзинг кўрган замон
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо, кошки.

Эмдиким девонаю расвои олам бўлмишам,
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо, кошки.

МЎФУЛЧАИ ДУГОХ

«Дугоҳ» мақомидан

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр², чун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

«Ёр ишқин асрагил пинҳон», – дебон саъй этмангиз³,
Ваҳ, не навъ⁴ этгум йўқ ишни ошкор, эй дўстлар?

Ишқ бирла гар бирав лофи вафоу аҳд урап,
Ишвагарлар⁵ аҳдига йўқ эътибор, эй дўстлар.

¹ Муножот – ёлвориш, нажот тила(б ялинин)ш.

² «Муножот»ни О.Хотамов Чимкент-Сайрам ижрочилик мактаби намояндаси Сultonхон танбурга нисбат берган (М.Т.).

³ Сарв – тик ўсадиган дараҳт. Гулрў(й) – гул юзли.

⁴ Бадхў(й) – феъли ёмон.

⁵ Париваш – парига ўхшаш, парисифат.

⁶ Девонавор – девоналардай.

⁷ Толиби содик – садоқатли талағор, ошиқ.

⁸ Аввалқадам – қадами илгарилаб кетувчи, шошилиб юрувчи; олдинда борувчи, етакчи.

⁹ Ўтру келмоқ – дуч келмоқ; пешвоз чиқмоқ, қарши олмоқ. Шунингдек, сўз ўйини:
ўт ру (ўт рўй) – ўт юзли.

¹⁰ Бода – май, шароб.

¹¹ Хуррам – мамнун, хурсанд.

¹ Рустахез солмоқ – favfo солмоқ.

² Ҳажр – айрилик.

³ Саъй этмоқ – ҳаракат килмоқ.

⁴ Не навъ – қандай (килиб)?

⁵ Ишвагар – ишва қилувчи.

Айламанг бекаслигимни¹ таън², бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин чобуксувор³, эй дўстлар.

Ёрсиз вайронда қон йиглармен охир, сиз қилинг
Ёр бирла гашти боғу лолазор⁴, эй дўстлар.

Ёрсиз ифrot⁵ ила гар йигласам, айб этмангиз
Ким, эрур бу иш манга беихтиёр, эй дўстлар.

Дўстлук айлаб тутунг гаҳ-гаҳ лаболаб жомким⁶,
Қасди жон қилмиш манга дарди хумор⁷, эй дўстлар.

Май ичингким, даҳр⁸ эли ичра кўп истаб топмадук
Аҳду паймонида бўлғон устувор⁹, эй дўстлар.

Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр айлангиз
Ким, Навоий ўлди бекасликда зор, эй дўстлар.

НАСРУЛЛОЙИ

«Бузрук» мақомидан

Паризодеки мушкин¹ зулфи² жоним мустаманд³ этмиш,
Малоик⁴ қушлари ул ҳалқамўлар⁵ бирла банд этмиш⁶.

Самандингким⁷ ёлиндек⁸ тез эрур, юз шукрким, гардун⁹
Анга бизни самандарваш¹⁰, мунга гарди¹¹ саманд этмиш.

Чекарга ишқ оташгоҳига¹² девона кўнглимни
Қазо ҳар бир шарап¹³ торини бир ўтлуқ каманд¹⁴ этмиш.

Вафога телбалиқдин нописанд ўлсам, они кўрким,
Жафога кимни менча ул пари пайкар¹⁵ писанд этмиш.

Лабингда нўшу¹⁶ заҳри ҳажр¹⁷ оғзимда – тонг эрмас¹⁸, гар
Менга ҳар заҳрханд¹⁹ ўлғонда ул бир нўшханд²⁰ этмиш.

¹ Мушкин – мушкли. Мушк – қора, хушбўй модда.

² Зулф – соч, гажак.

³ Мустаманд – ғамгин.

⁴ Малоик – малаклар.

⁵ Ҳалқамў – ҳалқасимон жингалак соч.

⁶ Банд этмоқ – боғла(б ол)моқ.

⁷ Саманд – тулпор.

⁸ Ёлин – яшин.

⁹ Гардун – осмон, фалак; такдир.

¹⁰ Самандарваш – самандар каби. Самандар – калтакесакка ўхшаш афсонавий махлук. Эмишки, у оловда яшайди.

¹¹ Гард – чанг; из.

¹² Оташгоҳ – ўтхона; ўчок.

¹³ Шарап – учқун, алангя.

¹⁴ Каманд – сиртмоқ(ли арқон).

¹⁵ Пари пайкар – айн. пари жуссали; парига ўхшаш.

¹⁶ Нўш – ичиш; ичимлик.

¹⁷ Заҳри ҳажр – айрилиқ заҳри.

¹⁸ Тонг эрмас – ажаб эмас.

¹⁹ Заҳрханд – заҳарханда, кинояли кулгу.

²⁰ Нўшханд – чиройли (ширин) табассум.

¹ Бекас – ёлғиз, ҳеч кими йўқ.

² Таън – таъна.

³ Чобуксувор – чавандоз; айн. чобук – тез, чаккон; сувор – отлик.

⁴ Гашти боғу лолазор – боғу лолазорни сайр қилиш.

⁵ Ифrot – ҳаддан ортиш.

⁶ Жом – қадаҳ.

⁷ Хумор – кучли хошиш, қўмсаши.

⁸ Даҳр – дунё.

⁹ Устувор – маҳкам; кучли; катъий.

Лаби лаълин малоҳат¹ холи бирла баҳравар² қилғон
Менинг жонимни доги ишқ бирла баҳраманд этмиш.

Биравким сарвдек озодаваш³ бўлди бу боғ ичра,
Қазо дехқони⁴ ҳам сарсабз⁵ ани, ҳам сарбаланд⁶ этмиш.

Майи равшан тут, эй сокийки, кўнглим тийра⁷ қилмиш шайх⁸,
Дами афсун⁹ била, баским, анга изҳори панд этмиш.

Навоий, кеч висол уммидидинким, Ҳақ сени беҳад
Залилу¹⁰ зору ёрингни азизу аржуманд¹¹ этмиш.

НАСРИ УЗЗОЛ

«Бузрук» мақомидан

Юзингда май гули¹² ё гул очилғон бўстондур бу?
Гулунгда қатра хай¹³ – бўстондағи сувдин нишондур бу.

Кўзумда қатра қонлар боғлагон эрмас ҳамоноким,
Назар боғида шавқунгдин очилғон аргувондур¹⁴ бу.

Эмас васлинг тилаб учқон кўзум атрофида кирпик
Қим, ул дарёйи¹ қушларға қамишдин ошёндур² бу.

Кўнгулдин чиққон оҳим айлар афзун³ халқ савдосин⁴
Ки, шайдолиқ диёридин етишган корвондур бу.

Лабиндин хастадур кўнглум, дам очма, эй Масиҳ⁵, ўтким,
Иложин юз сенингдекнинг беганмас⁶ нотавондур⁷ бу.

Қуюндеқ дашт аро кўрсанг мени кўп қочмаким, ҳар дам
Бошингга эврулур⁸ саргаштайи⁹ бехонумондур¹⁰ бу.

Кўнгул – майхона роми, хотирим¹¹ хуш май батидинким¹²,
Мунга руҳ ул-аминдур¹³ ул, анга дор ул-амондур¹⁴ бу.

Дема: «Ҳижрон туни ҳар дам етар ул ойға фарёдим»,
Ул ой фарёдинга етмас, Навоий, не фигондур¹⁵ бу?!

¹ Малоҳат – ёқимлилик.

² Баҳравар – баҳраманд.

³ Озодаваш – асли тоза.

⁴ Қазо дехқони – Худога ишора.

⁵ Сарсабз – яшил; яшнаб турган.

⁶ Сарбаланд – юксак.

⁷ Тийра – хира, нурсиз.

⁸ Шайх – айн. қария; дин пешвоси.

⁹ Дами афсун – афсун(гарлик) лофи.

¹⁰ Залил – хор, тубан.

¹¹ Аржуманд – кадрли.

¹² Май гули – майга ташлаб қўйилган гулбарг.

¹³ Хай – тер томчиси.

¹⁴ Аргувон – қизил гулли ўсимлиник.

¹ Дарёйи – дарё бўйида яшовчи.

² Ошён – макон, тураржой.

³ Афзун – ортиқ, кўп.

⁴ Савдо – ташвиш, ғам; кора(лик).

⁵ Масиҳ – Исо (а.с.)нинг лақаби, ўликларни тирилтирувчи, жонбахш.

⁶ Беганмоқ – маъқул топмок, тўғри деб билмоқ.

⁷ Нотавон – заиф, кувватсиз.

⁸ Эврулмок – айланмоқ; ўргилмок.

⁹ Саргашта – сарсон.

¹⁰ Бехонумон – ҳеч вақоси йўқ.

¹¹ Хотир – ўй, хаёл; кўнгил.

¹² Бат – ўрдак; ўрдак шаклидаги қадаҳ.

¹³ Руҳ ул-амин – Жаброил (а.с.)нинг лақаби; айн. ишончли руҳ.

¹⁴ Дор ул-амон – айн. омонлик уйи.

¹⁵ Фигон – нола, фарёд.

БҮЛМИШ

О.Хотамов мусиқасы

Бизинг¹ шайдо күнгүл бечора бўлмиш,
Маломат² даштида овора бўлмиш.

Анга баским, ёғар тош устига тош,
Танида ёра³ узра ёра бўлмиш.

Уардин дам-бадам хорога⁴ бошин
Сўнгаклар⁵ анда пора-пора бўлмиш.

Бало тоги аро ётқанда бемор
Хирад⁶ синжоби⁷ хору хора бўлмиш.

Қаро қилди нечукким рўзгорим⁸?
Онинг ҳам рўзгори қора бўлмиш.

Қадаҳ хуршиди⁹ қониким, ғамидин
Сиришким¹⁰ кавкаби сайёра¹¹ бўлмиш.

Навоий, чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингра чорасизлиқ чора бўлмиш.

¹ Бизинг – бизнинг.

² Маломат – таъна. Бу сўз аслиятда «малолат» (зерикиш, сиқилиш) тарзида берилган (Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. 186-бет).

³ Ёра – яра, жароҳат.

⁴ Хоро (хора) – тош; қоя.

⁵ Сўнгак – суюк.

⁶ Хирад – ақл.

⁷ Синжоб – силовсин.

⁸ Рўзгор – хаёт; кисмат.

⁹ Хуршид – куёш.

¹⁰ Сиришк – кўз ёши.

¹¹ Кавкаби сайёра – сайр қилувчи (харакатдаги) юлдуз.

ИРОҚИ БУХОРО¹

«Бузрук» мақомидан

На бўлди, дардима, эй бевафо, даво қилсанг,
Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг?

Танимни қурб² физосида хоки роҳ³ этдинг,
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Сунуб қўлумни⁴ юзунгга, мурод этиб ҳосил,
Очиб юзунгни, кўзум ҳожатин раво қилсанг.

Висол авжи бийик⁵, эй кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг?

Жаҳон ғамин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул⁶ айларсен,
Алар тағофул этиб, кош⁷, сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур, vale ул ой боқмас,
Навоиё, неча булбул киби наво қилсанг.

¹ Бу ғазал «Баёти Шерозий»да ҳам айтилган.

² Курб – яқинлик. Курбфизо – яқинлик бағишловчи.

³ Хоки роҳ – йўлдаги тупрок, гард.

⁴ Сунмоқ – узатмок.

⁵ Висол авжи бийик – висолнинг осмони баланд, юкори.

⁶ Тағофул – эътиборсизлик, бепарволик.

⁷ Кош – кошки, қанийди.

БАЁТ V¹

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

То муҳаббат дашти бепоёнида оввораман,
Хар балият² келса ишқ ошубидин³, бечораман.

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам?
Бўйлаким⁴, ишқу жунун саҳросида оввораман.

Қайси захмимга⁵ қилурсан чора, чун мен, эй рафиқ⁶,
Тийр⁷ борони⁸ балиятдин саросар⁹ ёраман.

Оҳ дуди¹⁰ ичра бир учқун киби кўрган мени
Билдики, ҳижрон тунида кавкаби сайёраман.

Кеча ўртансам, саҳар фарёд қилсам, не ажаб,
Ишқ аро парвонаю¹¹ булбулга мен ҳамкораман¹².

Эй Навоий, борди деб аҳбоб¹³ таъжил¹⁴ этма кўп,
Ит каби мен эргашиб ул корвонга бораман.

¹ Бу ғазал «Муҳаббат дашти» номи билан Ю.Ражабий мусиқасида ҳам ижро этилади.

² Балият (балият) – бало, қайгу, мусибат.

³ Ошуб – ғавғо, тўполон.

⁴ Бўйло – бундай, бу каби, шунчалик, шунчалар.

⁵ Захм – яра, жароҳат.

⁶ Рафиқ – дўст, ёр, улфат.

⁷ Тийр (тир) – ўқ, камон ўқи.

⁸ Борон – ёмғир. Тийр борони – ўқлар ёмғири.

⁹ Саросар – бошдан-оёқ, буткул, бутунлай.

¹⁰ Оҳ дуди – оҳу нола тутуни.

¹¹ Парвона – шам, чироқ каби ёритқичлар атрофида то қуйиб тушмагунича тиним-сиз айланаверадиган капалаксимон ҳашарот; мумтоз адабиётда ошиқ тимсоли.

¹² Ҳамкор(а) – шерик, улфат.

¹³ Борди деб аҳбоб – дўустлар кетди деб.

¹⁴ Таъжил – тезлик, шошилинч. Таъжил этмоқ – шошилтирмок.

САРПАРДА

(Каримқулибеги)

Эврулай¹ бошингга беҳушу ҳайронинг бўлай,
Бир замон садқанг бўлай, ҳар лаҳза қурбонинг бўлай.

Хони васлингдин² агар қовса³, рақибинг рағмиға⁴,
Кўнглум истардек тахайюл⁵ бирла меҳмонинг бўлай.

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек?
Кўзу зулфунгдин⁶ неча маству паришонинг бўлай.

Хуштурур – васлинг майдидин ҳар тараф хирқамда⁷ доғ,
Неча, жоно, мубталойи доғи ҳижронинг⁸ бўлай?!?

Гарчи бандангмен, мени озод қилма лутфдин⁹
Ким, қуюндек садқаи сарви хиромонинг¹⁰ бўлай.

Танни жилванг вақти туфроқ айлай, эй чобуксувор,¹¹
То бошингга эврулурға гарди майдонинг бўлай.

Эй Навоий, гунгу лол истар эсам, тонг йўқ, сени,
Тобакай озурдаи фарёду ағфонинг бўлай?!¹²

¹ Эврулмок – айланмок, ўргилмок.

² Хони васл – висол дастурхони.

³ Қовмок – қувмок, ҳайдамок.

⁴ Рақибинг рағмиға – рақибнинг хошишига қарши, рақиб истамаса ҳам.

⁵ Тахайюл – хаёл, хаёлот.

⁶ Зулф – соч.

⁷ Хирка – сўфийлар чопони.

⁸ Доғи ҳижрон – айрилик доғи, жудолик алами.

⁹ Лутф – марҳамат, муруват.

¹⁰ Садқаи сарви хиромон – гўзал коматли ёрнинг солланиб юришига садага бўлиш.

¹¹ Мисра мазмуни: эй чобуксувор – эй от ўйнатиб келувчи ёр! Сенинг биргина жилванг учун танимни туфроқка кўшай.

¹² Байт мазмуни: эй Навоий, сенинг соқов бўлиб, гапиролмай қолишингни истайман. Нега ҳайрон бўласан, ахир, қачонгача сенинг нолаю фарёдингдан озор кўриб, безор бўлиб юрай?!

ЖАФО ҚИЛМИШ

К.Жабборов мусиқасы

Күнгүлни бу кеча бир ой хаёли мубтало қилмиш
Ки, уйқу хайлини¹ күзлар саводидин² жало³ қилмиш.

Вафосизлик мұхаббат ахли оридур, хушо⁴ улким,
Хәёти нақдина⁵ бир қотил олинда⁶ фидо қилмиш.

Висол истар эсанг қочма балиятдинки⁷, күргузмиш
Ниёз ахли⁸ вафо, ҳар неча ноз ахли⁹ жафо қилмиш.

ГУЛ СОЧАР ЕЛ

Халқ ашуласи асосида

Ю.Ражабий қайта ишлаган

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму,
Жон иси гулдин келур, оромижоним келдиму?

Бехуд эрдим айтгали күнглум, чу келдим ҳолима,
Айтинг, ул овораи бехонумоним келдиму?

Демангизким: «Келди маҳвашлар сени ўлтурғали»,
Муни денгким, қотили номеҳрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум, демангким, бошима келмиш Масих,
Айтинг, ул осойиши рухи равоним келдиму?

¹ Хайл – күшин; тұда, гурух. Уйқу хайли – уйқу, ухлашга бұлған кучли хоши.

² Күзлар саводи – күзлар кораси.

³ Жало қилмоқ – чиқиб кетмок; чиқариб (кувиб) юбормок.

⁴ Хушо – қандай яхши.

⁵ Накд – пул; бойлик. Бу ерда «жон» маъносида.

⁶ Олида – олдода, кошида.

⁷ Балият – бало, оғат.

⁸ Ниёз ахли – мұхтож кишилар; ошиқлар.

⁹ Ноз ахли – ноз-карашма килювчилар; севиклилар.

Мазмуни:

Нега шамол боғда гулларни сочмоқда, сарвдек хүшқомат
Әрим келдими? Гуллардан ҳам гүёки жоннинг ҳиди келяпти,
Жонимнинг ороми – ёрим келдими?

Күнглимдаги гапларни айтай десам, күнглиминг ўзи йүқ
Ади: үша ёрни излаб кетиб қолғанди. Мана энди ўзимга кел-
ғандайман. Айтинг, у бошпанаси йүқ оворагинам, яъни күнг-
ним келдими?

«Ой юзли гүзаллар сени ўлдирғани келди», – деманг мен-
га. Үндан кўра бемехр қотилим келдими-йўқми – ана шундан
Гапиринг.

Мени ёр ҳажридан ўлди деб ўйламанг, бошимга ўликларни
тирилтирувчи Масих – Исо (а.с.)нинг ўзи келиб турибди. Рұхим
осойишталигининг боиси бўлмиш үша жонон келдими, айтинг!

ЎЗГАЧА

М.Тиллаев мусиқасы

Ваҳки, чамандин яна эсди шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин күнглума ҳол ўзгача.

Булбулу құмри чекиб лаҳну наво ўзга нав¹,
Күргузадур сарву гул ғанжу далол² ўзгача.

Савсан³ ўлиб сарбаланд, ғунча қилиб нұшханд⁴,
Элга алардин етиб дафъи малол⁵ ўзгача.

Сунбули пуртоб⁶ ҳам, лолайи сероб ҳам
Дуд ила ўтдин бўлиб шибху⁷ мисол ўзгача.

¹ Лахну наво ўзга нав – одатдагидан бошқача күй ва наво.

² Ғанжу далол – ноз-карашмую қилик.

³ Савсан – гулсағсар.

⁴ Нұшханд – чиройли табассум.

⁵ Дафъи малол – малолликнинг йўқотилиши.

⁶ Сунбули пуртоб – ўралиб-буралиб ётган сунбул (узун бағлғы манзаради ўсим-
ник); маъшуканнинг жингалак сочига ишора.

⁷ Шибх – киёс, ўхшатиш.

Кирди магар дилбарим, ҳури пари пайкарим –
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса менга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсан эди, маст ўлиб, қолу мақол¹ ўзгача.

Зуҳд², Навоий, сенга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр³ аро тарҳ(и)ни⁴ сол ўзгача.

ҲАНУЗ⁵

*«Катта ашула» йўллари
асосида чолгулашибирган*

Халқ билур ошиқлигимни, ёр билмайдур ҳануз,
Ишқ ўти, ё Раб, анга ҳеч кор қилмайдур ҳануз.

Қайға борсам ахтариб ёримни топғайман дебон,
Бул менинг шум толеъимға⁶ ёр келмайдур ҳануз.

Ҳар киши кўрса мени, раҳми келиб йиглар мудом,
Йиғлаб айтсам: «Бевафонинг раҳми келмайдур ҳануз».

Эй Навоий, айб эмас кўйида⁷ ўлсанг ёрнинг,
Кўйида ўлсанг, ани парвойи келмайдур ҳануз.

¹ Қолу мақол – сўзу гап.

² Зуҳд – такво.

³ Дайр – майхона.

⁴ Тарҳ – режа.

⁵ Бу ғазал матни Навоий девонларида учрамади.

⁶ Шум толеъ – баҳти қора.

⁷ Кўй – кўча, йўл.

ЧОРЗАРБ

Фаргона мумтоз йўлларидан

Йўқ даҳрда¹ гарчи ёр сенек,
Душман даги² қайда бор сенек?

Эй хаста кўнгул, сенга керак васл³,
Йўқ ҳажрда⁴ чунки зор сенек.

Не ишқ ора хокисор⁵ мендек,
Не ҳусн ора шаҳсувор⁶ сенек.

Гулгун⁷ тўн уза қаро чавук⁸ нақш –
Очилмади лолазор сенек!

Эй гул, тўқасен хумордин қон,
Ул нарғиси пурхумор⁹ сенек.

Йўқ зулфига тушкали, Навоий,
Ошуфтаи рўзгор¹⁰ сенек.

¹ Даҳр – дунё, замон.

² Даги – яна.

³ Васл – висол, ёрга етишиш.

⁴ Ҳажр – хижрон, айрилик.

⁵ Хокисор – оёқости бўлган.

⁶ Шаҳсувор – маҳбуба.

⁷ Гулгун – қизил.

⁸ Чавук, чавак (аслида, жавак) – 1) арпа ранг, арпа гулли; 2) паранжининг бир тури.

⁹ Пурхумор – фоят хумор килган.

¹⁰ Ошуфтаи рўзгор – қисмати паришон, турмуши, ҳаёти тартибиз.

АЙЛАСА

Хоразм мақомларида «Рост» мақомининг
талқини сифатида ҳам айтилади

Кўнглум ўртансун¹, агар гайрига² парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳамким сенинг ишқингни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно³ айласам навмид⁴ ўлай,
Ҳар киши ҳамки сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Гайр зикрин⁵ ошкоро этса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашқдин жонимга ҳар наргис⁶ кўзи бир шуъладур,
Бог аро ногаҳ ҳиром⁷ ул сарви раъно⁸ айласа.

Офият⁹ жонимга етди, эй хушо¹⁰, муғким¹¹ мени
Бир қадаҳ бирла ҳаробот¹² ичра расво айласа.

Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма, нечаким
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.¹³

¹ Ўртамоқ – кўймоқ, азбланмоқ.

² Гайри – бегона.

³ Таманно – орзу.

⁴ Навмид – ноумид, умидсиз.

⁵ Зикр – исмини тилга олиш, такрорлаш.

⁶ Наргис – айн. бўтакўз гул.

⁷ Ҳиром айламок – қадам ташламок, юрмок.

⁸ Сарви раъно – кад-комати сарв дараҳтидай тик ва раъно гули каби гўзал.

⁹ Офиат – соғлик, тинчлик.

¹⁰ Хушо – нақадар яхши.

¹¹ Муғ – майфуруш.

¹² Ҳаробот – майхона.

¹³ Байт мазмуни: эй Навоий, бу замоннинг (ёки дунёнинг) шўх гўзали қўёшдай пор-
лок юзи узра тундай кора сочларини ёйиб, жилваланса ҳам, унга ўлжа, яни ошик
бўлиб қолма.

БЎЛМАСА¹

Хоразм мақомларида
«Талқини Рост» сифатида айтилган

Гул керакмастур менга, мажлисда саҳбо² бўлмаса,
Найлайн саҳбони, бир гул мажлисоро бўлмаса!?

Базм аро хушдур қадаҳ қавқаб³, валие эрмас тамом,
Мутриби хушлаҳжай⁴ хуршидсиймо⁵ бўлмаса.

Мехру⁶ Моҳу⁷ Муштарию⁸ Зуҳра⁹ чун қилди тулуъ¹⁰,
Ҳеч наҳс ахтар¹¹ тулуъи анда қатъо¹² бўлмаса.

Мунча ҳам бўлса муюссар, жамъ эмас хотир ҳануз,
Токи муғ кўйида¹³ бир маҳфуз маъво¹⁴ бўлмаса.

Чун бу ерда ичкаридин руст боғланди¹⁵ эшик,
Одам эрмас ул кишиким, бодапаймо¹⁶ бўлмаса.

¹ «Хуноб I» ва «Хуноб II» мусиқаларида ҳам айтилган.

² Саҳбо – қизил май.

³ Қавқаб – юлдуз.

⁴ Мутриби хушлаҳжая – хушовоз ашуплачи.

⁵ Ҳуршидсиймо – қуёш юзли.

⁶ Мехр – қуёш.

⁷ Моҳ – ой.

⁸ Муштарий – Юпитер сайдераси.

⁹ Зуҳра – юлдуз номи.

¹⁰ Тулуъ қилмоқ – чиқмоқ, кўтарилимок.

¹¹ Наҳс ахтар – кулфатдан дарак берувчи, баҳтсизлик юлдузи.

¹² Қатъо – асло, катъян.

¹³ Муғ кўйида – майхона йўлида.

¹⁴ Маҳфуз маъво – яширилган, химояланган бошпана.

¹⁵ Руст боғланди – маҳкам беркитилди.

¹⁶ Бодапаймо – соқий, май қуючи. Бодапаймо бўлмок – бу ўринда «май ичмок»
матьносида.

Хуш турур бу навъ амният¹, vale оқшомғача
Гар фалакдин² бир хиёнат ошкоро бўлмаса.

Ҳар кишига умрида бу навъ бир кун берса даст,
То абад ғам йўқ, агар бўлса яна ё бўлмаса.³

Умр базмида нашот⁴ асбоби дилкашдур басе,
Гар ҳаводис шаҳнасидин⁵ анда яғмо⁶ бўлмаса.

Эй Навоий, гар насибингдур абад умри, керак –
Хотирингда⁷ ёрдин ўзга таманно⁸ бўлмаса.

ИШҚ

Хоразм мумтоз йўлларидан

Оҳким, ғам тифидин кўксимни қилди чок⁹ ишқ,
Дуди оҳимдин¹⁰ кўзимни айлади ғамнок¹¹ ишқ.

Дард кирмак бирла жон чиқмоққа гар йўл топмади,
Не учун ғам тифидин кўксимни қилди чок ишқ!?

Ул пари кўйидаким¹² ҳар лаҳза юз минг бош борур –
Судрабон элтур мени девонани¹³ бебок¹⁴ ишқ.

¹ Бу навъ амният – бундай омонлик.

² Фалак – коинот; бу ерда тақдир, қисмат маъноларида.

³ Байт мазмуни: кимтаки умрида ақалли бир кунни шу тарзда ўтказиш насиб бўлса, бундай имконият яна бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, унинг ўлгунча ғами, армони бўлмайди.

⁴ Нашот – шодлик.

⁵ Ҳаводис шаҳнаси – айн. воқеалар соқчиси; тақдир маъносида деб тахмин қилинди.

⁶ Яғмо – талон-торож.

⁷ Хотир – 1) хаёл, ўй; 2) эс, хотира, ёд; 3) кўнгил.

⁸ Таманно – истак, хошиш, орзу.

⁹ Чок – бу ерда: жароҳат.

¹⁰ Дуди оҳим – оҳим тутуни.

¹¹ Ғамнок – ғамгин.

¹² Кўй – йўл, кўча.

¹³ Девона – ишқ телбаси.

¹⁴ Бебок – тошбагир, раҳмсиз.

Кўзима ҳар дам ёруғроқдур юзингнинг кўзгуси,
Ҳосият мундоғ эмуш, ҳар кимда бўлса пок ишқ.

Ошиқ ўлди хаста жон кўргач ул оташ порани,
Оллоҳ-оллоҳ, барқ ила ўйнайдурур хошок ишқ.¹

Ишқ водийсига кирган, ёнки андин, ҳар қуюн
Ким, чиқар саргаштаедурким қилибдур хок ишқ.²

Эй Навоий, ошиқеким сен киби истар фароғ,
Гар эрур мажнунки, ул қилмайдурур идрок ишқ.³

ОШИҚ

Маткарим ҳофиз мусиқаси

Бир қатла бўлса эрди ул гулъузор⁴ ошиқ,
Бўлғайму эрди мунча оллида⁵ хор ошиқ?

Ишқ ичра куйса эрди бир тун, қилур эди раҳм,
Ғам шоми оҳ ўтидин чекса шарор⁶ ошиқ.

Хоре аёғин афгор этмай не фикри бўлгай,
Гар қилса хора бирла кўксин фигор ошиқ?⁷

¹ Байт мазмуни: ўша бир парча оловни (яъни порлок, ҳароратли юзни) кўргач менинг бу хаста жоним ошиқ бўлиб қолди. Ё тавба, бу ишқ ўйини қандай ўйин экан-а, хаста жон ўзи хас-хашакдай бўла туриб, ўт билан ўйнашади-я!

² Байт мазмуни: эй ишқ водийсига кирган киши, у ердан (ортингта) қайт, (у даштда) кўтарилиган куюнлар, аслида, ишқ тупроққа айлантирган сарсон-саргардонлардир.

³ Байт мазмуни: эй Навоий, фақат мажнун (тегба) бўлган ошикларгина сенга ўхшаб фароғат (хотиржамлик) исташи мумкин.

⁴ Гулъузор – гулюзли.

⁵ Оллида – оллида.

⁶ Шарор – учкун, алангга.

⁷ Байт мазмуни: оёғига бир тикан санчилмай туриб у жонона ўз кўксига ўзи тош билан уриб жароҳатланастган ошиқ аҳволини қаердан ҳам ўйлаб кўрарди?

Жонни фидоси қылсам, таън этмангизки¹, бордир
Ёр оллида ўларга беихтиёр ошиқ.

Шамъи жамолин очғач ўртамагим не тонгким,²
Куймак аро керакдир парвонавор³ ошиқ.

Ишқ ичра эътиборинг гар йўқ, бу мўътабардир,
Бўлса керак фанодин⁴ беэътибор ошиқ.

Ошиқ эсанг, Навоий, кўп заъфдин ториқма,
Не бўлгусидир ўлмай зору назор ошиқ?⁵

ТОНГ НАСИМИ

Ю.Ражабий мусиқаси

Тонг насимин⁶ сойир⁷ этган гулъузоримдур менинг,
Сакратиб майдонға кирган шаҳсуворимдур⁸ менинг.

Гард эмас гардунда, балким кўрмасун деб эл кўзи
Волиҳу саргашта жони хокисоримдур менинг.⁹

¹ Таън этмоқ – таъна қилмок, дашном бермок.

² Мисра мазмуни: ёрнинг (хижрон туфайли кўзимга коронғу кўринган дунёни ёри-тиб турган) шамдек жамолини кўргач унга талпиниб ўрганишим – куйишменинг ҳеч ажабланарни жойи йўқ..

³ Парвонавор – парвона (шам ёки чирок атрофида учувчи майда капалак) каби, парвонага ўҳшаб.

⁴ Фано – йўқлик, ўзликни йўқотиши.

⁵ Байт мазмуни: эй Навоий, агар сен чиндан ҳам ошиқ бўлсанг, бемажол, бечо-раҳоллигингни ўйлаб сикилаверма. Ахир ошиқ дегани хору зор бўлмай яна нима ҳам бўларди?!

⁶ Тонг насимин – тонгти шаббодани.

⁷ Сойир – сайр қилювчи, кезиб юрувчи. Сойир этмоқ – кезиб, тентираб юрадиган (девона) қилиб кўймоқ.

⁸ Шаҳсувор – 1) моҳир чавандоз; 2) маҳбуба, севикли ёр.

⁹ Байт мазмуни: ёр от чоптириб ўтганда ортидан осмонга кўтарилиган чанг эмас, балки «Ёримни эл (бошқалар) кўриб колмасин» деган рашик билан осмонга ўрлаб, тўзғиб ётган шайдо, сарсон-саргардон, хокисор жонимдир. Байтнинг «...кўрмасун деб ёр кўзи...» тар-зида айтилиши кўпол хатоликка, маънонинг бутунлай бузилишига олиб келади.

Баски, термулди кўзим кўргайму деб майдон аро,
Кўз қароси йўқки, доғи интизоримдур¹ менинг.

Йўлида айлай фидо кўз гавҳарин, жон гавҳари,
Эй Навоий, етса ул чобук, нисоримдур менинг.²

БАЁТ IV

Фаргонга-Тошкент мақом йўлларидан

Эй, каломи жонғизойинг нақди жондин яхшироқ,
Лаъли жонбахшинг ҳаёти жовидондин яхшироқ.

Гарчи ҳажрингдин ёмон ҳолатдамен, лекин манга
Кимки андин яхшироқ йўқ, сенсен ондин яхшироқ.

Халқ тарки ишқинг айларга бировни қатл учун
Гар тиларсен, топмагунг мен нотавондин яхшироқ.

Ишқ саҳросида ёд этма ватандин, эй хирад
Ким, бу навъ овворалиғ юз хонумондин яхшироқ.

Дайр аро яхши-ёмон оллида бош қўйсам, не тонг,
Кимки йўқ ондин ёмонроқ, мен ёмондин яхшироқ.

Эй Навоий, хурдаи назмингға ислоҳ истасанг,
Кимса қилмас они шоҳи хурдадондин яхшироқ.

¹ Доғи интизор – интизорлик туфайли кўзга тушган доғ.

² Байт мазмуни: эй Навоий, кўзимнинг гавҳарини ёр йўлида фидо қила қолай, жонимнинг гавҳари эса ўша чаққон, шўх, ўйноки жонона келганида кадамига нисор сочки бўлади. Кейнинг мисранинг «Эй Навоий, етса ул чобуксуворимдур менинг» тарзида айтилиши байтнинг нотўғри тушунилишига ёки ҳеч қандай маъно англат-маслигига сабаб бўлади.

Мазмуни:

Эй ёр, сенинг жонга ором, қувват берувчи сўзинг жоннинг ўзидан ҳам яхшироқ, сенсиз ўлиқдек бу танимга жон баҳш этувчи, қимматбаҳо лаълдек қип-қизил лабларинг абадий ҳаётдан кўра яхшироқ, ёқимлироқдир.

Гарчи айрилиқда сен туфайли аҳволим ёмон бўлса ҳам, лекин сендан асло ранжимайман. Аксинча, агар мен учун ундан яхшироқ ҳеч кимса бўлмаган кимдир бор бўлса, сен ундан ҳам яхшироқсан.

Халқ (одамлар) сенинг ишқингни тарк этсин учун уларни кўрқитиш, чўчитиш мақсадида кимнидир қатл этмоқчи бўсанту ўша «кимдир»ни қидириб юрган бўлсанг, билиб қўй, мен бечорадан яхширогини тополмайсан.

Эй ақл! Ишқ саҳросида эканмиз, ватани – уй-жойни эслама, чунки бундайин оворалик, дарбадарлик юзлаб хонумондан – уй-жойу рўзгордан яхшироқдир.

Майхонада каттаю кичик, яхшию ёмонга бирдай бош эгиб, бўйин сунсам, уларнинг олдида ўзимни паст олсам, ажабланарли жойи йўқ: бу ерда ундан ёмонроқ ҳеч кимса бўлмаган бирор киши бўлса, ҳатто ўша ҳам мен ёмондан кўра яхшироқдир.

Эй Навоий, агар шеърларингдаги нозик маъноларда бирон нуқсон сезсанту уни тўғрилатмоқчи бўлсанг, бу ишни ҳеч ким чукур билим эгаси бўлган шоҳдан (Ҳусайн Бойқародан) кўра яхшироқ уддалай олмайди.

НИШОНА

О.Қосимов мусиқаси

Фаминг ўқики кўнгуллар уйин нишона¹ қилур,
Менинг бу хоки таним ичра етди, хона қилур².

Лабинг баҳонасиз эл қонини тўкар ҳар дам,
Менга чу етди иш, албатта бир баҳона қилур.

¹ Нишона – нишон, мўлжал.

² Хона қилмоқ – кўним топмоқ, ўрнашмоқ.

Кўнгул берурда фусунлиғ¹ кўзига, билмас эдим
Ки, эл ичинда мени оқибат фасона² қилур.

Кўнгулда жавҳари пайкониники³ йиғмиш жон,
Ажаб эмаски, бу вайронани хазона⁴ қилур.

Десаки: «Меҳр гиёҳин кўқартайин», гардун
Замона аҳли вафо кўз ёшини дона⁵ қилур.

Ҳалок доми⁶ ёяр субҳҳез қушлар⁷ учун
Саҳар елики, чаман сунбулини шона қилур.⁸

Насиба булбул учун хори ғам⁹ дурур, ул ҳам
Навоий нағмаси¹⁰ бирла магар тарона қилур¹¹.

ТАЛҚИНИ БАЁТ

«Наво» мақомидан

Оташин гул баргидин хилъатки¹² жононимдадур,
Хилъат эрмас ул, бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидуурурким¹³, анда музмар бўлди¹⁴ жон,
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур.

¹ Фусунлиғ – сехрли.

² Фасона – афсона; бу ўринда эл орасида гап-сўз бўлиш маъносида.

³ Пайкон – камон ўқи.

⁴ Хазона – хазиналар.

⁵ Дона – меҳр гиёҳи учун уруғлик.

⁶ Ҳалок доми – ҳалокатли тузоқ.

⁷ Субҳҳез қушлар – эрта уйғонувчи қушлар.

⁸ Мисра мазмуни: тонгти шабада ёрнинг сунбулдай соchlарини ёйиб тарайди.

⁹ Хори ғам – ғам тиканлари.

¹⁰ Нагма – оҳанг, куй.

¹¹ Тарона қилмоқ – куйламоқ.

¹² Хилъат – ҳашаматли устки кийим.

¹³ Лаъл – қизил рангли қимматбаҳо тош; мажозан маъшуқа лаби. Оташин лаъли – ўтли, хароратли лаби.

¹⁴ Музмар бўлмоқ – яшириномоқ; бир нарсанинг замирида – моҳиятида бўлмоқ.

Жон қуши хунобидин¹ тутмиш малоҳат нахли² ранг
Ё либоси полагун³ сарви хиромонимдадур⁴.

Қатл биймидур⁵, тараҳхумнинг⁶ доги уммиди бор,
Бу либоси олким⁷, ул номуслонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона, шояд, қолмагай,
Бу шафақтун ҳуллаким⁸ шамъи шабистонимдадур⁹.

Тутмасун гул сұхбатидин сарв ўзин кўп сарфароз¹⁰,
Эй сабоким¹¹, ул тўни гулгун¹² менинг ёнимдадур.

Соқиё¹³, гулранг май солиб, кетур паймонани¹⁴,
Зухд¹⁵ биймидин ҳалал ишқ ичра паймонимдадур¹⁶.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.¹⁷

ЁР МЕХРИ

Халқ куий

Ўзга бўлди ёр-у, меҳри менда боқийдур ҳануз,
Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордир валек
Жон анга манзил, кўнгугл онинг висоқидур ҳануз.

Чарх ёлғиз қилмади Фарҳод қонин лолазор,
Лола қонин тўккучи онинг нифоқидур ҳануз.

Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёр-у, меҳри менда боқийдур ҳануз.

Мазмуни:

Ёр мендан бегона бўлди-ю, аммо унга бўлган меҳр-муҳабат менда ҳали-ҳануз давом этмоқда, заиф, bemажол кўнглим ҳали ҳам ўша ой юзли ёрни истайди.

Гарчи хаёлим: «Сен ҳам ўзингга бошқа бир ёр топ», – деса-да, лекин жоним ҳамон ўша ёр ишқининг манзили, кўнгул эса унинг уйи, маконидир.

Фалак ёлғиз Фарҳоднинггина қонини лолазор қилгани йўқ, ҳали-ҳамон унинг иккюзламачилиги, низолари туфайли қонлар тўкилмоқда.

Эй Навоий, гарчи ёр мени меҳрсизсан дея айблар эди, аммо мана – унинг ўзи бегона бўлди, мен(инг қалбим)да эса унинг муҳаббати боқийдир...

¹ Хуноб – қонли кўз ёш.

² Нахл – дарахт. Малоҳат нахли – малоҳат, ёқимлилик дарахти, яъни матьшуқа қомати.

³ Лолагун – лола рангли, қизил.

⁴ Сарв – тик ўсуви дарахт; мажозан ёр қомати. Сарви хиромон – айн. солланиб юрувчи сарв.

⁵ Бийм – ваҳима.

⁶ Тараҳхум – раҳм-шафқат.

⁷ Ол – қизил.

⁸ Шафақтун ҳулла – шафақ рангли кийим.

⁹ Шамъи шабистон – тунни ёритувчи шам; мажозан чехраси нурли ёр.

¹⁰ Сарфароз – баҳтиёр.

¹¹ Сабо – шабада.

¹² Тўни гулгун – қизил тўнли.

¹³ Соқиё – эй соқий (май куювчи).

¹⁴ Паймонна – қадаҳ.

¹⁵ Зухд – тақво.

¹⁶ Ишқ ичра паймон – ишқ борасидаги аҳду паймон.

¹⁷ Байт мазмуни: эй Навоий, жон булбулини дуч келган ҳар гулдан қидираверма, у (яъни жон қуши) гулранг тўнли, лаблари эндингина очилиб келаётган ғунчага ўхшаган ёрим(инг кўли)дадир.

ЧАПАНДОЗИ НАВО¹

«Наво» мақомидан

Жунун водийсига² мойил күрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.³

Фалак бедодидан⁴ гарчанд мен хоку губор⁵ ўлдум,
Тилармен: топмагайлар тўтиёлиққа⁶ губоримни.

Шак⁷ эрмас партаве⁸ тушгач уйи ҳам, раҳти⁹ ҳам куймак,
Чу гўристон гадойи¹⁰ сермагай шамъи мазоримни¹¹.

Деманг, қай сори азм эткунг¹², менга йўқ ихтиёр, охир
Қазо илкига бермишмен инону ихтиёrimни.¹³

Туганди ашки гулгун¹⁴, энди қолмиш заъфароний юз¹⁵,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.¹⁶

Диёrim аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат¹⁷,
Не тонг, бошим олиб кетсан қўйиб ёру диёrimни.

¹ Бу газал Сайдхўжа Холдорхўжаев мусиқаси билан ҳам ижро этилган.

² Жунун водийси – ишқ телбалари макони.

³ Мисра мазмуни: аввалрок бузилган хаётимни бира тўла туб-тубидан бузишини истайман.

⁴ Фалак бедоди – фалак (бу ерда тақдир маъносида) зулми.

⁵ Хоку губор – тупроғу гард.

⁶ Тўтиё – кўз дориси.

⁷ Шак – шубҳа.

⁸ Партав – шуъла.

⁹ Раҳт – уй-рўзгор буюмлари.

¹⁰ Чу гўристон гадойи – гўристондаги гадо.

¹¹ Шамъи мозор – қабр устига ёқилган шам.

¹² Азм этмоқ – йўл олмоқ, жўнамоқ.

¹³ Мисра мазмуни: инон-ихтиёrimни тақдирнинг кўлига топширдим.

¹⁴ Ашки гулгун – кизил (конли) кўз ёшлар.

¹⁵ Заъфароний юз – сарғайтан юз.

¹⁶ Мисра мазмуни: фалакнинг (кисматнинг) зулми умрим баҳорини куз билан алмаштириди.

¹⁷ Меҳнат – машаққат, қийинчилик.

Имон ҳолимға бағри оғриғай, ҳар кимсаким кўргай
Багир парголасидан¹ қонға булғонғон узоримни².

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асрү, эй соқий,
Қадаҳга заҳри қотил қуй, дағи дағъ эт хуморимни.³

Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмасдур,
Навоий, қил мени озод, ўртаб⁴ йўқу боримни.

АБДУРАҲМОНБЕГИ III

Фаргона яллаларидан

Икки кўзимки дарду бало жўйборидур⁵,
Оҳим бухори⁶ устида абри баҳоридур⁷.

Ушишоқ тийра ахтари⁸ ҳар ён шафақ аро,
Гўё сипеҳр сабзасининг⁹ полазоридур.

Билмай дединг узулмиш экан субҳайи ақиқ¹⁰,
Лаълинг ғамида¹¹ қон киби ашким қаторидур¹².

Бергил тутиб пиёла Навоийға руҳким,
Жонин етурган оғзиға лаълинг хуморидур.¹³

¹ Багир парголаси – бағир парчалари.

² Узор – чехра, юз.

³ Байт мазмуни: эй соқий (май қуювчи), ҳаётим шаробидан бағоят маст бўлдим, бошим айланяпти. Энди менинг қадаҳимга заҳри қотил – ўлдирувчи заҳар куй, хумордан чикай.

⁴ Ўртамоқ – ёндириමоқ.

⁵ Дарду бало жўйбори – дард ва балолар сойи.

⁶ Бухор – буғ.

⁷ Абри баҳор – баҳор булути.

⁸ Тийра ахтар – кора юлдуз.

⁹ Сипеҳр сабзаси – осмон кўкаламзори.

¹⁰ Субҳайи ақиқ – дончалари кизил рангли қимматбаҳо тош – ақиқдан қилинган тасбех.

¹¹ Лаълинг ғами – лаъл каби қип-қизил лабинг ғами.

¹² Ашким қатори – қаторлашиб тушаётган кўш имаш.

¹³ Байт мазмуни: эй ёр, (энди ўзинг) Навоийга қадаҳ тутиб руҳ бағишила, (чунки) унинг жонини оғзиға келтирган (нарса) лабингта ташнилиқдир.

ДАВРОН ЧЕКИБ

Эски халқ ашуалапаридан

Ул ой қасдима тифи буррон¹ чекиб,
Мен оллида шукронага жон чекиб.

Масиҳим чу фарёдима етмади,
Неча ўлтурай ўзни афгон чекиб?²

Ҳамоно ёмон кўзга майл айладинг,
Алиф нил ила³ юзга ҳар ён чекиб.

Лабинг нўш дорусидин не асиф?⁴
Мен ўлдум чу хуноби ҳижрон чекиб⁵.

Кетур, соқиё, давр аёғин тўла⁶
Ки, жон қолмади ранжи даврон⁷ чекиб.

Навоий бериб жон ўқи шавқидин,
Анинг захмидин ёр пайкон чекиб.⁸

ШИТОБ АЙЛАБ

Хоразм «Рост» мақомидан
«Фарёд» («Насри Рост») оҳангида

Тун-оқшом келди кулбам сори ул гулрух¹ шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб.²

Қилиб мужгонни³ шабравлар⁴ киби жон қасдига ханжар,
Белига зулфи анбарборидин⁵ мушкин таноб⁶ айлаб.

Қуёшдек чехра бирла тийра кулбам⁷ айлагач равшан,
Менга титратма⁸ тушти зарра янглиғ, изтироб айлаб.

Келиб ўлтирдию илким чекиб⁹, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади¹⁰ ҳар лафзини¹¹ дурри хушоб¹² айлаб.

«Ки, эй зору балокаш ошиғим¹³, менсиз нечукдурсен?»
Мен ўлдим лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.

¹ Тифи буррон чекмоқ – ўткир килични сермамоқ, ўйнатиб силкитмоқ.

² Мисра мазмуни: нолаю фиғон чекиб, ўзимни ҳар канча ўлдирсан ҳам...

³ Алиф нил ила – алифдек тўғри сурмачўп билан.

⁴ Мисра мазмуни: лабингнинг шифобахш намидан нима фойда?

⁵ Хуноби ҳижрон чекиб – айрилиқдан қонли ёш тўкиб.

⁶ Мисра мазмуни: эй сокий, даврадагиларнинг қадаҳини тўлдириб бер.

⁷ Ранжи даврон – замона жағолари.

⁸ Байт мазмуни: Навоий ёрнинг нозу карашма ва жағо ўқлари унга отилганидан хурсанд бўлиб, суюнганидан жон берди. Ёр эса унинг жароҳатидан отган ўқларини суғуриб олиш билан овора.

¹ Гулрух – гул юз.

² Мисра мазмуни: шошиблиб, тез юргани боис гулдай юзида худди гулоб каби тер томчилари пайдо бўлиб (келди)...

³ Мижгон – киприклар.

⁴ Шабрав – ўғри, кароқчи.

⁵ Зулфи анбарбор – анбар (хуш) исли сочлар.

⁶ Мушкин таноб – кора, хушибўй аркон (сочга ишора).

⁷ Тийра кулба – коронғу хона.

⁸ Титратма – ҳаяжон туфайли пайдо бўладиган енгил титроқ.

⁹ Илким чекиб – кўлимдан тутиб.

¹⁰ Такаллум бошламоқ – гап бошламоқ, оғиз очмоқ.

¹¹ Лафз – сўз.

¹² Дур(р)и хушоб – асл дур.

¹³ Зору балокаш ошиқ – балоларга дучор бечора ошиқ.

Чиқарди шишайи май¹, доғи² бир соғар³ тұла қуиди,
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб⁴ айлаб.

Аниким әлтгай васл⁵ уйқуси ишрат туни бундоқ,
Навойдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.⁶

ЭРМИШ

Фарғонанинг эски халқ ашуулаларидан

Манга номеҳрибон ёр үзгаларга меҳрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб, ағёрға оромижон эрмиш.

Тан узра эмди фаҳм этдим ададсиз тоза дөгимни⁷
Ки, ҳар бир бир қарорғон шоми ҳажримдин нишон эрмиш.⁸

Рақиби синдириб кўнглини, мен йиғлаб анга, лекин
Сув келтурмак ҳамону кўза синдиromoқ ҳамон эрмиш.

Агарчи мен ёмонмен, яхшидурким, мұтарифдурмен⁹,
Ўзин яхши тасаввур айлаган мендин ёмон эрмиш.

Навой назмини кўрдим, қуёш лавҳига сабт эткан¹⁰,
Буюргон они олий қадр шоҳи хурдадон¹¹ эрмиш.

¹ Шишайи май – бир шиша май.

² Доғи – яна.

³ Соғар – қадаҳ.

⁴ Юз навъ нозосо итоб айлаб – юз хил ноз аралаш таъна қилиб...

⁵ Васл – висол, ёрга етишиш.

⁶ Байт мазмуни: кимники (ёр билан) айшу ишратда ўтган тунда васл уйқуси элтиб, ухлаб колса (яъни ҳар лаҳзаси ғанимат бўлған шундай кечанинг ақалли озгина кисмини уйку билан ўтказса), ҳудди Навойдек маҳшар куни (киёмат) тонгигача ухла(ёл)май ётади.

⁷ Ададсиз тоза дөг – сон-саногига етиб бўлмайдиган қоп-қора дөглар.

⁸ Мисра мазмуни: уларнинг ҳар бири айрилиқда ўтказган бир тунимдан нишонадир.

⁹ Мұтариф – икрор.

¹⁰ Қуёш лавҳига сабт этган – қуёш юзига қайд этган.

¹¹ Хурдадон – бирон иш ёки масаланинг майда ва нозик жиҳатларигача билувчи. Шоҳи хурдадон – билимдон шоҳ (Хусайн Бойқарога ишора).

ҒАМНОК АЙЛАДИ

Ҳоразм достон куйлари асосида
Матниёз Юсупов ашулага соглан

Тиги ҳижронинг¹ кириб кўнглимни ғамнок² айлади,
Ичкаридин кўкрагимни сар-басар чок айлади³.

Айлади мен зору маҳзунни балоу жавркаш,
Улки дилдоримни мундоқ маству бебок айлади.⁴

Ҳусн аро улким насибинг қилмади жуз⁵ поклик,
Хотирим лавҳини ғайринг нақшидин пок айлади.⁶

Зор жисмим ламъаи ҳуснингдин⁷ ўртранмак не тонг⁸,
Чунки ишқ ул бирни ўт, бу бирни хошок айлади.

Дам уруб, гардимни еткур кўйига, эй субҳи васл
Ким, танимни ҳажри бепоён туни хок айлади.⁹

Маърифат наҳлидин¹⁰ ул ориф ҳамоно топди бар¹¹
Ким, тафаккур бирла фаҳми «маъарафонок» айлади.¹²

Носиҳо, ул ҳусндин қилмас Навоий манъини,
Ҳар кишиким ишқ атворини идрок айлади.¹³

¹ Тиги ҳижрон – айрилиқ тиги.

² Ғамнок – ғамгин.

³ Сар-басар чок айлади – бошдан-оёқ яралаб чиқди.

⁴ Байт мазмуни: ўша севикили дилдоримни шу қадар мастона, шўх ва бераҳм қилиб яратишин зот бу иши билан мен зор ва маъюс бечорани балоу жабр чекишига маҳкум қилди.

⁵ Жуз – бўлак.

⁶ Мисра мазмуни: кўнглим юзини бегона акси тушишидан пок килди (асради).

⁷ Ламъаи ҳусн – ҳусн чақмоғи, шуъласи.

⁸ Ўртранмак не тонг – ёнмок не ажаб.

⁹ Байт мазмуни: эй висол тонги, гард-губоримни пулфаб (бир шабада билан) ёр уйлаға етказ. Чунки ниҳояси ўйқ айрилиқ туни танамни тупроқ айлади.

¹⁰ Маърифат наҳли – фаҳму идрок ниҳоли.

¹¹ Ориф ҳамоно топди бар – билимдон зот мева топди.

¹² Мисра мазмуни: у (яъни ориф) ўз тафаккури билан «маъарафонок»ни («Биз уни била олмаймиз» – ҳадис) фаҳмлади, англаб етди.

¹³ Байт мазмуни: эй насиҳаттўй, ишқнинг моҳиятини билган киши Навоийга ўша ҳусн ва унинг эгасига бўлған муҳаббатни тақиқламайди, яъни сен ишқнинг моҳиятини англаганингда эди, Навоийни қайтаришга уринмаган бўлардинг.

ҮЙНАР

K. Отаниёзов мусиқасы

Зулфинг очилиб, орази дилжү¹ била ўйнар,
Хинду бачае шўхдуур² – сув била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин³ этиб тийра нафасдин⁴,
Бир тифлдур⁵, алқиссаки, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин⁶,
То ғамзаси⁷ ул нарғиси⁸ жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзинг бўлса кўнгул бирла мулоиб⁹,
Мажнунга ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўлии бозигар эрур чамбар ичинда
Холингки, ўшал ҳалқайи гесу била ўйнар.¹⁰

Муғ дайрида¹¹ маст ўлса, Навоийни кўрингким,
Бир олма каби гумбази мену¹² била ўйнар.

¹ Орази дилжў – кўнгил овловчи чехра.

² Хинду бачайи шўх – шўх хинду бола.

³ Кўнгул лавҳи – кўнгил юзаси.

⁴ Нафасдин тийра этмок – нафас (офиз) ҳовури билан хира килмоқ.

⁵ Тифл – бола.

⁶ Фусун – сеҳр-жоду.

⁷ Ғамза – юз, кўз, қош ишораси билан дил овлаш.

⁸ Нарғис – бўтакўз гул.

⁹ Кўзинг бўлса кўнгил бирла мулоиб – кўзинг кўнглим билан ўйнаса...

¹⁰ Байт мазмуни: юзингта тушиб турган сочинг ҳалқаси ичидаги холинг худди ҳалқа ичидаги хийлагарлик (кўзбойлогичлик, афсунгарлик) ўйини кўрсатадиган лўлига ўхшайди.

¹¹ Муғ дайри – майхона.

¹² Гумбази мену – мовий гумбаз.

ҚЎҚОН УШШОГИ

Қўқонлик Ҳамроқул қорининг

«Қачон келасиз» катта ашуласи асосида

Ҳожи Абдулазиз ишлаган

Фигонки, ёр вафо аҳлига ситам қиладур,
Ниёзу ажз гуноҳига муттаҳам қиладур.

Рақиб беҳуда тақрири бирла юз тақсир
Заиф ғамзадалар отига рақам қиладур.

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида, ғам эмас,
Бу зулм эрурки – жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Ўз илги бирла гар ўлтурса, бок йўқ, ваҳқим,
Рақиб оллида афтодаву дижам қиладур.

Муҳаббат аҳлини, во ҳасратоки, кўп ўртаб,
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос кам қиладур.

Чу гул вафосиз эрур, неча асрасам, ваҳқим,
Кўнгул қуши бу гулистондин эмди рам қиладур.

Навоий ўлгай эди, бўлмаса умиди висол,
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

Мазмуни:

Э воҳ, ёр вафодор қуллари – ошиқларига ситам (ноҳақлик, жабр) қиласи: уларни муҳтожлик ва ожизлиқда (зайфликда) айблаб тухмат қиласи.

Рақиблар беҳуда (бўлар-бўлмас) сўзлари билан бечора, ғамгинларнинг (oshiqlarning) номига юзлаб айбу нуқсонларни ёздилар (яъни шаънига доғ туширилар).

Ёр вафодор қулларининг айбию гуноҳига қандай жазо белгилаб, ҳукм чиқарса ҳам, улар бундан хафа бўлмайди, ташвишга ҳам тушмайди. Лекин иш-амали фақат жафо қилиш бўлган кимсаларни ҳакамликка тайинлаши – бу энди ҳаддан зиёд зулмдир.

Агар ўша жонона ошигини ўз қўли билан ўлдирса ҳам, ошиқ бундан заррача афсусланмайди, оғринмайди. Аммо ёр шундай қилмайди-да! Атайн қилгандай, доим рақиблар олдида синдириб, хорлагани-хорлаган.

Ҳасратлар бўлсинки, ёр муҳаббат аҳлини (ошиқларни) кўплаб куйдиради уларнинг ҳароратли оҳларидан кам қўрқади (кўп ҳам қўрқавермайди). Бу ва кейинги байт ўрни кўшиқ вариантида алмашиниб келади. Лекин мазмун жиҳатидан уларнинг кетма-кетлиги аслиятта мувофиқ берилишини маъқул топдик. Мухтарам ҳофизларимизга ҳам шуни тавсия қиласиз.

Гул юзли ёр бевафолик қилиб мени ташлаб кетди. Энди кўнглим қуши ҳам, қанчалик асралмай, ўша бевафо каби бу гулистонни (яъни заҳму жароҳатлари кўплигидан чаппар уриб очилиб ётган гулзордай қўринувчи бағримни) ташлаб кетишга шайланиб, ҳуркиб турибди.

Агар бир кунмас-бир кун ёр висолига етиш умиди, кўришмоққа ишонч бўлмаса эди, айрилиқнинг ҳар лаҳза, тинмай қилаётган бу қасдларига Навоий аллақачон ўлиб кетган бўларди.

ГУЛАНДОМИМ БИЛА

(Талқини наво)

Хоразм «Наво» мақомидан

Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим¹ била,
Бир нафас эврулмади даврон мени комим била.²

Ҳар майиким онсиз³ ичдим топғали ғамдин амон,
Захри ғам гўё эзилмиш эрди ул жомим⁴ била.

Тунга етмас кунни ўткардим ўлиб ҳижронида,
Кунга еткайманму, ваҳ, бу субҳи йўқ шомим⁵ била?

¹ Сарви гуландом – хушқомат ва гулбадан.

² Мисра мазмуни: замона бир нафас бўлсин менинг истагимга мувофиқ, яъни мен истагандай айланганий йўқ.

³ Онсиз – усиз.

⁴ Жом – қадаҳ.

⁵ Субҳи йўқ шом – тонги йўқ, яъни ниҳоясиз кечা.

Қайда бўлсин музтариб кўнглимга¹ ором, эй рафиқ?
Тутмадим ором чун бир дам² дилоромим била.

Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайғомин айт,³
Балки жон нақдин⁴ анга еткур бу пайғомим била.

Эй Навоий, ўлсам армон айлагумдур, ичмайин
Бир сабуҳий⁵ гулъузори⁶ бода ошомим⁷ била.

ЯЛ-ЯЛИ

Фарғонанинг эски ҳалқ яллаларидан

Бир неча гул барги қабо⁸, ял-яли,
Айлагали бизни адо, ял-яли,
Тузмок учун савту наво⁹, ял-яли,
Жамъ бўлингиз, моҳлиқо¹⁰, ял-яли,
Бўлди қизиқ базм саро, ял-яли.

Кеча очиб орази тобонини¹¹,
Равшан этиб файр шабистонини¹²,
Рашкга ёқиб Юсуфининг жонини,¹³
Хаста Навоийни тўкиб қонини,
Қўлларига қўйди хино, ял-яли.

¹ Музтариб кўнгил – изтиробда қолган дил.

² Тутмадим ором чун бир дам – ҳатто бир лаҳза ором олмадим.

³ Мисра мазмуни: эй шаббода, ул ёримга менинг ҳалокатли айрилиқда қолганим бабрини етказ.

⁴ Жон нақди – жоннинг ўзи.

⁵ Сабуҳий – тонгда бош оғриғига ичиладиган ичкилик.

⁶ Гулъузор – гул чехрали.

⁷ Бода ошом – май ичувчи.

⁸ Қабо – узун ва кенг либос.

⁹ Савту наво – куй-қўшиқ.

¹⁰ Моҳлиқо – ой юзли.

¹¹ Орази тобон – нурли, порлоқ юз.

¹² Файр шабистони – бегонанинг туни.

¹³ Мисрадаги «Юсуф» исми мухаммас муаллиfigа ишора қиласиз. Аммо унинг кимлиги аниқланмади. Шунингдек, мухаммаснинг Навоий қаламига мансуб деб ёслбланувчи байтлари ҳам шоир девонларида учрамади.

ГУЛЪУЗОРИМ

X.Расулов мусиқаси
Навоий газалига мухаммас¹

Дўстларим, бир нозанин ишқи бу ҳол этмиш мени:
Зулфи² савдоси³ алиф⁴ қаддимни дол⁵ этмиш мени,
Лола гул рухсори⁶ ҳажр⁷ ашкимни⁸ ол⁹ этмиш мени,
Бир пари пайкар ғами ошуфтахол¹⁰ этмиш мени,
Элга аҳволим демакка гунгу лол этмиш мени.

Ишқ еткурмиш менингдек телбани бу ергаким,
Тешилур кўксим маломат¹¹ ўқидин ҳар ергаким,
Йўқ мажолим бўйла¹² ҳолимдин ўзингга дергаким,
Мен ҳавойини¹³, не тонг¹⁴, кўргузсалар бир-биргаким,
Этма қошинг фикри андоғким ҳилол¹⁵ этмиш мени.

Гоҳи Мажнун элга, гоҳ мен соғ ила тенг бўлмишам,
Ҳасратингдин лола янглиғ доғ ила тенг бўлмишам
Ким, хазон фаслидаги яфроғ ила тенг бўлмишам,
Ёр кўйи¹⁶ ичраким туфроғ ила тенг бўлмишам,
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол¹⁷ этмиш мени.

¹ Мухаммас муаллифи аникланмади.

² Зулф – соч, гажак.

³ Савдо – савдо, дард, ғам; ишқ; қора(лик).

⁴ Алиф (ا) – араб алифбосидаги «а(о)» ҳарфи. У шаклан тик қоматта ўхшатилади.

⁵ Дол (د) – араб алифбосидаги «д» ҳарфи; шаклан ғам-андуҳдан эгилган гавдага ташбех қилинади.

⁶ Рұхсor – юз.

⁷ Ҳажр – айрилик.

⁸ Ашқ – кўз ёши.

⁹ Ол – қизил; бу ерда қон маъносида.

¹⁰ Ошуфтахол – паришонхол.

¹¹ Маломат – таъна, дашном.

¹² Бўйла – бундай.

¹³ Ҳавойи – ҳавойи, енгилтак; бу ерда сўз ўйини: ғам-андуҳдан озиб-тўзиб, кичра-тиб, вазнисизлик даражасига келган (муболага) ва ҳавога кўтарилган ошиқ тасвири.

¹⁴ Не тонг – не ажаб.

¹⁵ Ҳилол – янги чикқан ой; бу ўринда ҳам маъшуканнинг этма қошига, ҳам озиб-тўзиб кетган, ғамдан қадди букилган ошиқ ҳолатига ташбех.

¹⁶ Кўй – кўча.

¹⁷ Поймол – ҳароб, оёқости.

БОБУР

(1483 – 1530)

Темурийзода Умаршайх мирзо ўғли Захириддин Муҳаммад юбур Андижонда туғилган. Ҳозирги Афғонистоннинг бир қисми на Ҳиндистонни ўз ичига олган улкан салтанат барпо қилган.

Дастлаб Аграга дағн этилган. Кейинроқ эса қабри, ўз ванитика биноан, Кобул шаҳрига кўчирилган.

Бобурдан бизга бир девон, «Бобурнома» тарихий-мемуар асари ва қатор рисолалар мерос қолган.

НАСРИ БАЁТ

«Наво» мақомидан

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим¹,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух², бу чехраи зардим³.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни⁴ сарвдек⁵ ҳаргиз,
Лёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат⁶ гулшанида гул киби сен сабзу хуррам⁷ қол,
Мен арчи⁸ даҳр⁹ боғидин хазон япроғидек бордим¹⁰.

Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танаффурда¹¹,
Баҳар ранге¹², биҳамдиллах¹³, улусдин¹⁴ ўзни қутқордим.

¹ Сарғармок – сарғаймок.

² Лоларух – лола(дек қизил) юзли.

³ Чехраи зард – сарик юз.

⁴ Саркашлиқ – бебошлиқ, қайсарлик.

⁵ Сарв – тик ўсувиҳи дараҳт; маъшук қаддига ишора.

⁶ Латофат – латифлик, нозиклик.

⁷ Сабзу хуррам – ям-яшил ва хурсанд, мамнун.

⁸ Арчи – (а)гарчи.

⁹ Даҳр – дунё.

¹⁰ Бормоқ – кетмоқ.

¹¹ Танаффур – нафрятланиш, жирканиш.

¹² Баҳар ранге – ҳар қалай; ҳар турли.

¹³ Биҳамдиллах – Аллоҳга ҳамдлар бўлсин(ки).

¹⁴ Улус – ҳалқ.

Не толеъдур¹ мангаким, ахтари бахтим² топилмайдур,
Фалак авроқини³ ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи⁴ манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин ўткардим.

ТОПИЛМАС

Н.Кулабдуллаев мусиқаси

Сендеқ манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зору вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил⁵ била худ⁶ хуру парисен
Ким, жинси башар⁷ ичра бу миқдор⁸ топилмас.

Ағёр кўёз оллидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори⁹ кўнгул ичра-ю, ғамхор¹⁰ топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмуб очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ¹¹ эттил,
Оламда кишига, йўқ эса, ёр топилмас.

СОҚИЙНОМАИ САВТИ КАЛОН

«Рост» мақомидан

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун, агар юзумни эвурсам¹, бало манга!

Неттаймен ул рафиқ² билаким, қилур басе
Мехру вафо рақибга, жавру жафо манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг³,
Чун бўлди ул парисифатим⁴ ошно манга.

Оҳу ёшимдин ортадуур заъф⁵, эй табиб,
Билдим, ярашмас эмди бу обу ҳаво⁶ манга.

Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр
Ким, жонда дарди ишқдуур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежихатдуур⁷ охир санго, манга.

¹ Не толеъ – (бу) қандай (канақа) толеъ(ки).

² Ахтари бахт – бахт юлдизи.

³ Аврок – варақлар.

⁴ Таъну таъриф – таънаю мақтов.

⁵ Шамойил – 1) кўриниш, киёфа; 2) сифатлар, фазилатлар.

⁶ Худ – худди.

⁷ Жинси башар – одамзод.

⁸ Бу миқдор – бу даража.

⁹ Ғам хори – ғам тикони.

¹⁰ Ғамхор – дардкаш, ғамхўр.

¹¹ Ёрлиғ – ёрлик, дўстлик.

¹ Эвурмок – ўтигромок, бурмок.

² Рафиқ – дўст, улфат.

³ Не тонг – не ажаб.

⁴ Парисифат – парига ўхшаш. Байт мазмуни: мен телбанинг ақлим бўлмаса не ажаб. Чунки у парисифат ёр менга ошно бўлди. Халқ орасида руҳий хаста кишиларни «бунга пари ёки жин теккан» дейилишига ишора.

⁵ Заъф – заиғлиқ.

⁶ Обу ҳаво – айн. сув ва ҳаво; аввалги мисрадаги оҳ ва кўз ёшга ишора; шунингдек, об-ҳаво (иқлим) маъносида.

⁷ Бежихат – ўринсиз.

ҚАРО ЗУЛФИНГ...

Ф.Тошматов мусиқасы

Қаро зулфунг фироқида¹ паришон² рүзғорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида³ не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди⁴,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим⁵ бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин⁶ гар алам бўлса,
Не ғам, юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим⁷ бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хор-хорим⁸ бор.

САРАХБОРИ ОРОМИЖОН

«Дугоҳ» мақомидан

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор⁹ топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор¹⁰ кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор¹¹ топмадим.

Усрук¹² кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

¹ Фироқ – айрилик.

² Паришон – ёйик, тўзиган.

³ Иштиёқ – кучли истак, хоҳиш, кўмсаш.

⁴ Равон қилмоқ – оқизмоқ.

⁵ Сўрорим – сўз ўйини: 1) сўрашим; 2) сўришим.

⁶ Улус – халк.

⁷ Ғамгусор – ғамхўр.

⁸ Хор – тикан.

⁹ Маҳрами асрор – сирдош, хос киши.

¹⁰ Дилафгор – ғамгин, дилхаста.

¹¹ Гирифтор – банди, боғланган, тутилган.

¹² Усрук – маст.

Бори борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргата кўр ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни, мунча қилиб ёр топмадим.

БОШДИН ЯНА

Ф.Умаров мусиқасы

Сочининг савдоси¹ тушди бошима бошдин яна,
Тийра² бўлди рўзғорим³ ул қаро қошдин яна.

Мен худ⁴ ул тифли паривашга кўнгул бердим, вале
Хонумоним⁵ ногаҳон бузулмагай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўриб ондин, телба бўлдуңг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен⁶ ул паривашдин яна.

Тош урап атфол мени, уйида фориг ул пари,
Телбалардек қичқиурмен ҳар замон тошдин яна.⁷

Оёгим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна.

¹ Савдо – ғам, дард, ишқ; кора.

² Тийра – хира.

³ Рўзғор – турмуш.

⁴ Худ – худди.

⁵ Хонумон – бор-йўқ, бисот.

⁶ Кўз тутмоқ – умид қилмоқ.

⁷ Тош урап атфол мени ... – кўчасидаги болалар мен (телба)га тош отишади. У пари эса уйида бундай ташвишлардан холи, менинг ахволимдан бехабар ўтиради. Мен эса, зора, нолаларимни эшишиб, ахволимни билса дея ташқарида туриб ҳар лахза телбадек қичқираман.

ТАРОНАИ НАСРИ СЕГОХ

(Шароб I)

Фаргона мумтоз куйларидан

Ким кўрар хуршидни¹, ул моҳсиймо² бўлмаса?!
Ким сўрар шаккарни, ул лаъли шакарҳо³ бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга, ул юзи гулдин йирок,
Сарв⁴ ўқдур бағрима, ул сарви боло⁵ бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони, эй зоҳид, нетай, мен зорким
Истарам, кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймагил девона кўнглумники расво бўлма деб,
Ошиқ ўлғайму эди ул телба расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг,
Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо⁶ бўлмаса.

КОШКИ

Ю.Ражабий мусиқаси

Кўрмагай эрдим жамолин олам аро, кошки,
Бўлмағай эрдим бори оламға расво, кошки.

Ишқ багининг ниҳоли – ғам, бари⁷ ҳирмон⁸ эмиш,
Қилмагай эрдим бу гулшанни томошо, кошки.

¹ Хуршид – күёш.

² Моҳсиймо – ой юзли.

³ Лаъли шакарҳо – лаъл – кизил рангли қимматбахо тош; шакарҳо – шакарли, ширин; маъшука лабига нисбат.

⁴ Сарв – тик ўсуви чарашт; маъшука қаддига ишора.

⁵ Боло – 1) юқори, баланд; 2) қомат.

⁶ Қатъо – кес(ил)иш, уз(ил)иш.

⁷ Бар – мева, хосил.

⁸ Ҳирмон – маҳрумлик, жудолик.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал¹, тилга ҳам
Қелмагай эрди анингдек лафз² асло, кошки.

Қоши ёлар³ кўйида⁴ умри шариф⁵⁷ этгунча сарф,
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо, кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмағай
Ишқу васлу айш ила ишратдин, илло, кошки.

НЕ БЎЛДИ?

К.Раҳимов мусиқаси

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?
Ул лутф⁶ ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:
«Ул телбаи ҳайрон қани?» Эй ёр, не бўлди?

Юз кўрсатибон эл ичидা лутф этар эрдинг,
Ул лутф намоён қани, эй ёр, не бўлди?

Сенинг сари борди кўнгул, истаб топа олмон,
Сенинг сари борғон қани, эй ёр, не бўлди?

Жонимға даво сўзунг эди, сўзламадинг, оҳ,
Жон дардига дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳдки, Бобурни унуттунг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

¹ Бал – балки.

² Лафз – сўз.

³ Ё(й) – камон; шаклан маъшука қошига нисбат.

⁴ Кўй – кўча, ўйл.

⁵ Шариф – шарафли, қадрли, қимматли.

⁶ Лутф – илтифот.

САВТИ ЧОРГОХ

Дугоҳ мақомидан

Қайси бир озорин айтай жонима ағёрнинг?
Қайси бир оғритқонин күнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳлигини¹ толеи гумроҳнинг²?
Қайси бир қажравлигини³ чархи⁴ қажрафторнинг⁵?

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг,
Қайси кулфат бирла ранжин⁶ фурқати хунхорнинг⁷?

Бобур, ул гул жавр этар, ағёрдин не яхшилиғ,
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ, не бўлгай хорнинг?

ГУЛЖАМОЛ

F. Тошматов мусиқаси

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики⁸ райҳонидур⁹,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур¹⁰.

Ул мусалсал¹¹ икки зулфи¹² гул юзининг даврида¹³
Гул уза оғнар, магар¹⁴ ул иккининг давронидур.

¹ Бераҳлик – йўлсизлик, чорасизлик.

² Толеи гумроҳ – адашган, гумроҳ толеъ (бахт, иқбол).

³ Қажравлик – тескари юриш.

⁴ Чарх – осмон; тақдир маъносида.

⁵ Қажрафтор – тескари юрувчи.

⁶ Ранж – алам, озор.

⁷ Фурқати хунхор – айн. қонхўр айрилик.

⁸ Ики – икки.

⁹ Райхон – райхон; мажозан маъшуқанинг соч кокили.

¹⁰ Хандон – кулувчи.

¹¹ Мусалсал – ҳалқа-ҳалқа, занжирсизон.

¹² Зулф – соч гажаги.

¹³ Давр – 1) айлана, доира; 2) давр, замон; бу ерда сўз ўйини: ҳар икки маъносида ҳам олиш мумкин.

¹⁴ Магар – чунки.

Сел эмасдур Ер юзин тутқон – кўзумнинг ёшидур,
Раъд¹ эмасдур кўкка чирмашқон – кўнгул афгонидур²!

Ложарам³, бўлгай паришону ҳавои мен киби –
Зарра янглиғ кимки бир хуршед⁴ саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур
Ким, сочи занжиридур, ҷоҳи зақан⁵ зиндонидур.

ЖАМОЛИНГ ВАСФИ...

Ф. Умаров мусиқаси

Жамолинг васфини⁶, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен?

Тараҳхум юзидин⁷ юзингни кўрмакка буюргайсен,
Хуш улким, оразингни⁸ кўргамен, сўзинг эшитгаймен.

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнумга маҳкам қил
Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен⁹.

Тараҳхум қилмасанг ё боқмай истиғно¹⁰ била ўтсанг,
Тазаррӯъ қилгамен¹¹ ё йиглағаймен, ўзга нетгаймен?

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

¹ Раъд – момакалдирок.

² Афгон – нола, фигонлар.

³ Ложарам – албатта, шубҳасиз.

⁴ Хуршед (хуршид) – қуёш.

⁵ Ҷоҳи зақан – бағбақа (илякости) чукурчаси.

⁶ Васф – таъриф, мақтov.

⁷ Тараҳхум юзидин – раҳм-шафқат юзасидан.

⁸ Ораз – чехра, жамол.

⁹ Йитмок – тугамок, тамом бўлмок.

¹⁰ Истиғно – ўзини катта тутиш, такаббурлик.

¹¹ Тазаррӯъ қилмоқ – ялинмоқ, тавба қилмоқ.

ИШҚ

Ф.Содиқов мусиқасы

Шероз ота ижро этган

Үлтирур¹ гарчи мени гуфторинг²,
Тиргизур³ ул лаби шакарборинг⁴.

Куйдуур ҳасратида мени, нетай,
Оташин гулдек ики рухсоринг⁵.

Эй кўнгул, яхши ики дунёдин,
Бир назар қилса санга дилдоринг.

Хор кўрма ғамин ул ойнингким,
Будурур фурқатида⁶ ғамхоринг⁷.

Қилди то гул юзида зоҳир⁸ хат⁹,
Бобур, бўлди хати безоринг.

Хираду¹⁰ сабр, келиб албатта
Ишқдин эмди мени қутқоринг!

Шоми ҳижронин манга ул бевафо кўрсатмагай¹,
Ҳажр шоми асрү муҳлиқдур², худо кўрсатмагай!

Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди³ кундузум,
Ё Раб, андоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмагай.

Очмагай кўзини то сўқмакка оғзин очмагай,
Юзини кўрсатмагай то юз жафо кўрсатмагай.

Ишқ истар бўлса Мажнун, айлагай пайравлиғим⁴,
Йўлни не билгай киши, то раҳнамо⁵ кўрсатмагай?

Учқудекдур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел, пари, таъжил ила, жоним ҳаво кўрсатмагай.⁶

ГАҲИ СОФИН

М.Тожибоев мусиқаси

Гаҳи соғин⁷, не бўлди, зорларни,
Унутмағил бурунғи⁸ ёрларни.

Сени кўрмай йироқдин зор бўлдим,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим,
Киши гулдин айирмас хорларни.⁹

¹ Кўрсатмагай – шу ва бошқа айрим ўринларда «кўрсатмасин» маъносида. То ... кўрсатмагай – ... кўрсатмай туриб, кўрсатмасидан.

² Ҳажр шоми асрү муҳлиқдур – айрилиқ туни ғоят ҳалокатлидир.

³ Қарорди – корайди.

⁴ Пайравлик қилмок – эргашмок, изма-из бормок; таклид қилмок.

⁵ Раҳнамо – йўлбошчи, йўл кўрсатувчи.

⁶ Байт мазмуни: Бобурнинг айрилиқда чеккан охи туфайли жон қуши учуб кеттудек бўлиб турибди. Эй пари, шошил, тезроқ кела қол, тики (жон қуши) учуб кетмасин.

⁷ Соғинмоқ – эсламок.

⁸ Бурунғи – аввалги, бурунги.

⁹ Байтда «хор» сўзи икки хил маънода қўлланган: 1) хор, оёқости бўлган; 2) тикан.

¹ Үлтирур – ўлдиради.

² Гуфтор – гап-сўзлар.

³ Тиргизур – тирилтиради, жон ато этади.

⁴ Шакарбор – шакар ёғдириувчи; ширин.

⁵ Рухсор – юз, чехра.

⁶ Фурқат – айрилик.

⁷ Фамхор – ғамхўр, меҳрибон.

⁸ Зоҳир – ошкора, аён, кўриниб турган.

⁹ Хат(т) – маъшук(а)нинг лаби устида эндигина сабза уриб келаётган мўйлаб.

¹⁰ Хирад – акл, идрок.

Кўзинг беморимен, мендин юмиб кўз
Яна оғритмагил bemорларни.

Санга бир йўл кетар фикридадурмен,
Унутма бир йўли афгорларни¹.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Сихи қадларға², Бобур, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

ҚАШҚАРЧАИ САВТИ КАЛОН

«Рост» мақомидан

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор этдию қилди муддаийни³ парвариш,
Даҳри дунпарварнинг⁴ ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмак учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғач кўрдум ўлумни ўзумға, эй рафиқ⁵,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси⁶ қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,
Тангри учун де⁷, бу оламнинг сафоси⁸ қолдиму?!

¹ Афгор – ярадор, мажрух.

² Сихи қад – қад-комати келишган, текис, тўғри қоматли.

³ Муддаий – даъвогар.

⁴ Даҳри дунпарвар – пасткаш, нолойиқ кимсаларни ҳимоя қилувчи, уларни қўллаб-куватлавчи, парвариш қилувчи дунё.

⁵ Рафиқ – дўст, улфат.

⁶ Ҳарос – кўркув, вахима.

⁷ Тангри учун де... – Худо ҳаққи, айт-чи...

⁸ Сафо – 1) роҳат; 2) поклик.

УФОРИ САВТИ КАЛОН

«Рост» мақомидан

Ким кўрар хуршидни¹, ул моҳсиймо² бўлмаса?!

Ким сўрар шаккарни, ул лаъли шакарҳо³ бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга, ул юзи гулдин йироқ,
Сарв⁴ ўқдур бағрима, ул сарви боло бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони⁵, эй зоҳид⁶, нетай мен зорким?
Истарам: кўйидин ўзга манга маъво⁷ бўлмаса.

Тиймагил девона кўнглумники: «Расво бўлма!» – деб,
Ошиқ ўлғайму эди ул телба, расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг,
Ёрдин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо⁸ бўлмаса.

¹ Хуршид – қуёш.

² Моҳсиймо – ой юзли.

³ Лаъли шакарҳо – «лаби ширин ёр» маъносида.

⁴ Сарв – хушқомат дарахт. Сарви бало – баланд бўйли сарв.

⁵ Жаннат ул-маъво – саккиз жаннатдан бири.

⁶ Зоҳид – жаннат умидида дунё лаззатларидан кечиб, тоат-ибодатта берилган книши.

⁷ Маъво – макон, жой; бошпана.

⁸ Қатъо бўлмоқ – узилмок.

ФУЗУЛИЙ

(1498 – 1556)

Сулаймон ўғли Мұхаммад Фузулий Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилган. Шоир сифатида Бағдодда шакллангани боис тахаллусига баъзан Бағдодий нисбаси ҳам қўшилиб келади. У деярли барча асарини она тили – туркӣ тилнинг озар лаҳжасида ёзган. Бизгача бир девони, «Лайлову Мажнун» достони ва бир неча мунозаралари етиб келган.

1556 йилда вабо касалидан вафот этган.

ФАМЗАСИН...

P.Турсунов мусиқаси

Фамзасин¹ севдинг, кўнгул, жонинг керакмасму санго?
Тийға² урдинг, жисми урёнинг³ керакмасму санго?

Оташин оҳим-ла айларсан манга таклифи боғ,
Боғбон, гулбарги хандонинг⁴ керакмасму санго?!

Эй камон абрў⁵, рақиба берма фамзандин насиб,
Ўқ отарсан тоша, пайконинг⁶ керакмасму санго?

Ёндуруб жоним, жаҳонсўз⁷ этма барқи⁸ оҳими,
Осмон, хуршиди рахшонинг⁹ керакмасму санго?

Тут алимким¹⁰, ашк¹¹ селобина йўқдир эътибор,
Эй Фузулий, чашми гирёниг¹² керакмасму санго?

¹ Фамза – ишва, ноз; кўз кисиши.

² Тийға – тиғта.

³ Урён – яланғоч.

⁴ Хандон – кулувчи, кулиб турган.

⁵ Абрў – қош; шаклан камонга ташбех қилинади.

⁶ Пайкон – камон ўқи.

⁷ Жаҳонсўз – жаҳонни куйдирувчи.

⁸ Барқ – чақмок, яшин.

⁹ Хуршиди рахшон – порлоқ куёш.

¹⁰ Ал – кўл.

¹¹ Ашк – кўз ёши.

¹² Чашми гирён – айн. йигловчи кўз.

САВТИ СУВОРА

Хоразм мумтоз йўлларидан

Ҳар қитобаким лаби лаълинг ҳадисин¹ ёзалар,
Риштай жон² бирла ишқ аҳли они шерозалар³.

Їу на сирдир, сирри ишқинг демадан⁴ бир кимсая⁵,
Шаҳра душмиш ман сани севдим дея овозалар.

Шайхлар⁶ майхонадан юз дўндирурлар⁷ масжида,
Бетариқатларни⁸ кўрким, тўғри йўлдан озалар.

Чоклар кўксимда сонмаким⁹, очубдир тифи ишқ
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмага дарвозалар.

Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, андин инжима¹⁰,
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

¹ Ҳадис – сўз.

² Риштай жон – жон ипи.

³ Шероза – китоб варакларини муковалашда уларни яхлит тутувчи ипак тасма.

⁴ Демадан – демай туриб.

⁵ Кимсая – кимсага.

⁶ Шайх – айн. қария; дин пешвоси.

⁷ Дўндирумок – бур(дир)мок, ўтиргирмок, айлантирмок.

⁸ Бетариқат – тариқатсиз, бирон тариқат йўлини тутмаган.

⁹ Сонмок – санамок, хисобламок.

¹⁰ Инжимоқ – ранжимоқ, хафа бўлмок.

МҮГУЛЧАИ ҚАШҚАРЧАИ ДУГОХ

«Дугоҳ» мақомидан

Кўрдим ул хуршид¹ ҳуснин, ихтиёрим қолмади,
Соядек бир ерда турмоққа қарорим қолмади.

Бир кун ўлмас талъатин² кўрмак мұяссар, оқим,
Заррача ул гул ёнинда эътиборим³ қолмади.

Пок қилди хотиримдин⁴ заъф(и)⁵ даҳр ойинасин⁶,
Ўйла⁷ маҳв ўлдимки⁸, бир зарра губорим қолмади.

Ғам куни ҳамдамларим гарқ ўлдилар кўз ёshima,
Силмака⁹ кўз ёшими бир ғамгусорим¹⁰ қолмади.

Рўзгорим¹¹ хуш кечурди¹², оқим, даврон ўтуб
Ўлди аҳволим хароб, ул рўзгорим қолмади.

Роҳи ишқ¹³ ичра манга анжоқ¹⁴ фано мақсуд эди,
Шукрим, мақсада етдим, интизорим¹⁵ қолмади.

Эй Фузулий, эл қаму¹⁶ ағерим ўлди ёр учун,
Сўзи дилдан¹⁷ ғайри¹⁸ бир дилсўз¹⁹ ёrim қолмади.

¹ Хуршид – күёш.

² Талъат – қиёфа.

³ Эътибор – бу ерда кадр-киммат маъносида.

⁴ Хотир – ўй, хаёл; кўнгил.

⁵ Заъф – кучисизлик, оқизлиқ.

⁶ Ойина – кўзгу; кўриниш.

⁷ Ўйла – ўшандай, ўшанча, шунча(лик).

⁸ Маҳв ўлмоқ – ўйқолмок.

⁹ Силмоқ – артмоқ, сидирмоқ.

¹⁰ Ғамгусор – кўнгилни кўтарувчи, ғамхўр.

¹¹ Рўзгор – турмуш.

¹² Хуш кечурди – яхши ўтарди.

¹³ Роҳи ишқ – ишқ йўли.

¹⁴ Анжоқ (онжоқ) – ўшандай, ўша (шу) даражадаги.

¹⁵ Интизор – интизорлик, муштоқлик.

¹⁶ Қаму – ҳамма. Эл қаму – бутун ҳалк.

¹⁷ Сўзи дил – бу ерда сўз ўйини: сўз – 1) сўз, жумла; 2) куйиш, куйик. Сўзи дил – дилдаги сўз ёки дилнинг куйиши.

¹⁸ Ғайри – бошқа.

¹⁹ Дилсўз – дилни куйдирувчи.

АҚЛ ЁР ЎЛСАЙДИ...

К.Жабборов мусиқаси

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим?¹
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?

Лаҳза-лаҳза суратин кўрсайдим ул ширин лабинг,
Сан киби, эй Бесутун², ман ҳам қарор этмазмидим?

Ул гули хандонни кўрмак мумкин ўлсайди манго,
Сандек, эй булбул, гулистона гузор этмазмидим?³

Дардими оламда пинҳон тутмагим⁴ ночордир,
Ўграсайдим⁵, бир табиба ошкор этмазмидим?

Эй Фузулий, доги ҳижрони-ла ёнган кўнглими
Лолалар очсайди, сайри лолазор этмазмидим?

¹ Мисра мазмуни: ақлим бўлса эди, ёр ишқидан воз кечмасмидим?

² Бесутун (Бехустун) – Фарҳод казиган тоғнинг номи. У Эроннинг Кирмоншоҳ шахри яқинида жойлашган. Ишқ йўлидаги машакқатлар рамзи.

³ Гузор этмоқ – ўтмоқ, бормоқ.

⁴ Тутдигим – тутишим, саклашим.

⁵ Ўграмоқ – 1) хоҳламоқ; 2) муносиб кўрмоқ.

БАЁТ I

Фаргона-Тошкент мақом йўлларида

Шифойи васл қадрин ҳажр¹ ила бемор ўландан² сўр³,
Зулоли⁴ завқ шавқин⁵ ташни дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин келуб гуфтора⁶ мандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани⁷ бир воқифи асрор⁸ ўландан сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми гофил⁹,
Кавокиб¹⁰ сайрини шаб¹¹ то саҳар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фаттон¹² кўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастрлар бедодини¹³ хушёр ўландан сўр.

Фамингдан шамъдек ёндим, сабодан¹⁴ сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон¹⁵ маним-ла ёр ўландан сўр.

¹ Ҳажр – айрилик.

² Ўландан – бўлгандан.

³ Сўр – сўра.

⁴ Зулол – тиник ва муздай сув.

⁵ Шавқ – тўликиш.

⁶ Гуфтор – сўзлаш.

⁷ Нукта – нозик маъноли сўз ёки ибора. Бу сўз «нукта» сўзига ҳам ҳамоҳанг. Мумтоз адабиётимизда маъшука лаби (оғзи) ва белининг кичкиналиги гўзаллик белгиси саналган. Шу боис бел қилга, оғиз эса нуктага ўхшатилади, баъзан ўта му болага билан бор-йўклигини билиб бўлмайди дейилади.

⁸ Воқифи асрор – сирлардан огоҳ.

⁹ Мардуми гофил – гофил одамлар, бехабар нодонлар.

¹⁰ Кавокиб (бирлиги кавқаб) – юлдузлар.

¹¹ Шаб – тун; коронгиллик.

¹² Фаттон – фитначи.

¹³ Бедод – кийноқ, азоб, жабр.

¹⁴ Сабо – тонти шабада.

¹⁵ Шаби ҳижрон – айрилик туни.

Ҳароби жоми ишқам¹, нарғиси² мастинг билур ҳолим,
Ҳаробот аҳлининг³ аҳволини хуммом⁴ ўландан сўр.

Муҳаббат лаззатидан бехабардир зоҳиди⁵ гофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор⁶ ўландан сўр.

БАЁТИ ШЕРОЗИЙ ТАЛҚИНЧАСИ

Фаргона-Тошкент мақом йўлларида

Ё Раб, балойи ишқ-ла қил ошно бани,
Бир дам балойи ишқдан этма жудо бани!

Оз айлама иноятинги аҳли дарддан,
Яъники чўх балолара қил мубтало бани.

Тамкиними балойи муҳаббатда қилма суст,
То дўст таън эдуб демая «бевафо» бани.

Ўила заиф қил таними фурқатиндаким,
Васлина мумкин ўла етурмак сабо бани.

Наҳват қилуб насиб Фузулий каби банго,
Ё Раб, муқайяд айлама мутлақ банго бани.

Мазмуни:

Эй Худойим! Мени ишқ деб аталмиш балога ошно қил ва
мени ишқ балосидан бир дамга бўлса ҳам жудо қилма.

Дард аҳлидан (ошиқлардан) иноятингни, лутфу марҳама-
тингни озайтирма (аяма), яъни айтмоқчиманки, мени бун-
дан ҳам кўпроқ балоларга мубтало қил! Мендан балоларинг-
ни қизғонма!

¹ Ҳароби жоми ишқам – ишқ қадаҳининг ҳаробиман.

² Нарғис – гул тури. Унинг гуллари шаклан маъшука кўзига ташбех қилинади.

³ Ҳаробот аҳли – майхонадагилар; мажозан ошиқлар, муҳаббат аҳли.

⁴ Хум(м)ор – кучли иштиёқ, хошиш, қўмсанш.

⁵ Зоҳид – зуҳд (тоат-ибодат) билан машғул, художўй.

⁶ Вор – бор, мавжуд.

Худойим! Мұхаббат деган бало борасида бардошимни, қатъиятимни сусайтирма, токи дүстлар менга «бевафо» дея таънаю дашном беріб юрмасин.

Айрилиқ ғамини чекиб, тобора қуриб, кичрайиб кетаёт ган танимни шу қадар заифластиргинки, ёр макони томон эсган шабада мени унинг висолига, ҳузурига олиб бориши мумкин бўлсин.

Эй Раббим! Менга ҳам худди Фузулий кўргандай фойда кўришни насиб қил, яъни мени ўзимга мутлақо боғла(б кўй)ма!

ДУГОХ

Маҳшар куни¹ кўрам дерам ул сарв қомати,
Гар анда ҳам кўринмаса, кел, кўр қиёмати.

Тарки май этдинг², эй кўнгул, айёми гул³ келур,
Албатта, бу ишнинг чекилур бир надомати⁴.

Мажнунки подшоҳи вуҳушу тутор эди,
Мандек мусаххар этмади мулки маломати.⁵

Саҳронавард⁶ экан, манга тасвири кўҳкан⁷
Ўргатди шаҳри ишқда расми иқомати⁸.

Фам зулматинда бўлмаға дарду бало мани
Басдур, Фузулий, оташи оҳим аломати.⁹

¹ Маҳшар куни – қиёмат. Байт мазмуни: «У сарвқоматни маҳшар куни кўрарман», – дея овуниб юрибман. Агар ўша кунда ҳам кўролмасам, ана ундан кейин кўрасиз қиёматни!

² Тарки май этдинг – май ичмай кўйдинг.

³ Айёми гул – айн. гул кунлари, яъни баҳор.

⁴ Надомат – афсус.

⁵ Байт мазмуни: Мажнун гарчи ёввойи ҳайвонлару қушларга подшо бўлиб олган бўлса ҳам, аммо маломат мулкини мендек бўйсундиролмади, яъни менчалик таъна килингани йўк.

⁶ Саҳронавард – саҳро кезувчи.

⁷ Тасвири кўҳкан – тоғ қазувчининг (яъни Фарходнинг) сурати.

⁸ Расми иқомат – бир жойда муким туриши йўл-йўриги.

⁹ Байт: Фузулий менинг фам зулматига бошимга ҳар турли дарду балолар тушганидан ҳасрат килиб, гапириб берсам, сўзларимни асослаш учун исбот қидириб юрим шарт эмас – чеккан оҳимдан кўтарилаётган аланганинг ўзиёқ кифоя киласи.

ДИЛХИРОЖ¹

(Сийнахирож)

Халқ куии

Ҳосилим барқи ҳаводисдан² маломат доғидир,
Маснадим³ кўйи маломатда⁴ фано тупроғидир,
Зор кўнглим танда зиндони бало⁵ дутсоғидир⁶,
Раҳм қил, давлатли султоним, муруват чоғидир.

Давр жавриндан тану жонимда роҳат қолмади,
Сурати ҳолимда осори⁷ фароғат⁸ қолмади,
Меҳнату фам чекмага минбаъд⁹ тоқат қолмади,
Раҳм қил, давлатли султоним, муруват чоғидир.

Кўр Фузулийнинг рухи¹⁰ зардинда¹¹ ашқи олинини¹²,
Пардаи идбора¹³ дутмиш¹⁴ сурати иқболини¹⁵,
Дардмандингдир, иноятлар эдуб¹⁶ сўр ҳолини,
Раҳм қил, давлатли султоним, муруват чоғидир.

¹ Дилхирож – хирож, солик, тўлов. «Дилхирож» – айнан «дилнинг тўлови ёки дил (кўнгил) билан тўланадиган бож». Бу сўз, аслида, «дил ҳарош» (яъни кўнгилни тирновини ёки дилнинг тирналиши) бўлган қабилидаги таҳминлар ҳам бор.

² Барқи ҳаводис – айн. ҳодисалар чакмоги; умуман, хаёт маъносида қабул қилиш мумкин.

³ Маснад – 1) суюнчик; 2) таҳт; 3) мартаба, даража.

⁴ Кўйи маломат – айн. маломат, таъналар кўчаси; умуман, бу дунё маъносида тушиуниши мумкин.

⁵ Зиндони бало – айн. бало зиндони; тана, вужуд.

⁶ Дутсоғ – тутқун, асир.

⁷ Осор – асарлар, излар, белги-нишоналар.

⁸ Фароғат – ҳордик, дам, хотиржамлак.

⁹ Минбаъд – асло.

¹⁰ Рух – юз.

¹¹ Зард – сарик.

¹² Ашқи ол – айн. қизил (конли) кўз ёши.

¹³ Пардаи идбора – баҳтсизлик, омадсизлик пардаси.

¹⁴ Дутмиш – тутибди, қоплабди маъноларида.

¹⁵ Сурати иқбол – баҳт, толенинг кўриниши (қиёфаси).

¹⁶ Иноятлар эдуб – иноят, лутфу марҳаматлар килиб.

ҚУРБОН ЫЛАМ¹

Хожи Абдулазиз мусиқаси

Келгил, эй моҳлиқо², ҳұснинга қурбон ўлам,
 Ҳалқаи зулғи паришонинга³ қурбон ўлам,
 Чашми мастьу⁴ лаби хандонинга⁵ қурбон ўлам,
 Офтоби рухи тобонинга⁶ қурбон ўлам,
 Қадди шамшоди хиромонинга⁷ қурбон ўлам.

Икки қошинг – қаламу икки кўзинг – чашмаи нур⁸,
 Барқ уриб⁹ ойинадек, сийнаи¹⁰ софинг кўринур,
 Бу санинг дарду фироқинг¹¹ – мани жонимга ҳузур,
 Йўқ назокат¹² ичидан сан каби дурданаи дур,
 Қадди наврастай¹³ ларzonинга¹⁴ қурбон ўлам.

Тишларинг – гавҳару ҳар бир суханинг¹⁵ – оби ҳаёт¹⁶,
 Пистадек икки лабингдин тўқилур қанду набот¹⁷,
 Ёзилур саҳфаи девонингга юз минг ҳасанот¹⁸,

¹ Ушбу мухаммас Фузулий девонларида учрамади.

² Моҳлиқо – ой юзли.

³ Ҳалқаи зулғи паришин – тўзғиган гажак ҳалқалари.

⁴ Чашми масть – масть (сузук) кўз.

⁵ Хандон – кулувчи.

⁶ Рухи тобон – порлок юз.

⁷ Шамшоди хиромон – айн. юрувчи шамшод.

⁸ Чашмаи нур – айн. нур булоги.

⁹ Барқ урмоқ – чақмоқ чақиши.

¹⁰ Сийна – кўкрак.

¹¹ Фироқ – айрилик.

¹² Назокат – нозиклик.

¹³ Наврастা – ёш, навқирон.

¹⁴ Ларзон – титраб турган.

¹⁵ Сухан – сўз.

¹⁶ Оби ҳаёт – айн. ҳаёт суви.

¹⁷ Набот – новвот.

¹⁸ Ҳасанот – мақтov, олқиши; шунингдек, «ҳасан (гўзал) от», яъни гўзал исмлар (асмо ул-хусна) тарзида ҳам тушуниш мумкин.

Гул юзингдин манга бир бўса бериб айла закот¹,
 Ман сани рўйи² гулистонинга қурбон ўлам.

Қўлларинг – панжай хуршид³, белинг – мўрча миён⁴,
 Кўйлак ичра баданинг соф эрур – оби равон⁵,
 Раҳм қил, кел мани оғушима, эй оғати жон,
 Қадду бастингга тасаддуқ бу Фузулий қила жон,
 Қадди шамшоди хиромонинга қурбон ўлам.

¹ Закот – мол-дунёси маълум бир миқдорга (нисобга) етган кишилар учун фарз бўлган, йилда бир марта мулкнинг қирқдан бир улуши билан адo этиладиган мол ибодати.

² Рўй – юз.

³ Панжай хуршид – айн. күёш панжаси; күёш нурининг толим-толимлиги назарда тутилмоқда.

⁴ Мўрча миён – айн. чумоли белли, яъни бели чумолининг белидай ингичка. Мумтоз адабиётда маъшука белининг ингичкалиги гўзалик белгиси ҳисобланади.

⁵ Оби равон – оқиб турган сув.

ЗЕБУНИСО

(1639 – 1702)

Зебуннисобегим Дехлида Бобурнинг эвараси бўлмиш Абу Зафар Муҳийиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгир оиласида туғилган. Қабри ҳам Дехлида.

Девон тузган. «Зеб ат-тафсир», тасаввуфга оид «Мунис ул-арвоҳ», илоҳиётта доир «Зеб ан-нашаот» рисолалари машҳур.

САМАРҚАНД УШШОҒИ

Ҳожи Абдулазиз мусиқаси

Биёки, зулфи кажу чашми сурмасо инжост,
Нигоҳи гарму адоҳойи дилрабо инжост.

Карашма – тифу мижа – ханжару нигаҳ – алмос,
Шаҳодат ар талаби, дашти Карбало инжост.

Агар беҳишт диҳанданд, фиреби кас наҳӯри,
Қадам зи майкада берун манеҳки, жо инжост.

Китобхонаи олам варақ-варақ жустам,
Хати ту дидаму гуфтам ки: «Муддао инжост!»

Закоти ҳусн агар медиҳи ба ройи Худо,
Биёки, Зебуннисо ҳам чу ман – гадо инжост.

Таржима:

Келгилки, қайрилма зулф¹, сурмасифат (қора) кўз
шу ердадир,
Куйдиргувчи нигоҳ, дилрабонинг (хуш) қилиқлари
шу ердадир.

¹ Зулф – гажак; умуман, соч.

Карашмаси¹ – тиф, киприги – ханжар, нигоҳи – олмос,
Агар шаҳидлик истасанг (кел), Карбало дашти шу ердадир.

Агар жаннатни берсалар ҳам, одамларнинг фирибига учма,
Майхонадан бир қадам ҳам ташқари чиқма, (асл) жой(инг)
шу ердадир.

Оlam кутубхонасини варақма-варақ титиб чиқдим,
Хатингни² кўрдиму: «Муддаоим бу ерда экан-ку!» –
деб юбордим.

Агар Худо йўлига ҳусн(инг) закотини бермоқчи бўлсанг,
Кел, Зебуннисо отли гадо – мен шу ердаман.

¹ Карашма – ноз(ланиш).

² Ҳат(t) – 1) мактуб, нома; 2) лаб устидаги майин туклар, энди сабза уриб келаётган мўйлаб. Бу ерда сўз ўйини: маъшқанинг оппоқ қозидаги майин туклар (хатт) оқ қоғоздаги сиёҳ (сиёҳ – форсчада айн. кора дегани!) билан битилган ёзувга қиёсланмоқда.

МАШРАБ

(1640 – 1711)

Валибобо ўғли Раҳимбобо Машраб Наманганда туғилган. Дастреки таълимни наманганлик тақвадор муллар Мулла Бозор Охунд кўлида олган. Кейинроқ унинг тавсияси билан Кошғарга – Ҳидоятуллоҳ Оғоқ Ҳожа хузурига бориб, муридликка киради ва тасаввуфнинг амалий қисми – тариқат йўлини тутади. У Машрабдан ташқари яна Зинда, Умам каби тахаллуслар билан ҳам ижод қилган.

1711 йили Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон ҳукми билан дорга осилган.

САВТИ МУНОЖОТ

Халқ куйи

Кўрсат жамолинг мастоналарға¹,
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мандин дуодур, сандин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларға.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,
Қилғил назар сан бечораларға.

Машраб сани деб кечти жаҳондин,
Бошини қўйди остоналарға.

¹ Мастона – масти, доним мастта ўхшаб (кўзи сузилиб) юрадиган.

ҲЕЧ КИМА МАЪЛУМ ЭМАС...¹

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним² манинг,
Осмонни тийра³ қилди оҳу ағоним манинг.

Мен нечун шод этмайин бул хаста кўнглумни бу кун?
Келди ҳолимни сўраб ул шўх жононим манинг.

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид⁴ этгил мани,
Мавж урсун Карбало даштида⁵ бул қоним манинг.

Нозу истиғно⁶ билан келгил, манинг ҳолимни сўр,
Термулуб доим йўлингда чашми гирёним⁷ манинг.

Тобакай⁸ жабру ситам бирлан юурсан, эй рафиқ⁹?
Чиқти, Машраб, ушбу ғамдин бул азиз жоним манинг.

¹ Куй муллифи аникланмади (М.Т.).

² Ҳоли паришон – паришонлик, маъюслик, ғамгинлик ҳолати.

³ Тийра – хира, нурсиз.

⁴ Шаҳид – зўрлик билан, куч ишлатиб ўлдирилган ёки зулмга карши жангда ҳалок бўлган киши.

⁵ Карбало дашти – Ироқдаги Карбало саҳроси. Муҳаммад (а.с.)нинг набираси имом Ҳусайн ана шу даштда шаҳид қилинган эди.

⁶ Истиғно – эҳтиёжислизик, муҳтоҳ бўлмаслик; бу ерда маъшукнинг ошиқка муҳтоҳ эмаслиги маъносида.

⁷ Чашми гирён – (тинимсиз) йиглайдиган кўз.

⁸ Тобакай – қачонгача?

⁹ Рафиқ – дўст, улфат.

ТАРОНАИ САРАХБОРИ ИРОҚ

«Ироқ» мақомидан

Ишқинг ўтиға ўртаб¹ ҳар дам чу² куяй дерман,
Ул шамъи жамолингга³ парвона бўлай дерман.

Мужгонинг⁴ ўқин отиб қонимни тўкар бўлсанг,
Қоним била, эй жоно, оламни бўяй дерман.

Юзунг била қошингдин ўзгага назар солсам,
Ханжар олибон қўлға қўзимни ўяй дерман.

Раҳм айласа гар дилбар ҳам ечса ниқобини,
Ман хастасиман, дўстлар, тўйгунча кўрай дерман.

Ман дашти муҳаббатда ташна бўлубон юрдим,
Сун⁵ васл шаробидин, эй соқий, тўяй дерман.

Машраб сани деб, дилбар, кечти ики⁶ оламдин,
Раҳм айлағил, эй жоно, васлингга етай дерман.

ЎРТАР

Х.Жўраев мусиқаси

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи¹ ул хонумон² ўртар.

Кишига ишқ ўтидин заррае³ тушса, бўлур гирён⁴,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон⁵ ўртар.

Бу дард бирлан хароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмайсан,
Гамим бошқа, алам бошқа, юракимни ниҳон⁶ ўртар.

Қаю⁷ тил бирла, эй жоно, санинг васфинг⁸ баён айлай?
Тилим лолу қўзим гирён, сўнгакларни⁹ чунон¹⁰ ўртар.

Бу Машраб дардини, ё Рабки, ҳеч ким бошиға солма,
Агар Маҳшарда¹¹ оҳ урсам, биҳишти жовидон¹² ўртар.

¹ Тақи – янга.

² Хонумон – рўзгор; бисот.

³ Заррае – бир зарра. Форс тилида сўз охирига қўшилган «ё» ҳарфи (-е қўшимчаси) иоаниклик, «қандайдир бир» деган маъноларни билдиради.

⁴ Гирён – йигловчи.

⁵ Ҳамон – доим.

⁶ Ниҳон – яширинча.

⁷ Қаю – қайси?

⁸ Васф – таъриф; мақтov.

⁹ Сўнгак – сүяк.

¹⁰ Чунон – роса, жуда.

¹¹ Маҳшар(гоҳ) – киёмат куни инсонлар тўпландиган жой.

¹² Биҳишти жовидон – абадий жаннат.

¹ Ўртамоқ – кўймоқ, куйдирмоқ.

² Чу – чунончи; модомики; вактики.

³ Шамъи жамол – жамол (чирой) шами.

⁴ Мужгон – киприк.

⁵ Сунмoқ – кўймоқ.

⁶ Ики – икки.

КЕЛИБДУР

Юнус қори Юсупов мусиқаси

Дилбар юзини күргали девона келибдур,
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,
Рафтори¹ билан кўзлари мастиона² келибдур.

Девонайи шўрида³, бу жонингни фидо қил,
Кокиллариким белина чулғона⁴ келибдур.

Зарроти жаҳон⁵ ичра куюб, ташналаб⁶ эрдим,
Жонона бўлиб соҳиби паймона⁷ келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй хастайи Машраб,
Лаблари шакар, тишлари дурдона⁸ келибдур.

МАЛАКСАН

Х. Тўхтасинов мусиқаси

Малаксан ё башар¹ ё хуру филмонсан² – билиб бўлмас,
Бу лутфу³ бул назокат бирла сандин айрилиб бўлмас.

Ажаб берадм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,
Чароги хусни рўйингдин⁴ кўнгулни хам⁵ қилиб бўлмас.

Юзунгни офтобини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим,
Фалакка қўл узотиб шамси анварни⁶ олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул – чун булбули шайдо,
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлибсан бўлмагил ғофил⁷,
Бу ғафлат⁸ уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

¹ Рафтор – юриш.

² Мастиона – мастиларча.

³ Шўрида – паришон, гангиган.

⁴ Чулғонмоқ – ўралмоқ.

⁵ Зарроти жаҳон – борлиқ зарралари.

⁶ Ташналаб – ташна бўлиб; ташна лаб, чанқоқдан қуриб қолган лаб.

⁷ Соҳиби паймона – айн. жом (кадаҳ) эгаси. Мисранинг маъноси: жонона қадаҳ
кўтариб келиди.

⁸ Дурдона – дур донаси, инжу; маъшуқа тишларига ташбех.

¹ Башар – инсон, одамзод.

² Хуру филмон – хур – жаннатдаги гўзаллар; филмон – жаннатдаги гўзал хизматкор
йигитчалар.

³ Лутф – марҳамат, илтифот.

⁴ Чароги хусни рў – айн юз чиройининг чироги.

⁵ Хам – эгик, букилган.

⁶ Шамси анвар – нурафшон куёш.

⁷ Ғофил – беҳабар, ғафлатда қолган, нодон.

⁸ Ғафлат – ғофиллик, беҳабарлик.

МҮГУЛЧАИ МУШКИЛОТИ ДУГОХ

«Дугох» мақомидан

Эй фалак¹, қилдинг мани ул меҳрибонимдин жудо,
Булбули шўрида² янглиғ тулситонимдин жудо.

Найлайн, қилдинг мани охир ғарибу бенаво³,
Мубталойи ғам қилиб, кўксумда жонимдин жудо.

Қумри⁴ янглиғ бандалик тавқини⁵ бўйнумға солиб,
Термулуб ҳайрон эдим сарви равонимдин⁶ жудо.

Оҳ уруб қон йигласам, айб қилмангиз, эй дўстлар,
Ман бўлубман тўтийи ширинзабонимдин⁷ жудо.

Кўҳ ба кўҳ⁸, саҳро ба саҳро, Машрабо, юрмоқ надур,
Чугзи бевайронадурман⁹ – ошёнимдин¹⁰ жудо.

ТУШТИ САВДОЙИ

МУҲАББАТ

К.Раҳимов мусиқаси

Тушти савдойи муҳаббат бошима,
Ор этар мардум¹ келурға қошима.

Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йигладим,
Етти иқлим ғарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳробига,
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб² тўқтурди соқий³ бодасин⁴,
Етмади ақли ани сирдошима.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,
Кўй қараб ғам тошини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон қилиб
Не сабабдин келмадинг бир қошима?

* * *

У.Атоев мусиқаси

Кимга айтиб йиглайн нозик адонинг⁵ дардини,
Хонавайрон айлаган ноошнонинг дардини?

Дилни бердим анга мен, ғайраз⁶ жафони кўрмадим,
Айтиб-айтиб йиглайн ул бевафонинг дардини.

Умрум охир бўлди етмай доманини⁷ гардиға,
Кимга айтиб, кимга йиглай дилрабонинг дардини?

¹ Фалак – осмон; бу ерда тақдир маъносида.

² Шўрида – ҳаяжонли, изтиробли.

³ Бенаво – бечора, ожиз, кусиз.

⁴ Қумри – қаптарга ўхшаш сайроки куш.

⁵ Бандалик тавқи – бандалик (айн. банди бўлиш, асирик) кишани.

⁶ Сарви равон – сарв – тик ўсуучи дараҳт; ёр қоматига ишора. Равон – юрувчи.

Сарви равон – айн. юрувчи сарв.

⁷ Тўтийи ширинзабон – айн. ширин тилли тўти.

⁸ Кўҳ ба кўҳ – тоғма-тоғ.

⁹ Чугзи бевайрони – вайронаси (ҳам) йўқ бойўғли.

¹⁰ Ошён – макон, тураржой.

¹ Мардум – одам.

² Муҳтасиб – олди-сотди тартиб-интизом, умуман, шаръий ҳукмлар назоратчиси.

³ Соқий – май қуювчи; қосагул.

⁴ Бода – май, шароб.

⁵ Нозик адо – киликлари нозик ёр.

⁶ Ғайраз (асл. ғайр аз) – ...дан ўзга, бошқа. Ғайраз жафо – жафодан бошқа.

⁷ Доман – этак, кийимнинг пастки қисми.

Дашту саҳролар күяр Мажнунни тортган оқидин,
Бесаруполар¹ билур соҳиб азонинг² дардини.

Норасоларға сухан қилма³, хатодур, Машрабо,
Ҳар кишига айта билмам раҳнамонинг⁴ дардини.

ТАЛҚИНЧАЙ САВТИ КАЛОН

«Рост» мақомидан

Эй менинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан,
Бу кўнгул бўстонида ғунча даҳоним⁵, қайдасан?

Неча йиллар бу кўнгул муштоқи дийдоринг⁶ эрур,
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним⁷, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин, бир неча кун бўлдим жудо,
Ахтариб келдим сени, ороми жоним, қайдасан?

Ҳолу зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл⁸ сўраб,
Эй менинг хуш меҳрибоним, ёри жоним, қайдасан?

Кўзларим гирён⁹ бўлиб қолдим бу ғам сахросида,
Ҳасратингда чиқди бу оҳу фифоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, бўлди юрак-бағри кабоб
Фурқатингда, чашмайи оби равоним¹⁰, қайдасан?

¹ Бесарупо – бошяланг, оёқяланг, бечора.

² Соҳиб(и) азо – мусибатда қолган киши, азадор.

³ Норасоларга сухан қилма – нодонларга сўз айтма.

⁴ Раҳнамо – йўл кўрсатувчи, тўғри йўлга йўллаб турувчи, маслаҳаттўй.

⁵ Даҳон (даҳан) – оғиз. Ғунча даҳон – оғзи ғунчадай кичик ва қизил.

⁶ Муштоқи дийдор – кўришга зор, интизор.

⁷ Забон – тил.

⁸ Бир йўл – бир марта, бирров.

⁹ Гирён – йигловчи, ёшли.

¹⁰ Чашмайи оби равон – айн. оқиб турган сув булоги; бу ўринда айрилиқдан чанқаган ошиқ кўнглининг ташналигини қондирувчи ёр маъносида.

УФОРИ САВТИ САБО

«Рост» мақомидан

Бир боқишига жумлайи жонона¹ тасаддуқ²,
Шаҳло кўзуга оқилу³ девона тасаддуқ.

Гар пардасини очсаю дилбар, манга боқса,
Машъал юзига⁴ мен каби парвона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,
Курбон бўлайин йўлида ҳамона, тасаддуқ.

Мижгон⁵ ўқига қилса бу жонимни нишона,
Жоним берайин тириға⁶ мардона тасаддуқ.

Гулгун⁷ кийибон чиқса ўшал дилбари раъно,
Мажнун бўлубон ўргулайин ёна⁸ тасаддуқ.

Машраб сари зулфун тараса, рашки келодур,
Зулфи торидин боди сабо – шона⁹ тасаддуқ.

¹ Жумлайи жонона – ҳамма жононалар.

² Тасаддуқ – садқа, садага.

³ Оқил – акли, эсли-хушли.

⁴ Машъал юз – машъаладек нурағшон, порлок юз.

⁵ Мижгон – киприклар.

⁶ Тириғ (тийр) – ўқ.

⁷ Гулгун – гулранг, қизил.

⁸ Ёна – яна, тагин.

⁹ Шона – тарок.

ЁРОНЛАР

К.Баротов мусиқасы

Булбулдайинким фарёд этарман,
Ишқ дафтарини бунёд этарман,
Күнглумни бир дам ман шод этарман,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Фам баҳри¹ қилди мавжини бунёд,
Ишқингда қилдим минг оху фарёд,
Үтти нигорим чун сарви озод²,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг³ кўксумда ёнди,
Кўз ёшим оқиб бағримга томди,
Faфлатда⁴ ётган Машраб, уёнди⁵,
Ёрга етар кун борму, ёронлар?

САНАМО

Шероз Отта ижро этган

Санамо, юзинг биҳиштин⁶ гул очиб баҳор қилдинг,
Fайр⁷ ила қарор айлаб, мани беқарор қилдинг,
Отибон ғаминг ўқини юрагим фигор⁸ қилдинг,
Тилагач жамолинг, эй гул, кўчаларда хор қилдинг,
Мени, эй хумор кўэлук⁹, нега мунча зор қилдинг?!

¹ Баҳр – денгиз.

² Сарви озод – мажозан келишган қадду қомат.

³ Шамъи фироқ – айрилик шами.

⁴ Faфлат – ғоғифлик, бехабарлик.

⁵ Уёнмок – ўйғонмок.

⁶ Биҳишт (бехишт) – жаннат. Юзинг биҳишти – жаннатдай гўзал юзинг.

⁷ Fайр – бегона.

⁸ Фигор – жароҳатли.

⁹ Хумор кўз – мастона сузилган кўз.

Тилиму дилимда, жоно, туну кун эрур сифотинг¹,
Булажаб эл оғиздадур шакару асал, наботинг,
Кечибон бу жисму жондин, тиладим санинг ҳаётинг,
Үлуримға рози бўлдим, нега келмади ўётинг?
Эшикинг тубида юз минг осилурға дор қилдинг.

Садафинг – дури мунаввар, сан ани ниҳон тутубсан,
Сан эмасму насли Одам, пари хайлидин² ўтубсан,
Каъбатайни³ ишқ этибсан, мани хастани утубсан⁴,
Манга бир нигоҳ қилмай, нега ўзгани кутубсан?
Мани бад хумор айлаб⁵, кими ихтиёр қилдинг?

ДАРДУ АЛАМДУР

К.Отаниёзов мусиқасы

Токай мани бечорага бу дарду аламдур,
Васлингни тилаб кўнглима андишаву ғамдур,⁶
Ҳасрат ичида мунча манга жабру ситамдур,
На дарду фалак бўлди, на тақдири қаламдур⁷,
Бу гуссада ўлсам, бошима оҳим аламдур.⁸

Сен дилбари жононага ман ошиқи шайдо,
Жонимни берай васлинг учун, айла тамошо,
Неткум⁹, мани ишқинг бу сифат айлади расво,

¹ Сифот – сифатлар. Бу ерда фазилатлар.

² Парни хайли – парилар авлоди, жамоаси.

³ Каъбатайн – нард ўйинидаги суюктош.

⁴ Утмоқ – ютмоқ, мағлуб қўлмок.

⁵ Бад хумор айламоқ – ҳаддан зиёда соғинтирмок.

⁶ Мисра мазмуни: висолинг тилайман-у, кўнгилда «жамолини кўраманми-йўқми»
деган хавотир, ғам бор.

⁷ Тақдири қалам – Аллоҳинг қалами ёзиб кўйган тақдир.

⁸ Мисра мазмуни: бу ғам билан ўлиб кетсан, оҳимдан чикқан аланга бошимда
(қабрим устида) байрок, туг бўлиб туради.

⁹ Нетгум – нима қиласайки.

Мажнунга тушиб дөғи ғаминг күэлади саҳро,
Васлингга етиб ўлса бу ошиққа на ғамдур?¹

Ман санга етолмай, санамо, хаста бу жоним,
Тун-кун сани излаб, югуриб ташна забоним,
Бир неча маҳалдурки жафо бирла бу жоним,
Етмасму санга мунча манинг оху фифоним?
Бул хастани доим тилаги лутфу қарамдур.

Жон қийнамайин востили жонона² бўлурму,
Гар бўлмаса найсон, дури яқдана бўлурму,³
То шамъи уза ёнмаса, парвона бўлурму,
Оғзини очиб сўзламай, афсона бўлурму?
Васлинг асалу дөғи ғаминг заҳри зақамдур⁴.

Чин ошиқ эсанг берма кўнгул нафсу ҳавога⁵,
Кўп ётма, саҳар уйғона кўр зикри санога⁶,
Фофил⁷ юрума, бўлма гирифтор балога,
Машраб, сан ўзинг солма неча жабру жафога,
Тўғри юрусанг, эл сўзидин сенга не ғамдур?

¹ Байт мазмуни: ғаму ҳасратинг бошига тушган Мажнун чидолмай саҳрога чикиб кетди. Лекин жамолингни кўриб ўлслам, ман ошиққа яна қандай ғам бўлиши мумкин?

² Востили жонона – жонон висолига етуви.

³ Мисра мазмуни: найсон ёмғири бўлмаса, йирик, ягона дур бўладими? Ривоятта кўра, найсон (апрель) ёмғири ёғтанда садаф сув юзига чиқиб, оғзини очар ва ичига томчи тушгач, қайтиб денгиз тубига тушармиш. Ўша томчидан дур пайдо бўлармиш.

⁴ Зақам (заккүм) – дўзуҳда ўсадиган меваси аччиқ дарахт.

⁵ Нафсу ҳаво – ҳавоий истаклар.

⁶ Зикри сано – худо номини такрорлаш.

⁷ Фофил – ғафлатда қолган, бехабар.

БОРМИКИН

Хоразм ҳалқ ашулаларидан
Ж.Султонов мусиқаси

Дилрабо ҳуснини кўргон бормикин,
Кўрмайин ҳасратда юргон бормикин,
Ҳасрати дардида сўлгон бормикин,
Васлига етмойин ўлгон бормикин,
Бевафо дардида куйгон бормикин,
Мен каби ҳайронга ўлғон¹ бормикин?

Ҳасратимдан тогу тошлар йиғлағай,
Қай киши, билмам, сўзимни англағай,
Қил дуо, шоядки, ёрим тинглағай,
Зулфининг торига боғлаб чирмагай,
Бевафо дардида куйгон бормикин,
Мен каби ҳайронга ўлғон бормикин?

Топмадим ўзимга ҳамдам бир санам²,
Марҳамим йўқ, баски, айлай кўхи ғам³,
Бормикан дунёда мендек пур алам⁴?
Дилбаро, қилма менга жабру ситам,
Бевафо дардида куйгон бормикин,
Мен каби ҳайронга ўлғон бормикин?

Доғу доғ устига доғ бағримда қон,
Сенсизо, наилай, кўринмас бу жаҳон,
Изласам, топкаймиканман бир макон,
Дилбаро, сендан бўлак бир меҳрибон,

¹ Ўлғон – бўлган.

² Санам – айн. насронийлар сигинадиган бут. Мумтоз адабиётда ошиқни диндан чиқаришгача борадиган гўзал тимсоли.

³ Кўхи ғам – ғам тоги.

⁴ Пур алам – аламга тўла.

Бевафо дардида куйгон бормикин,
Мен каби ҳайрона ўлғон бормикин?

Машрабинг йиглаб, кўйингда дод этар,
Топмаса васлинг ўзин ношод этар,
Ҳасрату дарду алам бунёд этар,
Ўз яқосин чок этиб фарёд этар,
Бевафо дардида куйгон бормикин,
Мен каби ҳайрона ўлғон бормикин?

ИШҚ ИЧРА ҚАДАМ ҚҮЙДИМ...¹

М.Баҳодиров ишилаган уфор

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар² эттим,
Сийнамни³ маломат⁴ ўқига ман сипар⁵ эттим,
Бул манзили беҳудага азми сафар эттим,
То олами зоҳирга⁶ келиб ман гузар⁷ эттим,
Тарк айладиму жумлани, қатъи назар⁸ эттим.

Ҳижрон кечаси нола қилиб ҳамдаме топмай,
Аҳволи кўнгул айтғали бир маҳраме⁹ топмай,
Ҳижрон тигининг заҳмиға¹⁰ ҳеч марҳаме¹¹ топмай,
Озору ситамдин нафасе ороме топмай,
Зулмунгни қариндошу ғамингни падар¹² эттим.

¹ Куй муаллифи аникланмади (М.Т.).

² Сар – бош; ақл-хуш маъносида. Тарки сар – ақлу хушни йўқотиш.

³ Сийна – бағир, кўкрак.

⁴ Маломат – таъна, дашном.

⁵ Сипар – қалқон.

⁶ Зоҳир – устки, юзаки; кўриниб турган; олами зоҳир – бу дунё.

⁷ Гузар – юриш, ўтиш; воз кечиш.

⁸ Қатъи назар – айн. назарни узиш (кесиш); қарамаслик, парво қилмаслик.

⁹ Маҳрам – хос киши.

¹⁰ Захм – жароҳат.

¹¹ Марҳам – шифо, малҳам.

¹² Падар – ота.

Эй ёр, санинг лаъли лабинг қанду асалдур,
Ҳар бир боқишиңг тири бало¹, жонга халалдур²,
Рум ҳалқини³ занг⁴ этти асир, бул не масалдур,
Савдои сари зулфунг⁵ учун, неча маҳалдур,
Жон кишварини⁶ буздиму зеру забар⁷ эттим.

Дунёйи дағо⁸ ичра манга йўқтур ҳаловат,
Ман мунда ҳароб ўлдим-у, сан анда саломат,
Жон мулкига меҳмон келур эрса, на саодат⁹,
Ифтора¹⁰ кабоб этгали, эй аҳли сабоҳат¹¹,
Хуни жигарим¹² жамъ қилиб моҳазар¹³ эттим.

Ялдо кечаси¹⁴ бўлғали ёрим била ҳамгап,
Бир ғамзага торож этибон¹⁵ дин ила мазҳаб,
Сиррини ниҳон этти – будур боиси матлаб¹⁶:
Кўтоҳназар¹⁷ эл билмаса деб хаста бу Машраб,
Минг маънини бир нукта билан мухтасар эттим.

¹ Тири бало – бало ўки.

² Халал – оғат, зиён.

³ Рум ҳалқи – умуман, европалик маъносида. Оқлиқ жиҳатидан маъшука юзига нисбат.

⁴ Занг – ҳабаш. Маъшука сочиға ишора.

⁵ Савдои сари зулф – маъшука сочининг савдоси, ишки, ғами. Шунингдек, сўз ўйини: савдо арабчада қора демакдир.

⁶ Қишивар – мамлакат.

⁷ Зеру забар – остин-устин.

⁸ Дағо – алдов, фириб.

⁹ На саодат – қандай баҳт!

¹⁰ Ифтор – ифтор, рўза вақтида оғиз очиш пайти.

¹¹ Аҳли сабоҳат – ҳусн аҳли. Шунингдек, сабоҳ – тонгта ҳам ишора бор.

¹² Хуни жигар – жигар кони.

¹³ Моҳазар – тайёр, мухайё.

¹⁴ Ялдо кечаси – қишининг энг узун туни; мажозан айрилиқнинг авжи.

¹⁵ Торож этмоқ – таламоқ, барбод қилмоқ.

¹⁶ Матлаб – талаб, мақсад.

¹⁷ Кўтоҳназар – айн. калтабин, узокни кўролмайдиган, нодон.

ПАТНИСАКИ УШШОҚ САВТИ

Халқ күйи

Эй санам, гул-гул ёнибсан, май ичиб рахшонмусан¹?
 Барқ уродур² ой юзинг, ҳай-ҳай, маҳи тобонмусан³?
 Хуш кулиб, бергил жавобим: жонмусан, жононмусан?
 Оллоҳ-оллоҳ, пора кўнглум тахтига сultonмусан?
 Шишиай жонимға тушган бир пари жавлонмусан⁴?

Оразинг⁵ – анвар⁶, хатинг – анбар⁷, лабинг – шаҳду⁸ шакар,
 Пистайи хандондур⁹ оғзинг, кўзларинг – бодоми тар¹⁰,
 Оразинг саҳни аро холу хатингдур жилвагар,
 Бул назокат бирла, ҳай-ҳай, куш келибсан дар назар,
 Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан¹¹, райхонмусан?

Икки рухсоринг¹² қизил гулдурму ё барги суман¹³?
 Донаи райхон – қаро холу хатинг саҳни чаман,
 Сийм¹⁴ тан, гул пираҳан¹⁵, ширинсухан¹⁶, нозик бадан,
 Одамийсан ё парисан бул назокат бирла сан,
 Хурмусан, филмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан¹⁷?

¹ Рахшон – ялтирок, порлок.

² Барқ урмөк – чақмоқ чакиши.

³ Маҳи (моҳи) тобон – нурафшон ой.

⁴ Пари жавлон – от ўйнатувчи пари(ваш).

⁵ Ораз – юз.

⁶ Анвар (бирлиги – нур) – айн. нурлар; ўта нурли.

⁷ Анбар – хушбўй кора модда.

⁸ Шаҳд – асал.

⁹ Пистайи хандон – айн. кулувчи (кулиб турган) писта; хандон писта.

¹⁰ Бодоми тар – хўл (янги) бодом.

¹¹ Сунбул – лолага ўҳшаш, гуж бўлуб очиладиган гул. Мисрада, шунингдек, ҳалқ оғзаки ижодидаги асқия жанрининг «Гулмисиз, райхонмисиз, сунбулмисиз?» тарзида анъанавий бошланмаси билан алоқадорлик ҳам бор деб ўйлаймиз.

¹² Рухкор – юз.

¹³ Суман (ёки ёсуман) – ясмин (жасмин) ўсимлиги.

¹⁴ Сийм – кумуш. Оқ ва ярқироқлиги жиҳатидан маъшука вужудига ўҳшатилади.

¹⁵ Пираҳан – кўйлак.

¹⁶ Ширинсухан – айн. ширин сўз(ли).

¹⁷ Ризвон – саккиз жаннатдан бири.

ҲУВАЙДО

(1780/1781 йилда вафот этган)

Фойибназар ўғли Ҳўжаназар Ҳувайдо Чимёнда туғилган. У ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, мутасаввиғ шоирлар силсиласида муҳим ўрин тутади. Ҳувайдо умр бўйи Чимёнда яшаб ижод қилган. Қабри ҳам ўша ерда.

Ундан бизгача битта девон, «Роҳати дил» манзумаси ва «Иброҳим Адҳам» қиссаси етиб келган.

ЧОРГОҲ IV

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Бевафо ёрга кўнгул берган киши одам эмас,
 Мехнату жабру жафо андин замоне¹ кам эмас.

Доимо ранжу машақат ул кишининг бошида,
 Барча бўлғай шоду хандон², ул киши беғам эмас.

Тил учида лоф уриб айтур: «Сенинг ёнингдаман»,
 Дарду фам келса бошингфа, лаҳза ул ҳамдам эмас.

Яҳшини оёғининг остида ўлсанг, оп эмас,
 Тўтиё³ тожиу сар⁴ қилсин, ёмон даркор⁵ эмас.

Яҳши бўлмайди ямон, ҳарчанд⁶ насиҳат айласанг,
 Яҳшига панду насиҳат айламак даркор⁷ эмас.

Эй Ҳувайдо, бевафони ёр деб берма кўнгул,
 Оқил⁸ эрсанг сен агар, ушбу насиҳат кам эмас.

¹ Замоне – бир замон.

² Хандон – кулувчи.

³ Тўтиё – сурмага ўҳшаш, нигоҳни равшан қилувчи кўз дори.

⁴ Тожи сар – бошдаги тож.

⁵ Бу ва бундан кейинги байт Ҳувайдонинг «Эмас» радифи бошқа ғазалидан олингани боис кофия тизими турличи.

⁶ Ҳарчанд – ҳар қанча, қанчалик.

⁷ Даркор – лозим, шарт.

⁸ Оқил – ақлли.

НА ҚИЛДИМ?..

М.Баҳодиров мусиқаси

На қилдим санға ман, ёрим, жамолингдин жудо қилдинг,
Бошимда гарди ғамни¹ чун чароги осиё² қилдинг.

Ҳамиша күйдуруб шамъи фироқинг³ бирла жонимни,
Мени парвонани хокистарини⁴ зери по⁵ қилдинг.

Жудо айлар экансан, эй пари – лайливаши шириң,
На деб аввал ўзунгга ман ғарипни ошно қилдинг?!

Нигоро, бори ғам⁶ бирла факири нотавон⁷ айлаб,
«Алиф»дек⁸ қоматимни «лом-алиф»⁹ янглиғ дуто¹⁰ қилдинг.

Фироқинг осмонидин солиб бир барқи¹¹ оламсұз¹²,
Вужудим хирманин¹³ ўртаб¹⁴ адо қилдинг, адо қилдинг!

Аё дилбар, Ҳувайдодек балокашни¹⁵ әшикларда
Солиб күздин¹⁶ асиру бенаво¹⁷, зору гадо қилдинг.

¹ Гарди ғам – ғам гардиши ёки ғам гарди.

² Чароги осиё – тегирмөн тоши.

³ Шамъи фироқ – айрилиқ шами.

⁴ Хокистар – күл.

⁵ Зери по – оёқости.

⁶ Бори ғам – ғам юки.

⁷ Нотавон – заиф, кувватсиз.

⁸ Алиф (А) – араб алифбосидаги «а(о)» ҳарфи. У шаклан тик қадға үхшатиласы.

⁹ Лом-алиф (Ү) – араб алифбосидаги «ла» ёки «ло» товуш бирикмасини ифодаловчи ҳарф. У шаклан әгик қоматта, илтижо билан өзүиб турилган құлға қиёсланади. Шүннингдек, «йўқ» маъносини англатувчи арабча «ло (ёки ла)» сўзига ҳам ишора бордай, назаримизда.

¹⁰ Дуто – эгик, букилган.

¹¹ Барқ – чақмок, яшин.

¹² Оламсұз – оламни күйдирувчи.

¹³ Хирман – түп, тұда, утом.

¹⁴ Ўртамоқ – күйдірмок.

¹⁵ Балокаш – балога йўлиқкан.

¹⁶ Күздан солмоқ – күздан нари қыммок, йўқотмоқ.

¹⁷ Бенаво – бечора, ожиз.

ТОПОЛМАСМАН

С.Холдорхўжаев мусиқаси

Кўнгулда дард кўп, айтурға бир маҳрам¹ тополмасман,
Кетарға бош олиб чўллар аро ҳамдам² тополмасман.

Юрогим фуссага тўлди, кишим йўқ айтгали ҳолим,
Нетай, дард айтгудек бир дардманд³ одам тополмасман.

Куларлар қаҳқаҳа айлаб, нечук бегам кишилардур,
Куларға бир замони хотири бегам⁴ тополмасман.

Кеча-кундуз оқар ёшим кўзумдин жолалар янглиғ⁵,
Кўзумни кўксим узра бир замон бенам⁶ тополмасман.

Жароҳат бўлди бағрим тиги ҳасрат⁷ бирла, ман найлай?
Юриб излаб табиблардин анго марҳам⁸ тополмасман.

Мусибатхонадур дунё, нечук одам бўлур бегам?
Ўзимни, эй Ҳувайдо, лаҳзае⁹ бегам тополмасман.

¹ Маҳрам – сирдош, хос киши.

² Ҳамдам – шерик, йўлдош.

³ Дардманд – дарди бор, яъни ўзи ҳам бошидан ўтқизгани боис дардлилар ҳолини яхши тушунадиган киши.

⁴ Хотири бегам – ғам-ташвишлардан холи, хотиржам кўнгил.

⁵ Жолалар янглиғ – дўл каби.

⁶ Бенам – бу ерда ёшсиз маъносида.

⁷ Тиги ҳасрат – дарду ҳасрат тиги (киличи).

⁸ Марҳам – шифо, малҳам.

⁹ Лаҳзае – бир лаҳза.

МУНИС

(1778 – 1829)

Авазбий мироб ўғли Шермуҳаммад Мунис Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилган.

Йигирма йилдан зиёд хонлик бош мироби лавозимида фаолият кўрсатган.

Ундан бизгача «Мунис ул-ушшоқ» девони, «Фирдавс ул-икబол» тарихий рисоласи ҳамда таржималари етиб келган.

1829 йили вабо касали билан оғриб вафот этган. Қабри Қиётда.

КЕЛ, ЭЙ МАҲВАШ

Хоразм лапар иўлларидан

Кел, эй маҳваш, қамар янглиғ хиром ичра шитоб айлаб,
Юзунгдин тийра шомимни ёрут рафъи ниқоб айлаб.¹

Раво кўрма манго маҳрумлиқни, сарфароз этгил²,
Вафо кўйида³ итлардин мени ҳам бир ҳисоб айлаб.

Иноят⁴ кўргузуб, кулбам сори кел, то аёқингга
Нисор айлай⁵ кўзимнинг ёшларин дурри хушоб⁶ айлаб.

Келиб ушшоқ аро Мунисға сен дилдорлиғ қилким,
Кўнгул бермиш сени маҳбублардин интихоб⁷ айлаб.

¹ Байт мазмуни: кел, эй юзи ойдай порлок ёр, қадамингни тезлатиб, шошилинч келгин-да, ўзингдан ниқобингни (парда, ҳижобингни) олиб, ой каби юзинг нури билан коронгу тунними ёруг кил.

² Сарфароз этмоқ – баҳтиёр кильмок, севинтирмок.

³ Кўй – йўл, кўча.

⁴ Иноят – меҳрибончилик.

⁵ Нисор айламоқ – сочқи қильмок.

⁶ Дури хушоб – тоза дур, асл дур.

⁷ Интихоб айламоқ – танламоқ, сараламоқ.

БАҲОНА ҚИЛИБ

У.Атоев мусиқаси

Ёшурди юзини мендин – ҳаё баҳона қилиб,
Ниқобин олмади – элдин ибо баҳона қилиб.

Агарчи оғримамиш эрди, кўргали ҳолим
Кўз очмади манга, оғриқ анга баҳона қилиб.

Чун истадим бути зоҳидвашим юзин кўрмак,
Юзига тутди қўлини дуо баҳона қилиб.

Агарчи шоҳча қадрим бор эрди олам аро,
Йўлиға чекдим ўзимни гадо баҳона қилиб.

Висол ваъдаси айлаб, хилоф қилди яна,
Рақиб касратин ул дилрабо баҳона қилиб.

Фақиҳ бодани наҳй этти, дардим ўлди зиёд,
Аёқчи, тут манга жоме даво баҳона қилиб.

Фироқ аро ғам ила юрганингча жон чекибон
Ўзингни еткур анга, Мунисо, баҳона қилиб.

Мазмуни:

Ёр ҳаёни баҳона қилиб мендан юзини яширди, элдан (одамлардан) ибо қилишини баҳона қилиб юзидан ниқобни (пардани) олмади.

«Аҳволимга бир қара!» – десам, кўзи оғриётганини айтиб қарамади. Ваҳдолонки, кўзи оғримаётган эди, бу бир баҳонаси, холос.

Ўзини зоҳидлардек тутувчи санамнинг юзини бир кўргим келган эди, дуони баҳона қилиб юзини қўллари билан тўсib олди.

Гарчи менинг қадрим, обрўйим шоҳлардан кам бўлмаса ҳам, «Менгаям раҳми келиб, илтифот, марҳамат қиласми-

кан» деган умидда ўзимни гадоликка солиб, ёр ўтадиган йўлга ўтириб олдим.

Ўша дилрабо менга висол ваъда қилган эди, рақибларнинг кўплигини баҳони қилиб ваъдасини яна бузди.

Фақиҳ (фиққ илми – шариат қонун-қоидалари билимдени) шаробни тақиқлаб қўйдию дардимга дард қўшилди, ҳаддан зиёд bemorman. Эй аёқчи (май қуювчи), «даво учун» дея баҳона қилиб менга бир қадаҳ май тут!

Эй Мунис! Айрилиқда бундай фам чекиб, жонингни қийнаб юравермай, бирон баҳона топиб ёрнинг ҳузурига бор.

ҚАРИ НАВО

Халқ күйи

Эй, латофат осмони узра ҳуснинг офтоб,
Заррадек маҳвашлар¹ атрофингда айлар изтироб².

Моҳ рухсоринг³ намоён айлабон чиқсанг агар,
Кун хижолатдин юзига шомдин тортар ниқоб.

Оташин лаълинг ғамидин тушгани жонимга ўт,
Сочилур ҳар дам шарап⁴ оҳимдин андоқким шихоб⁵.

Кўйди сабрим пардаси шавқи жамолинг тобидин⁶,
Оре⁷, ўртангай катон⁸ гар етса анга моҳтоб⁹.

Лола доғидек кўнгулда бордуур доғ узра доғ,
Чеккали холи рухингдин айру дард ичра азоб.

¹ Маҳваш – ой юзли.

² Изтироб – ҳаяжонланиш.

³ Моҳ рухсor – ой каби чехра.

⁴ Шарап – учкун.

⁵ Шихоб – учган юлдуз.

⁶ Шавқи жамолинг тоби – жамолингни кўришга бўлган кучли хоҳиш, иштиёқ ҳарорати.

⁷ Ори (оре) – рост, тўғри.

⁸ Катон – канондан тўқилган мато, кийимлик.

⁹ Моҳтоб – ой шуъласи.

Етти, эй соқий, Хизр осо¹ лабимга жон келиб,
Бошим узра лутф ила тут оби ҳайвондек шароб.²

Оҳқим, бу чархи қажрафтордин³ даврон аро
Дўстлар ноком, душман хайлиурлар комёб.⁴

Чунки лаълинг зоҳир этти жон берурдин мўъжиза,
Ер юзидин айлади Исо фалакка ижтиноб.⁵

Назмингга тартиб бер, Мунис, фаму шўриш била⁶,
Айласун ишқ аҳли ўртамакни⁷ андин иктисоб⁸.

БАЁТИ ШЕРОЗИЙ СОҚИЙНОМАСИ

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Узорингда нуре аёндур, аён
Ки, андин куну ой нишондур, нишон.

Бало ўқларин отғали жонима
Ики эгма қошинг – камондур, камон.

Рақибингдин ўлмас аён яхшилиқ
Ки, қавлию феъли ёмондур, ёмон.

¹ Хизросо – Хизр пайғамбардек. Ағсоналарга кўра, у Ер юзининг қайсиидир чеккасидан оби ҳайвон – мангубирик суви оқадиган булокни қидириб топган ва қиёматгача яшаш имконига эга бўлган экан.

² Байт мазмуни: эй соқий, ташнилайдан жоним оғзимга келди. Тезрок худди оғир дамларда мададга келувчи Хизрдай бошимга кела қол ва менга илтифот килиб оби ҳайвондай шаробингдан бер!

³ Чархи қажрафтор – тескари айланувчи фалак; қисмат.

⁴ Мисра мазмуни: дўстлар мақсаддага етмайди, душманлар эса баҳтиёр.

⁵ Байт мазмуни: лабинг айрилиқда ўлган ошиклар жисмига жон ато этиб чинакам мўъжиза кўрсатгач, ўз нафаси билан ўликларни тирилтириб юрган Исо (а.с.) Ер юзиини тарк этди (яъни осмонга кўтарилиб кетди).

⁶ Шўриш – изтироб.

⁷ Ўртамоқ – куймок, ёнмоқ.

⁸ Иктисоб айламок – ўрганмоқ, эгалламоқ.

Жигар бирла кўнглум қилиб қон ғаминг,
Ики кўз йўлидин равондур, равон.

Не тонг, чиқмаса Мунис ул кўйдин
Ки, ул анда ғамдин омондур, омон.

Мазмуни:

Эй ёр, юзингдан нур балқиб кўриниб турибди, ой билан
қуёш ўша нурдан нишонадир (белги, аломатдир).

Жонимга бало ўқларини отишинг учун икки эгма қошинг
икки камондир.

Рақибингдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди, чунки сўзи
ҳам, феъли ҳам ёмон. Жудаям ёмон.

Эй бемехр жонона, сенинг ғаминг жигарим билан кўнг-
лимни қон қилди. Мана энди ўша қон икки кўзимдан тинмай
оққани-оққан.

Мунис ёрнинг кўчасидан бир қадам ҳам чиқмай ўтиравер-
са, ҳеч ҳайрон бўлманг. Ахир у бечора фақат ўша ердагина
ғамдан омон-да, омон!

УВАЙСИЙ

(1780 йиллар охири – 1845/1850)

Жаҳон отин Увайсий XVIII асрнинг 80-йиллари охирида
Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида ҳунарманд оила-
сида туғилган. Ўз даврининг бир қатор шоираларига, жумла-
дан, Нодирага ҳам устозлиқ қилган. Ундан бир девон, «Кар-
балонома» ёки «Шахзода Ҳасан», «Шахзода Ҳусайн ҳақида
достон» ва тугалланмай қолган «Воқеоти Муҳаммадалихон»
достонлари мерос бўлиб қолган. Марғилонда вафот этган.

ТАЛҚИНЧАИ РОК

«Бузрук» мақомидан

Аё дилбари лаъл нобим менинг,
Тўкулди қадаҳдин шаробим менинг.

Таним ичра ёқдинг жудолиқ ўтин
Ки, ўртанди¹ бағри кабобим² менинг.

Қолон³ интизорингда чун бешумор⁴
Оқарди бу чаҳми пур обим⁵ менинг.

Фузундурки⁶ кундин-кунга меҳнатим⁷,
Нагу мунча⁸ кўпдур азобим менинг?

Ки сендинму ё толеъимдинмудур
Ки, мендинму, бергил жавобим менинг.

¹ Ўртамоқ – куймок.

² Бағри кабоб – кабоб бўлган багир, кўнгил.

³ Қолон – қолган.

⁴ Бешумор – ниҳоясиз, чегарасиз.

⁵ Чаҳми пур об – айн. серсув кўз; тинимсиз (ёки кўп) йигловчи кўз.

⁶ Фузун – кўп, ортиқ.

⁷ Мехнат – машакқат, кийинчилик.

⁸ Нагу мунча – на мунча?

Муяссар эмиш анда маҳбуб юзи
Ки, токай тўла изтиробим менинг.

Таваҳҳум қилинг¹ ғарқ ўлардин, улус²,
Бу кун жори(й)³ бағри хунобим⁴ менинг.

ТОКАЙ

К.Жабборов мусиқаси

Бошимға ёғдуурсан, эй фалак⁵, борони ғам⁶ токай⁷,
Ёзарсан паст иқболимни⁸, эй лавҳу қалам⁹, токай?!

Ўзумдинму, фалакдинму ва ё иқболи пастимдин,
Туну кун дўстдин озору душмандин ситам токай?!

Нечунким орзу қилмай ани йўлида ўлмакни,
Жароҳатлиғ кўнгулға ҳалқ нутқидин¹⁰ алам токай?!

Фалак хонида¹¹ афгор ўлди¹² ўхшар савми ботинким¹³,
Висолидин бўлуб маҳрум, ҳижрондин¹⁴ баҳам токай?!

¹ Таваҳҳум қилинг – кўрқинг.

² Улус – ҳалқ, одамлар.

³ Жори(й) – оқ(иб тур)увчи.

⁴ Хуноб – конли сув.

⁵ Фалак – осмон; тақдир.

⁶ Борони ғам – ғам ёмғири.

⁷ Токай – қачонгача?

⁸ Иқбол – баҳт, толеъ.

⁹ Лавҳу қалам – дунё ва ундаги бутун мавжудот яратиласидан аввал ҳар кимнинг, ҳар нарсанинг тақдиди Тангри томонидан битиб қўйилган китоб – Лавҳ ул-маҳфуз ҳамда унинг қалами.

¹⁰ Нутқ – гап, сўз.

¹¹ Хон – хонтахта; дастурхон.

¹² Афгор бўлмоқ – эзилмоқ, шикастланмоқ.

¹³ Савми ботин – ботиний (ички ёки руҳий) рўза; тақво.

¹⁴ Ҳижрон – айрилик.

Қилубон суратин табдил¹ ул малъун² бадбаҳти³,
Дило, бир пуштипо ур⁴, бўлғуси жисмингға рам⁵ токай?!
Муҳаббат бўлса санда, Тангри билмас йўқду ҳеч кори,
Қилурсан назмдин⁶ табъингға⁷ то ҳаю ҳашам⁸ токай?!

Аёғинг остига боқ, чоҳи зулмоте⁹ қозилмишдур,
Кўярсан бехабарча устина ушбу қадам токай?!

Қилиб меҳнат, дури мақсад олиб дарёи ишқидин,
Йитурсанг боз илкингдин¹⁰, қилур Тангри карам токай?!

Увайсий, қолғон умринг ол юзунгга қиблай мақсуд,
Хирад¹¹ бозорида қилғунгду савдои санам токай?!

¹ Табдил – ўгириш, ўзгартириш.

² Малъун – лаънати, лаънатланган.

³ Бадбаҳт – баҳтсиз.

⁴ Пуштипо урмоқ – қадам босмоқ.

⁵ Рам – чўчиш, хуркиш.

⁶ Назм – шеър, шеърият.

⁷ Табъ – 1) қобилият, истеъод; 2) қўнгил.

⁸ Ҳаю ҳашам – ҳай – жамоа; ҳашам – навкарлар.

⁹ Чоҳи зулмомт – коронғи чоҳ, ўра.

¹⁰ Йитурсанг боз илкингдин – яна қўлдан бой берсанг.

¹¹ Хирад – акл.

АМИРИЙ

(1787 – 1822)

Кўқон хони Норбўтабий ўғли Умархон – Амирий қисқа умри давомида хон сифатида тарихда эзгу ном қолдирди. Ўша даврнинг ўнлаб забардаст шоирларини бирлаштирган Кўқон адабий мұхити айнан унинг ҳомийлигига равнақ топди. Умархоннинг ўзи ҳам баракали ижод қилиб, девон тузи.

ЧОРЗАРБ

Фарғона мумтоз йўлларидан

Қошингга текузмағил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни¹.

Бутхоналар² ичра ҳеч тарсо³
Бир кўрмади сен киби санамни⁴.

Ошиқларинга тараҳҳум⁵ эттил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Нақши қадаминг⁶ мұяссар ўлса,
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни⁷?

Йўлингда губори роҳ⁸ бўлдим,
Бошимга етурмадинг қадамни.

¹ Рақам – ёзув.

² Бутхона – бутпарастлар (бутга сигинувчилар) ибодатхонаси; черков.

³ Тарсо – бутпараст; христиан, насроний.

⁴ Санам – бут.

⁵ Тараҳҳум – раҳм-шафқат.

⁶ Нақши қадам – из.

⁷ Жоми Жам – афсонавий шоҳ Жамшиднинг машхур қадаҳи.

⁸ Губори роҳ – ўйлдаги чанг.

Сен ёрдин ўзга кимга дермен
Кўнглумдаги дард ила аламни?

Иқлими вафо¹ Амиридурсен,
Эй шаҳ, бу гадоға қил карамни.

МИЖГОНЛАРИНГ

Фарғона яллаларидан

Гарчи этмиш кўзларинг бирла жафо мижгонларинг²,
Ишқ аҳли учраганда ошно мижгонларинг.

Ғайрни³ ёнингга олдинг, қилди шиквамдин⁴ мудом,
Кон тўкарға мойил ўлди бевафо мижгонларинг.

Қонлу кўнглумдин магар касб этди гул-гул юзларинг,
Ўлтуур ҳасрат била, эй бевафо, мижгонларинг.

Бир боқиши бирла кўтарди мен киби афтодани⁵,
Ўлди гўё нотавонларга⁶ асо⁷ мижгонларинг.

Дўндурур юз қибла соридин улус, этмиш магар
Қошлиаринг меҳроби ичра иқтидо мижгонларинг.⁸

Рўзгорим шоми ҳижрондек қаро қилди, Амир,
То тағофул бирла чекти тўтиё мижгонларинг.⁹

¹ Иқлими вафо – вафо мамлакати.

² Мижгон – киприк.

³ Ғайр – бегона, ёт.

⁴ Шиква – шикоят, нолиш.

⁵ Афтода – мажолсиз, беҳол.

⁶ Нотавон – заиф, кувватсиз.

⁷ Асо – ҳасса.

⁸ Байт мазмуни: қошлиаринг меҳробига қараб киприкларинг намоз ўқиётган бўлса, у ҳолда эл ҳам қибладан (ӯша томонга) юз буради.

⁹ Байт мазмуни: мижгонларинг ўзларига тўтиё суртишда бепарво бўлгандлари сабабли Амирийнинг толенини ҳижрон (айрилик) шоми каби қаро қилдилар.

УСТИНА

O.Курбонов мусиқаси

Эй, дудогинг рашки кавсар хатти райҳон устина,
Сабзаидурким, тушубдур оби ҳайвон устина.

Ул алиф бўйлу қоши «нун»и аро холимудур,
Ё битилган нуқтаедурким ўлур «жон» устина.

Эй малаксиймо, самандинг наълиға етмас, қазо
Гар кўтарса бу қуёш гардуни гардон устина.

Кўз ёши селоби узра кўнглум айлар изтироб,
Уй ясамоқдин хубоб андоғки уммон устина.

Қонеъам ҳажрингда, эй гул, берма келмак ваъдасин,
Васл доғин қўймагил андуҳи ҳижрон устина.

Махлиқоларни хати давриға кўз солдим, Амир,
Кўрмадим сендек қамарсиймони даврон устина.

Мазмуни:

Эй ёр, лабларингнинг таъминию жонга ором бериш хусусиятини билса жаннатдаги Кавсар булоғининг ҳам рашки келиб, фашлик қиласди. Лабинг устида сабза уриб келаётган, райҳон каби қорамтири ва мулојим туклар мўйлаб эмас, гўёки мангур тириклик булоғи бўйида унган майсалардир.

У бўй-басти «алиф» (ا) ҳарфидай тик ва нозик ёрнинг «нун» (ن) ҳарфидай қайрилма қоши устидаги холмикин ёки «жон» (جان) деб ёзганда сўз устига қўйиладиган нуқтамикин?

Эй фаришта қиёфали ёр! Агар қазо (қисмат) қуёшни гардуннинг (осмон, фалакнинг) гарданни устига кўтарса ҳам, у (яъни қуёш) сенинг тулпоринг тақасигача етиб боролмайди.

Кўз ёшимни ичимга ютдим, кўнглим уйи вайрон бўлди. Энди у бечора (яъни кўнглим) селдан (кўз ёшимдан) қўрқиб, «Барибир худди денгиз устидаги қўпик мисоли омонат бўлар экан» деган хаёл билан қайтадан уй қурмоқча ботинолмаяпти.

Эй гулдай гўзал, хушбўй ва нозик ёр! Мен айрилиқча ўрганиб қолдим, шунга ҳам қаноат қиласвераман (ахир бундан баттарроқ бўлиши ҳам мумкин эди-да!). Энди кўннекканимда: «Фалон куни бораман», – дея ваъда қилиб мени ишонтириб қўйма. Агар келмасант, бу ёлғон ваъда жудолик қайфуси устига доф (яъни дард устига чипқон) бўлади-я...

Эй Амир (шоир ҳам ўзига, ҳам гўзллар амири – шоҳи бўлмиш ёрга мурожаат қилмоқда)! Ой юзли жононларнинг юзларига бирма-бир, синчиклаб қараб чиқдим, лекин бу замоннинг гўзллари орасида Сендайин ой юзлисини кўрмадим.

БЕБОКЧА

Фузулий газалига Амирий мухаммаси
Хожи Абдулазиз мусиқаси

Гулшани руҳкорида ул ҷашми оҳулармидур,
Жаври кўпу меҳри оз бебок, бадхўлармидур,
Хуни ноҳақ қилғучи икки жағожўлармидур,
Гўшаи абрўларинда ҷашми жодулармидур,
Йўқса, кирмиш ёя тирандоз ҳиндулармидур?

Боғ аро нарғис нигоҳидур, ишорат интизор,
Юз ёштурмиш ҳар кафи хок узра бир сиймин узор,
Билғуси ҳар кимсая ўлса нигоҳи эътибор,
Очилан гуллармидур ер узра ҳар фасли баҳор
Ё фано даштида хок ўлғон парирўлармидур?

Даргахингда кимки бош остина тош қўймиш ётур,
Дема тошким, бошин устина қуёш қўймиш ётур,
Юзда зулфунг бир-бирина бош тутош қўймиш ётур,

Икки аждардурки, бир ганж узра бош қўймиш ётур
Ё мусалсал оразинг давринда гисулармидур?

Барча хўблар ул пари ҳуснини бўлмиш қойили,
Дам-бадам хуршиду маҳ кўйинда ўлмиш сойили,
Дуди оҳимким Амири ҳусн бўлмиш ҳойили,
Сенмусен онжақ, Фузулий, бўйла хўблар мойили,
Йўқса, ишқ ахли қаму сендек баложўлармидур?

Мазмуни:

Юзи гулзоридаги у кўзлар охулармикин? Жабри кўпу меҳри оз раҳмсиз гўзаллармикин, ноҳақ қон тўкувчи икки жафокорми улар, қошлиари паноҳидаги икки кўз сеҳргарлармикин ёки ўқ отиш машқига кёлган ҳинд мерғанлармикин?

Боғ аро ишорага интизор шаҳло нигоҳлар бор, ҳар кафт тупроқ устида бир оппоқ чехра яшириндир, эътибор берган киши бу нигоҳларни албатта топади. Ҳар баҳор фаслида ер узра очилган гуллармикин ё ўткинчи дунёда тупроққа айланган гўзаллармикин?

Кимки даргоҳингда бош остига тош қўйиб ётар, тош эмас, у боши устига қуёш қўйиб ётар. Юзга тушган соchlаринг қўшилиб бир-бирига бош қўйиб ётар, бир хазина узра бош қўйиб ётган икки аждарми улар ёки чеҳранг атрофидаги ҳалқа-ҳалқа кокилларингми?

Барча гўзаллар ул пари ҳуснига қойил бўлибди, офтоб ва ой унинг йўлида гадодек дам-бадам туришади, Амирий оҳининг тутунлари ўша – гўзаллик амирига парда бўлиб уни тўсиб туради. Фузулий, бу гўзалларга шу қадар мойил (шайдо) бўлган фақатгина сенми ёки ошиқларнинг ҳаммаси ҳам сендек бало изловчи, йўқ ердаги балони ҳам ўзига тилаб олувчими?

САЛЛАМНО

Набижон Ҳасанов мусиқаси

Каломинг жонфизо, лаъли дурафшонингга салламно,
Кўзум шабнам тўкар, гулбарги ҳандонингга салламно,
Жамолинг сафҳасида хатти райҳонингга салламно,
Узоринг боғи жаннатдур, гулистонингга салламно,
Қадинг руҳи равон, сарви хиромонингга салламно!

Фаминг жон бирла паймон боғлади, дардинг ишонмайдур,
Кўнгул сайди нигоҳинг ўлди, мижгонинг инонмайдур,
Неча ҳуснунгга боқсам, кўз тамошодин ўсонмайдур,
Қадинг жон ичра пинҳон айласам, васфинг тугонмайдур,
Ики оҳу кўз ила хайли мижгонингга салламно!

Баланд иқболсен, эй яхшилар хайлини дилҳоҳи,
Сенга бўлмиш мусаллам дину дунё давлату жоҳи,
Қилур иқболи жоҳингга тафоҳур моҳ то моҳи,
Амириинг илтифотидин бўлубсен ҳалқ аро шоҳи,
Бу манзар узра нозиктабъ меҳмонингга салламно!

Мазмуни:

Сўзларинг жон бағишилар, дур сочувчи ёқут лабларингга оғарин,
Кўзларим ёш тўкар, гулдай очилган юзингга оғарин,
Жамолинг саҳифаси – юзингдаги хатти райҳонингга оғарин,
Чеҳранг жаннат боғидур, гулистонингга оғарин,
Қоматинг менга жон ва нафас қадардур, бу чиройли қомату юришларингга оғарин!

Фаминг жон билан абадий дўстликка аҳдлашди,
дардинг эса жонга ишонмайди,
Кўнгул нигоҳинг тузогига тушди, киприкларинг ишонмайди,
Ҳуснингга ҳар қанча боқсам ҳам, кўз томошодан чарчамайди,

Гўзал қаддингни жоним ичра яширсам ҳам, таърифинг
тугамайди,
Икки оҳу кўзинг билан барча киприкларингга офарин!

Иқболи баландсан, эй яхши инсонлар дил тортари,
Дину дунё, давлату мартабалар сенга тобе бўлмиш,
Мартабанг иқболи билан еру кўк ифтихор қиласди,
Эй Амирий, сен ўша амиринг илтифоти туфайли
халқ ичидаги шоҳ бўлибсан,
Бу сурат (қиёфа, вужуд) узра нозиктаъ мөҳмонингга
(қалб, руҳингга) офарин!

НОДИРА

(1792 – 1842)

Моҳларойим Нодира Андижон ҳокими Раҳмонкулий оиласида туғилган. 1806/1807 йилда Умархон билан турмуш қурган.

1842 йилда Кўқонни босиб олган Бухоро амири Насруллоҳон буйругига кўра Нодира, икки ўғли ва набираси қатл этилган.

Адабий мероси форсий ва туркий тилда битилган шеърлари жамланган икки девондан иборат. Форсий асарлари ва айрим туркий фазалларида Комила тахаллусини қўллаган.

БАЁТ IV

Фаргонга-Тошкент маҳом йўлларидан

Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Ул париваш¹ васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Ёр учун ағёр² дардин тортамен,
Кўрмадим бир ёрни ағёrsиз.

Тан бузулди, эмди роҳат қолмади –
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Берма нисбат қадига, эй боғбон,
Сарвдур³ бу боғ аро рафтурсиз⁴.

Нодира аҳволидан огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки⁵, қолмиш ёрсиз.

¹ Париваш – парига ўхшаш.

² Ағёр – ракиблар.

³ Сарв – тик ўсуви дарахт; маъшука қадига ишора.

⁴ Рафтурс – юриш, қадам ташлаш.

⁵ Мусоҳиб – сұхбатдош.

ЭЙ САРВИ РАВОН...

С.Калонов мусиқасы

Эй сарви равон¹, надур хаёлинг?
Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста² дуойи хайр³ этармен,
Мақсудим эрур сени камолинг.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,
Йўқдур сени заррае малолинг.

Эй хаста кўнгул, фироқ⁴ ичинда
Дам ургали⁵ қолмади мажолинг.

Эй Нодира, лофи ишқ урарсен,
Машҳури халойиқ⁶ ўлди ҳолинг.

ЧАПАНДОЗИ САВТИ НАВО

«Наво» мақомидан

Гўзал ёримга, эй боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин ўзга ёр кўйифа⁷ паёмимни⁸?

Кўнгил дардини тақририга⁹ қилу қол¹⁰ эмас ҳожат,
Тафаккур бирла равшан айла мазмуни каломимни¹¹.

¹ Сарви равон – айн. юрувчи сарв.

² Пайваста – узлуксиз, тинимсиз, давомли.

³ Дуойи хайр – айн. яхши(лик тилаб қилинган) дуо, алков.

⁴ Фироқ – айрилик.

⁵ Дам урмок – қарши турмок, қаршилик килиш, эътиroz билдириш.

⁶ Халойик – халқлар, умуман, одамлар.

⁷ Кўй – кўча, йўл.

⁸ Паём (асли пайғом) – хабар.

⁹ Тақрир – сўзлаш, оғзаки баён қилиш.

¹⁰ Қи(й)лу қол – гап, сўз.

¹¹ Калом – сўз, гап.

Кўнгул комини¹ ширин истадим жоми висолидин,
Фигонким, чарх ҳижрон² заҳридин талх³ этди комимни.

Вафо шаҳбозидурман⁴, гар мени сайд этмак⁵ истарсан,
Муҳаббат риштасидин⁶ қилғасен зинҳор домимни⁷.

Муриди⁸ ишқи оламсўзман⁹ ушшоқ базмида,
Навои нолай найдек¹⁰ баланд этди мақомимни¹¹.

Чаманда гул томошо айлабон, сарви равон кулса,
Қилурмен ёди султони Сикандар¹² иҳтишомимни¹³.

Фараз¹⁴ ҳимматларимдин ёр васли ихтисосидур,
Тилармен васлини, ё Раб, зиёд эт иҳтимомимни¹⁵.

Жавоби шоҳ байти¹⁶ Нодира ул нодири даврон¹⁷,
Тегиб санги ажал¹⁸, синдири мино¹⁹ бирла жомимни²⁰.

¹ Ком – мақсад, орзу, истак.

² Ҳижрон – айрилик.

³ Талх – аччиқ.

⁴ Шаҳбоз – лочин.

⁵ Сайд этмак – овламок.

⁶ Ришта – ип, арқон.

⁷ Дом – тузок.

⁸ Мурид – тарикат йўлига кириб, устозга (пирга) кўл берган киши.

⁹ Оламсўз – оламни кўйдирувчи.

¹⁰ Навои нолай най – най ноласининг навоси.

¹¹ Маком – 1) маком, даражা; 2) маком, кўшик ёки куй.

¹² Сикандар (Искандар) – Искандар Зулкарнайн; мумтоз адабиётда одил ва оқил шоҳ тимсоли; бу ерда Нодиранинг турмуш ўртоги – амир ва шоир Умархон назарда тутилган деб тахмин килинди.

¹³ Иҳтишом – муҳташам, улуғвор.

¹⁴ Фараз – мақсад, кўзланган нарса.

¹⁵ Иҳтимом – аҳамият кил(ин)иши; эътиборга молик бўлиш.

¹⁶ Шоҳ байт – ғазалда энг асосий фикр айтилган байт, ғазалнинг асоси, таянчи, «пораги».

¹⁷ Нодири даврон – даврнинг нодири, камёби.

¹⁸ Санги ажал – ажал тоши.

¹⁹ Мино – шиша.

²⁰ Жом – қадаҳ, май ичиладиган идиш.

ДУГОХИ ҲУСАЙНИЙ VII

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Қилмагил зинҳор изҳор эҳтиёж
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж.

Ҳеч ким оламда фориғбол¹ эмас,
Ҳар ким ўз миқдорича бор эҳтиёж.

Ганжи ҳуснунгни закотин бер менга,
Сен фанийсан², менда бисёр³ эҳтиёж.

Кўзларим айлар юзингни орзу
Ким, эрур кўзгуга дийдор эҳтиёж.

Мустаманд⁴ этти мени муҳтожлик,
Қилди ҳожатмандинг⁵, эй ёр, эҳтиёж.

Гар тиларсен обрў аҳбоб аро,
Айлама зинҳор изҳор эҳтиёж.

Қил раво⁶ албатта ошиқ ҳожатин,
Боқмагил арз этса ағёр эҳтиёж.

Бир тараҳҳум⁷ зоҳир⁸ этсанг, нетгуси⁹?
Қилди ҳуснунгга мени зор эҳтиёж.

Ёр васлини тиларман, Нодира,
Айлади кўнглумни афгор¹⁰ эҳтиёж.

¹ Фориғбол – хотиржам, кўнгли тинч.

² Фаний – бой.

³ Бисёр – кўп.

⁴ Мустаманд – ғамгин, аламли; бечора.

⁵ Ҳожатманд – айн. ҳожат (эҳтиёж) эгаси, муҳтож.

⁶ Раво қилмоқ – бажармоқ, юзага чикармоқ.

⁷ Тараҳҳум – раҳм-шафқат қилиш.

⁸ Зоҳир – кўриниб турган, аён; устки, сиртки.

⁹ Нетгуси – нима қиласи?

¹⁰ Афгор – яралангтан, мажхуз; эзилган.

БОЗУРГОНИ САВТИ КАЛОН¹

«Рост» мақомидан

Гўзал ёримфа, эй боди сабо, еткур саломимни,
Ким элтар сендин ўзга ёр кўйифа паёмимни?

Кўнгил дардини тақририға қилу қол эмас ҳожат,
Тафаккур бирла равshan айла мазмуни каломимни.

Кўнгул комини ширин истадим жоми висолидин,
Фигонким, чарх ҳижрон заҳридин талх этди комимни.

Қоронғу бўлди олам дуди оҳимнинг саводидин
Ки, фарқ этмас мунажжим рўзи равshan бирла шомимни.

Фалакдин гар шикоят ошкор этсам, тонг эрмаским,
Фами ҳижронга табдил айлади айши мудомимни.

Жавоби шоҳбайти Нодира ул нодири даврон,
Тегиб санги ажал, синдириди мино бирла жомимни.

АЙЛАНАЙ

M. Тоҷибоев мусиқаси

Мунтазирдурман, қачонким келса жонон, айланай,
Бошидин юз йўл тасаддуқ айлабон жон айланай.

«Бошидин айланмадим», – деб кўпдур армоним мени,
Келса ёрим, қолмасун кўнгулда армон, айланай.

Лаҳзае холи эмас кўнглум хаёлинг хайлидин,
Иштиёқингдур кўнгул таҳтида султон, айланай.

¹ Ушбу ғазал бу ўринда тушириб колдирилган айрим байтлар билан «Чапандози Савти Наво»да ҳам айтилган.

Гирдибоди домани дашти жунундур пайкарим,
Жустижүй айлаб сени, күхү биёбон айланай.

Кел, хиром айлаб қадам қўйғил кўзум гулзорина,
Қадду рафторингдин, эй сарви хиромон, айланай.

Мугтанам эрди висолинг, қайдасан, эй шаҳсувор,
Сендин айру Нодира ғам бирла ҳайрон, айланай.

Мазмуни:

Жонон қачон келаркин дея интизорман. Келса, ўзим айланай, жонимни бошидан юз марталаб айлантирай (садқа қиласай).

Бошидан айланмадим (яъни атрофида парвона бўлмадим) дея жуда армондаман, келса, армоним қолмаслиги учун ҳам айланай.

Эй ёр, кўнглим бир лаҳза бўлсин сенинг хаёлинг қўшинидан холи эмас (яъни хаёлинг бутун қалбимни эгаллаб олган), кўнглим тахтида эса сенга, сенинг васлингта бўлган иштиёқ, зўр ҳоҳиш сultonдир.

Вужудим худди жунун (ишқ туфайли эс-ҳушдан айрилиш, телбалик) дашти этакларида айланаётган ажинашамол – қуюнга ўхшайди (яъни бекарор). Сени қидириб тоғу тош, дашту биёбонларни айланай.

Кўзим жудоликда қонли ёш тўқавериб гулзорга ўхшаб қолди. Солланиб юриб келгину бу гулзорга қадам қўй (яъни ёнимга кел), эй нозланиб юрувчи сарв, қад-қоматингу юришингдан ўргилай!

Эй севикли ёр, висолинг менга ғанимат эди. Мана энди, айланай, Нодира сендан айрилиб ғаму андуҳлар ичидаги ўз ҳолига ўзи ҳайрон бўлиб ўтириби.

ФИГОНКИМ...

М. Назаров мусиқаси¹

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсен ҳоли зоримдин.

Губорим ишқ водийсида барбод ўлди андоғим,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар ғуборимдин.

Қизил қондур сиришким, заъфарондур чеҳраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас ҳазон бирла баҳоримдин.

Бузулди рўзгорим, хонаи айшим ҳароб ўлди,
На роҳат кўргамен эмди бузулғон рўзгоримдин?

Биёбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногаҳ ҳабар келтурса ёримдин.

Диёрим аҳли мендин ёрсиз бегона бўлмишлар
Ки, мен ҳам ёрсиз озурдамен ёру диёримдин.

Таҳи йиртиб яқо, гоҳ қон ютуб, гоҳи фигон эттим,
Нелар ўтди бу оқшом, Нодира, жони фигоримдин.

Мазмуни:

Фигонлар бўлсинки, фалакнинг гардиши билан севикли ёримдан айрилдим. Ғамим кўпдан кўп, аммо сен, эй кўнгил, менинг бу аҳволимдан бехабарсан.

Ишқ водийсида тупроқдай тўқилдим ва губорим шунчалик барбод бўлдики (сочилиб кетдики), Мажнун кўзиға тўтиё қилиш учун биёбонлардан губоримни қидириб юриби.

Кўз ёшим қизил қондир, сарғайган юзим эса худди заъфаронга (сарик гулли доривор ўсимликка) ўхшайди. Мени шу

¹ Т. Жалилов мусиқаси билан ҳам айтилган.

аҳволда кўрган киши баҳорим билан кузимни (яъни гуллаб, гуркираб боряпманми ёки сўлиб, сўниб боряпманми) ажратолмай қолади.

Айрилик туфайли турмушим (ҳаётим) бузилди, яъни издан чиқиб кетди, роҳат-фароғатим уйи вайрон бўлди. Энди бу бузилган ҳаёт билан яна қандай роҳат кўришим мумкин?

Дашту биёбонларда тентираб юриб ёримдан дарак тополмадим. Агар шабада ёримдан ногоҳ бирон хабар олиб келиб қолса, суюнганимдан (ёки суюнчисига) жон бериб юборсам ажабмас.

Ёрим ёнимда бўлмагани учун диёrim ахли (танишлар, қавм-қариндош) ҳам мендан бегоналашди, ёрим бўлмагани учун ўзим ҳам диёrimдан, дўст-ёримдан безиб қолдим.

Гоҳида ёқамни йиртдим, гоҳ қон ютдим, гоҳида эса нола-фарёд қилдим... Бу кеча айрилик важҳидан, эй Нодира, мажруҳ жонимдан (бошимдан) нелар ўтганини ўзим биламан.

УФОРИ УЗЗОЛ

«Бузрук» мақомидан

Эй сабо, рози дилимни бехабар ёримга айт,
Дардлиг кўнглумни аҳволини дилдоримга айт.

Ҳажр дардидин юракда қолди доғ устида доғ,
Шарҳ этиб бу можарони лола рухсоримга айт.

Фурқат ичра тушди савдои Зулайҳо бошима,
Қиймати Юсуф баҳо топти, харидоримга айт.

Лутф этиб сўрса мени ҳолимдин ул номеҳрибон,
«Ўлди ҳижронингда», – деб ёри вафодоримга айт.

«Нодира сенсиз тириклиқдин на роҳат кўрди?!» – деб
Ул ҳумоюн толеъю фархунда атворимга айт.

Мазмуни:

Эй шаббода, бор, дилимдаги сирни бехабар ёримга айт. Дард билан тўлиб-тошган кўнглумнинг аҳволини ўша дилдоримга (дилимнинг эгасига) айт.

Айрилик дардидан юрагимда доғ устига доғ тушди. Бу мажароларни лола юзли ёримга бориб шарҳлаб (тушунтириб) бер.

Ёр менга харидор эди гўё. Аммо ундан жудо бўлдиму бoshимга Зулайҳо чеккан савдолар (ғавғо, ташвишлар) тушди. «Харидор»имнинг қиймати (қадри) эса кўрганларни шайдо қилиб қўядиган гўзал Юсуф (а.с.)нинг баҳосига тенглашди. (Эй шаббода) айт, бўлди энди, келсин.

Агар ўша бемехр жонона илтифоту марҳамат кўрсатиб менинг аҳволимни сўраб-суриштиrsa, у «вафодор» ёримга: «Сендан жудоликка чидолмай ўлди», – деб айт.

У шоҳона баҳт-иқбол ва қутлуг ҳулқ эгаси бўлмиш ёрга: «Бечора Нодира сенсиз тириклиқдан (ҳаётдан) нима роҳат топди?» – деб айтиб қўй...

СОФИНДИМ

Ф.Мамадалиев мусиқаси

Қолиб фурқат¹ диёри ичра, жононимни соғиндим,
Чароги рўзгорим², муниси³ жонимни соғиндим.

Гулистондур висоли маҳфили⁴, мен – андалиб⁵ анда,
Гули айшим⁶ ҳазон ўлди – гулистонимни соғиндим.

Кўруб кўнглумда юз озор, эй бедард, таън этма⁷,
Мурувват кўргузуб раҳм этки, сultonимни соғиндим.

¹ Фурқат – айрилик, жудолик.

² Чароги рўзгор – айн. турмуш (ҳаёт) чироги.

³ Мунис – дўст, улфат.

⁴ Маҳфил – ӣигин, базм, дўстлар мажлиси.

⁵ Андалиб – булбул.

⁶ Гули айш – айн. айш-ишрат, роҳат-фароғат гули.

⁷ Таън этмоқ – таъна килмок, дашном (танбех) бермоқ.

Чаманда жилва қилди сарву¹ гул ҳам сабза бош чекди²,
Қади сарву юзи гул, хатти райхонимни соғиндим.

Кўзимдин ёш тўкиб, гирён бўлиб³, қон йиғламай найлай
Ки, ҳангоми такаллум⁴ лаъли хандонимни⁵ соғиндим.

Менга даври фалакдин⁶ бўлмади бир лаҳза осойиш⁷,
Паришон ҳолман, султони давронимни соғиндим.

БОЗУРГОНИ

Ҳожи Абдулазиз мусиқаси

Фазлий⁸ газалига Вола⁹ мухаммаси

Менга кўргузуб неча қатлаким юзда холу зулфи дутоларинг¹⁰,
Ёшуруб¹¹ неча мени хастадин, надур, эй пари, бу иболаринг?
Мени дарди ҳажр¹² ила зор этиб, етиб ўзгаларга даволаринг,
Қила бошладинг манга зулмким, ситам этди жабру жафоларинг
Ки, вафога ваъдалар айланон, қани ваъдаларга вафоларинг?

¹ Сарв – шоҳлари ғовлаб кетмайдиган, ихчам ва тик ўсувчи дарахт; мумтоз адабиётда маъшука коматига ўҳшатилиди.

² Сабза бош чекди – майсалар бош кўтарди (уна бошлади).

³ Гирён бўлмоқ – тинимсиз йиғламок.

⁴ Ҳангоми такаллум – сұхбат(лашиш) вакъти.

⁵ Лаъли хандон – айн. куловчи лаъль. Лаъл – кизил рангли қимматбаҳо тош; мумтоз адабиётда маъшука лабига ўҳшатилиди.

⁶ Даври фалак – фалакнинг (осмоннинг) айланиши; бу ерда тақдир маъносида.

⁷ Осоийш – тинчлик-хотиржамлик.

⁸ Абдулкарим Фазлий Намангоний – XVIII аср охири – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган адабиётшунос ва тарихнавис, Кўкон адабий мұхитининг ирик вакилларидан. «Мажмуаи шоирон» тазкираси машхур.

⁹ Мир Иноятуллохўжа ўғли Эшонхўжа Вола (тажм. 1786/1793 – 1872/1873) – Буҳоро амирлигининг Каттақўргон вилоятидаги түгилган. Тугма кўр бўлган. Ўзбек ва тоҷик тилларида тузган иккى девони ҳозирча топилмаган.

¹⁰ Зулфи дуто – қайрилма гажак.

¹¹ Ёшуруб – яшириб.

¹² Ҳажр – айрилик.

Агар ой ҷароғини¹ ҳар киши деса оразингни² мисолидин³,
Яқин англагилки⁴, йўқ огоҳ ул неча хўбу⁵ зишти⁶ маолидин,
Манга яхшироқ қўрунур vale ғаминг ўзгаларни висолидин,
Аламим юзинг хатту ҳолидин, қошу кўзу нуктаи долидин⁸,
Сенга ишқ туҳматин айланон, мени чақди юзи қароларинг⁹.

Неча қилмадинг ситамингни кам билибон ғамимнинг зиёдини¹⁰?
Мени рашк ўти била куйдуриб, бериб ўзгаларни муродини,
Карам этмадинг не учун кўруб бу бузук кўнгулни саводини¹¹?
Буки, ҳусн мулкини шоҳи – сан, эшиш ошиқ аҳлини додини
Ки, фироқ сийнаси¹² чокидан сенга арз этар фуқароларинг.

Мени матлабим¹³ – сени мақсадинг неки бўлса, эй бути нуктадон¹⁴,
Мени кўнглуму сени фикратинг – садафу гуҳар¹⁵ киби қил гумон,
Сени ёдингу мени хотирим¹⁶, деди Вола, ул гулу гулситон,
Дилу жони Фазлий нотавон¹⁷ сенга мунтазир¹⁸, кўзи ниғорон,
Ҳама дам¹⁹ кўнгулда муҳаббатинг, туну кун тилимда дуоларинг.

¹ Ҷароғ – нур.

² Ораз – юз.

³ Мисол – ўҳаша.

⁴ Яқин англагомок – аниқ (шубҳасиз) билмок.

⁵ Хўб – яхши, чиройли.

⁶ Зишти – хунук, ёмон.

⁷ Маол – 1) мазмун; 2) тафовут, фарқ.

⁸ Нукта дол – эгри (ёлғон, нотўғри) сўз.

⁹ Юзи қаро – ёлғончи, туҳматчи, уришқоч; аввалги мисрада санағ ӯтилган хатт, хол, қош, кўзларнинг рангига ҳам ишора.

¹⁰ Зиёд – ортиклик, кўплик.

¹¹ Савод – коралик.

¹² Сийна – кўкрак.

¹³ Матлаб – талаб қилинган нарса, истак.

¹⁴ Бути нуктадон – ихчам ифода билан теран маъно берадиган, сўзга уста санам.

¹⁵ Гуҳар – гавҳар.

¹⁶ Хотир – кўнглил.

¹⁷ Нотавон – бечораҳол, заиф.

¹⁸ Мунтазир – интизор.

¹⁹ Ҳама дам – доимо.

ОГАХИЙ

(1809 – 1874)

Эрниёзбек ўғли Мұхаммадризо Огаҳий Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилған. Үндан бізгача «Таъвиз ул-ошиқин» девони, бир неча тарихий рисола ҳамда таржималар етиб келған.

САВТИ СУВОРА

Ж.Султонов мусиқасы

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини¹ кўринг,
Меҳри жамоли устида икки ҳилолини² кўринг.

Икки ҳилолини кўруб қонмаса меҳрингиз агар,
Сафҳай орази³ уза нуқтаи холини кўринг.

Нуқтаи холини кўруб сабр эта олмас эрсангиз,
Ҳусну жамоли боғида қадди ниҳолини кўринг.

Қадди ниҳолини кўруб кўнглингиз этмаса қарор,
Жон кўзи бирла боқибон лаъли зулолини⁴ кўринг.

Лаъли зулолини кўруб жонингиз этса изтироб,
Чораи ҳолингиз учун шаҳди мақолини⁵ кўринг.

Шаҳди мақолини кўруб топмаса чора ҳолингиз,
Нуктага⁶ лаб очар чоги ғунжу далолини⁷ кўринг.

Ғунжу далолини кўруб истасангиз муроди дил⁸,
Огаҳийдек қучуб белин айши камолини⁹ кўринг.

¹ Меҳри жамол – айн. жамол (юз) күёши.

² Ҳилол – янги чикқан ой; маъшука қошига ташбех.

³ Сафҳай ораз – айн. юз сахифаси.

⁴ Зулол – тиниқ ва муздай сув.

⁵ Шаҳди мақол – айн. асал(дек ширин) сўз.

⁶ Нукта – нозик маъноли, ихчам ифодали жумла.

⁷ Ғунжу далол – ноз-карашма.

⁸ Муроди дил – кўнгил муроди, истаги, тилаги.

⁹ Айши камол – комил (мукаммал) айш, роҳат-фароғат.

ФЕРУЗ I

Хоразм мумтоз йўлларидан

Мушкин¹ қошининг ҳайъати² ул чашми³ жаллод устина,
Қатлим учун «нас»⁴ келтурур нун⁵ элтибон сод⁶ устина.

Қилғил томошо қомати зебоси бирла оразин⁷,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод⁸ устина.

Нозу адоу⁹ ғамзаси¹⁰ қасдим қилурлар дам-бадам,
Вах, мунча оғатму бўлур бир одамизод устина!?

Ман хастага жон асрароқ эмди эрур душворким¹¹,
Қотил кўзи бедод¹² этар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар
Булбулдек айлар юз наво минг навъ¹³ фарёд устина.

¹ Мушкин – ҳам ранги, ҳам хуш бўйи жиҳатидан мушкка (кора ранги хушбўй моддага) ўхшаш; мушкли.

² Ҳайъат – жамоа(т), кенгаш; бу ерда қошининг бир неча ўнлаб туклардан тузилганига нисбат.

³ Чашм – кўз.

⁴ «Нас» (نَسْ) – ҳукмнома.

⁵ Нун (ن) – араб алифбосидаги «н» ҳарфи; у шаклан маъшука қошига ўхшатилади.

⁶ Сод (صَد) – араб алифбосидаги «с» товушини ифодаловчи ҳарфлардан бири; шаклан маъшука қўзларига ташбех. Байт мазмуни: жаллод қўзлар «юқоридагилар» – қошлиарнинг амри ва ишорасига кўра ошиқнинг қатлига ҷоғланади. Ҳукмнома ҳам тайёр. Ишорага мувоғик ସ ning устига ସ олиб борилса ва тўнтарилса, ସ кўриниши ҳосил бўлади.

⁷ Ораз – юз.

⁸ Шамшод – чиройли, майда ва тигиз баргли доим яшил дараҳт; маъшука қадоматига ташбех.

⁹ Адо – ноз-карашма, гўзал қиликлар.

¹⁰ Ғамза – кўз ишораси, карашма юзасидан киприк қоқиб сехрли нигоҳ, ташлаш; кўз кисиши.

¹¹ Душвор – қийин.

¹² Бедод – зўравонлик, адолатсизлик, зулм.

¹³ Навъ – тур, хил; турли.

Бошимға ёқсан ғам тошин мингдин бирича бўлмағай,
Гардун¹ агар минг Бесутун² ёғдурса Фарҳод устина.

Э шах, карам айлар чоғи teng тут ёмону яхшини
Ким, меҳр³ нури teng тушар вайрону обод устина.

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли⁴ ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.

ФЕРУЗ II

Хоразм мумтоз йўлларидан

Вах, не балодур, билмадим, эй дилрабо, қошу кўзинг
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзинг.

Олди қарору тоқатим оқ сийнаю⁵ нозик белинг,
Солди қаро кун бошима икки қаро қошу кўзинг.

Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг⁶ аро ширин сўзинг,
Ҳам минг тирикни ўлтурур, айлаб жафо қошу кўзинг.

Қошу кўзинг бедодидин⁷ дод айласам, эрмас ажаб
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзинг?!

Ширин лабингдин Огаҳий жисмиға жон берким, они
Ўлтурди бир имо қилиб боғоч қиё қошу кўзинг.

¹ Гардун – фалак, осмон; тақдир.

² Бесутун (Бехустун) – Фарҳод қазиган төғнинг номи. У Эроннинг Кирмоншоҳ шахри якинида жойлашган. Ишқ йўлидаги машққатлар рамзи.

³ Меҳр – куёш.

⁴ Хайл – қўшин, лашкар.

⁵ Сийна – кўкрак.

⁶ Лаъл – қизил рангли қимматбаҳо тош; мажозан маъшукка лаби.

⁷ Бедод – зўравонлик, адолатсизлик, зулм.

БЎЛМАСА БЎЛМАСУН, НЕТАЙ?

K.Отаниёзов мусиқаси

Ашкима¹ гар канора² йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,
Оҳима ҳам шумора³ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Ҳар дам улусга⁴ лутф⁵ ила боғуси, қаҳр ила, vale
Ман сори бир назора⁶ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Ишқ эли кўнгли дардиға чора қилур, vale манинг
Дарди дилимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Ҳажр⁷ ила заъфим⁸ ўйлаким, оҳи ҳазиним⁹ ўтиға
Шуъла била шарора¹⁰ йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Жон лабидин чу бермади жисмима, ваҳки, қошидин
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Кўйига борсам, этгуси васлиға ваъда, ул доғи
Бўлгуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Толиъи¹¹ равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,
Ман киби баҳти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Бўлди ситораси исиг¹² халқға меҳри ёр гарм¹³,
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?

Дедим: «Ўлубдур Огаҳий ашки канорасиз», деди:
«Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?»

¹ Ашк – кўз ёши.

² Канора – чегара, кирғоқ.

³ Шумора – охир, адог, ниҳоя.

⁴ Улус – халқ.

⁵ Лутф – марҳамат.

⁶ Назора – назар, нигоҳ.

⁷ Ҳажр – айрилик.

⁸ Заъф – ожизлик, заифлик.

⁹ Ҳазин – маҳзун, маъюс, қайгули.

¹⁰ Шарора – учқун, аланг.

¹¹ Толиъ – толеъ, баҳт, иқбол.

¹² Ситораси исиг – юлдузи иссик, баҳтли.

¹³ Гарм – исик, қайнок.

ДАРДИ ДИЛИМ

Ф.Мамадалиев мусиқаси

Дарди дилим анго дедим, «Дема ани манго!» – деди,
«Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим эрур анго», – деди.

«Юз уза икки нарғисинг¹, вах, не бало қаро?!» – дедим,
«Кўнглунгу жонинг олғучи икки қаро бало», – деди.

«Хуснунга айлайин назар, ман сари бир қаро!»² – дедим,
Ёшурубон юзин: «Кет, э масхара, беҳаё!» – деди.

«Бўсаи лаб савоб учун айла манга ато!» – дедим,
Қошу қапогини четиб³: «Қўй, бу сўзинг хато», – деди.

«Огаҳий комини⁴ недин⁵ айламагунг раво?»⁶ – дедим,
«Ком топарум жонин ул қилмоғуча фидо?!» – деди.

КОРА ДАЛИ

Хоразм йўлларидан

Эй, манинг комим будур⁷: ўпсам яноқингдин санинг,
Гаҳ кўзу қошибингдину гоҳи қапогингдин⁸ санинг.

Мехрибонлиг кўргузуб келгил қучоғим ичраким,
Гоҳ ўпай лаълингдину⁹ гоҳи сақоғингдин¹⁰ санинг.

¹ Нарғис – гул тури. Унинг гули шаклан маъшуқа кўзига ташбех килинади.

² Қаро – қара, назар сол.

³ Четмоқ – уймоқ.

⁴ Ком – мақсад, орзу, истак.

⁵ Недин – нима сабабдан?

⁶ Комини (муродини) раво айламоқ – орзусига (ниятига) етиштиrmоқ.

⁷ Комим будур – мақсадим шуки.

⁸ Қапоғ – қабок, қовок.

⁹ Лаъл – кизил рангли кимматбаҳо тош; бу ерда: кизил лаб.

¹⁰ Сақоғ – ияқ, бағбака.

Кавсару¹ ҳайвон зулолин² истамам, гар қатрае
Етса ногаҳ шарбати ширин дудоғингдин³ санинг.

Эл висолинг бодасини⁴ дам-бадам нўш⁵ айлабон,
Ваҳқи, ман ҳар дам ютарман қон фироқингдин⁶ санинг.

Гаҳ-гаҳи, нетти, келиб, таскин етурсанг васл ила,
Ўт ёнар кўнглумда тун-кун иштиёқингдин⁷ санинг.

«Тун кеча келгум», – дебон кўп ваъда айлаб, келмадинг,
Тушти ўт жонимға бу ёлғон васоқингдин⁸ санинг.

Огаҳийнинг орзуси буки – бўса айласа
Ҳам лаби лаълингдину ҳам ол яноқингдин⁹ санинг.

ЗОРИНГМАН

Хоразм «Гул уфори»лари асосида
К.Отаниёзов томонидан ашулага солинган

Эй қуёш, юзинг очким, ғам тунида¹⁰ зорингман,
Сидқ¹¹ ила нафас урғон субҳи бегуборингман¹².

Сан жамолу ҳашматда¹³ ҳусн мулки шоҳисан,
Ман малолу кулфатда бандай назорингман¹⁴.

¹ Кавсар – жаннат булоги.

² Ҳайвон зулоли – тирикликининг тиник, яхна суви.

³ Дудок – лаб.

⁴ Бода – шароб, май.

⁵ Нўш айлаш – ичиш.

⁶ Фироқ – жудолик, висолдан бебаҳралик.

⁷ Иштиёқ – кучли истак, ёр висоли орзусидаги беоромлик.

⁸ Вақоқ – боғлаш, банд; аҳду паймон.

⁹ Ол яноқ – кизил яноқ.

¹⁰ Ғам туни – ошикнинг дийдор талабида ўтказган туни.

¹¹ Сидқ – тўғрилик.

¹² Субҳи бегубор – покиза тонг.

¹³ Ҳашмат – дабдаба, шуҳрат.

¹⁴ Бандай назор – биргина нигоҳга зор ошиқ.

Қилма айб, агар қилсам ишқинг ичра ожизлик,
Қариліг юки босғон зору bemadoringman¹.

Гарчи ўзгалар янглиғ айлай олмағум хизмат,
Лек алар қаторида бир умидворингман.

Нече умрлардурким², фурқатинг ғами³ ичра
Йиглабон кеча-кундуз, зору бекарорингман⁴.

Марҳамат кўзи бирла ҳолима назар қилким,
Кўйинг ичра ер тутғон бир дуогузорингман.⁵

Истасам азиз ўлмоқ, тонг йўқ⁶, илтифотингдин,
Чунки Огаҳий янглиғ ишқинг ичра хорингман.

ЁРИМА АЙТИНГ

A.Исмоилов мусиқаси

Кўнглим ғамин, эй дўстларим, ёрима айтинг,
Жоним аламин лаъли шакарборима⁷ айтинг.

Шоядки, тараҳҳум⁸ қилибон кулбама келгай,
Ҳолимни паризоди⁹ вафодорима айтинг.

Истаб нигаҳи гўшаи чашмин топа олмай,
Беморлигим кўзлари беморима айтинг.¹⁰

¹Зори бемадор – муҳтожу мајсолисиз.

²Нече умрлар – неча-нече йиллар.

³Фурқатинг ғами – айрилик ғами.

⁴Бекарор – ҳаловатсиз.

⁵Мисра мазмуни: ўйлингни пойлаб кўчангта ўтириб олган дуогўйингман.

⁶Тонг йўқ – ажаб эмас.

⁷Лаъли шакарбор – шакар(дай ширин сўз) ёғдирувчи лаъл (қизил тусли кимматбахо тош; мајозан ёр лаби).

⁸Тараҳҳум – раҳм-шафқат.

⁹Паризод – парининг боласи, парилар авлодидан бўлган.

¹⁰Байт мазмуни: «Ҳеч бўлмаса, кўз кири билан биргина нигоҳ ташлар» деган умидда овора бўлиб юриб, нигоҳига (назарига) тушолмай, бемор бўлганимни ўша – кўзлари гўё бемор кишининг кўзидай сузук ёримга айтинглар.

Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,
Санчилғонини бу тани афгорима айтинг.¹¹

Озориға кўнглум чидамай, эмди ўлумга
Рози эрур, ул шўхи дилозорима айтинг.

Келсун доғи¹² қатл айласуну қонима қонсун,
Қотилвашу¹³ ошиқкушу¹⁴ хунхорима¹⁵ айтинг.

Огоҳи(й)ни ўлтурсуну ё комини берсун¹⁶,
Зинҳор¹⁷ бориб ёри жафокорима¹⁸ айтинг.

БОШ УСТИНА

M.Юсупов мусиқаси

Мажнун кўнгулнинг ишқ аро гар ёғса юз тош устина,
Дер шод ўлуб ҳар тошга: «Келсанг агар, бош устина!»

Ишқ ичра гар содиқ эсанг шод ўл ғаму меҳнат¹⁹ била,
Бошингга келса юз бало, чин солмоғил қош устина²⁰.

Хуноб²¹ ичар вақтимда хуш келдинг, кўнгулким, ҳалқ аро
Яхши масалдурким: «Келур яхши киши ош устина».

Иқболу иззат аҳлининг киргай қаторига қачон
Киймоқ била дебоу хазз арзолу авбош устина?²²

¹ Байт мазмуни: киприкларининг хаёли билан бу мажрух (ярадор) танимга ҳар лаҳзада минглаб ўқлар санчилғанинг айтиб кўйинглар у жононга.

² Доғи – яна, тагин; бу ерда «ва» маъносига.

³ Қотилваши – қотилга ўҳшаган, қотилсифат.

⁴ Ошиқкуш – ошиқларини ўлдирувчи.

⁵ Хунхор – қонхур, кон тўкувчи.

⁶ Комини бермок – муродига етказмок, хоҳиш-истагини рўёбга чиқармок.

⁷ Зинҳор – дарҳол, зудлик билан.

⁸ Жафокор – қиласи фақат жафо бўлган ёр.

⁹ Мехнат – машакқат, қийинчилик.

¹⁰ Қош устига чин солмоқ – пешонани тириштирмоқ.

¹¹ Хуноб – қонли ёш.

¹² Байт мазмуни: устига асл ипак матою мўйнали кийимларни кийгани билан, паст, саёқ кимсалар қачон баҳтли, иззат-икромдаги кишилар қаторига кириби?

Лекин ҳақиқатда эрүр иқболу иззат лойиқи
Фақр ичра кийган эски шол озода қаллош устина.¹

Құлма ҳавас, эй Огахий, әмді йигитлик айшини
Ким, етти умринг муддати әллик ети ёш устина.

БЕШ ПАРДА СУВОРА

Хоразм мұмтоз йұлларидан

Не бўла олдим ғами уқбо² саранжоми³ била,
Не фараҳ⁴ топдим жаҳон саҳбойи⁵ гулфоми⁶ била?
Иш манга тун-кун улус⁷ таъзиму икроми била,
Ваҳки, умрим бўлди зойиъ⁸ барча эл коми⁹ била,
Бодаи ноб¹⁰ ўрнига хуноба ошоми¹¹ била.

Эй кўнгул, қил барча комингни Худодин мултамас¹²,
Истасант роҳат, замона аҳлидин пайванд¹³ кас,
Комрон¹⁴ ўлмоқ тилаб шаҳ хизматин қилма ҳавас,
Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким, арзимас
Даҳр¹⁵ аро бир лаҳза бўлмоққа бирор коми била.

Фақр¹ әлига кулбаси мулки жаҳондин яхшиким,
Онда эски бўрё² тахти каёндин³ яхшиким,
Тинчлиқ бирла атола⁴ нўши⁵ жондин яхшиким,
Захрни ўз коми бирла ичса, ондин яхшиким
Оби ҳайвон⁶ шарбатин нокомлиғ жоми била.

Ораз ўлди зард⁷, тарк эт гулжабинлар⁸ сухбатин,
Қомат ўлди ҳам⁹, унугтил сарвқадлар¹⁰ қоматин,
Огаҳийдек тинмайин охтарма дунё ишратин,
Эй Навоий, ҳузн¹¹ ила ўткар қарилғи мәҳнатин
Ким, йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

¹ Байт мазмуни: лекин факр (заруратдан ортиқ моддий бойликтан воз кечиш, ихтиерий камбағаллик) туфайли устига эски, аммо покиза шол (жундан тўқилган мато) кийган факир ҳақиқатан ҳам иззат-икром, хурмат-эътиборга лойикдир.

² Уқбо – охират, нариги дунё.

³ Саранжом – бажарилиш, тутгаллаш.

⁴ Фараҳ – хурсандлик, шодлик.

⁵ Саҳбо – кизил май.

⁶ Гулфом – гулранг, гўзал.

⁷ Улус – эл-юрт, одамлар.

⁸ Зойиъ – бехуда. Умрим бўлди зойиъ – умрим бехуда ўтди.

⁹ Ком – мурод, орзу. Эл коми – элнинг ғам-ташвиши.

¹⁰ Бодаи ноб – тоза май.

¹¹ Хуноба ошоми била – қонли ёш ютиш билан.

¹² Мултамас – илтимос.

¹³ Пайванд – уланганлик, боғликлық; ришта. Пайванд кас – ришталарни (алоқаларни) кес, уз.

¹⁴ Комрон – мақсадга эришган, баҳтли.

¹⁵ Даҳр – дунё.

¹ Факр – камбағаллик, йўқсиллик.

² Бўрё – бўйра, похол ёки қамишдан тўқилган палос.

³ Тахти каён – каёнийлар (сосонийлар) – буюк ҳукмдорлар тахти.

⁴ Атола – атала (таом).

⁵ Нўш – ичиш.

⁶ Оби ҳайвон – тириклиқ суви. Байт мазмуни: тириклиқ суви – шарбатини мақсадизлик жомидан (бошқалар ҳоҳиши билан) ичмоқдан кўра ўз максади (ҳоҳиши) билан заҳар ичмоқ яхшидир.

⁷ Зард – сарик. Ораз ўлди зард... – юз сарғайди.

⁸ Гулжабин – гулпешона, хусндор.

⁹ Ҳам – эгик.

¹⁰ Сарвқад – қад-комати тик, чиройли.

¹¹ Ҳузн – ҳазинлик, маъюслик. Байт мазмуни: эй Навоий, энди кексалик қийинчиликларини маҳзунлик билан ўтказ, чунки йигитлик даври айшу ишратга тўла кунлар билан ўтиб кетди.

КОМИЛ

(1825 – 1899)

Шоир, давлат арбоби, олим, миллий мусиқамизга замона-
вий нотани жорий этган мусиқашунос Мұхаммадниәз Комил
Хоразмий мударрис Абдулла охунд оиласида туғилған.

Унинг газал ва мухаммаслари, форсчадан бир қатор тар-
жималари, «Рост» мақомига боғлаган «Мураббаи Комил»,
«Пешрави Феруз» мусиқий асарлари бизгача етиб келған.

ҚАРО ШОМЛАР

Қадимги Хоразм ҳалқ қуйларидан

Манга қилмай ирсол пайғомлар,
Чаман саҳнида субҳ ила шомлар,
Рақибим била нўш этиб жомлар,
Олиб ҳалқдин сабру оромлар,
Дилоромлардур, дилоромлар.

Кўзим гиряси чашми бодомидин,
Кўнгил қонлиги лаъли гулфомидин,
Муқайядлифим зулфининг домидин,
Манга субҳлар фурқат оломидин
Қаро шомлардур, қаро шомлар.

Қалам қошларидур қадим нун қилон,
Қизил юзи ашкимни Жайҳун қилон,
Лабидур юрак-бағрими хун қилон,
Мани ишқ даштида Мажнун қилон
Неку номлардур, неку номлар.

Ўқуб аҳли тақво намози риё,
Тутиб ўзларин Комилу порсо,
Тикиб нася кавсарга кўз борҳо,
Қилур тарки маъшуқу май доимо –
Иши хомлардур, иши хомлар.

Мазмуни:

Менга ақалли хат-хабар ҳам юбормай, рақиблар билан ча-
манда кечаю кундуз висол шаробини ичаётганлар, ҳалқнинг
сабру оромини ўғирлаб олганлар дилоромлардир, ҳа, айнан
дилоромлардир.

Кўзимнинг йиғлайвериши ёрнинг бодомга ўхшаш кўзи,
бодомқовоги туфайли. Кўнглим қонлиги эса гулдай лаби
важҳидандир. Асирилгим сочининг тузоги сабаблидир. Ай-
рилиқ аламлари боис тонглар ҳам мен учун қора шомлардир,
тушуняпсизми, қора шомлардир.

Жуссамни «нун» (н) ҳарфидай эгиб кўйган қалам (ин-
гичка, қоп-қора ва қайрилма) қошларидир. Кўз ёшимни
Жайҳун (Амударё) каби сероб қилган унинг қизил юзидир.
Юрак-бағримни қон қилган эса лаблари... Хуллас, мени ишқ
даштида Мажнун (төлба) қилган ана ўшалар – эл орасида
«яхши» дея ном олганлардир.

Риёкор тақводорлар Худо учунмас, одамлар кўрсин, гапир-
син учун намоз ўқидалар, ўзларини бенуқсон, мукаммал ва
художўй қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Энг ёмони, у дунёда
жаннатга кирадиларми-йўқми, Кавсар сувидан ичадилар-
ми-йўқми, билмайдилар-у, насяга доим кўз тикиб нақд бўлиб
турган маъшуқа ва майдан юз ўтирадилар. Ҳа, иши хомлар-а,
иши хомлар!

КИМНИ СЕВАР ЁРИСАН

К.Отаниёзов («Лазгида айтилган»)

Қайси фалак буржининг меҳри пуранворисан¹,
Қайси садаф дуржининг гавҳари шаҳворисан²,
Қайси Хўтсан оҳуси, нофайи тоторисан³,
Қайси чаманзорнинг лолаю гулнорисан?
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

¹ Меҳри пуранвор – айн. кўп нур таратувчи қуёш.

² Шаҳвор – шоҳона, шоҳларга муносаб.

³ Нофайи тотор – тоза, асл мушк.

Йиғлатур ошиқларинг лаъли лабинг хандаси,
Күмрийи нолон¹ эрур сарв қадинг бандаси,
Хусну жамол авжининг меҳри дурахшандаси²
Кўрса агар оразинг³ бўлгуси шармандаси,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Қоматинга бандадур боғ ора сарви равон,
Лаъли лабинг рашикидин гунча эрур бағри қон,
Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон⁴,
Ноласин айлар фузун⁵ булбули бехонумон,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Айшу тараб⁶ истабон, ғамга дучор ўлмаған,
Меҳринга дилбастай⁷ зору низор⁸ ўлмаған,
Лаъли лабинг шаҳдина⁹ борму хумор ўлмаған?
Даҳр¹⁰ ора йўқдур санга ошиқу зор ўлмаған,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

Бир кечак айлаб манга меҳру муҳаббат аён,
Ҳамраҳу йўлдошсиз, барча улусдан¹¹ ниҳон,
Кулбайи аҳзонима¹² бўлсанг агар меҳмон,
Комили маҳзунинга¹³ ростини айлаб баён,
Сўйла манга, эй санам, кимни севар ёрисан?

МУҚИМИЙ

(1850 – 1903)

Мирзахўжа ўғли Муҳаммад Аминхўжа Муқимиий Қўқонда туғилган. Қабри ҳам шу ерда.

Бизгача етиб келган мероси 10 минг мисра атрофидаги деб тахмин қилинади. Шеърлари асосан лирика ва ҳажвиётдан иборат. «Танобчилар», «Саёҳатнома» асарлари машҳур.

УФОРИ САВТИ ЧОРГОХ

«Дугоҳ» мақомидан

Рост¹ қаддингдек жаҳон боғида сарв озод кам
Ҳам бу қотил кўзларингдек қон тўқар жаллод кам.

Ваҳ, на бепарво фалак², шўхи ситамгардурки³ сен,
Бўлмаган вайрон алингдин⁴ хотири⁵ обод кам.

Офати жон, зулфи⁶ – райҳон, анбарин⁷ холу хати,
Юзлари – гул, сочи – сунбул, қомати – шамшод кам.

Фитнахў⁸, тунду⁹ тағофилпеша¹⁰ хўблар¹¹ кўп, вале
Сан каби бебоку¹² золим, сангдил¹³ пўлод¹⁴ кам.

¹ Рост – тўғри, текис. Шунингдек, «тўғриси», «чиндан ҳам» маъноларида.

² Фалак – осмон; тақдир.

³ Ситамгар – жабр қилувчи, азоб берувчи.

⁴ Ал – кўл, даст.

⁵ Хотири – кўнгил.

⁶ Зулф – гажак.

⁷ Анбарин – анбар (хушбўй модда) ҳидли.

⁸ Фитнахў – фитначи.

⁹ Тунд – локайд.

¹⁰ Тағофулпеша – бепарво.

¹¹ Хўблар – яхшилар; бу ерда гўзаллар маъносида.

¹² Бебок – ҳеч нарсадан кўркмайдиган.

¹³ Сангдил – тошбагир.

¹⁴ Пўлод – пўлат.

¹ Нолон – йигловчи, йиглоки.

² Меҳри дурахшанда – порлок қуёш.

³ Ораз – юз, жамол.

⁴ Гулфишон – айн. гул сочувчи.

⁵ Фузун – ортиқ, зиёда.

⁶ Айшу тараб – ҳар қандай ғам-ташвишни унтиши, роҳат-фароғат ва базм.

⁷ Дилбаста – кўнгли боғланган.

⁸ Зору низор – зор, муштоқ ва заиф, ожиз.

⁹ Шаҳд – асал.

¹⁰ Даҳр – дунё.

¹¹ Улус – ҳалқ, одамлар.

¹² Кулбайи аҳzon – айн. ғамгинлик, маъюслик қулбаси; мажозан ошиқ кўнгли.

¹³ Маҳзун – ғамгин.

Одамидин¹ бир ўзингдек навжувон² бор ўлғанин
Ушбу гулшан ичра пири даҳр³ билгай ёд кам.

Хома⁴ синдуруди, чеколмай суратинг⁵ тасвирини,
Синган эрди шунча суратлар чекиб Беҳзод⁶ кам.

Наргисинг жаврин Муқимийга кўриб раҳм айламиш,
Чарх⁷ айлар неча кундур мен дедим: «Бедод⁸ кам!»

АЙРИЛМАСУН

Фаргона яллаларидан

Дўйстлар, ҳеч ким менингдек ёридин айрилмасун,
Мехрибон, муnis⁹ ўшал дилдоридин айрилмасун.

Хонумонларни¹⁰ бериб барбод – етмай васлига,
Бўлубон маъюс, йўқу боридин айрилмасун.

Дўйстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолик дардини,
Душманинг ҳам бўлса, ўз фамхоридин¹¹ айрилмасун.

Бандаe¹², ё Раб, Муқимийдек бўлиб хору касод¹³,
Суду¹⁴ савдодин қолиб, бозоридин айрилмасун.

¹ Одами(й) – одамзод.

² Навжувон – ёш, ўспирин.

³ Пири даҳр – кекса дунё маъносида.

⁴ Хома – қалам.

⁵ Сурат – 1) кўриниш, ташки киёфа; 2) сурат, тасвир.

⁶ Беҳзод – Навоийга замондош машхур рассом.

⁷ Чарх – осмон; тақдир.

⁸ Бедод – зўрлик, адолатсизлик.

⁹ Мунис – дўст, улфат.

¹⁰ Хонумон – бору йўқ, бисот.

¹¹ Фамхор – фамхўр, даркаш.

¹² Бандае – ҳеч бир банда.

¹³ Касод – синиш, савдодаги зиён.

¹⁴ Суд – фойда, даромад.

КЕЛДИМ

Фаргона катта ашулаларидан

Ҳамроқул қори мусиқаси

Кўп эрди ҳасратим, жоно, қиласай изҳор деб келдим,
Муқими кунжи ғам¹ эрдим, сени ғамхор деб келдим.

Хатингму раста-раста² сабза³ ёрайҳони⁴ жаннатму?
Юзинг кўрсат, томошо айлайнин гулзор деб келдим.

Қўй, эй мутриб⁵, «Баёт», «Ушшоқ» ёқмайди қулоқларга,
Тараннум айласант⁶ маҳфилда⁷ қил «Гулёр»⁸ деб келдим.

«Бу ерга ким учун келдинг?» – дебон сўрма Муқимийдин,
Кўрарга бир суманбар⁹, сарви гулрухсор¹⁰ деб келдим.

ЁЛҒУЗ

Ж.Султонов мусиқаси

Баногоҳ¹¹ учради от ўйнатиб бир дилрабо ёлғуз,
Рикобига¹² суриб кўз, қўл очиб қилдим дуо ёлгуз.

Дедимким: «Нозанинлар хайлида¹³, инсоф қилганда,
Ўзингдур хуш такаллум¹⁴, тўтии ширин адо¹⁵ ёлғуз».

¹ Муқими кунжи ғам – ғам кунжагида (бурчагида) муқим (доимий истиқомат қиливучи).

² Раста-растা – қатор-қатор, саф-саф.

³ Сабза – майса.

⁴ Райхон – райхон; жаннат гиёхи.

⁵ Мутриб – хонанда, ҳофиз.

⁶ Тараннум айламоқ – куйламоқ.

⁷ Маҳфил – базм.

⁸ «Баёт», «Ушшоқ», «Гулёр» – машхур маком ва ҳалқ қўшикларининг номи.

⁹ Суманбар – суман (ясмин) гулидек оқ ва хушбўй бадан.

¹⁰ Гулрухсор – гул юзли.

¹¹ Баногоҳ – ногаҳон, кутилмагандা.

¹² Рикоб – узанги.

¹³ Хайл – айн. қўшин; умуман, жамоа, тоифа маъноларида.

¹⁴ Такаллум – гапириш, сўзлаш.

¹⁵ Тўтии ширин адо – ширин (ёқимли) қиликли тўти.

Табассум бирла пинҳона деди: «Ошиқларим ичра
Вале сен ҳам асиру мубталолигда жудо ёлгуз».

Муқимиини паноҳи исматингда¹ асрағил, ё Раб,
Хатарлик дашт аро гумгаштай² бераҳнамо³ ёлгуз.

ЯККА БУ ФАРГОНАДА

M.Мирзаев мусиқаси

Ошиқ эрмасман юзингга якка бу Фарғонада,
Зоҳид⁴ истар каъбаларда, барҳаман⁵ бутхонада⁶.

Кимга дод айлай бу бедодингни⁷ ман, эй сангдил⁸,
Ошно бўлдим десам, кўнглунг сени бегонада.

Шамъи рухсоринг⁹ ёнар маҳфилда¹⁰ гул-тул кечалар,
Бормуди қасдинг магар куйдиргали парвонада?

Манъ этиб¹¹, эй муҳтасиб¹², ҳар дам бошимга келмагил,
Бўлса наилай, маст бўлмай, масканим майхонада.

Манзилимни сўрма, эй мағрури мулки дастгоҳ¹,
Даҳр² сахройи жунун уй бўлмағай девонада.

Булбул айлар нолалар ёлғиз дема, эй гулъузор,
Чуғздек³ қилгай Муқимиин ҳам наво⁴ вайронада.

ФАРГОНА НАСРУЛЛОСИ

Тошкент-Фарғонанинг эски ашуаларидан

Кўнгулни ғунча янглиғ таҳ-батаҳ⁵ қон айладинг кетдинг,
Халойик ичра маъюсу паришон айладинг кетдинг.

Отиб тири жафо⁶, дилларга ҳар ёндин солиб раҳна⁷,
Начук⁸ сultonки, тан мулкини вайрон айладинг кетдинг.

Жудолиг кунжида⁹ етмасмуди ҳасратда қолғоним?
Яна шаънимга бир ортуқча бўҳтон айладинг кетдинг.

Агар тош бўлса ҳам кўнглинг, эриб, лозим эди раҳминг,
Кўзича душманим¹⁰ ер бирла яксон айладинг кетдинг.

Дуойи давлатинг кўзлар Муқимиин, гарчиким маҳрум,
Бўлакка неъмати васлинг фаровон¹¹ айладинг кетдинг.

¹ Исмат – пок.

² Гумгашта – адашиб, тентираф юрган.

³ Бераҳнамо – ўйл кўрсатувчиси йўқ.

⁴ Зоҳид – тарки дунё қилиб, фақат зуҳд (тоат-ибодат) билан машғул киши.

⁵ Барҳаман (бараҳман – асли браҳман) – хиндуийлик дини пешвоси; умуман, бут-параст маъносида.

⁶ Бутхона – бутпарастлар (бутга сигинувчилар) ибодатхонаси; черков.

⁷ Бедод – зўравонлик, адоловатсизлик, зулм.

⁸ Сангдил – тошбағир.

⁹ Шамъи рухсор – жамол (юз) шами.

¹⁰ Маҳфил – базм.

¹¹ Мант этмоқ – тақиқламоқ.

¹² Муҳтасиб – тоштарози, тартиб, умуман, диний ишлар ижросини кузатиб юрувчи нозир.

¹ Мағрури мулки дастгоҳ – қўлидаги мулкига кувонувчи.

² Даҳр – дунё.

³ Чуғз – бойўғли.

⁴ Наво айламоқ – қуйламоқ; нола қилмоқ.

⁵ Таҳ-батаҳ – кат-кат, каватма-кават.

⁶ Тири жафо – жафо ўқлари.

⁷ Раҳна – дарз, ёриқ.

⁸ Начук – нечук, қандайн?

⁹ Кунж – бурчак, чет.

¹⁰ Кўзига душманим – душманим кўз олдида.

¹¹ Фаровон – мўл-кўл.

Шұхи паривашега гирифтормен яна,¹
Васлин күрарга шому саҳар зормен яна.

Раънолар ила кам әди тобим, жафо чекиб,
Найлай, бироннинг ишқида бемормен яна.

Айлаб ҳамиша хўблара² уйқуни ҳаром,
Бир нозанин ёдидә бедормен³ яна.

Хор этти ишқ ҳар гули ҳумроға⁴ бое аро,
Таън этма⁵ боз, бир гул учун хормен⁶ яна.

Ногах, Муқими, учраса, ақлу ҳушим кетиб,
Кўрган еримда сурати девормен яна.

КАЖХАНГ СУВОРА⁷

Хоразм сувора йўлларидан

Ёр агар лутф айламас, жабру жафо ҳам қилмасун,
Қилмас эрса манга, файрига⁸ вафо ҳам қилмасун.

Сунбули⁹ зулфи¹⁰ каби ошуфта¹¹ айлаб ҳар нафас,
Кокилидек рўзгоримни¹² қаро ҳам қилмасун.

¹ Мисра мазмуни: парилардай гўзал, шўх дилдорга яна асирман.

² Хўблар – яхшилар.

³ Бедор – уйкусиз ошик.

⁴ Ҳумро (ҳамро) – кизил.

⁵ Таън этмоқ – таъна қилмоқ.

⁶ Хор – 1) ҳўрланган, оёқости қилинган; 2) тикан.

⁷ Бу газал «Сегоҳ Сабоси»да ҳам айтилган.

⁸ Файри – бошқа, бегона.

⁹ Сунбул – узун барғли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг гуж бўлиб очиладиган хушбўй тули; мумтоз адабиётда ёр сочига ўхшатилади.

¹⁰ Зулф – соч; гажак.

¹¹ Ошуфта – паришон, тарқоқ.

¹² Рўзгор – қисмат; ҳаёт, турмуш.

Гар эшитмас бўлса боғларда фифону ноласин,
Гул юзин кўрсатмасун, булбул наво ҳам қилмасун.

Дардим ишқида куну кундин фузунроқ¹ билмаса,
Бир мусулмонни ўзиға мубтало ҳам қилмасун.

Ийғламоқдин хийра² бўлди кўз, демиш, фарёдким:
«Кўзга боскан изларимни тўтиё³ ҳам қилмасун!»

Қучмасам нозик белидин бир йўл охир, мунча ҳам
Қоматимни ғам юки бирла дуто⁴ ҳам қилмасун.

Гар кафи пойиға⁵ қўймоққа муносиб кўрмаса,
Ийглатиб кўз ёшими ранги хино⁶ ҳам қилмасун.

Якка бир оқшом келиб васлини гар кўрсатмаса,
Рангу рўйимни бу янглиғ қаҳрабо⁷ ҳам қилмасун.

Келмаса кўнгул сўраб гоҳи, Муқим, ағёрсиз⁸,
Бўйла⁹ аввал ишқ ўтиҳ дилларға жо ҳам қилмасун¹⁰.

¹ Фузун – зиёда, кўп, ортиқ.

² Хийра – хира.

³ Тўтиё – кўз оғриғига қарши ёки кўзни равшан этиш учун суртиладиган дори.

⁴ Дуто – эгилган, букилган.

⁵ Кафи пой – оёқнинг кафти.

⁶ Ранги хино – кизил ранг.

⁷ Қаҳрабо – сариқ рангли тош, янтарь.

⁸ Ағёрсиз – бегоналарсиз, ракибларсиз.

⁹ Бўйла – бундок, бунака.

¹⁰ Жо қилмоқ – жойламок.

ЧОРГОХ III

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Тагофул¹ ўқин отма, эй жафожўким², ёмондур бу,
Начукким³ жонлариға ишқ аҳлини зиёндур бу.

Олиб чиқ ой юзингдин пардани бозори шаб⁴ ўтмай,
Десун кўрган киши албатта: «Хуршеди жаҳондир⁵ бу!»

Висолингға етолмай зор йиғлаб юрганим билдинг,
Тараҳҳум⁶ қилмадинг дебким: «Мусоғир меҳмондур бу».

Лабингдин ваъда бердинг: «Ком олғил⁷, – деб, – топиб фурсат»,
Бу чин сўздурму, жоно, ёки маҳзи имтиҳондур⁸ бу?..

Деди: «Афгор⁹ кўксинг хонаи занбурдек¹⁰ нечун?»
Дедим: «Жоно, фироқинг ўқиға умре¹¹ нишондур бу».

«На бўлгайким, – дедим, – кўrsa тишинг оқин Муқиминг ҳам?»
Кулиб айдики: «Кўрмайдур бирор, дурри нишондур¹² бу!»

¹ Тагофул – сезиб сезмасликка олиш, гафлат.

² Жафожў – жафо қилувчи.

³ Начук (нечук) – қандай, қалай? Бу ўринда «чунки», «негаки» маъноларида.

⁴ Бозори шаб – айн. тун бозори.

⁵ Хуршиди жаҳон – жаҳон күёши.

⁶ Тараҳҳум – раҳм қилиш.

⁷ Ком олмоқ – муродига етмоқ.

⁸ Маҳзи имтиҳон – факаттинга синов.

⁹ Афгор – яраланган, илма-тешик.

¹⁰ Занбур – ари. Хонаи занбур – ари уяси.

¹¹ Умре – бир умр, бутун умр.

¹² Ду(р)ниҳон – яширинган дур.

ЧОРГОХ IV

Умр сансиз ўтса, мундоғ манга жон даркор эмас,
Туфроқ ўлмак яхшироқ, руҳи равон¹ даркор эмас.

Ҳар қаю маҳфилда² васфингни³ чироғини ёқиб,
Қилмасам зикрингни⁴, кесилсун забон⁵, даркор эмас.

Қадди мавзунинг⁶ тамошосидин улким топти завқ,
Сарв⁷ ила, биллаҳқи⁸, тубийи жинон⁹ даркор эмас.

Ўртадим ишқингда, қил сўзи ниҳонимдин тамиз,¹⁰
Ошкоро айлабон оху фифон даркор эмас.

Ногаҳон кўнглум уйига келса ёдинг, шодмен,
Қолмағай армону ҳасрат, хонумон даркор эмас.¹¹

Дарбадар¹² юрсам жунун кўйида¹³, айб этмак надур?
Булбули бехонумонман¹⁴, ошиён¹⁵ даркор эмас.

¹ Руҳи равон – жон, нафас.

² Маҳфил – мажлис, хос кишилар давраси.

³ Вағф – таъриф.

⁴ Зикр – тақрорлаш.

⁵ Забон – тил.

⁶ Қадди мавзун – қад-қомати чиройли.

⁷ Сарв – хушқомат дарахт.

⁸ Биллоҳ – худо ҳақи.

⁹ Тубийи жинон – жаннат дарахти.

¹⁰ Мисра мазмуни: ишқингда кўйидим, ёндим – пинҳона (ич-ичимдан) ёнганимни ўзинг билиб ол.

¹¹ Байт мазмуни: кутилмаганда кўнглим уйига сенинг ёдинг келса, шодманки, армон ва ҳасрат қолмайди, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

¹² Дарбадар – сарсон-саргардон.

¹³ Жунун кўйида – телбалик кўчасида.

¹⁴ Булбули бехонумон – уясиз булбул.

¹⁵ Ош(и)ён – ин, уя.

Ўлдуурсан чин(и) абрў айласанг¹ бир ноз ила,
Қатлима мужонларинг қилмак синон даркор эмас.²

Риштаи назмиға чекти зоти васфингни Муқим
Мисли гавҳар, эмди ортиқча баён даркор эмас.³

ЧАПАНДОЗИ ГУЛЁР

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Кишининг жонидек жисмимдаги руҳи равонимсиз⁴,
Қачон мумкин жудоликда тириклиқ, чунки жонимсиз.

Жаҳон бозорида суде⁵ топар ҳар ким матоидин⁶,
Мени нақди муҳаббатдин топиб қилган ҳәёним⁷ сиз.

Агар бегонадинким ҳар нафас юз минг жафо чексам,
Бўлубон ошноким, куйдуурсиз устухоним⁸ сиз.

Ўт урдим шамъдек маҳфилда мен ҳам танга сар то по,
Куяй ўлгунча, эй носиҳ, қўйинг, тутманг иноним сиз.⁹

Наво бир гул хаёлида чекармен, ҳамдамим – булбул,
Ўқуб бехуда билманг сиз, Муқимий, достоним сиз.

¹ Чин(и) абрў айламоқ – кош чимирмоқ.

² Мисра мазмун: мени ўлдирмоқ учун киприкларингни найза қилиш шарт эмас.

³ Байт мазмуни: Муқимий ўз шеъри ипига таърифингни гавхардай териб чиқди. Энди ортиқча баённинг кераги йўқ.

⁴ Руҳи равон – фараз қилинишича, инсон уйкута кетиши билан уни тарқ этадиган ва уйғонаёттанида яна қайтадиган руҳ. У ўз соҳибини тарқ этгач турли жойларга бориши, турфа воеаларнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Руҳи равон ўз ўрнига туш сифати билан қайтар экан. Инсонни (токи тирик экан) тарқ этмайдиган руҳ руҳи мустаким деб аталади.

⁵ Суд – фойда.

⁶ Мато – мол, товар.

⁷ Ҳаён – фойда, даромад.

⁸ Устухон – сукя.

⁹ Байт мазмуни: мен ҳам шамъ каби йигинда ўзимга бошдан-оёқ ўт ёқдим, куяй ўлгунча, эй насиҳаттўй, мени ўз ихтиёримга кўйинг.

ҚАЛАНДАР II¹

(Қаландар чапандози)

Фаргона мақом йўллари

Шитоб айлаб юарда нозу² истиғноларинг³ бордур,
Қаён борсанг анинг-чун шўришу ғавғоларинг⁴ бордур.

Ҳамиша ваъдага мониъ⁵ чиқар, шулдур гумонимким,
Уруб йўлдин, юбормас ошиқи шайдоларинг бордур.

Агар инсоф қилсан, сарвқадлар хайлида⁶, жоно,
Ажаб хилъат⁷ ярашган қомати зеболаринг бордур.

Боқиб ойинага даркор эмасдур сурмалар кўймоқ,
Қаро оҳу кўзидин нарғиси шаҳдоларинг бордур.

Халос ўлмоқ муанбар доми зулфингдин⁸ иложи йўқ,
Бошимда мўйи сардин⁹ ҳам фузун¹⁰ савдоларинг бордур.

Эшигига урулган боғи ҳуснинг қулфиму олтун,
Ва ё камзулларингда лаългун тугмоларинг¹¹ бордур?

На деб рашк оташиға¹² куймасун кўнгли Муқимиининг,
Мудом¹³, эй нозанин, бегонадин ошноларинг бордур.

¹ Бу матн «Шитоб айлаб» номи билан Хоразм ҳалқ ашуласи сифатида ҳам машҳур. «Қаландар I» Муқимий мухаммаслари қаторида берилди.

² Ноз – ярашикли ширин эркалик ва ишва.

³ Истиғно – ўзининг ҳаммага ёқишини билган ҳолдаги кибр, карашма.

⁴ Шўришу ғавғо – ҳаяжон, бесаранжомлик кўзголони.

⁵ Монеъ – қарши.

⁶ Сарвқадлар хайли – хушкоматлар гурухи.

⁷ Хилъат – ярашикли кийим.

⁸ Муанбар доми зулф – юзга тушиб турган, ошиқ дилига тузок бўлган хушбўй соч.

⁹ Мўйи сар – соч.

¹⁰ Фузун – ортик, зиёда.

¹¹ Лаългун тугмо – лаълдай қизил тутма.

¹² Оташ – ўт, олов.

¹³ Мудом – доим.

ҚАЛАНДАР III

(Кўп эрди...)¹

Фаргона мақом йўллари

Кўп эрди ҳасратим, жоно, қилай изҳор деб келдим,
Муқими кунжи ғам² эрдим, сени ғамхор³ деб келдим.

Хатингму раста-растা, сабза ёрайхони жаннатму?⁴
Юзинг кўрсат, тамошо айлайнин гулзор деб келдим.

Бориб ойдек жамолингни кўрай деб соғиниб чиқдим,
«Қачон қилмоқ учун савдо-сотик бозор?» – деб келдим.

Кўзим оқсун, ғараз ком⁵ ўлса гар ўзга тамошойи,
Нигоро, васлинг истаб маҳз⁶ бир дийдор деб келдим.

Қаро оҳу кўзинг ёдида эрди тийра айёмим,⁷
Малоҳатда юзинг хуршиди пурандор деб келдим.

Азоб эрмас эди чиқмоқ кишига қиши ҳавосида,
Бошинг ҳаққики, шундин шунга мен сен бор деб келдим.

Қўй, эй мутриб, «Баёт», «Ушшоқ» ёқмайди қулоқларга,
Тараннум айласанг маҳфилда⁸, қил «Гулёр» деб келдим.

¹ Бу газалнинг айрим байтлари Ҳамроқул кори мусикаси билан Фаргона катта ашуласи сифатиди ҳам айтилган.

² Муқими кунжи ғам – бир четда доим ғам чекиб турган киши.

³ Ғамхор – ғамхўр, меҳрибон.

⁴ Мисра мазмуни: бу раста-растা тизилганлар лабинг устидаги майин туклармикин, жаннатнинг майса ёрайхоними?

⁵ Ғараз ком – ўзгани кўрмоқдек ғаразли ният.

⁶ Маҳз – фақат, ёлғиз.

⁷ Мисра мазмуни: оҳунинг кўзидаи қора кўзларинг хаёли билан кўрган кунларим қора эди...

⁸ Маҳфил – базм.

Гирибонингдин очсан тутма бир-бир, тутма илкимдин¹,
Ярашган румча кийган кўйлакинг гулнор деб келдим.

Қошинг меҳробига жону дилим бирла эгиб қаддим,
Белимға боғламакка зулфлар зуннор² деб келдим.

«Бу ерга ким учун келдинг?» – дебон сўрма Муқимийдин,
Кўярарга бир суманбар³, сарви гулруҳсор⁴ деб келдим.

ҚАЛАНДАР V

Фаргона мақом йўллари

Ақлу ҳуш учди бошимдин, эй пари, девонаман⁵,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсона⁶ ман.

Ул замонеким, йироқ васлингдин⁷ ўлдим, то бу дам
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Хома мужгон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим⁸,
Арзае⁹ қилдим, эшиш, маюъсу муштоқонаман¹⁰.

Оҳқим, сенсиз қарору сабру оромим¹¹ кетиб,
Бир илон чаққан кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

¹ Илким – кўлим.

² Зуннор – насронийлар белбоги.

³ Суманбар – оқбадан.

⁴ Сарви гулруҳсор – сарв дарахтидай хушқомат, гул юзли ёр.

⁵ Девона – ишқ йўлида ақлдан озган.

⁶ Афсона – бу ерда: шарманда.

⁷ Васл – висол, дийдор.

⁸ Мисра мазмуни: киприкларимни қалам, кўзим қорасини сиёҳдон қилиб дилимдаги сирларни ёздим.

⁹ Арзае – бу ерда: шикоят.

¹⁰ Маюъсу муштоқона – ғамгин ва муштоқларча.

¹¹ Қарору сабру ором – бардош ва ҳаловат.

Навбати жомим¹ тўла қўйгил карамдин², соқиё³,
Ҳар қадамда то қилай юз лағзиши мастона⁴ ман.

Мулки Ҳинду Марвдин⁵ келсам, топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман⁶.

КЎЗЛАРИНГ

Фарғона яллаларидан

Сурма қўймай мунча ҳам, жоно, қародур кўзларинг,
Ҳар бири жон қасдига боққан балодур кўзларинг.

Ошно бегоналарга, бир умр хуш-хуш нигоҳ,
Ошноларга гараз ноошнодур кўзларинг.

Боқмагай ошиққа саҳван ҳам қиё, фарёдким,
Расму ойини магар жавру жафодур кўзларинг.

Охуйи Чин кўрдию шаҳтолигидин қон ютуб,
Рашқдин овораи дашти Хитодур кўзларинг.

Наргиси мастингдин узмак мумкин эрмас дийдани
Ёки мужгон даврида меҳригиёдур кўзларинг.

Интизор айлаб ўзи ҳам, ажриға ойинаси,
Ўз жамолини кўролмасдин адодур кўзларинг.

Қумри – сарви қадду булбул – гул юзингнинг воласи,
Мен Муқимийга ҳамиша муддаодур кўзларинг.

¹ Жом – қадах.

² Карамдин – илтифот килиб.

³ Соқий – косагул, май қуовчи.

⁴ Лағзиши (лағв) мастона – масти бўлиб бемаъни, бехуда киликлар килиш.

⁵ Мулки Ҳинду Марвдин – Ҳиндистон юрти ёки Марвдан (ҳозирги Туркменистондаги шаҳардан).

⁶ Мардуми Фарғона – фарғоналик.

Мазмуни:

Кўзларинг сурма қўймай туриб ҳам бунчалик қора бўлмаса, эй жон қадар севикли ёр! Уларнинг ҳар бири жонимни олиш учун қараб турган баломикин-а?!

Кўзларинг бегоналарга ошно бўлиб олиб, уларга бир умр яхши, мулойим нигоҳ ташлайди-ю, ошноларга (ошиқларга), аслида, бегоналарга аталган қаҳрли назарларни «тақдим» қиласи.

Э воҳ, кўзларинг ошиққа ҳатто адашиб ҳам қиё боқиб қўймайди-я! Ёки одати фақат жабру жафо қилишмикин булалинг?

Хитой оҳуси ногаҳон кўзларингни кўриб қолдию уларнинг шаҳдолигига ичи куйиб, қон ютиб, Хитой даштларида сарсон бўлиб юрди.

Нега бу мастона сузилиб турган нарғисларингдан (бир турли гул; унинг гуллари шаклан маъшуқа кўзларига ўхшатилади) кўз узишнинг иложи йўқ экан-а? Ёки унинг атрофида ги киприклар одамда муҳаббат уйғотувчи меҳригёҳмикин...

Ойнадан узоқлашгач кўзгу ҳам, кўзларинг ҳам ўз жамолини соғиниб, кўришга интизор бўлиб қийнала бошлайди.

Кумри сарв дараҳтидай тик қоматингга, булбул гулдай юзингга шайдо. Мен – Муқимий эса ҳамиша кўзларингни истайман.

БИР КЕЛИБ КЕТСУН

«Катта ашула» йўллари
асосида чолгулаштирилган

Сабо, арз айла, то ул зулфи райҳон¹ бир келиб кетсун
Ки, топсун бўйидин² тан ҳар нафас жон, бир келиб кетсун.

Қолиб ҳижронларида, соғиниб ҳасрат билан охир –
Жаҳон гулзори бўлди менга зиндан, бир келиб кетсун.

¹ Зулфи райҳон – сочи райҳон каби қора ва хушбўй.

² Бўй – хид.

Қади сарви сиҳини мунфаил айлаб, очиб ораз,
Килиб гулни хижил, чоки гирибон, бир келиб кетсун.¹

Кўярга бениҳоят зору муштоқ ўлғоним айтинг,
Агар бўлса иши ҳам, ҳаттал-имкон², бир келиб кетсун.

Келишга фурсати гар бўлмаган вақтида ҳам лекин
Ики тошнинг аросида шитобон³ бир келиб кетсун.

Муқимий ҳоли зорин сўргали айни мурувватдур,⁴
Дегил, инсофлик бўлса мусулмон, бир келиб кетсун.

КЎРМАЙ

Фарғонанинг эски ҳалқ ашулалиридан

Аввалда кўрмасам-чи, бағрим кабоб кўрмай,
Бир лаҳза сабру тоқат йўқ, кўзда хоб кўрмай.

Тухми муҳаббатингни жон мазраига сочдим,
Боқким, экин пишарму то офтоб кўрмай?

Оқса, не тонг, сиришким чиққанда хатту холинг,
Райхонга ҳеч равнақ етгайму об кўрмай?

Ўт мадраса саридин, илм аҳли дарси ҳуснинг
Фикрида таътил айлаб, юрсун китоб кўрмай...

Гоҳи қарам юзидин сўргилки, то бу янглиғ
Ағёр таънасидин ўқ беҳисоб кўрмай.

Эй хўблар амири, сандин умид этиб лутф,
Қилди ғазал Муқимий, кетмас жавоб кўрмай.

Мазмуни:

Аввалда юзингни кўрмасам бўларкан, мана энди сени
кўролмай, бағрим кабоб бўлиб юрибди. Кўргунимча на бир
лаҳза сабру тоқатим бор ва на кўзимга уйқу келади.

Жонимни шудгорлаб, унга муҳаббатинг уругини сочдим.
Кел энди, эй юзлари қуёшдай порлоқ ёр, менинг бу «шуд-
гор»имга назар сол, ахир экин офтоб кўрмаса униб-ўсиб, пи-
шадими?

Лабларинг устида майн туклар ниш уриб, хол ҳам пай-
до бўла бошлаганини кўриб йиғлайверсам, ҳеч ажабланма.
Ахир райхон сув кўрмаса авж олмайди-ку.

Мадраса томондан ҳам гоҳ-гоҳ ўтиб тур, зора, куни бўйи
китобдан бош кўтармай таҳсил олаётган илм аҳли – талаба-
лар ҳуснингни кўриб, ана шу «китоб»дан дарс тайёрлаш фик-
рида ўз китобларини ўқимай, бир оз таътил қилсалар.

Баъзи-баъзида бўлса ҳам марҳамат юзасидан аҳволимни
сўраб тур, мен бечора рақибларим, яъни сенинг бошқа ошиқ-
ларинг таънасидан ҳисобсиз ўқлар азобини ҳадеб чекавер-
май.

Эй гўзаллар шоҳи! Муқимий сендан илтифот умидида
ушбу ғазални ёзди. Энди сендан жавоб олмагунича, яъни
унга илтифот, марҳамат қилмагунингча эшигингдан кет-
майди.

¹ Байт мазмуни: гўзал ёр бир келиб кетса эди, унинг қадди-қоматини кўриб, баланд
бўйли, хушкомат сарв ҳам уялган бўларди; юзини очганда эса гул ўзидан хижолат
бўлиб, ёқасини йиртади.

² Ҳаттал-имкон – имкони борича.

³ Шитобон – тезлик билан, бирров.

⁴ Муқимийдан ҳол-ахвол сўрашнинг, мурувват – ҳиммат, яхшилик қилишнинг
айни вақтидир.

Фаргона яллаларидан

Кимнинг инсон хайлидин¹ ул нозаниндең ёри бор,
Арзи рухсор² этса ҳар қайдоқ³ пари ҳам, ори бор.

Кўрмиш оёким хиромони⁴, чаманда рашқдин
Эрта-кеч товусларнинг оҳи оташбори⁵ бор.

Боги васлидин узарга олма қилсанг илтимос,
Нозлар бирлан дегайким: «Олма йўқтур, нори бор».⁶

Мубталойи доми зулфи⁷ бўлмас эрса, не учун
Бўйла⁸ тарсолар⁹ белида ҳалқаи зуннори¹⁰ бор?

Тонимай ўтса баногаҳ¹¹ ул санам, маъзур тут,
Сен каби йўлида минг-минг ошиқи дийдори бор.

Неча ҳажрида, Муқими, инжима¹², чексанг аlam,
Кетмагай бекор, охир – роҳати бисёри¹³ бор.

¹ Инсон хайлидин – инсонлар орасидан.

² Арзи рухсor этмоқ – юзини кўрсатмок.

³ Қайдоқ – қандоқ, қандай.

⁴ Кўрмиш оёким хиромон – (ернинг) юришини кўрган, шекилли...

⁵ Оҳи оташбор – ўтли, ҳароратли оҳ.

⁶ «Олма йўқтур, нори бор» – сўз ўйини: 1) олма йўқ, кет, нари бор; 2) олма йўқ, анор бор.

⁷ Мубталойи доми зулф бўлмоқ – ёр сочининг тузогига илинмоқ.

⁸ Бўйла – бундай.

⁹ Тарсо – насроний.

¹⁰ Ҳалқаи зуннор – насронийлар белбоғи.

¹¹ Баногаҳ – тўсатдан.

¹² Инжимоқ – ранжимоқ.

¹³ Бисёр – кўп.

Боғ аро ҳам сен каби сарви хиромон¹ бормукин?
Юзлари – гул, сочи – сунбул, зулфи – райҳон² бормукин?

Хур пайкар, тўтидек ширин такаллум, хушсухан³,
Тишлари – дур, лаблари – лаъли Бадахшон⁴ бормукин?

Хўблар ичра сенингдек дилрабони кўрмадим,
Мен каби ҳам йўлларингда зору ҳайрон бормукин?

Неча кўз тутдимки, ҳаргиз қилмадинг бир илтифот,
Оҳким, васлингда юрганларда армон бормукин?

Эй ҳакими муддай⁵, қонуни ҳикматдин гапир,
Ишқнинг дардига ҳам дорую дармон бормукин?

Ўзгалар ҳар кун, Муқими, комёби базми васл⁶,
Сенга ҳам боре нигоҳу⁷ лутфи эҳсон бормукин?

ДОФМАН

Эй пари пайкар, жамолингни кўролмай доғман,
Кимсадин ному нишонингни сўролмай доғман.

Фурқатингда⁸ тоқ ўлиб тоқат, кетиб беихтиёр,
Бир маконеда қарор айлаб туролмай доғман.

¹ Сарви хиромон – нозланиб юрувчи сарвқомат.

² Сочи сунбул, зулфи райҳон – соchlари сунбулдай узун, толим-толим; юзига тушиб турган гажаклари райҳондай чиройли, хушбўй.

³ Ширин такаллум, хушсухан – чиройли сўзловчи, ширин сўзли.

⁴ Лаъли Бадахшон – кизилилик ва аслиликда машхур лаъл (кимматбаҳо тош).

⁵ Ҳакими муддай – табиблик даъво қилувчи.

⁶ Комёби базми васл – висол базмининг ҳурматли меҳмони.

⁷ Боре нигоҳ – бир бор қараш, биргина нигоҳ.

⁸ Фурқат – айрилик.

Чехрайи зардим¹ била сўрма сиришким олини²,
Кўзларимни остонингга³ суролмай доғман.

Чун муҳаббат сирри ифшо⁴ бўлмасин деб, эй пари,
Зор йиғлаб, нола айлаб, оҳ уролмай доғман.

ИНТИЗОР

Карим қори Юсупов мусиқаси

Ваъда ёлғонлар тилисми интизор этди мени,
Бош-аёғ гўё дили уммидвор этди мени.⁵

Хўбрўлар⁶ ишқини, қасд айладимким, тарк этай,
Бўлмади, маъзурман⁷, беихтиёр этди мени.

Ёр кўйида⁸, не тонг, бўлса фузун⁹ девоналиғ¹⁰,
Таънаи ағёrim¹¹ илисангкор¹² этди мени.

Билмадим, Фурқат, жаҳон боғида сен не ранг гул,
Лоладек қат-қат Муқимий доғдор¹³ этди мени.

¹ Чехрайи зард – сариқ юз.

² Сиришким оли – кўз ёшимнинг қизиллиги.

³ Остон – остона, бўсаға.

⁴ Ифшо – фош.

⁵ Байт мазмуни: ёлғондакам ваъдалар тилисими мени интизор килди, бошдан-оёқ умид тўла дилга айлангандайман, яни ўша ваъдаларнинг ёлғонлигини билсан ҳам, барибир, уларга ишонгим келади, умид билан кутавераман.

⁶ Хўбрў – гўзал.

⁷ Маъзур – узрли.

⁸ Ёр кўйи – бу ўринда икки хил маъно англашилади: ҳам «ёр ишқида», ҳам «ёрнинг кўчасида» деб тушуниши мумкин.

⁹ Фузун – ортиқ, зинда.

¹⁰ Девоналиғ – ишқдаги телбалик.

¹¹ Таънаи ағёр – ракиблар таънаси.

¹² Сангкор – тошбўён.

¹³ Доғдор – доғи кўп, доғли.

БИР ИШВА БИЛАН

F. Тошматов мусиқаси

Бир ишва билан жонон девона¹ қилиб кетди,
Ақлимни сочиб ҳар ён, мастона² қилиб кетди.

Аввалда олиб кўнглим чин аҳду вафо бирлан,
Охирда жафоларга ҳамхона қилиб кетди.

Билмам, на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл
Ё рашк ила ағёrim бегона қилиб кетди.

Мен кимга бориб йиғлай ул шўхи ситамгардин?
Эл-юрга бутун телба, афсона қилиб кетди.

ЭТСАНГ НЕТАР

К. Мансуров мусиқаси

Минг салом этган кишига бир салом этсанг нетар,
Иzzatинг тутганни сен ҳам эҳтиром этсанг нетар?

Ўлтиурсан ошиқа боқмай, гапирмай, тунд бўлиб,
Сўзларинг тўти каби шириналом этсанг нетар?

Файра³ ёру ҳамзабон⁴ бўлмак неча аз рўйи лутғ⁵,
Мен билан ҳам ошнолигни мудом⁶ этсанг нетар?

Соқиё, даврингда мендин ташнароқ йўқ талхком,
Айламай маҳмур мундоғ, масти жом этсанг нетар?⁷

¹ Девона – ишқ туфайли эс-хушини йўқотган, телба.

² Мастона – мастидай.

³ Файр – бегона.

⁴ Ҳамзабон – тилдош, сирдош.

⁵ Аз рўйи лутғ – марҳамат юзасидан.

⁶ Мудом – доимо.

⁷ Байт мазмуни: эй соқий (май куювчи), даврангда менчалик ташналиқдан томоги ачишган киши ийқ, бундай килиб одамни хумордан кийнайвермай, бир қадаҳ билан масти килиб кўј колсанг бўлмайдими?

Фунчалар очилмасун ботиб хижолат қонига,
Бир табассум бирла корини тамом этсанг¹ нетар?

Кабк² ила товус рафторига³ мағрур ўлмасун,
Хурваш⁴, юз нозлар бирлан хиром этсанг⁵ нетар?

Номай хуни жигар бирлан ёзар умре Муқим,
Сен ҳам эмди бир жавоб айлаб, паём этсанг нетар?⁶

ЁР ИЛА

Қ.Хожиев мусиқасы

Ёр ила не хуш замони рўзгорим⁷ бор эди,
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.

Гоҳ беморини йўқлаб келса, айлаб жон фидо,
Гавҳари ашки⁸ қудумига нисорим⁹ бор эди.

Ҳеч бир сўрмасмуди, ноком¹⁰ давронлар ўтар,
Қуллари ичра башарти эътиборим бор эди.

Очилик кўнгул қачон қолганда кўз ёшим қуруб,
Айласам то сабзу тар¹¹ абри баҳорим¹² бор эди.

¹ Корини тамом этмоқ – ишини бир ёклик қилмок.

² Кабк – каклик.

³ Рафтор – юриш.

⁴ Хурваш – ҳур каби гўзал.

⁵ Ноз бирлан хиром этмоқ – ўзини кўрсатиб юрмок.

⁶ Байт мазмуни: Муқимий сенга бутун умр жигар қони билан мактуб йўллади, сен ҳам энди бир жавоб килиб хабар юборсанг нима бўлади?!

⁷ Рўзгор – турмуш, ҳаёт; баҳт, толеъ.

⁸ Гавҳари ашқ – кўз ёшининг гавҳар каби томчилари.

⁹ Қудумига нисор – қадамларига сочқи.

¹⁰ Ноком – мақсаддага етмай, ноҷор, ноилож.

¹¹ Сабзу тар – ям-яшил ва нам.

¹² Абри баҳор – баҳор булути.

Қайси жонибдин¹ келур деб термулиб ҳар соате,
Йўлларида чор чаҳми интизорим² бор эди.

Хўблардин³ чекмиш эрканман жафою жаврлар,
Қайдা, билсам, ошнолиқ ихтиёри бор эди?⁴

Бағри қаттиқ бўлмас эрса, демагай ҳаргиз нечун,
Ўтса ойлар ҳам, «Муқимий – дилфигорим⁵ бор эди».

ДИЛ КУЙИ

М.Мирзаев мусиқасы

Жаҳон боғида ҳам гулгун қаболар⁶ бор экан мундоғ,
Олиб кўнглингни сўрмас дилраболар⁷ бор экан мундоғ.

Қачон туткай эдим, аҳбоблар, гулчехралар номин,
Агар билсам эди жавру жафолар бор экан мундоғ.

Кўрунуб ишқ осон, бошларимга тушди, билдимким,
Жудолигда қиёмат можаролар бор экан мундоғ.

Муқимий, нега афгор⁸ ўлмасун кўнглинг, нишон айлаб
Отарға тийри мужгон⁹ қоши ёлар¹⁰ бор экан мундоғ.

¹ Жониб – томон.

² Чор чаҳми интизор – айн. интизор бўлган тўрт кўз, яъни кўзим тўрт бўлиб кутардим.

³ Хўблар – яхшилар; гўзаллар.

⁴ Мисра мазмуни: шундай бўлишини билганимда ошно бўлармидим, яъни танишиб, муносабат, алоқа боғлармидим!?

⁵ Дилфигор – дили яра, қалби жароҳатлангтан.

⁶ Гулгун қабо – гулранг (қизил) устки кийим.

⁷ Дилрабо – дилни тортувчи.

⁸ Афгор – жароҳатли, ярадор.

⁹ Тийри мужгон – киприклар ўқи.

¹⁰ Қоши ё – қоши ёйдек (камондек) маъшука.

ДОФМЕН

M. Узоқов мусиқасы

Оҳқим, бегонага ошнолифингдин доғмен,
Ошноға яъни бепарволигингдин доғмен.

Ошиқа айлаб итобу нозу истигно¹ мудом,
Сўрмаган бир йўл кўнгул, хоролигингдин² доғмен.

Зулм ҳарфидин бўлакни битмаган аз рўйи лутф,
Хат чиқориб, яхши хуш имолифингдин доғмен.

Хўбрўлар³ кўпдур, аммо важҳида бадгиналиғ⁴
Мисли кам⁵, Фарғонада танҳолифингдин доғмен.

Ўртанурмен тушса ёдимға хаёли оразинг⁶,
Ҳусн боғида кўриб раънолифингдин доғмен.

Нолау оҳингни гулрухлар эшитмас, гарчиким,
Эй Муқими, булбули гўёлиғингдин доғмен.

СОФИНИБ

X. Ҳакимзода мусиқаси

Мехри рухсорингга¹, жоно, зордурман, соғиниб,
Кўргали муштоқ, дил афгордурман², соғиниб.

Субҳи васлим фурқатинг шоми билан топти завол,³
Қон тўлиб кўзга, шафақ осордурман⁴ соғиниб.

Хастаю маъюсу бемор, айрилиб, ғам кунжида⁵
Мустаҳиқи пурсиши бисёрдурман, соғиниб.⁶

Ёдима сози дутору руҳафзо хонишинг⁷
Тушса, ҳар соат батарроқ зордурман, соғиниб.

Ашки олу ранги зардимдин⁸ қиёс этсанг бўлур,
Ҳожати гуфтор эмас, изҳордурман, соғиниб.⁹

Ҳасратингнинг назмини¹⁰ ёзиб Муқими сафҳага¹¹,
Кору борим¹² дам-бадам такрордурман, соғиниб.

¹ Мехри рухсор – айн. чехра қўёши.

² Дилафгор – дили хаста, қалби жароҳатли.

³ Мисра мазмуни: висол тонгимни (яъни сенга етишганимни) жудолигинг шоми билан йўқ қилдинг.

⁴ Шафақ осор – бу ўринда: шафақ сингари қизил маъносида.

⁵ Ғам кунжи – айн. ғам бурчаги; одамларга қўшилмай, бир четда ғамга ғарқ бўлиб юриши.

⁶ Мисра мазмуни: сени ҳаддан зиёд соғинганимдан қўп бора (яъни қайта-қайта) йўқлашингта мухтожман.

⁷ Руҳафзо хониш – руҳни юксалтирувчи қўшик.

⁸ Ашки олу ранги зард – қизил (яъни қонли) кўз ёш ва сарғайган ранг-рўй.

⁹ Байт мазмуни: сени қанчалик соғинганимни сўз билан айтиш шарт эмас, қонли кўз ёшим ва сарғайган рангу рўйимга қараб билиб олсанг бўлади, бор бўйим билан изҳорга айландим.

¹⁰ Назм – шеър; таъриф.

¹¹ Сафҳа – саҳифа; қофоз.

¹² Кору борим – килар ишим, бору йўқ ишим.

¹ Итобу нозу истигно – маломат, ноз ва кибр.

² Хоролиг – бағритошлиқ.

³ Хўбрў – гўзал.

⁴ Бадгиналик важҳида – ҳақ-ноҳақ гина қилавериш борасида.

⁵ Мисли кам – тенги, ўхшаши кам.

⁶ Ораз – юз, чехра.

ЭЙ НОЗАНИН¹

Фаргона яллаларидан

Эй нозанин, ишқинг билан девонаман²,
Оқшомлари уйқум келмай, түлғонаман.

Парилардек очиб юзинг, ниҳон бўлдинг,
Худба-худба³ рашким келиб қизғонаман.

Улфатларинг, ўртоқларинг, ошноларинг,
Шум рақиблар йўл кўрсатиб, бегонаман.

Муқимийга очиб юзинг, ниҳон⁴ бўлдинг,
Толеъим⁵ йўқ, ажаб шўрлик пешонаман.

ТАНОВАР I

(Фаргонача жонон)

Фаргона йўлларидан
Халқ күйи

Эмди⁶ сандек, жоно, жонон қайдадур?
Кўриб гул юзингни боғда, бандадур⁷,
Сақлай ишқинг, токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Мехринг ўти ногаҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хонумонларга⁸,

¹ Муқимий тўпламларида берилмаганлиги, аruz вазнида эмаслигига таяниб бу шеър (ғазал эмас!) мазкур шоир қаламига мансуб бўлмасу керак деб тахмин қилинди.

² Девона – ишқ телбаси.

³ Худба-худба – худа-бехуда бўлса керак.

⁴ Ниҳон – яширин.

⁵ Толеъ – иқбол, кисмат, «пешона».

⁶ Эмди – энди.

⁷ Банда – асир, банди, кул.

⁸ Хонумон – бору йўқ, бисот.

Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Эртаю кеч фикру зикрим – хаёлинг,
Бир сўрмадинг: «Налар кечти аҳволинг?»
Эсларимга тушиб ширин мақолинг¹,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

КИМ ДЕСУН?

(Қаландар)

Фаргона йўлларидан

Сояедурменки, боқмас офтобим, ким десун?
Бора-бора кетди қадрим, интихобим² ким десун?
Бир ўқутмайдур битиб берган китобим, ким десун?
Ул тағофулпешага³ ҳоли харобим ким десун?
Ҳажрида⁴ мундоғ мени кўрган азобим ким десун?

Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр ёр⁵,
Бу аламларга чидолмай кўзда ёшим шашқатор,
Ҳеч душман бўлмасун кўйида⁶ мендек хору зор,
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,
ЛАҲЗАЕ ЙЎҚ КЕЧАЛАР КЎЗЛАРДА ХОБИМ⁷, ким десун?

¹ Мақол – сўз, гап; гапириш.

² Интихоб – танлаш, танлов.

³ Тағофулпеша – бепарво.

⁴ Ҳажр – айрилик.

⁵ Бегоналарга ёр ёр – сўз ўйини: ёр бегоналарга ёр (ошно, дўст) бўлди. Шунингдек, бу бирикмани «ёр-ёр» деб ўқиш ҳам мумкин.

⁶ Кўй – кўча, йўл.

⁷ Хоб – уйқу.

АБДУРАХМОНБЕГИ II

Фаргона яллаларидан

Юзни ойдек ногаҳ тобон¹ айладинг,
Чун ойина маҳву² ҳайрон айладинг,
Ошиқларга рўзи ҳижрон³ айладинг,
Ағёrimга васлинг арzon айладинг.

Лола каби яшнаб чиқсанг мастона⁴,
Кўрган одам начук⁵ бўлмас девона?
Халқ ичида қилиб мундоғ афсона,
Овораи пур⁶ бесомон⁷ айладинг.

Дилраболар хайлида, эй тождор⁸,
Қани сендеқ энди сарви гулъузор,
Шамшир айлаб қошларингни обдор⁹,
Қатлим учун мунча буррон¹⁰ айладинг?

БАЁТИ ШЕРОЗИЙ III

(Муқимиининг Фурқат ғазалига
мухаммасидан)

Фаргона-Тошкент мақом йўлларидан

Ишқ йўлида муҳаббат раҳнамо¹ кам-кам² бўлур,
Мустажоб ўлмас³ дема ҳаргиз дуо, кам-кам бўлур,
Сандилларға⁴ муассир⁵ оҳу во(ҳ) кам-кам бўлур,
Эй кўнгул, сабр айла, ул маҳ⁶ ошно кам-кам бўлур,
Байтул-эҳзонинг⁷ ахiri пурзиё⁸ кам-кам бўлур.

Ҳар тарафга бўлмагил ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн беши қоронгу, ўн беши маҳтоблар⁹,
Қатра¹⁰ ҳам тамкин¹¹ билан бўлғай дури ноёблар,
Ёр васлиға тааммул¹² еткурадар, аҳбоблар,
Гар саломатлиғни қўйса муддао¹³ кам-кам бўлур.

¹ Тобон – порлок.

² Маҳв айламоқ – йўқ қилмоқ.

³ Рўзи ҳижрон – ҳижрон куни; шунингдек, рўзи (рўзе) айламоқ – насиб(а) қилмоқ маъносидан келиб чиқилса, «ошиқлар насибасини ҳижрон қилдинг» мазмуни ҳам англашилади.

⁴ Мастона – мастиларча, мастига ўхшаб.

⁵ Начук – нечук, қандай (қилиб)?

⁶ Пур – кўп; жуда.

⁷ Бесомон – бечора, қашшок.

⁸ Тождор – айн. тож эгаси; подшоҳ.

⁹ Обдор – айн. серсув; ширин; салмоқли. Бу ерда равон кесувчи маъносига деб тахмин қилинди.

¹⁰ Буррон – кескир, ўткир.

¹ Раҳнамо – йўл кўрсатувчи.

² Кам-кам – кам-кам, оз-оздан; камдан-кам; секин-секин.

³ Мустажоб бўлмоқ – қабул бўлмоқ.

⁴ Сандил – тошибагир.

⁵ Муассир бўлмоқ – таъсир қилмоқ; таъсиранмоқ.

⁶ Маҳ (моҳ) – ой (юзли ёр).

⁷ Байтул-эҳзон (байтул-аҳzon, байтул-ҳазан) – айн. ҳазинлик (маҳзунлик) уйи, ғам уйи.

⁸ Пурзиё – нурли, ёруғ.

⁹ Маҳтоб – ойдин.

¹⁰ Қатра – томчи.

¹¹ Тамкин – бардош.

¹² Тааммул – мулоҳаза.

¹³ Муддао – мақсад, хоҳиш; талаб, даъво.

ЭЙ ЧЕХРАСИ ТОБОНИМ

«Катта ашула» йўллари
асосида чолгулаштирилган

Эй чехраси тобоним¹,
Ошиқлари ҳайроним,
Йўқ тоқати ҳижроним²,
Васл³ ила даво айланг.

Эй зулфи паришоним⁴,
Аҳди ҳама ёлғоним,
Синди, қани паймоним⁵?
Бир меҳру вафо айланг.

Эй шўхи дилоромим,
Етса санга пайғомим⁶,
Кулбамга келиб, шомим
Пурнру⁷ зиё айланг.

Эй булбули шўрида⁸,
Токай дили афсурда⁹,
Бўлмай даме¹⁰ осуда,
Гул вақти¹¹ наво айланг.

Бу ҳусн ғаниматдур,
Чун бод басуръатдур,

¹ Тобон – нурли, ёрүф.

² Тоқати ҳижрон – айриликқа тоқат.

³ Васл – висол, ёрга етишиш.

⁴ Зулфи паришон – сочлари ёйилган.

⁵ Паймон – бу ерда: кадаҳ маъносида.

⁶ Пайғом – хабар.

⁷ Пурнур – нурга тўла.

⁸ Шўрида – бечора.

⁹ Афсурда – ҳорғин.

¹⁰ Даме – бир дам, бир нафас.

¹¹ Гул вақти – баҳор чоғи.

Ҳангоми муруватдур,
Хўб лутфу сахо айланг.¹

Гар қиласа Муқимиҳ хун,
Рухсоралари гулгун
Инсофа келур бир кун,
Ҳаққига дуо айланг.²

КЎЧА БОГИ I³

(«Фаргонача жонон I», «Оромижон» номлари билан
бошика оҳангларда ҳам айтилган)

Улким, жоно, юзни тобон⁴ айладинг,
Абр⁵ ичинда ойни пинҳон⁶ айладинг,
Қоматингни сарви бўстон⁷ айладинг,
Кумриларни зору нолон⁸ айладинг.

Эй золими бедодгар⁹, ситамгар¹⁰,
Қилмас токайгача¹¹ фарёдим асар?!

¹ Банд мазмуни: бу чирой ғанимат, вактингчадир, шамолдай тез ўтиб кетади. Ҳозир яхшилик қилишнинг айни вактидир, кўпроқ илтифоту саҳоват қилиб қолинг.

² Банд мазмуни: агар Муқимиҳ қонли ёш тўқаверса, юзлари гул баргидай қизил ёр бир кунмас-бир кун инсофга келиб қолар. Сиз унинг (Муқимиҳнинг) ҳаққига дуо қилиб туринг.

³ Бу ва бошка айрим матнлар Муқимиҳнинг таъланган асарлар тўпламида «Мураббалар» кисмидаги келтирилган бўлса ҳам, соғ аруз вазнида эмаслиги уларнинг шоир қаламига мансублигини шубҳа остида қолдиради. Чунки арузнинг ўта мураббак, кам кўлланилган оҳангларида ҳам бехато ёзган Муқимиҳ ўз мураббаларида вазни бунчалар бузиши, яъни бармок вазнига айлантириб юбориши асло мумкин эмас. Қолаверса, бу «мураббаб»ларнинг бальзилари 10 – 13 тадан вариантларга эта экани ҳам юкоридаги фикрни тасдиқлайди. Хуллас, бу каби матнлар Муқимиҳ мураббаларининг асли эмас, балки бузилган кўринишидир. Ёки ҳалқ ўзи тўқиган матнларни ҳам тезроқ оммалашип учун севимли ва машҳур шоир номига нисбат берган бўлиши мумкин.

⁴ Тобон – порлок, нурли.

⁵ Абр – булат.

⁶ Пинҳон – яширин.

⁷ Сарви бўстон – бўстондаги хушқомат дарахт.

⁸ Зору нолон – зорланиб нола қилувчи.

⁹ Бедодгар – адолатсиз.

¹⁰ Ситамгар – жабр қилувчи.

¹¹ Токайгача – қаҷонгача.

Беморингдин олмай келиб бир хабар,
Қилмас ишни ҳеч мусулмон айладинг.

Лола каби яшнаб чиқсанг мастона¹,
Кўрган одам начук бўлмас девона²?
Халқ ичиди қилиб мундог афсона,
Овораи пурбесомон айладинг.³

Ишқинг билан ишим оҳу фифонлар,
Ҳасратингда рангим бўлди сомонлар,
Муқимийга аввал қилиб паймонлар⁴,
Охир ваъдаларни ёлғон айладинг.

ТАНОВАР II⁵

(«Фаргонача жонон II», «Нисор» номлари билан
бошқа оҳангларда ҳам айтилган)

«Яна мавлоний» номи билан
юритилган тановардан ишиланган

Эмди сандек, жоно, жонон қайдадур,
Кўриб гул юзингни боғда бандадур⁶.
Сақлай ишқинг, токи жоним тандадур,
Ўзим ҳар жойдаман – кўнглим сандадур.

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,
Парвойим йўқ зарра хонумонларга⁷,
Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман – кўнглим сандадур.

¹ Мастона – шўх (махбубага нисбатан).

² Девона – ишқ телбаси.

³ Мисра мазмуни: овора ва тамоман бесаранжом қилдинг.

⁴ Паймон – ваъда, келишув.

⁵ Номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Қора сочим ўсиб кошимга тушди...» деб
бошланувчи «Тановар I» матнини ушбу тўпламда бериш лозим топилмади.

⁶ Банда – ошик, мубтало.

⁷ Хонумон – оила, оила аъзолари; хонадон ва ундаги мол-мулк, бор-бисот.

Эртаю кеч фикру зикрим – хаёлинг,
Бир сўрмадинг: «Налар кечди ахволинг?»
Эсларимга тушиб ширин мақолинг¹,
Ўзим ҳар жойдаман – кўнглим сандадур.

АБДУРАҲМОНБЕГИ

Фарғонанинг эски
халқ ашуаларидан

То ўзингни базм аро жо айладинг,
Бениҳоят зору шайдо айладинг,
Қоматингни сарву раъно² айладинг,
Қумриларни оташнаво³ айладинг.

Васлинг эди, Муқимиё, муродим,
Тағофилдин⁴ эшитмадинг фарёдим,
Юз ўлдуриб, боз устига, жаллодим,
Қошларингдин дор барпо айладинг.

ЁДИМГА ТУШДИ

Фарғонанинг қадимги ашуаларидан

Дилда васлинг эрди умре таманно⁵,
Хаёлингни қилур вақти тамошо,
Ногаҳ ойинаға боқиб, нигоро,
Махву⁶ ҳайронларинг ёдимга тушди.

Фасли баҳор ўлуб, гуллар очилиб,
Ерга сабза⁷ баҳмал каби ёпилиб,

¹ Мақол – сўз, гап.

² Сарву раъно – сарв дараҳтидай тик ва раъно гулидай гўзал.

³ Оташнаво – ошикларнинг ҳароратли навоси.

⁴ Тағофил – бепарволик.

⁵ Таманно – истак.

⁶ Махв – йўқ қилиш.

⁷ Сабза – майса, умуман, яшил ўт-ўлан.

Машомимга сунбул бўйи хуш келиб,¹
Зулфи райхонларинг² ёдимга тушди.

Қўлларингдин то нўш эттим паймона³,
Гоҳи ҳудмен, гоҳи бехуд девона,⁴
Ҳар қачонким кўксим қилдим нишона⁵,
Тийри мижгонларинг⁶ ёдимга тушди.

Сабр айладим, чиқиб дашту саҳролар,
Бошларимга ортиб шўри савдолар⁷,
Бисмил⁸ учраб кўзга лола, раънолар,
Тиги бурронларинг⁹ ёдимга тушди.

Не хуш айём экан ўшал замонлар,
Бўйур эрдим ҳар дам, жоно, қурбонлар,
Охир мундоғ бўлуб зору сарсонлар,
Ҳар сў жавлонларинг¹⁰ ёдимга тушди.

Эй истиғно фирдавсининг насими,¹¹
Ёд этмадинг қадрдан деб қадими,
Уммид этдим ҳар ердаким, Муқими,
Аҳду паймонларинг¹² ёдимга тушди.

¹ Мисра мазмуни: димоғимга сунбулнинг (узун баргли манзарали ўсимлик ва унинг гуж бўлиб очиладиган хушбўй гули) хиди хуш ёқди...

² Зулфи райхон – райхондай қора ва хушбўй соч.

³ Нўш этдим паймона – қадаҳ ичдим.

⁴ Мисра мазмуни: гоҳи хушшер, гоҳи хушсиз девонаман.

⁵ Нишона – бу ерда нишон, мўлжал маъноларида.

⁶ Тийри мижгон – киприк ўқлари.

⁷ Шўри савдо – ишқнинг ғавғо ва қароликлари.

⁸ Бисмил – бўғизланган, боши узилган.

⁹ Тиги буррон – кескир қилич.

¹⁰ Ҳар сў жавлон – ҳар томонга от солиш, от ўйнатиш.

¹¹ Мисра мазмуни: эй беларволик жаннатининг шаббодаси.

¹² Аҳду паймон – келишув, ваъдалар.

АЙЛАДИНГ

Фаргона ялладаридан

Боғда магар, жоно, рафтор¹ айладинг,
Пари каби феълу атвор айладинг,
Бурқаъ² очиб арзи изҳор айладинг,
Гунчаларни дийда хунбор³ айладинг.

Арзим эшит, эй дилбари ягона,
Десам, ҳасратларим сифмас баёна,
Ҳажр⁴ ўқига кўксим қилиб нишона⁵,
Не журм⁶ этдим, жавр бисёр айладинг.

Боқмай, эй, ой юзинг парвоналарга,
Яъни мендек кўнгли вайроналарга,
Ёзиб кокулларни бегоналарга,
Димоғларин мушки тотор⁷ айладинг.

Ошиқларга путфу карам⁸ оз айлаб,
Хонақолар⁹ эшикларин боз айлаб,
Зухд аҳлиға¹⁰ бир жилваи ноз айлаб¹¹,
Тоат-тақволарин бекор айладинг.

Дилраболар хайлин эй беназири,¹²
Малоҳатлар авжин бадри мунири,¹³
Узиб мундоғ ошнолигни ахири,
Муқимийдин саҳт¹⁴ инкор айладинг.

¹ Рафтор – юриш, қадам ташлаш.

² Бурқаъ – юздаги парда, хижоб.

³ Дийда хунбор – кон йигловчи.

⁴ Ҳажр ўқи – айрилик ўқи.

⁵ Нишона – бу ерда нишон, мўлжал маъноларида.

⁶ Журм – гуноҳ.

⁷ Мушки тотор – тоза мушк.

⁸ Лутфу карам – ҳиммат, илтифот.

⁹ Хонақо – масжид; ҳужра.

¹⁰ Зухд аҳли – тақводорлар.

¹¹ Жилваи ноз – жозибали ноз, карашма.

¹² Мисра мазмуни: эй дилраболар орасида тенги йўқ жонона...

¹³ Мисра мазмуни: малоҳат осмонининг тўлин, порлок ойи.

¹⁴ Саҳт – қаттиқ.

ГИРЯ II¹

Фаргона-Тошкент мумтоз йўлларидан

То ўтмадинг, тағофул² ила ноз қилмадинг,
 Кўйдингму, халқ ичра сарандоз³ қилмадинг;
 Мактуб учун давоту⁴ қалам соз қилмадинг,
 Қоғоз уза қаламни фусунсоз⁵ қилмадинг,
 Бир руқъя⁶ бирла бизни сарафroz⁷ қилмадинг.

Мендек қулунгни отига бир нома ёзмадинг,
 Мискин⁸ кўнгул закотига бир нома ёзмадинг,
 Матлабларим баротига бир нома ёзмадинг,⁹
 Жонсиз таним ҳаётига бир нома ёзмадинг,
 Килкинг¹⁰ учини мўъжиза пардоз қилмадинг.

Сенсиз бошимга тушди ниҳоятда можаро,
 Мажрух¹¹ сийналарга яро устига яро,
 Қолдим, ҳужум айлади, андуҳу ғам аро,
 То рўзгорим¹² айламадинг дуддек¹³ қаро –
 Бир номанинг саводини¹⁴ оғоз¹⁵ қилмадинг.

¹ «Кўшилсин бу мухаммас базм ичра савти «Гулёр»а...» деб бошланувчи Гиря I
нинг матни ушбу тўпламда беришга мақбул топилмади.

² Тағофул – бепарвоник.

³ Сарандоз – баҳодир, шижоатли.

⁴ Давот (довот) – сиёҳдан.

⁵ Фусунсоз – сехрловчи.

⁶ Руқъя – мактуб.

⁷ Сарафроз – хурсанд.

⁸ Мискин – камбағал, бечора.

⁹ Мисра мазмуни: талабномаларимга, истакларим баён этилган мактубларга
жавобан бир нома ёзмадинг.

¹⁰ Киль – қалам.

¹¹ Мажрух – ээилган, ярадор.

¹² Рўзгор – тириклиқ, ҳаёт; умр, қисмат.

¹³ Дуд – тутун.

¹⁴ Савод – кора.

¹⁵ Оғоз қилмоқ – бошламок.

Ул сарвиноз бўлса ситамкор ҳар неча,¹
 Тобора сен, Муқим, талабгор ҳар неча,
 Сабр айла, жавр айласа дилдор ҳар неча,
 Раҳмат, Навоиё, сенгаким, ёр ҳар неча
 Зулмин кўп этди, меҳру вафо оз қилмадинг.

ҚАЛАНДАР I²

Фаргона мақом йўллари

Сояедурменки, боқмас офтобим, ким десун?
 Бора-бора кетди қадрим, интихобим³ ким десун?
 Бир ўқутмайдур битиб берган китобим, ким десун?
 Ул тағофулпешага⁴ ҳоли ҳаробим ким десун?
 Ҳажрида⁵ мундоғ мени кўрган азобим ким десун?

Демаким: «Фориғ⁶ дуосидин Муқимий эрта-кеч,
 Мидҳату зикру саносидин⁷ Муқимий эрта-кеч,
 Кўз тутар давлат асосидин Муқимий эрта-кеч»,
 Дўстлар, сўрманг ғизосидин⁸ Муқимий, эрта-кеч
 Кон-шароб ичсан, жигарлардур кабобим, ким десун?

¹ Мисра мазмуни: у сарвқадли нозанин ҳар қанча жабру ситам қилса ҳам...

² Бу ерда ушбу мухаммаснинг фақат биринчи ва сўнгти бандлари берилган. Биринчи ва ораликлардаги бандлардан бири «Ким десун?» номи билан ҳам ижро этилади.

³ Интихоб – танлаш, танлов.

⁴ Тағофулпеша – бепарво, беписанд.

⁵ Ҳажр – айрилик.

⁶ Фориғ – холи.

⁷ Мидҳату зикру сано – мадҳ, исмини такрорлаш, мақташ.

⁸ Ғизо – егулик.

Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан

Эй табиб, қўй, боқма, дардим бедаволардан бири,
Ранги рўйим, кўру кўрма, қаҳраболардан бири,²
Рўзгорим тийра³, мен – баҳти қаролардан бири,
Оҳқим, ҳолимни сўрмас ошнолардан бири,
Ошнолар, балки хешу ақраболардан⁴ бири.

Қайси бир истак баёнин ошкоро айлайн,
Қайси дардимни деяй ҳам кимга даъво айлайн,
Қайга мен бошим уриб ҳам қайдা favfo⁵ айлайн?!
Қайси бир лутфу карамларга⁶ таманно айлайн⁷,
Бўлмади ҳаргиз мұяссар муддаолардан бири.

Ёр васли-ла оқаргай ўзгалар шоми, Муқим,
Ёр илги бирла тўлгай ўзгалар жоми⁸, Муқим,
Ёр оғзида, нетайким, ўзгалар номи, Муқим,
Ман заҳар ютсам, асалдур ўзгалар коми⁹, Муқим,
Бўлмади ҳаргиз қилинган илтижолардан бири.

¹ Ушбу мұхаммас Мұқимиң девонидаги аслиятига нисбатан анчайин ўзгарган тарзда ижро этилган. Бу ўринда ҳам қўшик варианти олинди.

² Мисра мазмунни: юзимнинг рангини кўргину қаҳраболардан биронтасини ҳам кўрмай қўявер, барибири, улар сарикликда юзимдай бўлолмайди.

³ Рўзгорим тийра – толеъим қора.

⁴ Хешу акрабо – қариндош-уруғлар, яқин кишилар.

⁵ Favfo – шовқин-сурон, тўс-тўполон.

⁶ Лутфу карам – илтифот, иноят, эҳсон.

⁷ Таманно айламок – истамок, хоҳламок; бу ерда «умид қилмоқ», «кўз тутмоқ» маъноларида.

⁸ Ёр илги бирла тўлгай ўзгалар жоми – ўзгалар жомига майни ёр ўз қўллари билан тўлдириб туради.

⁹ Ком – оғиз, танглай.

Фарғонанинг эски ашулаларидан

Муқимиңнинг Амирий
газалига мұхаммасидан

Қўймак чаманга, жоно, мастона по¹ муборак,
Шамшоду сарв² қаддин қилмоқ дуто³ муборак,
Гул рашик этиб юзингта, маҳзуннамо⁴, муборак,
Ҳуснинг камола етди, эй маҳлиқ⁵, муборак,
Ойинаи жамолинг топди сафо, муборак.

Уммид шишиасига раҳм этмайин тош урдинг,
Фам лашкарин юбориб, эй зулмхў⁶, шошурдинг,
Ошноя бермай унвон⁷, бегонани ошурдинг,
Хўб⁸ бўлди, оразингни⁹ ойинадин ёшурдинг,
Эй шўхи моҳталъат¹⁰, шарму ҳаё муборак.

¹ Мастона по – мастиларча, эркин, шўх қадам.

² Шамшоду сарв – доим ям-яшил бута ва хушқомат сарв дарахти.

³ Дуто – букилган, эгик.

⁴ Маҳзуннамо – ғамгин қиёфали, маъюс кўринадиган.

⁵ Маҳлиқ – ой юзли.

⁶ Зулмхў – зулм қилиувчи.

⁷ Ошноя бермай унвон – дўстнинг қадрини билмай маъносида.

⁸ Хўб – яхши.

⁹ Ораз – юз, чехра.

¹⁰ Моҳталъат – ой чехрали.

НИГОРИМ

Фарғонанинг эски ҳалқ ашулаларидан

Нигореким гапурмас дурри тамкиним¹ ушолгай деб,
Боқолмасман юзига беҳәёликдин ўёлгай деб,
Нишон кўксум ҳамиша тийри мижгони² қадолгай деб,
Кезарман кўйида йиллар назар ҳолимға солгай деб,
Агар ўлдурса, қоним ранги тупроғида қолгай деб.

Жудолиғ кунжида³ ҳар дам тушиб бир турфа⁴ аҳвола,
Эмас анжумлар⁵, оҳим шуъласидин кўкда жаввола⁶,
Баҳор айёми қат-қат доғ мендан қарз олур лола,
Кўнгулга юз туман⁷ ниш⁸ урса ҳижрон, айламам нола,
Висоли нўшидин⁹ ул захмлар¹⁰, шояд, тузолгай деб.

Ғанимат баҳту фурсат, эй муғаний¹¹, чал дигаргун¹²,
Керак «Ушшоқ», «Гулёр» айласанг ўтлуғ чекибон ун¹³,
Муқимий ҳам бу маҳфилда¹⁴ ниҳоят хастадил, маҳзун¹⁵,
Навоий бенаволиғ¹⁶ бирла доим май ичар: «Бир кун
Наво созини даврон мутриби¹⁷ базмида чолгай», – деб.

¹ Дурри тамкин – бу ерда: ҳадеганда бирорга кўрсатмай юрилган ёр тишлари назарда тутилган деб тахмин қилинди.

² Тийри мужгон – киприк ўзи.

³ Жудолиғ кунжи – айрилик ғамхонаси.

⁴ Турфа – ҳар хил.

⁵ Анжум – юлдузлар.

⁶ Жаввола – гулхандан тутун аралаш кўтариладиган учқунлар.

⁷ Юз туман – бир миллион.

⁸ Ниш – найза.

⁹ Висоли нўши – учрашув баҳти майдандан тотиши.

¹⁰ Захм – жароҳат.

¹¹ Муғаний – чолғувчи.

¹² Дигаргун – бўлак, бошқа хил.

¹³ Ўтлуғ чекибон ун – ҳароратли овоз билан.

¹⁴ Маҳфил – мажлис, базм.

¹⁵ Маҳзун – маъюс, ғамгин.

¹⁶ Бенаволиғ – бечоралик, ҳеч кими ва ҳеч нимаси йўқлик.

¹⁷ Мутриб – созанда, чолғувчи.

УФОРИ АБДУРАҲМОНБЕГИ

(«Илгор», «Мунча ҳам» номлари билан
бошқа оҳангларда ҳам айтилган)
Фарғона яллаларидан

Бошима ишқинг тушуб, савдо¹ бўлурму мунча ҳам,
Эл аро пинҳон сирим ифшо² бўлурму мунча ҳам,
Фам юкидин, оҳ, қаддим ё³ бўлурму мунча ҳам,
Эй, чаманда қоматинг раъно бўлурму мунча ҳам,
Оллоҳ-оллоҳ, кўз деган шаҳло бўлурму мунча ҳам⁴!

Лаззатин ширин сўзинг тўти шакардин кўрмади,
Лаъли нобинг мавжини гулбарги тардин⁴ кўрмади,
Ой юзинг нурин фалак шамсу қамардин⁵ кўрмади,
Офати жон ҳеч киши сандек башардин⁶ кўрмади,
Хусн мулкида киши танҳо бўлурму мунча ҳам⁷!

Даҳрда⁷ саргаштаи осий⁸ Муқимий умрлар,
Яъни расволарни расвоси Муқимий умрлар,
Эй паририӯларни⁹ аълоси, Муқимий умрлар,
Бўлмаса васлинг таманноси¹⁰, Муқимий умрлар
Кўчаларда зору ҳам шайдо бўлурму мунча ҳам⁷!

¹ Савдо – ақлдан озиш.

² Ифшо – фош.

³ Ё – ёй, камон. Қадди ёй – қадди букилган.

⁴ Гулбарги тар – янги очилган гулбарг.

⁵ Шамсу қамар – қуёш ва ой.

⁶ Башар – одам боласи, одамзод.

⁷ Даҳр – дунё.

⁸ Саргаштаи осий – сарсон-саргардон ва гуноҳкор.

⁹ Паририӯ – паричехра.

¹⁰ Васлинг таманноси – висолингта етиш умиди.

ЗАВҚИЙ

(1853 – 1921)

Солих ўғли Убайдулла Завқий Қўқон шаҳрининг Шайхон маҳалласида камбағал косиб оиласида туғилган. Қабри ҳам Қўқонда.

Завқийнинг адабий мероси бизгача қўлёзмалар, турли баёзлар орқали етиб келган бўлиб, унинг асосий қисмини ҳажвиёт ҳамда ишқий ғазал ва мухаммаслар ташкил қиласди.

ФАРГОНА РУБОЙСИ

(Фарғона дучӯба (дучава)си)

Халқ ашуласи

Кулбам аро, эй маҳлиқ¹, бир йўл хиром айлаб келинг,
Янги келинчаклар каби бизга салом айлаб келинг.

Шўхлик қилиб, ўйнаб-кулиб, гул шохига сайраб-қўниб
Ҳам тўтию булбул бўлиб, ширин калом² айлаб келинг.

Султонлигинг изҳор этиб, оҳу кўзинг хуммор этиб,
Ағёрни ҳам бемор этиб, бизни гулом³ айлаб келинг.

Ишқ аҳлини шайдо қилиб, душманни кўп расво қилиб,
Кўзларни ҳам шахло қилиб, аср или шом айлаб келинг.

Кўрса юзингни, эй пари, ҳайрон қолур ёшу қари,
Боргандадема: «Тур нари!» Завқийни ром айлаб келинг.

¹ Маҳлиқ – ой юзли.

² Ширин калом – ширин сўз.

³ Гулом – кул, хизматчи.

ГИРЯ (АСИРИЙ)

Фаргона-Тошкент мумтоз йўлларидан

Юзингни кўрсатиб аввал ўзингга бандалар¹ қилдинг,
Яна кўнглим олиб юз ноз бирлан хандалар² қилдинг,
Жамолинг партавин³ солиб ажойиб жилвалар қилдинг,
Масиҳдек⁴ бир боқишида мурда жисмим зиндалар⁵ қилдинг,
«Сенга мен то қиёмат ошно», – деб ваъдалар қилдинг.

Деб эрдинг кечаю кундуз сенинг ёринг бўлурман деб,
Тикондек сухбатингда бир гули норинг⁶ бўлурман деб,
Жафоны сенга оз айлаб, вафодоринг бўлурман деб,
Умидим кўп эди ёлғиз харидоринг бўлурман деб,
Ажабким, халқ ичинда булҳавас⁷ деб шиквалар⁸ қилдинг.

Кима айтиб, кима йиглай бу золим ёр жафосини,
Ҳақиқат қилмаса маъшук деган ошиқ хатосини,
Ҳамиша фурқатин⁹ тортсан, рақиб кўрса вафосини,
Қаю Лайлисифат мундоқ қилур Мажнун гадосини?
«Юзунгни бир кўрай?» – десам, кўлингни пардалар қилдинг.

¹ Банда – асир, боғланган, қул.

² Ханда – кулгу.

³ Парта – нур.

⁴ Масиҳ – айн. жон ато этувчи. Исо (а.с.)нинг лақаби.

⁵ Зинда – тирик.

⁶ Гули нор – айн. анор гули; умуман, қизил гул.

⁷ Булҳавас – хавас қули.

⁸ Шиква – шикоят, арз.

⁹ Фурқат – айрилик.

ФУРҚАТ

(1859 – 1909)

Холмуҳаммад ўғли Зокиржон Фурқат Қўқонда туғилган. Умри саргашталик, сарсонликда ўтган. Бир муддат Тошкентда яшаб, Туркияга кетади. Юнонистон, Болгария, Миср, Сурия, Арабистонга сафаридан сўнг Қашқарга келиб яшайди. Қабри ҳам ўша ерда.

Бизгача «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган ўнлаб мақолалари, «Саёҳатнома» номли насрый асари, 200 дан зиёд фазаллари, мухаммас, маснавий ва бошқа жанрдаги шеърлари етиб келган.

ОҲКИМ, РАҲМ АЙЛАМАС...

Ж.Султонов мусиқаси

Оҳким, раҳм айламас ҳолимга жононим мени,
Куиди бу ҳасрат ўтида куймаган жоним мени.

Йиғламайму гўши зулмат¹ аро тонг отқуча,
Сўрмаса бир тун келиб шамъи шабистоним² мени?!

Бошима савдо тушиб, ошуфтаҳол³ ўлмай нетай,
Жилвагар⁴ бўйса ўшал кокулпаришоним⁵ мени?!

Орази⁶ – гул, зулфи⁷ – сунбул⁸, кўйлаги – барги суман⁹,
Хилъати¹⁰ – раъно¹¹, бўйи – зебо гулистоним мени.

¹ Гўши зулмат – коронги гўша (жой).

² Шабистон – тун.

³ Ошуфтаҳол – паришонҳол.

⁴ Жилвагар – жилва килювчи, товланувчи.

⁵ Кокулпаришон – сочини ёйган.

⁶ Ораз – юз.

⁷ Зулф – гажак.

⁸ Сунбул – лолага ўхшаш, ғуж бўлиб очиладиган гул.

⁹ Суман – ясмин гули.

¹⁰ Хилъат – тўн, устки кийим.

¹¹ Раъно – гул тури.

Гарчи ўлдим ишқида, бир зарра парво айламас,
Ул тағофулпеша¹, истиғнода² луқмоним³ мени.

Фурқат, ул маҳваш⁴ фироқида етар гардун⁵ сари
Кечадин то субҳ⁶ чеккан оҳу афғоним⁷ мени.

СУРАТИНГ

М.Мирзаев мусиқаси

Не балолиг эрди, эй шўхи дилоро⁸, суратинг⁹?
Ақлими лол этти, қилғач томошо суратинг.

Кетти бир кўргач ани сабру қарорим шеваси¹⁰,
Айлади тоқат нечук чекканда тарсо¹¹ суратинг?

Ёки Гуландом эрурсан, боз келдинг дар вужуд¹²,
Айлади Баҳромдек¹³ бизларни шайдо суратинг.

Сарв¹⁴ қадлар суратин чекканда наққоши азал¹⁵
Бир алиф¹⁶ шаклида ёзмиш қадди зебо¹⁷ суратинг.

¹ Тағофулпеша – бепарво.

² Истиғнод – ноз(ланиш).

³ Луқмон – афсонавий донишманд, ҳаким.

⁴ Маҳваш – ойга ўхшаш.

⁵ Гардун – осмон; тақдир.

⁶ Субҳ – тонг.

⁷ Афғон – айн. фифонлар; нола.

⁸ Дилоро – дилларни асир этувчи.

⁹ Сурат – 1) кўриниш, ташки қиёфа; 2) сурат, тасвир, расм.

¹⁰ Шева – тарз, равиш, йўсун.

¹¹ Тарсо – бутпараст; христиан, насроний. Бу ерда, умуман, ғайримусулмон маъносида.

¹² Боз келдинг дар вужуд – яна қайтадан вужудга келдинг (туғилдинг).

¹³ Баҳром – ҳамсанависликда анъанавий бош қаҳрамонлардан бири. У бир йўловчи мусаввирининг қўлида Гуландомнинг (Навоийнинг «Сабъаи сайёр»ида Дијором) суратини кўриб қолиб ўнга ошиқ бўлади.

¹⁴ Сарв – тик ўсувида дараҳт; маъшукка қаддига ишора.

¹⁵ Наққоши азал – азал наққоши – Худога ишора.

¹⁶ Алиф – араб алифбосидаги «а(о)» ҳарфи. У шаклан тик қоматга ўхшатилади. Шунингдек, алифнинг абజад хисобидаги қиймати – «1» дан келиб чиқилса, ягона, ёлғиз маънолари ҳам англашилади.

¹⁷ Зебо – чиройли.

Кечакундуз журъат айлаб, моху меҳр¹ ойинаси
Бўлмади кўрмоқ ила мустағни² асло суратинг.

Фурқатий қошу кўзинг айни тасаввур айлагач,
Солди горат кўнглига, жонига яғмо³ суратинг.

ОҲКИМ, ҲАМДАРД ЙЎҚ...

И.Икрамов мусиқаси

Оҳким, ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам,
Ёзғали шарҳи ғамимни ғамгусор⁴ айлай десам.

Ваҳшатим⁵ элдин буқим, ваҳшидин⁶ ўлғаймен малул⁷,
Ваҳшилардек гар мақомим⁸ кўҳсor⁹ айлай десам.

Ул париваш¹⁰ зулфининг савдосидин¹¹ девонаман,
Турғали бир ерда имкон йўқ, қарор айлай десам.

Кечакундуз берти ёкиндин¹² малул,
Таркиға йўқ ихтиёри, ихтиёр айлай десам.

Дилдаги доғимни Фурқат¹³ лоладек ифшо¹⁴ қилур,
Қатра-қатра қон ёшим жўши¹⁵ баҳор айлай десам.

¹ Моху меҳр – ойу қуёш.

² Мустағни(й) – эҳтиёжиз, муҳтож эмас.

³ Яғмо – талон-торож.

⁴ Ғамгусор – ғамхўр, дардкаш.

⁵ Ваҳшат – қўрқинч, қўркув.

⁶ Ваҳши(й) – ёввойи (ҳайвон); нодон, жоҳил одам.

⁷ Малул бўлмоқ – малол олмоқ, ранжимоқ.

⁸ Мақом – 1) тураржой; 2) даражা, мартаба.

⁹ Кўҳсor – тоғ(лик жой).

¹⁰ Париваш – парига ўхшаш (ёр).

¹¹ Савдо – дард, ғам, ишқ; қора.

¹² Нолан берти – берти ёкиндин.

¹³ Фурқат – айрилик.

¹⁴ Ифшо – фош.

¹⁵ Жўш – қайнаш; тўлиб-тошиш.

ҚАДИМГИ УШШОҚ

Умрзоқ полвон мусиқаси

Нигори дилнавозим¹, доғи² ҳижрон айладинг кетдинг,
Фироқинг³ ўтиға бағримни сўзон⁴ айладинг кетдинг.

Қадингни жилвапиро⁵ қилдинг эрса ҳури жаннатдек,
Ҳамани⁶ қумридек⁷ ҳасратда нолон⁸ айладинг кетдинг.

Асири ишқ бўлғонлар ҳамамиз йиглашиб қолдик,
Мунингдек ҳасрату ғам ичра нолон айладинг кетдинг.

Сафар қилдинг, шаҳаншоҳим⁹, шукуху¹⁰ салтанат бирла,
Қулинг Фурқатни бу гурбатда¹¹ нолон айладинг кетдинг.

СОФИНИШ

М.Мирзаев мусиқаси

Фигонким, гардиши даврон¹² аюрди шоҳсуворимдан¹³,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсан оҳу зоримдан.

Губорим ишқ водийсида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонларда¹⁴ Мажнун тўтиё¹⁵ излар губоримдан¹⁶.

¹ Дилнавоз – дилни овлочи, кўнгилни тут(иб ол)увчи.

² Доғи – бу сўзни «яна, тагин» маъносида ҳам, «доғ (бўлиш)» маъносида ҳам тушиуни мумкин.

³ Фироқ – айрилик.

⁴ Сўзон – куйиш, қуян.

⁵ Жилвапиро – жилва қилувчи.

⁶ Ҳама – ҳамма.

⁷ Қумри – қантарлар туркумига мансуб сайдроқи күш.

⁸ Нолон – нола қилувчи.

⁹ Шаҳаншоҳ – шоҳлар шоҳи.

¹⁰ Шукуҳ – ҳайбат, савлат.

¹¹ Гурбат – мусофирилик, ғариблик, бегона юртларда юриши.

¹² Гардиши даврон – осмон, фалак гардиши; тақдир.

¹³ Шоҳсувор – чавандоз.

¹⁴ Биёбон – дашт, чўл.

¹⁵ Тўтиё – сурмага ўхшаш, кўз нурини орттирувчи мода.

¹⁶ Губор – гард, чанг; из.

Қизил қондур сиришким¹, заъфарондур² чехраи олим³,
Мени ким кўрса фарқ этмас хазон⁴ бирла баҳоримдан.

Муҳаббат дардида ўлсам, ўтиб умрим, адо бўлғач,
Қамишлар ўрнига меҳригиёҳ унгай мозоримдан.

Адашган ит каби, Фурқат, қаён боргум билолмасман,
Қачон бўлғайки, топкайман хабар ёру диёrimдан?!

БИР ТАРАХҲУМ АЙЛАМАС

M. Мирзаев мусиқаси

Бир тараҳҳум⁵ айламас ул шўхи жононим менинг,
Келди ҳажр⁶ андуҳи бирла оғзима жоним менинг.

Ўлдуруб, ташланг ани кўйига, эй аҳбоблар,
Итлари тирноқига бўлсун хино қоним менинг.

Ул ситамгар ишқида найлай яқо чок айламай⁷,
Бўлса олуда⁸ бало лойига домоним⁹ менинг?!

Розиман ўлсам, мозорим сори бир айлаб гузор¹⁰,
Десаким: «Ушбу шаҳиди тийри мужгоним менинг»¹¹.

Қўймади кўзга аёғин нотавон¹² кўнглум учун,
Кўз била кўнглумда, Фурқат, қолди армоним менинг.

¹ Сиришк – кўз ёши.

² Заъфарон – оч сариқ гуллайдиган ўсимлик ва унинг гули.

³ Чехра ол – кизил юз.

⁴ Хазон – куз.

⁵ Тараҳҳум – раҳм-шафқат.

⁶ Ҳажр – айрилик.

⁷ Яқо чок айламоқ – ёқа йиরтмоқ (изтироб рамзи).

⁸ Олуда – коришган, беланган.

⁹ Домон – кийимнинг этак қисми.

¹⁰ Гузор айламоқ – ўт(иб кет)моқ.

¹¹ Шаҳиди тийри мужгоним... – кипригим ўқидан шаҳид бўлган.

¹² Нотавон – ожиз, заиф, бечора.

ЧОРГОҲ I

Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан

Излаб висолинг, эй маҳи тобон¹, қачонғача,
Тортай фироқ² кечаси афгон³ қачонғача?

Сарви⁴ қадинг хаёлида қумрийи⁵ зордек
Йиғлай, ниgoro, бо дили сўзон⁶ қачонғача?

Ҳижрон⁷ ўтида куйдурасен йиғлатиб мени,
Бўлгунг рақиба гул каби хандон⁸ қачонғача?

Сен ичкарида ғайр⁹ била нўш этиб¹⁰ шароб,
Мен ташқарида зор ичай қон қачонғача?

ЧОРГОҲ II

Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан

Вафо айлаб йироқдин ошкор оҳиста-оҳиста,
Бир ишқим айладинг, жоно, ҳазор оҳиста-оҳиста.

На яхши марҳаматлар айламишсан номада¹¹ изҳор:
«Муҳаббат расми¹² қилғил, – деб, – шиор оҳиста-оҳиста».

Нечук тоқат қилайким, бора-бора зўр этиб¹³ ишқинг,
Кўнгулдин олди сабр или қарор оҳиста-оҳиста.

¹ Моҳи тобон – порлоқ ой.

² Фироқ – айрилик.

³ Афгон – нола, фифон.

⁴ Сарв – тик ўсувчи дараҳт; маъшука қаддига ишора.

⁵ Қумри – капитарлар туркумига мансуб сайроқи күш.

⁶ Бо дили сўзон – кўйган дил билан.

⁷ Ҳижрон – айрилик.

⁸ Хандон – кулувчи.

⁹ Ғайр – бошқалар.

¹⁰ Нўш этмоқ – ичмоқ.

¹¹ Нома – хат, мактуб.

¹² Расм – одат, расм-русум.

¹³ Зўр этмоқ – кучаймоқ, зўраймоқ.

Бериб таскин күнгүлға васлига бир кун етарман деб,
Үзимни ўргатай ҳажрингга¹, ёр, оҳиста-оҳиста.

Үшал кун бир күриб қолганда қилган новаки ғамзанг²
Ҳануз айлаб келур кўксим фигор³ оҳиста-оҳиста.

Висолинг бодасидин⁴ қилмасанг шодоб⁵ Фурқатни,
Хароб айлар ани ҳажру хумор⁶ оҳиста-оҳиста.

КЎЗЛАРИНГ

M.Мирзаев мусиқаси

Тўккали жаллод эрур ишқ аҳлидин қон кўзларинг,
Лабларинг жонбахш-у, аммо офати жон кўзларинг.

Саҳл⁷, агар бўлса паришон, дилбарим, қилсанг нигоҳ⁸,
Қилди охуни Хўтан⁹ даштида сарсон кўзларинг.

Ногаҳон ошиқларингга тийри мижгонлар¹⁰ отиб,
Рахна¹¹ дил мулкига солди номусулмон кўзларинг.

«Бир ишорат бирла, – дер эрди, – боқиб бисмил қиласай¹²».
Бўлмасун ул аҳдидин, ё Раб, пушаймон кўзларинг.

¹ Ҳажр – айрилик.

² Новаки ғамза – ғамза (ноз, ишва) ўқи.

³ Фигор (афтфор) – ярадор, мажрух.

⁴ Бодаи васл – висол шароби.

⁵ Шодоб қилмок – қондирмок.

⁶ Хумор – кучли истак, хохиш, кўмсаш.

⁷ Саҳл – енгил, осон.

⁸ Нигоҳ қилмок – нигоҳ ташламок.

⁹ Хўтан – Шаркий Тўркистондаги шаҳар ва дашти.

¹⁰ Тийри мижгон – киприк ўқи.

¹¹ Рахна – дарз, ёрик; жароҳат.

¹² Бисмил қилмок – бўғизламок, ўлдирмок.

Эй ниgoro! Сурмани кўй, кўйма. Қўйсанг, чиқмағил –
Қилмағай ошуби¹ даҳр² устига тўфон кўзларинг.

Шукр, Фурқат фурқатингда³ хастаю бемор эди,
Бир боқишида айлади дардига дармон кўзларинг.

ДУГОХИ ҲУСАЙНИЙ II

Баҳор айёмида гулгашт⁴ этарга бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол⁵ аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

Хазон айёмида ул тавба қилган бўлса ҳам майдин,⁶
Етиб майхораликнинг⁷ мавсуми, паймоншикан⁸ бўлса.

Булут қатрафишону⁹ руҳафзо сабзалар хандон¹⁰,
Ариғларнинг лабида сабзакорий¹¹ бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам мўътадил, ҳавзи мусаффо¹², суффиа дилкаш¹³,
Оқар сув ғалт уриб¹⁴, себарга¹⁵ узра мавжзан бўлса¹⁶.

¹ Ошуబ – гавғо, тўяполон.

² Даҳр – дунё.

³ Фурқат – айрилик, жудолик; шоир тахаллуси.

⁴ Гулгашт – гул сайри.

⁵ Шарҳи ҳол – ошиқ дил изҳори.

⁶ Мисра мазмуни: кузда май ичишдан тавба қилган бўлса ҳам...

⁷ Майхоралик – майхўрлик.

⁸ Паймоншикан – ваъдасини бузувчи.

⁹ Қатрафишон – қатра сочувчи.

¹⁰ Руҳафзо сабзалар хандон – қайфият бағишлиловчи кўқатлар юз очган.

¹¹ Сабзакор – кўқаламзор.

¹² Ҳавзи мусаффо – покиза сувли ҳовуз.

¹³ Суффиа дилкаш – дил тортувчи, шинам супа.

¹⁴ Ғалт уримок – айланмок, думаламок.

¹⁵ Себарга – гулнинг гулости барги; сув бўйида ўсувлари, барглари уч айрили бедасимон гиёҳ.

¹⁶ Мавжзан бўлмок – тўлқинланмок.

Сабуи лаъл¹ бирлан шишаи байзоу олтун жом²,
Ўшал мажлисда соқий³ бир нигори сиймтан⁴ бўлса.

Сурури шодликни даҳр боғида⁵ нечук кўргай,
Камина Фурқатийнинг маскани байт ул-ҳазан⁶ бўлса?..

ЙЎЛИНГДА

M.Мирзаев мусиқаси

Туриб ҳар эрта, жононим, йўлингда,
Оқарди чашми⁷ ҳайроним йўлингда.

Фалак узра малакларға етушти,
Санга етмасму афғоним⁸ йўлингда?!

Муродинг қатлим эрса келмагингдин,
Фидодур бир қошиқ қоним йўлингда.

Ғубори тавсанингдин⁹ топди ором,
Чиқарди, йўқ эса, жоним йўлингда.

Маломат тошидин бўлди мунаққаш¹⁰
Чу Мажнун жисми урёним¹¹ йўлингда.

Кел, эй Юсуф, Зулайҳо козасидек¹²
Куруғлиқ байт ул-эҳzonим¹³ йўлингда.

¹ Сабуи лаъл – кизил кўзача.

² Шишаи байзоу олтин жом – оқ шишаю олтин қадаҳ.

³ Соқий – май қуювчи.

⁴ Ниғори сиймтан – опшоп баданли соҳибжамол.

⁵ Даҳр боғи – замон (ёки дунё) боғи.

⁶ Байт ул-ҳазан – фамхона.

⁷ Чашм – кўз.

⁸ Афғон – фигон, нолиши.

⁹ Ғубори тавсан – асов отнинг чопишидан чиққан губор, чанг.

¹⁰ Мунаққаш – нақшли.

¹¹ Урён – яланғоч. Чу Мажнун жисми урёним – Мажнун каби яланғоч таним.

¹² Коза – чайла. Байда Юсуф пайғамбар ва унга ошиқ бўлган Зулайҳо киссасига ишора қилинмоқда.

¹³ Байт ул-эҳzon – айн. ғам уйи, фамхона.

Гар ўлсам интизоринг бирла Фурқат,
Ётар жисмим мени, жоним, йўлингда.

ТОРТАДУР

И.Икромов мусиқаси

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли¹ ортуқча ғавғо тортадур².

Қошлари остида гёё икки фаттон³ кўзлари
Икки ҳиндубаччадурким⁴, ёндошиб ё тортадур⁵.

Кокулингдин бўй олган боғнинг тупроғидур,
Боғбон сотмоққа доим мушки соро⁶ тортадур.

Ишқни пинҳон тутарға бўлма шайдо, эй кўнгул,
Мушк пинҳон бўлса, бўйи ошкоро тортадур⁷.

Чархи кажрафторнинг⁸ бир шевасидин⁹ дорман,
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

Булҳаваслар¹⁰ торта олмас нозанинлар нозини,
Фурқатийдек бекасу¹¹ шўрида¹², расво¹³ тортадур.

¹ Даҳр эли – дунё аҳли, замона одамлари.

² Ғавғо тортмоқ – шовқин солмок, тўс-тўполон қилмок.

³ Фаттон – мағфутин килувчи, фитна солувчи.

⁴ Ҳиндубачча – ҳинди бола.

⁵ Ё тортмоқ – ўқ-ёй отмок.

⁶ Мушки соро – сара, асл мушк.

⁷ Мисра мазмуни: мушкни яширганинг билан, унинг ёқимли ҳиди сени фош қилиб кўяди.

⁸ Чархи кажрафтор – эгри айланувчи фалак.

⁹ Шева – бу ерда қилиқ маъносида.

¹⁰ Булҳавас – ҳойи-ҳавас бандаси, бекарор, енгилтабиат.

¹¹ Бекас – кимсасиз, ёлғиз.

¹² Шўрида – паришонҳол.

¹³ Расво – шарманда.

ҚАРАМАЙСИЗ

A.Воҳидов мусиқаси

На бўлди, нигоро, биза асло қарамайсиз,
Гулдек очилиб, гунчай ҳумро¹, қарамайсиз?

Ё ўзга кишилар сиза сўз ўргатадурму,
Йўқса, нега ҳеч сўз демайин ё қарамайсиз?

Ҳар кун ўтасиз тўффины² бошга қўюб эгри,
Олифта бўлуб мунча таманно³, қарамайсиз.

Кўрганда мени мунча шитоб айлаб ўтарсиз,
Борму магар ул ёна тамошо, қарамайсиз?⁴

Ҳар шому саҳар тинмайин ағон чекадурмен⁵,
Булбул қулингизга, гули зебо⁶, қарамайсиз.

Хўблар⁷ била келганда-ку мендин қиласиз ор,
Энди ўзингиз яккаю танҳо, қарамайсиз.

Фурқат қулингиз мисли гадо йўлда ётодур,
Бир лутфу карам⁸ қилғали, шоҳо⁹, қарамайсиз.

¹ Гунчай ҳумро – кизил гунча.

² Тўффи – дўппи.

³ Таманно – ўзини кўз-кўз килиш истаги.

⁴ Байт мазмуни: нега мени кўрганда қадамингизни бунчалик жадаллатиб, тез-тез ўтиб кетасиз? Ёки ўша томонда бирон томоша борми, нега қарамайсиз?!

⁵ Ағон чекмок – нолаю фифон кимлок.

⁶ Гули зебо – гўзал гул.

⁷ Хўблар – яхшилар, гўзаллар.

⁸ Лутфу карам – илтифот, иноят, эхсон.

⁹ Шоҳо – эй шоҳ.

O.Хотамов мусиқаси

Мени, эй гулрухим¹, булбулдек афгор² айладинг қўйдинг,
Ишимни кеча-кундуз нолаю зор айладинг қўйдинг.

Лабинг шириклиғидин нуктаи пинҳон³ эди, сўрдим,
Табассум қилдингу бу сирни изҳор айладинг қўйдинг.

Ўшал кун лутф этиб, васлингга еткурдинг мени осон,
Фироқинг⁴ бирла ҳолим эмди душвор⁵ айладинг қўйдинг.

Жамолинг хирманида⁶ донаи холингни кўргуздинг,
Кўнгул мурғини⁷ зулфингга⁸ гирифтор⁹ айладинг қўйдинг.

Қилиб ширин адолиг¹⁰, ҳар кима боқдинг кулиб, жоно,
Ўзингга ошиқ они, менга ағёр¹¹ айладинг қўйдинг.

Вилоят ичра солдинг ҳалқаи зулфингдин¹² овоза,
Жунун аҳлини¹³ ҳолимдин хабардор айладинг қўйдинг.

Нигоро, хастай Фурқатни маҳжури висол¹⁴ айлаб,
Кўзи кўзгусини муштоқи дийдор¹⁵ айладинг қўйдинг.

¹ Гулрух – гулюз.

² Афгор – ярадор, маҗрух.

³ Нуктаи пинҳон – яширин сўз.

⁴ Фироқ – айрилиқ, жудолик.

⁵ Душвор – кийин.

⁶ Жамолинг хирмани – чеҳранг.

⁷ Кўнгил мурғи – кўнгил куши.

⁸ Зулф – ўзга тушиб турувчи соч, гажак.

⁹ Гирифтор – асир.

¹⁰ Ширин адолиг кимлоқ – ширин, ёқимли киликлар кимлок.

¹¹ Ағёр – душман, ракиб.

¹² Ҳалқаи зулф – гажак.

¹³ Жунун аҳли – ошиқлар.

¹⁴ Маҳжури висол – ёр васлидан айрилиб қолган, узоқлашган, маҳрум.

¹⁵ Муштоқи дийдор – юз кўришишга орзуманд.

Сабуи лаъл¹ бирлан шишаи байзоу олтун жом²,
Ўшал мажлисда соқий³ бир нигори сиймтан⁴ бўлса.

Сурури шодликни даҳр боғида⁵ нечук кўргай,
Камина Фурқатийнинг маскани байт ул-ҳазан⁶ бўлса?..

ЙЎЛИНГДА

M.Мирзаев мусиқаси

Туриб ҳар эрта, жононим, йўлингда,
Оқарди чашми⁷ ҳайроним йўлингда.

Фалак узра малакларға етушти,
Санга етмасму афоним⁸ йўлингда?!

Муродинг қатлим эрса келмагингдин,
Фидодур бир қошиқ қоним йўлингда.

Губори тавсанингдин⁹ топди ором,
Чиқарди, йўқ эса, жоним йўлингда.

Маломат тошидин бўлди мунаққаш¹⁰
Чу Мажнун жисми урёним¹¹ йўлингда.

Кел, эй Юсуф, Зулайхо козасидек¹²
Куруғлиқ байт ул-эҳзоним¹³ йўлингда.

¹ Сабуи лаъл – қизил кўзача.

² Шишаи байзоу олтин жом – оқ шишаю олтин қадах.

³ Соқий – май қуювчи.

⁴ Нигори сиймтан – оппоқ баданли сохибжамол.

⁵ Даҳр боғи – замон (ёки дунё) боғи.

⁶ Байт ул-ҳазан – ғамхона.

⁷ Чашм – кўз.

⁸ Афон – фифон, нолиш.

⁹ Губори тавсан – асов отнинг чопишидан чиққан губор, чанг.

¹⁰ Мунаққаш – нақшли.

¹¹ Урён – ялангоч. Чу Мажнун жисми урёним – Мажнун каби ялангоч таним.

¹² Коза – чайла. Байтда Юсуф пайғамбар ва унга ошиқ бўлган Зулайхо қиссасига ишора қилинмоқда.

¹³ Байт ул-эҳzon – айн. ғам уйи, ғамхона.

Гар ўлсам интизоринг бирла Фурқат,
Ётар жисмим мени, жоним, йўлингда.

ТОРТАДУР

И.Икрамов мусиқаси

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли¹ ортуқча ғавғо тортадур².

Қошлари остида гўё икки фаттон³ кўзлари
Икки ҳиндубаччадурким⁴, ёндошиб ё тортадур⁵.

Кокулингдин бўй олган боғнинг тупроғидур,
Боғбон сотмоққа доим мушки соро⁶ тортадур.

Ишқни пинҳон тутарға бўлма шайдо, эй қўнгул,
Мушк пинҳон бўлса, бўйи ошқоро тортадур.⁷

Чархи қажрафторнинг⁸ бир шевасидин⁹ дорман,
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

Булҳаваслар¹⁰ торта олмас нозанинлар нозини,
Фурқатийдек бекасу¹¹ шўрида¹², расво¹³ тортадур.

¹ Даҳр эли – дунё аҳли, замона одамлари.

² Ғавғо тортмоқ – шовқин солмоқ, тўс-тўполон қилмоқ.

³ Фаттон – мағфун қилювчи, фитна солувчи.

⁴ Ҳиндубачча – ҳинди бола.

⁵ Ё тортмоқ – ўқ-ёй отмоқ.

⁶ Мушки соро – сара, асл мушк.

⁷ Мисра мазмуни: мушкини яширганинг билан, унинг ёқимли хиди сени фош қилиб қўяди.

⁸ Чархи қажрафтор – эгри айланувчи фалак.

⁹ Шева – бу ерда килиқ маъносидা.

¹⁰ Булҳавас – ҳойи-ҳавас бандаси, бекарор, енгилтабиат.

¹¹ Бекас – кимсасиз, ёлғиз.

¹² Шўрида – паришонҳол.

¹³ Расво – шарманда.

ҚАШҚАРЧАИ УФОР

«Рост» мақомининг I таронасида айтилган

Юзу зулфинг фурқатидин, эй дилоромим менинг,
Йигламоқлиғ бирла кечгай субх¹ ила шомим менинг.

Йўқ эрур осойишим холинг ғамидин кечалар,
Найлайн, талх ўлса бу тарёқдин комим менинг?²

Заъфлик жисмим, рамақда жон, ўлар ҳолатдаман,
Тобакай ҳажрингда кечсун бўйла айёмим менинг?³

Хоки пойини фидоси жон ўшал қосидниким,
Еткуур бўлса жанобингга бу пайғомим менинг.⁴

Эл гумон айларки: нўшим бодаи гулранг эрур,
Йўқ, лабинг ёдида тўлмиш қон ила жомим менинг.⁵

ҚАШҚАРЧАИ САРВИНОЗ

«Бузрук» мақомидан

Йигламоқдин бир пари ҳажрида, эй аҳбоблар,
Ўнг кўзимдин оқди қону сўнгтидин зардоблар⁶.

Турралиғ зулфини ёдини қилиб бутхонада,
Тушди тарсоларни зуннорига печу тоблар.⁷

¹ Субх – тонг.

² Байт мазмуни: кора холинг туфайли кечалари оромим йўқ, бу тарёқдан (афон, табобатда фойдаланилган кора дори) оғзим аччиқ бўлса, кандоқ қиласай?

³ Байт мазмуни: жисмим бемадор, жон эса чиқиб кетиш арафасида – ўлар ҳолатдаман. Сендан жудоликда кунларим качонгача шундай ўтаркин?

⁴ Байт мазмуни: қанийди, кимдир ҳузурингта менинг бу номамни, хабаримни олиб борса. Агар шундай элчи тополсам, изларига жонимни фидо килардим.

⁵ Байт мазмуни: эл (одамлар) мени қизил шароб ичпти деб ўйлайди, йўқ, аслида, бу қадаҳ лабинг ёдида кўзимдан оққан қонли ёш билан тўла.

⁶ Зардоб – айн. сариқ сув; жароҳатдан сизувчи суюқлик.

⁷ Байт мазмуни: тарсолар (насронийлар) ибодатхоналарида ёр сочининг ўримларини ўйлаганлари сари зуннорлари (насроний ва яхудийлар белбоғи) эшилиб, ўраби-буралиб кетаверди.

Бехабар зоҳид санамлар ишқига мункир ҳануз,
Қоши қайгуси билан ҳам бўлса ҳам меҳроблар.¹

Айбим этма, соқиё, даврон аро маст ўлмасам,
Шарбати лаълидек эрмас бодаи унноблар.²

Қатра-қатра ашклар³ сочдим ғамидин, ҳар бири
Ишқнинг дарёсидиндур гавҳари ноёблар.

Кеча туш кўрдимки, зулфин тебратур эрмиш насим,
Қилди ошуфта димогим бу паришон хоблар.⁴

Файр ила ёrim шароби ноб ичиб, мен Фурқатий
Рашк жомидин ичиб, тонг отқучча хуноблар⁵.

БИР ТАРАҲХУМ АЙЛАМАС

М.Мирзаев мусиқаси

Бир тараҳхум⁶ айламас ул шўхи жононим менинг,
Келди ҳажр⁷ андуҳи бирлан оғзима жоним менинг.

Үлдуруб, ташланг анинг кўйига, эй аҳбоблар,
Итлари тирноғига бўлсун хино қоним менинг.

¹ Байт мазмуни: гарчи ёр қошининг қайгуси билан меҳроблар (масжидларнинг тўридаги имом турадиган, тепаси қайрилма қилиб ишланган жой) эгилиб, букилиб қолган бўлса-да, ҳакиқатдан бехабар зоҳид (жаннат умидида дунё лаззатларидан кечиб, тоат-ибодатга берилган киши) ҳали-ҳануз санамлар ишқини инкор қиласай.

² Байт мазмуни: эй соқий (май қуювчи), давраларда маст бўлмасам, айбга ўйимагинки, ҳеч бир май менга ёр лабининг шарбати каби таъсир қиласайди.

³ Ашқ – кўз ёши.

⁴ Байт мазмуни: кечак бир туш кўрибман: шамол ёрнинг сочини ёйиб ўйнаётган эмшин. Бу паришон (тарқок) тушлар мени паришонхол қилиб қўйди.

⁵ Хуноб – конли ёш.

⁶ Тараҳхум – раҳм-шафқат.

⁷ Ҳажр андуҳи – айрилиқ гами.

Ул ситамгар¹ ишқида найлай яқо чок айламай²,
Бўлса олуда³ бало лойига домоним⁴ менинг.

Кўймади кўзга аёғин нотавон кўнглум учун,
Кўз била кўнглумда, Фурқат, қолди армоним менинг.

УФОРИ ОРОМИЖОН

Бухоро мақомларидаги «Дугоҳ»нинг иккинчи қисмидан

Икки ошуби чаманким⁵: гул бири, раъно бири,
Қилди ишқида мени мажнун⁶ бири, шайдо бири.

Шўр ангиз⁷ ўлса бир ёндин бирининг ишваси
Ҳам бу ёндин ғамзасин ошуб этар⁸ барпо бири.

Кўзлари қўймай кўнгул мулки аро ободлик,
Бириси форат⁹ қилиб келса, келар яфмо¹⁰ бири.

Йўқтуурур бир хўбрў¹¹ оламда, илло бу иков¹²,
Бири ҳусн ичра эрур мумтозу мустасно бири.¹³

¹ Ситамгар – жабру ситам қилувчи.

² Яқо чок айламок – ёқа йиртиб, фарёд килмок.

³ Олуда – беланган, булғантан.

⁴ Домон – кийимнинг этаги.

⁵ Икки ошуби чаман – бир чаманнинг икки тўполончиси.

⁶ Мажнун – ишқ телбаси.

⁷ Шўр ангиз – ғавғо солувчи.

⁸ Ғамзасин ошуб этар – ҳаддан зиёд ноз, ишва ва ғамза намойиш этади.

⁹ Форат килмок – вайрон килмок, таламок.

¹⁰ Яфмо – талон-торож.

¹¹ Хўбрў – чиройли, гўзал.

¹² Илло бу иков – бу иккисидан ташкари.

¹³ Мисра мазмуни: бири ҳусн борасида танҳо, энг сара жонона, албатта, иккинчи-сими хисобга олмагандা (яъни у ҳам ҳусн бобида наригисидан қолишмайди).

Ётмиш эрди иккиси икки тизимга бош қўйиб,
Хоби ноз¹ ичра бирию ўзда йўқ асло бири.

Фурқатий, афсуским, ногаҳ² туриб хуршиду моҳ³,
Тутди ўз буржин⁴ бириси, кўйи⁵ бир маъво⁶ бири.

ФИГОН I

Фаргонга мумтоз ўйларидан

Манам шўрида⁷ булбул, бўстонидин адашганман,
Юзи гул, қомати сарви равонидин⁸ адашганман,
Дилим ҳажри-ла қондур, дилситонидин⁹ адашганман,
Фариби кўйи ғурбат¹⁰, ҳонумонидин¹¹ адашганман
Ва ё бир мурғи ваҳшӣ¹² – ошиёнидин¹³ адашганман.

Биёбон¹⁴ гардиман Мажнун каби бир Лайли ёдида,
Бўлуб ошуфта¹⁵ занжири жунун¹⁶ басту кушодида¹⁷,
Қилурмиш қатъи раҳ¹⁸ ҳар кимса охир ўз муродида,
Югурсам ҳар тарафга, айб қилманглар, бу водийда
Мисоли телба итмен – корвонидин адашганман.

¹ Хоби ноз – ноз уйку.

² Ногаҳ – тўсатдан, бирдан.

³ Хуршиду моҳ – кўёш ва ой.

⁴ Бурж – кўёшнинг юйлил ҳаракат доирасидаги ўн икки нуктанинг ҳар бири.

⁵ Кўй – ўйл.

⁶ Маъво – манзил.

⁷ Шўрида – паришон, гангиган.

⁸ Сарви равон – сарв – тик ўсуҷчи дараҳт; ёр қоматига ишора. Равон – юрувчи. Сарви равон – айн. юрувчи сарв.

⁹ Дилситон – кўнгил оловчи, махлиё қилувчи.

¹⁰ Фариби кўйи ғурбат – ғурбат (мусофирилик) кўchasida юрган фариб.

¹¹ Ҳонумон – бору йўқ, бисот.

¹² Мурғи ваҳшӣ – айн. ёввойи күш.

¹³ Оши(и)ён – макон, ин.

¹⁴ Биёбон – дашт, чўл.

¹⁵ Ошуфта – паришон, маъюс.

¹⁶ Занжири жунун – телбалик занжири.

¹⁷ Басту кушод – баст – боғланиши; кушод(а) – ечилиш, озод бўлиш; басту кушод – боғланиб-ечил(авер)иш.

¹⁸ Қатъи раҳ – йўлни кесиш, узиш, умуман, тўхташ.

ИСТАБ

М.Мирзаев мусиқасы

Фурқат газали, Чокар¹ мустаҳзоди

Кўнгул дардига топмай бораман ҳаргиз даво истаб,
Ани умри кироми², ҳасрато³, бўлғай адо истаб.

Неча юрдим, адошиб тўғри йўлдин, бесару сомон⁴,
Тутуб илгимни⁵, йўлга солса деб бир раҳнамо⁶ истаб.

Нече ерга суриб юз, яхшилар йўлида ўлтиридим,
Губори доманидин жон кўзига тўтиё истаб.

Жудо бўлган менингдек бормикин бир хастаю маъюс,
Жаҳонда ҳожатига топмаган ҳаргиз раво истаб?

* * *

Хуснинг гули то бўлди жаҳон мулкида пайдо, эй шўхи паризод,
Солди ани ишқи бошима кулфату савдо, қилғил манга имдод⁷.
Билмам, на сифат одам эдинг ноз фанида, эй кўзлари шахло,
Қилдинг мани бир боқишила хуснинга шайдо, жилва қилиб ижод⁸.
Лайли била Ширин чу эмас ёрима монанд бир зарра ҳам обод,
Мен бирла қачон тенг бўлтур ишқ ичра жаҳонда Мажнун или Фарҳод?
Сийнамда⁹ чу эмди бу кўнгул мулкини¹⁰ вайрон, ёндириғали жоним,
Энди анга раҳм айлабон, эй дилбари барно, қилғил мани обод.
Чокар ғами ҳажринга қачон бўлса гирифттор¹¹ ишқ ичра, билошак,
Дардига онинг шаҳди¹² лабинг қилдими даво, эй қомати шамшод?¹³

¹ Чокар – Матюсуф Харратов. 1889 йилда Хивага яқин Шайхлар қишлоғида туғилган. 1952 йилда Тошкентда вафот этган.

² Умри киром – қимматли умр.

³ Ҳасрато – Э воҳ! Аттанг!

⁴ Бесару сомон – бесаранжом.

⁵ Илгини тутмок – кўлидан ушла(б етакла)мок.

⁶ Раҳнамо – йўл кўрсатувчи.

⁷ Имдод – мадад.

⁸ Ижод қилмоқ – яратмоқ, пайдо қилмоқ.

⁹ Сийна – кўкрак.

¹⁰ Мулк – мамлакат.

¹¹ Гирифттор – мубтало, дучор.

¹² Шаҳд – асал.

¹³ Шамшод – тик ўсувида дараҳт.

ГАЛДИР I

Халқ ашуласи

Даҳр¹ аро мен чекмаган жабру жафолардан бири
Қолдиму ҳам кўрмаган дарду балолардан бири?
Айласам зоҳир² агар ул ибтилолардан³ бири,
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардан бири,
Шарҳи ғам⁴ қилса, қани, бағри адолардан бири...

ГАЛДИР II

Ўзбек халқ куи

Дер эдим: «Доим ўзим олам аро хуррам⁵ тутай,
Ёр ўлуб айшу тараб аҳлига⁶, тарки ғам тутай,
Даҳр⁷ аро озодалар домонини⁸ маҳкам тутай...»
Ўзни боз⁹ ул дарду кулфат аҳлига ҳамдам тутай,
Чунки ҳосил бўлмади ул муддаолардан бири.

Фурқатий бир сарвқомат ишқида бўлган асири,
Кумри янглиғ тортарам¹⁰ шавқида фарёду сафир¹¹,
Қош или мужгонидан¹² ёнимда тиғ, илкимда тийр¹³,
Чуғздеқ¹⁴ вайрона ичра гарчи бўлдим жойигир,
Бир хабар олмас келиб пайкархумолардан¹⁵ бири.

¹ Даҳр – дунё; давр.

² Зоҳир – ошкор.

³ Ибтило – мубталолик.

⁴ Шарҳи ғам – ошик дарду ғамини тушунтиримол, изоҳламоқ, сўз билан тўлалигича ифодалаб бермок.

⁵ Хуррам – хурсанд.

⁶ Айшу тараб аҳли – айш-ишрат ва хурсандчилик қилувчилар.

⁷ Даҳр – замон; дунё.

⁸ Озодалар домони – яхши, эркин одамлар этаги.

⁹ Боз – яна.

¹⁰ Тортарам – тортаман.

¹¹ Сафир – ёқимли овоз.

¹² Мужгон – кипприклар.

¹³ Илкимда тийр – кўлимда камон ўқи.

¹⁴ Чуғз – бойкуш.

¹⁵ Пайкархумо – айн. хумо (бахт куши) жуссали, яъни баҳтли.

ГУЛЁР

Фаргона-Тошкент мақом йўллари

Дўстлар, айшу тараб¹, фасли баҳор истар кўнгул,
 Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгул,
 Айламак ҳар сори оҳулар шикор² истар кўнгул,
 Кабк рафторин³ кўрарға кўҳсор⁴ истар кўнгул,
 Гоҳи хурсанд этгудек ҳар неки бор, истар кўнгул.

Мутриби⁵ хушлаҗжалар танбурини соз айласа,
 Руҳпарвар байт ўқуб, хиргоҳи овоз⁶ айласа,
 Гоҳи «Мискин» машқию гоҳи «Чапандоз» айласа,
 Етса анжомига ул, гайрини оғоз айласа,⁷
 Гоҳи қонун, гоҳ рубоб, гоҳи дутор истар кўнгул.

ШАҲНОЗ⁸

Фаргона-Тошкент мақом йўллари

Солмаса чархи фалак⁹ давронимиз ичра ҳалал,
 Сайр қилсак ҳар баҳор айёми саҳрою жабал¹⁰,
 Қилмаса боғи ҳаётимиз ҳазон боди ажал¹¹,

¹ Айшу тараб – хурсандчилик.

² Шикор айламак – овламок.

³ Кабк рафтори – каклик юриши.

⁴ Кўҳсор – тоғлик жойлар.

⁵ Мутриб – созанда. Мутриби хушлаҷжа – хушвовоз созанда, ҳофиз.

⁶ Хиргоҳи овоз – хиргойи овозда (паст овозда) куйлаш.

⁷ Мисра мазмуни: у (яъни «Мискин», «Чапандоз») ниҳоясига етса, бошқасини бошлийверса...

⁸ «Гулёр» ва «Шахноз» матнлари, аслида, битта мухаммаснинг турли бандлари бўлиб, кўшиқ матни аслиятдаги матнга нисбатан анчагина ўзгарган. Бу тўпламда кўшиқ варианти олинди, лекин маънога зиён етмаган ўринлардаги ўзгаришларни саклаб, заруртсиз киритилган ўзгартишлар аслиятдаги сўзлар билан алмаштирилди.

⁹ Чархи фалак – айлануб турувчи фалак; тақдир.

¹⁰ Жабал – тоғлар.

¹¹ Боди ажал – ўлим шамоли.

Кўргузиб юз жаҳд¹, айёми баҳор ўтмай, жадал²
 Айланиб гулшан аро, сайри ҳазор³ истар кўнгул.

Неча кун маҳтоб тунларда⁴ олиб тарфи⁵ чаман,
 Тонгғача гуллар аросида тузулса анжуман,
 Ой каби қилса мунаввар бօғ саҳнин настаран⁶,
 Ерга нақш ўлса саросар сояий барги суман,⁷
 Фурқатий, нозук, вафоли бир нигор истар кўнгул.

КОКИЛИНГ

*Хоразмнинг «Савти сувора»си
асосида басталанган*

Гул юзинг даврида, жоно, сунбули тар кокилинг,⁸
 Бош-аёғингга тушиб, бўлмиш баробар кокилинг,
 Ё ҳумодин⁹ зеб учун¹⁰ олғон қаро пар – кокилинг,
 Шаҳпари анқомидур¹¹ бошингдаги ҳар кокилинг?
 Айланай, жоним тасаддуқ, ушлайн зар кокилинг.

Тўлғониб чиқдинг кеча гажжак¹² тоқиб, пардоз илан¹³,
 Лол қилдинг базм элин айлаб адолар соз илан,
 Тўтидек қилдинг такаллумлар¹⁴ майин овоз илан,

¹ Жаҳд – ғайрат.

² Жадал – тезроқ, шошилинч.

³ Сайри ҳазор – минг бора сайр.

⁴ Маҳтоб тунлар – ойдин кечалар.

⁵ ...Олиб тарфи чаман – бутун чамнинг кўзини олиб...

⁶ Настаран – оқ очиладиган гул.

⁷ Мисра мазмуни: хушбўй оқ ёсмин гул баргининг сояси бошдан-оёқ ерга тушиб турса.

⁸ Мисра мазмуни: гулдай юзинг атрофидаги соchlаринг ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўсуви ёш сунбулга ўхшайди.

⁹ Хумо – афсонавий баҳт қуши.

¹⁰ Зеб учун – безаниш учун.

¹¹ Шаҳпари анқо – анқо деган топилмас қушнинг патлари.

¹² Гажжак (гажак) – маъшуқа сочининг икки томондан юзга илмок каби буралиб тушган кисми.

¹³ Илан – билан.

¹⁴ Такаллум – сўз.

Юз қизортиб бодадин¹, ақлимни олдинг ноз илан,
Хар замон келтур димофимга муаттар² кокилинг.

Тутмагил ҳаргиз қулогинг, муддай³ гар қылса панд,
Айни хўблиғ чогидур⁴, майдон аро сакрат саманд⁵,
Доимо айлаб дуойи жонларинг мен мустаманд⁶,
Умринг, эй, бўлсин фузун⁷, иқбол ҳам андин баланд,
Доимо душманларинг ўлдирисин аждар кокилинг.

Давр олурда ҳар тараф бокиб, узоринг⁸ тебратиб,
Жилва қилдинг силкиниб, олтин туморинг тебратиб,
Бел тутиб ҳайдар кокиллар тобдоринг⁹ тебратиб,
Ўйнаб-ўйнаб бағрим эздинг олма-норинг тебратиб,
Ҳалқасин бўйнимга ташлаб судра анбар¹⁰ кокилинг.

Равзаи ризвон эрур менга сари қўйинг сенинг,¹¹
Сарв гулдин яхшироқдир қадди дилжўйинг¹² сенинг,
Ташлама Фурқат аро, менким ризожўйинг¹³ сенинг,
Бир ғуломи камтарин, равшан дуогўйинг сенинг,
Қасди торож¹⁴ этмасун кўнглимни лашкар – кокилинг.

¹ Бода – шароб.

² Муаттар – хушбўй.

³ Муддай – даъвогар.

⁴ Хўблиғ чоги – яхши, балоғатга етган чог.

⁵ Саманд – от, тулпор.

⁶ Мустаманд – хаста, ҳожатманд.

⁷ Фузун – зиёда.

⁸ Узор – чехра, юз.

⁹ Тобдор – ўримли.

¹⁰ Анбар – хуш исли.

¹¹ Мисра мазмуни: мен учун кўчангнинг бошиёқ жаннат богининг ўзгинасиdir.

¹² Қадди дилжў – кўнгил овловчи қомат.

¹³ Ризожў – ризолик истовчи.

¹⁴ Қасди торож – талон-торож, ғорат нияти.

НОҚИС

(1860 – 1929)

Муҳаммадшокир ўғли Абдуқодир Ноқис Каттақўрғонда туғилган.

Адабий мероси турли баёзлар орқали бизгача етиб келган. Анъянавий сюжетли «Лайли ва Мажнун» достони ҳозирча топилмаган.

ДОФМАН

К.Отаниёзов мусиқаси

Ишқингда зор бўлдиму ғамгин думоғман¹,
Бемори фурқатингман-у², зоҳирда³ соғман,
Ақлу ҳушум санинг била – ўздин йироғман,
Кўрсат юзингни, толиби нури чароғман⁴,
Ҳажрингда⁵ дарду ғам била ҳасратда доғман.

Ўлдим жамолинг шавқида, дардинг ололмадим,
Бошингдин, эй санам, нега мен ўргулолмадим?
Бир лаҳза ишрат уйида мажлис қуролмадим,
ЛАъли лабингни қандини бир дам сўролмадим,
Ҳажрингда дарду ғам била ҳасратда доғман.

Золим⁶ фалак⁷ фироқинга⁸ солди мени, нетай,
Қандоғ ғамингни сийнада⁹ элдин ниҳон¹⁰ тутай?!

Сабру қарор қолмади, эй жон, нечук этай?

¹ Ғамгин думоғ – айн. ғамгин кайфият; доимий маъюслик.

² Бемори фурқат – айрилиқдан оғриған bemor.

³ Зоҳир – устки, юзаки; кўриниб турган.

⁴ Толиби нури чароғ – чироқ нурининг талабгори.

⁵ Ҳажр – айрилик.

⁶ Золим – зулм килювчи.

⁷ Фалак – осмон; тақдир.

⁸ Фироқ – айрилик.

⁹ Сийна – кўкрак.

¹⁰ Ниҳон – яширин.

Мажнуни бенаво¹ киби ё бош олиб кетай,
Хажрингда дарду ғам била ҳасратда доғман.

Сенсан париваш² аҳлини шўхи замонаси,
Менман сенинг ғаминг била олам фасонаси³,
Кўнгул қушини боиси чангу таронаси⁴ –
Зулфунгни домию яна холингни донаси⁵,
Хажрингда дарду ғам била ҳасратда доғман.

Ўлсам эди висолинга парвонадек куюб,
Жон берсам эрди бошими остоңанга қўюб,
Махмурликда⁶ бодаи васлинг⁷ била тўюб,
Ноқислигимда⁸ кўксими тийри мижанг⁹ ўюб,
Хажрингда дарду ғам била ҳасратда доғман.

НОЗИМАХОНИМ

(1864 – 1924)

Мулла Сайд Аҳмад қизи Нозимахоним Тошкентнинг Бешёғоч (Бешоғоч) даҳасида туғилган.

Ўша даврдаги «Садойи Туркистон», «Шуҳрат», «Тараққий», «Иштирокиён» ва бошқа газеталарда ўзининг ҳажвий ҳамда лирик шеърлари билан фаол қатнашган. Девон тузмаган.

Тошкентда вафот этган.

ҚАШҚАРЧАИ УШШОҚ

Фаргона мумтоз йўлларидан

Кўргузуб нозик жамолин масти ҳайрон айлади,
Ўзи гул сайрига кетти, бизни боғбон айлади.

Очилиб гул ғунчадек ўт солди жону жисмима,
Бир тараҳҳум¹ қилмайин оламға достон² айлади.

Кўргач ул хуршид³ юзин ўтлар туташди жонима,
Сўлдуруб умрим гулин, баҳтимни вайрон айлади.

Юз жамоли шамъига парвона бўлдим ўртаниб,
Билмади ҳолим ҳануз, ағёра⁴ паймон⁵ айлади.

Мисли булбул гул юзин шавқида айларман наво,
Лек эшитмай бир йўли⁶ кўзимни гирён⁷ айлади.

¹ Тараҳҳум – раҳм-шафқат.

² Оламға достон қилмоқ – бутун дунёга овоза қилмоқ.

³ Хуршид – кӯёш.

⁴ Ағёр – рақиблар.

⁵ Паймон – аҳду паймон қилиш, келишиш.

⁶ Бир йўли – бир марта.

⁷ Гирён – йигловчي.

¹ Бенаво – бечора, охиз.

² Париваш – парига ўхшаш (гўзал).

³ Фасона – афсона; машҳурлик, овоза бўлиш.

⁴ Мисра мазмуни: кўнгил қушининг чанги (музикӣ асбоби) таронасининг (куйининг) боиси.

⁵ Қайрилган гажакнинг сиртмоқсимон кўриниши куш тутиш учун қўйилган тузокқа, хол эса тузокқа сепиб қўйилган донга ўхшатилмоқда.

⁶ Махмур – хамр (май) ичган, маст.

⁷ Бодаи васл – висол шароби.

⁸ Ноқис – нуксонли.

⁹ Тийри мижа – киприк ўқи.

Ҳар кеча ул ой фироқида¹ чекарман оҳлар,
Бир табассум қилмайин, ҳолим паришон² айлади.

Майли, ширин тил била дерман камоли васфини,
Нозима, гарчи сени бағрингни бирён³ айлади.

ҲАЙРАТИЙ

Адабиётимизнинг яқин ўтмишида Ҳайратий тахаллуси билан ижод қилган икки шоир маълум: бири – Холбой ўғли Умрзоқ Ҳайрат Тўрақўргоний (1845 – 1915). У Наманган вилояти Тўрақўргон туманидаги Ёртепа қишлоғида туғилган. Девон тузган-тузмаганлиги номаълум.

Иккинчиси – Солих ўғли мулла Ҳошим Ҳайратий (1870 – 1963) Шаҳрихоннинг Бегвачча Қашқар маҳалласида туғилган. У 1940 йилдан умрининг охиригача Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида истиқомат қилган.

Қуйидаги мухаммас уларнинг қайси бирига тегишли экани номаълум.

ФАРГОНАЧА ШАҲНОЗ

Муқимий газалига Ҳайратий мухаммасидан
Фаргонна мақомларидан «Гулёр-Шаҳноз»нинг
иккинчи бўлими асосида яратилган

Шамъи ҳуснингга, нигоро, ўртаниб парвонаман,
Икки олам кору боридин кечиб бегонаман,
Чун самандар¹ оташи ишқинг² билан сўзонаман³,
Ақлу ҳуш учди бошимдин, эй пари, девонаман⁴,
Бир иложе қил эл ичра бўлмайин афсона ман.

Кимки Эрону Бадаҳшондин келур, иззат топар,
Ақл агар алломадур⁵, боқмас юзига, ор этар,
Айлагил, эй Ҳайрато, вирди забон лайлу наҳор,⁶

¹ Самандар – афсоналарга кўра, ўтда яшовчи жонивор.

² Оташи ишқ – муҳаббат олови.

³ Сўзона – куйган, ёнган.

⁴ Девона – ишқ телбаси.

⁵ Аллома – олим.

⁶ Мисра мазмуни: эй Ҳайратий, ёр исмини кечаю кундуз тилдан қўйма.

¹ Фироқ – айрилик.

² Паришон – тўзғиган, ёйилган, тарқок.

³ Бирён – қовурилган; қовурдок.

Хар кеча ул ой фироқида¹ чекарман оҳлар,
Бир табассум қилмайин, ҳолим паришон² айлади.

Майли, ширин тил била дерман камоли васфини,
Нозима, гарчи сени бағрингни бирён³ айлади.

ҲАЙРАТИЙ

Адабиётимизнинг яқин ўтмишида Ҳайратий тахаллуси билан ижод қилган икки шоир маълум: бири – Холбой ўғли Умрзоқ Ҳайрат Тўракўргоний (1845 – 1915). У Наманган вилояти Тўракўргон туманидаги Ёртепа қишлоғида туғилган. Девон тузган-тузмаганлиги номаълум.

Иккинчиси – Солиҳ ўғли мулла Ҳошим Ҳайратий (1870 – 1963) Шаҳриҳоннинг Бегвачча Қашқар маҳалласида туғилган. У 1940 йилдан умрининг охиригача Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида истиқомат қилган.

Қуидаги мухаммас уларнинг қайси бирига тегишли экани номаълум.

ФАРГОНАЧА ШАҲНОЗ

Муқимий газалига Ҳайратий мухаммасидан
Фарғона мақомларидан «Гулёр-Шаҳноз»нинг
иккинчи бўлими асосида яратилган

Шамъи ҳуснингга, нигоро, ўртаниб парвонаман,
Икки олам кору боридин кечиб бегонаман,
Чун самандар¹ оташи ишқинг² билан сўзонаман³,
Ақлу ҳуш учди бошимдин, эй пари, девонаман⁴,
Бир иложе қил эл ичра бўлмайин афсона ман.

Кимки Эрону Бадахшондин келур, иззат топар,
Ақл агар алломадур⁵, боқмас юзига, оп этар,
Айлагил, эй Ҳайрато, вирди забон лайлу наҳор,⁶

¹ Самандар – афсоналарга кўра, ўтда яшовчи жонивор.

² Оташи ишқ – муҳаббат олови.

³ Сўзона – куйган, ёнган.

⁴ Девона – ишқ телбаси.

⁵ Аллома – олим.

⁶ Мисра мазмуни: эй Ҳайратий, ёр исмини кечаю кундуз тилдан қўйма.

¹ Фироқ – айрилик.

² Паришон – тўзғиган, ёйилган, тарқок.

³ Бирён – қовурилган; қовурдок.

Мулки Хинду Марвдин¹ келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман².

ТОПМАДИМ

Ф.Мамадалиев мусиқаси

Топмадим, ҳаргиз сўроғим – қайда жононим менинг?
Дашту саҳроларни излаб кетди дармоним менинг,
Осмон даврини³ бузди оху афғоним⁴ менинг,
Йўқламайдур бир келиб (ул) моҳи тобоним⁵ менинг,
Бўлдилар бегона мендан чин қадрдоним менинг.

Ҳар замон ёдимга тушса, телбадек қилдим фифон,
Ишқ ўти кўксимни тилди, умрими қилди хазон,
Менга сен – ороми жон, сенсиз керакмас бу жаҳон,
Қайси ишни яхши деб қўйдим қадам – топдим зиён,
Шул сабабдин қонга тўлди чашми гирёним⁶ менинг.

Васл боғига етолмай, вола айлар⁷ Ҳайратий,
Йиғлабон кўз ёшиниким жола⁸ айлар Ҳайратий,
Қип-қизил қонга бўяб хун⁹ лола айлар Ҳайратий,
Дам-бадам ўйлаб нигорин¹⁰ нола айлар Ҳайратий,
Лоақал, бир йўл¹¹ келиб қўймайди севгоним менинг.

¹ Эрон, Бадахшон, Ҳинд, Марв – ўрта асрлар Шарқининг машҳур мамлакат ва шаҳарлари.

² Мардуми Фарғона – фарғоналик.

³ Давр – айланা, гардиш.

⁴ Афғон – нола, фарёд.

⁵ Моҳи тобон – порлоқ (тўлин) ой.

⁶ Чашми гирён – айн. йиғловчи кўз.

⁷ Вола айламоқ – ўзини йўкотмоқ, ҳущдан кетмоқ.

⁸ Жола – дўл.

⁹ Хун – кон.

¹⁰ Нигор – хушсурат.

¹¹ Бир йўл – бир марта.

ҲАЗИНИЙ

(1867 – 1923)

Каттахожа эшон ўғли Зиёуддин Ҳазиний Фарғона вилояти Учқўприк туманининг Катта Кенагас қишлоғида руҳоний-дехқон оиласида туғилган. Қабри ўз қишлоғида. Ишончли насабномаларда унинг пайғамбар авлодларидан экани тасдиқланган.

1999 йилда Ҳазинийнинг ижодий мероси жамланиб, девон тартиб берилди.

ФАРГОНА ТОНГ ОТҚУНЧА

М.Муртазоев мусиқаси

Ҳижрон¹ ўтифа жисмим сўзона² тонг отқунча,
Ўртаб юрагим, бағрим бирёна³ тонг отқунча.

Мен Вомиқу сен Узро⁴ – васлингга етолмасман,
Ҳар кеча қароргоҳим⁵ остона тонг отқунча.

Оқшомда жамолингни шамъини мунавар қил,
Жонимни этай санга парвона тонг отқунча.

Ҳеч кимга деёлмасдин бу сирри ниҳонимни,
Бағрим хунига⁶ тўлди паймона⁷ тонг отқунча.

Найлайки, иложим йўқ, ҳар гўшада⁸ йиғларман,
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отқунча.

¹ Ҳижрон – айрилик.

² Сўзон(а) – куйган, куйик.

³ Бирён – қовурилган; қовурдок.

⁴ Вомик ва Узро – Лайли ва Мажнун сингари афсонавий ошиқ-маъшук.

⁵ Қароргоҳ – тураржой, макон.

⁶ Хун – кон.

⁷ Паймона – май ичиладиган идиш, кадаҳ, жом.

⁸ Гўша – жой, макон.

ОРАЗИЙ

(1869 – 1942)

Алихон Мулла Охун ўғли Оразий Шаҳрихоннинг Қашқар маҳалласида туғилган.

Ижтимоий ва лирик руҳдаги асарлари турли тўплам ва ба- ёзларга киритилган. Девон тузган-тузмаганлиги номаълум.

Она шаҳрида вафот этган.

ДУГОХ¹

Фарғона мақом йўллари

Эй тан, бас айла ғамни, қиши ўтса, баҳор ўлур,
Саҳро юзи бинафша била лолазор ўлур.

Булбул чамандада нола қилур, бесабаб эмас –
Гул очиланча² қанча тиконга дучор ўлур.

Роҳат машаққат остидадур, ақл эрур гувоҳ –
Олтин-кумуш ҳам ўтга тушиб бегубор ўлур.

Қай бир кўнгулга тушса агар ишқни шуъласи,
Нафъ³ зарарга боқмас, иши оҳу зор ўлур.⁴

Ҳар кимсанингки толеъию хулқи хуш эса,
Ҳар жойда, ҳар маконда анга эътибор ўлур.

Аҳли хиёнат⁵ айласа сиррини эҳтиёт,
Минг чора қилса, бир куни (ул) ошкор ўлур.

Дунёни кори шундоқ экан, билдик, англадик –
Гоҳо бирор азизу бирор хору зор ўлур.

«Афсусларки, қолмади на ёру на рафиқ⁶...» –
Деб қабзиятдин⁷ Оразий девонавор⁸ ўлур.

¹ «Хоразм Сегоҳи»да ҳам ижро этилган.

² Гул очиланча – гул очилгунча.

³ Нафъ – фойда, маңфаат.

⁴ Бу ва кейинги байт «Дугоҳ»да тушириб колдирилган, факат «Хоразм Сегоҳи»да учрайди.

⁵ Аҳли хиёнат – хиёнаткор, хоин.

⁶ Рафиқ – дўуст.

⁷ Қабзият – эркнинг бўғилиши ва жон қийналиши.

⁸ Девонавор – девона каби, девонадай.

ҲАМЗА

(Ниҳоний)

(1889 – 1929)

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (шеърларида асосан «Ниҳоний» тахаллусини қўллаган) Қўқонда табиб оиласида туғилган. Қабри Шоҳимардонда.

Ҳамза янги усул мактаблари учун дарсликлар, «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуасини яратган. Унинг «Оқ гул», «Қизил гул», «Сариқ гул», «Сафсар гул» каби шеърий тўпламлари, «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» каби ўнлаб драмалари машхур.

БИР КЕЛИБ КЕТСУН

M.Мирзаев мусиқаси

Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон¹ бир келиб кетсун,
Тамоми ҳусн элини² шоҳи – султон бир келиб кетсун.

Тутарга бир даме суҳбат асиру нотавон³ бирлан,
Дариф тутмай нигорим, бўлса имкон, бир келиб кетсун.

Неча кундин бери қўрсатмайин васлин соғинтурди,
Тараҳҳум айласун ул шўхи жонон – бир келиб кетсун.

Ниҳонийга неча аҳди вафолар боғлафон⁴ эрди,
Дегил, кўп қилмасун аҳдини ёлғон, бир келиб кетсун.

¹ Моҳи тобон – порлоқ ой; маъшука юзи.

² Тамоми ҳусн эли – ҳамма гўзаллар.

³ Асиру нотавон – тутқун ва бечора.

⁴ Аҳди вафо – вафодорликка аҳду паймон қилиш.

ЎХШАЙДИ-КУ

Т.Қодиров мусиқасы

Ўйласам, ул дилбарим маккорга ўхшайди-ку,
Раҳми йўқ бир бевафо дилдорга ўхшайди-ку.

Ул куни гулгун¹ ниқобини очуб ман хастани
Ишқидин бўйнимга солган торга² ўхшайди-ку.

То бу дам³ олмас хабар, бўлди юраклар чок-чок,
Шўхи золим хийла⁴ дилозорга ўхшайди-ку.

Наргис⁵ айлай мурувват деса, кўймас кўзлари,
Ханжари мужгонлари⁶ хунхорга⁷ ўхшайди-ку.

Ўзича қилмас манга мунча жафоу жабрни,
Анга ўргатган магар ағёрга ўхшайди-ку.

Эй Ниҳон, қилдинг тавалло⁸ неча йиллар – келмади,
Сан каби бечорадин безорга ўхшайди-ку.

МИСКИН

(1880 – 1937)

Ғулом Халил Мулла Қўшоқ Мискин 1880 йил Тошкент-нинг Девонбеги маҳалласида туғилган.

Ўша даврдаги «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Тараққий» ва бошқа газеталарда маърифатпарварлик руҳидаги ҳамда лирик шеърлари билан фаол қатнашган.

Тошкентда вафот этган.

ЭЙ ДИЛБАРИ ЖОНОНИМ

Фаргона катта ашуласи

Эй дилбари жононим, кўп нозу итоб¹ этма,
Юз жабру жафо бирла ҳолимни хароб этма.

Мастона кўзинг бирлан қошинг қиличин тортиб,
Бир-бирга имо айлаб қатлимга хитоб этма.

Хуснинг ҳақи, жононим, қилма мени кўп шайдо,
Ағёр ила май ичиб бағримни кабоб этма.

Дод или фифонимга² не бўлди қиё боқсанг,
Куйдирма фифон бирла, жиссимини туроб³ этма.

Лаълингни закотидин Мискинга карам қилғил,⁴
Келганда эшикингга сен тарки жавоб этма!

¹ Нозу итоб – ноз-карашма ва таъна-маломат.

² Фифон – дод, нола.

³ Туроб – тупрок, ер.

⁴ Мисра мазмуни: Лабинг лаълдирки, унинг закотини Мискинга бергил. Закот – бойлиги маълум бир миндорга етган кишилар учун фарз хисобланган мол ибодати, мол-дунёнинг кирқдан бир улушини мухтоҷларга бериш. Мискин бечора, мухтоҷ, йўқсил каби маъноларни англатади. Шоир ўз тахаллусининг ана шу лугавий маъносига таяниб чиройли сўз ўйини қилмоқда.

¹ Гулгун – қизил.

² Топ – чилвир.

³ То бу дам – хозиргача.

⁴ Хийла – анча.

⁵ Наргис – гул тури; маъшука кўзлари.

⁶ Ханжари мужгон – ханжардек киприклар.

⁷ Хунхор – конхўр.

⁸ Тавалло қилмоқ – ёлвормок.

СУНБУЛИНГ

Тошкент-Фарғонанинг эски ашулаларидан

Гул юзингда сунбули зулфинг¹ паришен айлама,
Лола бағрин доғ этиб, гул ғунчасин қон айлама,
Кезмагил бозор аро, ҳуснинг намоён айлама,
Ишқ әлини йиглатиб, кўзини гирён² айлама,
Эй ситамгар³, мунча ҳам оламни сўзон⁴ айлама.

Шаъмсан, эй дилрабо, мен ошиқи парвонаман,
Кечалар то субҳидам⁵ ҳажрингда ўртаб ёнаман⁶,
Йўқ иложим, найлайнин, эл ичра кўп афсонаман,
Бир кўруб ойинадин, ҳуснингга чун ҳайронаман⁷,
Қил тараҳҳум⁸, мундин ортуқ зору нолон⁹ айлама.

Хўблар¹⁰ ичра, нетай, шўхи замони¹¹ сан ўзинг,
Нозанинлар хайлининг ширинзабони¹² сан ўзинг,
Бу кўзимнинг нури ҳам жисмимни жони сан ўзинг,
Найлайнин, Мискин дилимнинг шодмони¹³ сан ўзинг,
Лутфу эҳсонингни¹⁴ мендин зарра пинҳон айлама.

¹ Сунбули зулф – сунбулдай узун, толим-толим соч.

² Гирён – йиглаб турган.

³ Ситамгар – золим.

⁴ Сўзон – ёниб турган.

⁵ Субҳидам – тонг.

⁶ Ҳажрингда ўртаб ёнаман – соғиниб, куйиб ёнаман.

⁷ Чун ҳайронаман – шунчалар ҳайронаман.

⁸ Тараҳҳум қилмоқ – раҳм-шафқат қилмоқ.

⁹ Зору нолон – бечора ва нолали.

¹⁰ Хўблар – яхшилар; гўзаллар.

¹¹ Шўхи замон – замонанинг шўхи.

¹² Нозанинлар хайлининг ширинзабони – нозли гўзаллар ичидаги ширин тилили.

¹³ Шодмон – хурсанд; бу ўринда хурсандчилик маъносида.

¹⁴ Лутфу эҳсон – илтифот ва саховат.

ТОШКЕНТ ИРОФИ

Ироқ мақоми асосида тошкентлик
Мадамин бастакор ишлаган

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони изларман,
Жамоли гул, сочи сунбул, кўзи шаҳлони изларман,
Ажаб бир тийра дилдурман¹, қамарсиймони² изларман,
Мани ишқида зор этган қади зебони изларман,
Ўшандоқ офати жон, шўхи бепарвони изларман.

Асири гул юзидурман, жаҳон гулзорини найлай?
Анга кўнгулни олдирдим, бўлак дилдорини найлай?
Деюрга сирри маҳрам йўқ, бу фам изҳорини найлай?
Маломат қилса қилсан эл, алар гуфторини³ найлай?
Кечибман ору номусдин, ўшал барнони изларман.

Ёронлар, бир париваш⁴ ишқининг девонаси бўлдум,
Бериб барбод⁵ ақлимни, хирад⁶ бегонаси бўлдум,
Кўриб ҳусни чарогини⁷, ёниб парвонаси бўлдум,
Нетай, Мискин каби халқи жаҳон афсонаси⁸ бўлдум,
Жунуним⁹ айб қилманглар, маҳи анқони¹⁰ изларман.

¹ Тийра дил – кўнгли коронғи, маъюс.

² Қамарсиймо – ой юзли.

³ Гуфтор – гап-сўз.

⁴ Париваш – париларга ўхшаш, гўзал.

⁵ Барбод бермоқ – йўқотмоқ, бой бермоқ.

⁶ Хирад – ақи.

⁷ Чарог – чироқ; нур. Чароги ҳусн – ҳусн нури.

⁸ Афсона бўлмоқ – танилмоқ, ном чиқармоқ.

⁹ Жунун – телбалик.

¹⁰ Маҳи анқо – топилмайдиган, кўриб ҳам, етиб ҳам бўлмайдиган ой (юзли ёр).

ТАБИБИЙ

Табибийнинг яшаган йиллари номаълум. Маълумотларга кўра, у Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз (1844 – 1910) саройида яшаб ижод этган шоирларнинг етакчиси бўлган. Тахалтуси шоирнинг ўзи ёки отаси табиб бўлганлигига ишора қиласди.

БОШ УСТИНА

(Эшвой)

Қадимги халқ куйларидан

Келсанг агар кулбам аро, бош устина¹, бош устина,
Жон бирла айғумдур² санго³: «Бош устина, бош устина!»

Гар ҳар нафас қаҳр ила тош отсанг манга, эй нозанин,
Юз шавқ ила дегум анго⁴: «Бош устина, бош устина!»⁵

Гар лутфи беҳад айласанг, жон устина бўлғусидур,
Гар жавр қил беинтиҳо, бош устина, бош устина.⁶

Ушшоқи содиқ улдууруким, дегусидур, ишқ аро
Келса анга дарду бало: «Бош устина, бош устина».⁷

Чин ошиқ эрсанг қилмағил санги маломатдан ҳазар,
Балким дегил субҳу масо: «Бош устина, бош устина!»⁸

Доим Табибий қилғуси базми висолинг орзу,
Мехринг қўйиб кел, дилбаро, бош устина, бош устина!

¹ Бош устина – марҳабо, хуш келибсиз.

² Айғумдур – айтгумдир, айтаман.

³ Санго – сенга.

⁴ Анго – унга.

⁵ Байт мазмуни: агар ҳар дамда газаб билан менга тошлар отсанг, фоят хурсанд бўлиб: «Бошим устига, бошим устига!» – деб турман.

⁶ Байт мазмуни: агар ҳисобсиз марҳаматлар киссанг, жон устига бўлади (яъни жон дейман), агар тугаб битмас жафолар киссанг, бош устига, марҳамат.

⁷ Байт мазмуни: садоқатли ошиклар ишқ ўйлида қандай дарду бўло келмасин, рози бўлиб: «Бош устига», – дейдилар.

⁸ Байт мазмуни: чинакам ошиқ бўлсанг, таънаю маломат тошларидан кўрқмагил, аксинча, эртаю кеч: «Бош устига», – дегил.

АВАЗ ЎТАР

(1884 – 1919)

Полвонниёз (Ўтар) ўғли Аваз Хивада туғилган. Умумий ҳажми 20 минг мисрани ташкил этувчи адабий мероси «Саодат ул-иқбол» девонига жамланган. Қабри Хивада.

ОРАЗИБОН¹

Қадимги Хоразм халқ куйларидан

Дарди дилим ул шўхи ситамкорима² айтинг,
Кўнглумни ғамин ёри вафодорима айтинг.

Шоядки³, қилиб лутфу карам⁴, кулбама бу тун
Келгай, бориб ул шўхи севар ёрима айтинг.

Васлинини тилаб шому саҳар, ҳеч чу топмай⁵,
Бедорлиғим⁶ ул кўзи хунхорима⁷ айтинг.

Кўнглум чидай олмай ситами ҳажриға⁸ эмди
Ким, ўлгали етдим, ани дилдорима айтинг.

Хижронда чекиб ранжу балият Авазосо,⁹
Маҳзунлиғим¹⁰ ул лаъли шакарборима¹¹ айтинг.

¹ Ушбу ғазал «Айтинг» номи билан бошқа оҳангда хам куйланган.

² Ситамкор – жабр-ситам килувчи.

³ Шояд – зора.

⁴ Лутфу карам – илтифот, меҳр-муруват.

⁵ Ҳеч чу топмай – асло тополмай.

⁶ Бедорлиғ – доим уйғоқлик.

⁷ Кўзи хунхор – кўзлари қон тўкувчи.

⁸ Ситами ҳажр – жудолик жабри.

⁹ Мисра мазмуни: айрилиқда Аваз каби заҳмат ва балолар чекиб...

¹⁰ Маҳзун – маъюс, ғамгин.

¹¹ Лаъли шакарбор – лаби лаълдай қизил ва шакар (яъни ширин сўз) ёғдирувчи ёр.

ЧОКИ ГИРИБОН

Қадимги халқ құйларидан

Бўлмадим бир лаҳза ҳижрондин¹ халос,
Бўлмагандек кимса зиндондин халос.

Халқи олам, ман тирикман, бўлмағай
Рўзу шаб фарёду афғондин халос.²

Ҳажр аро тушмишман, эмди бўлмағай
Жисм ҳаргиз нори сўзондин халос.³

Токи ғайри⁴ бордуур, бўлғай қачон
Ишқ эли озори жонондин халос?

Ишқнинг қайғуси сандин кетмагай,
Бўлмағунча токи сан жондин халос.

Эй Аваз, дилдорсиз бўлғай қачон
Ранж ила олому ҳирмондин халос?⁵

БЎЛМИШАМ

Хоразм «Савти сувора»лари
асосида ишиланган

Оҳқим, ман нотавон мискину маҳзун бўлмишам,
Ҳажр айёми аро яксар жигархун бўлмишам.⁶

¹ Ҳижрон – жудолик, айрилик.

² Байт мазмуни: мен тирик эканман, олам эли туну кун нолаю фигонимдан халос бўлмайди.

³ Байт мазмуни: ёримдан айрилдим, энди жисмим гўё дўзах оловидадир ва бу оловдан асло кутулолмайди.

⁴ Файри – бегона; ракиб. Бу ўринда ракиб тимсолида ҳаётий эҳтиёж – нафси назарда тутилади. Жононни озор беришга ундовчи ҳам шу ёвдир.

⁵ Байт мазмуни: эй Аваз, дилдоридан айрилган киши машакқат, ғам-аламлару маҳрумликлардан қачон халос бўлиби?!

⁶ Байт мазмуни: э вое, ман ожиз, бечораю ғамгин бўлдим, айрилиқ кунларida жигарим эриб, буткул қон бўлди.

Не ажаб, гар айласам ношоду маҳзунлиғ баси
Ким, сабоҳу шом аҳволи дигаргун бўлмишам.¹

Токи ман бадному расволиғ чекарга доимо
Жумлаи аҳбоб аро иқболи вожун бўлмишам.²

Айб қилманглар мани дилхаста³ оҳу ноласин
Ким, асири дилбари чашми пурафсун бўлмишам.⁴

Бок эмас⁵, гар айласам назми ҳаётафзони⁶ машқ
Ким, Аваздек шоири хуштабъи мавзун⁷ бўлмишам.

ОШИҚ ЎЛДИМ

М.Юсупов мусиқаси

Ошиқ ўлдим бир йўли қилғач тамошо ҳуснини,
Бу жиҳатдин ҳар нафас қилғум таманно⁸ ҳуснини.

Заррадек ойу қуёш қошида айлар изтироб⁹,
Нозири бўлса¹⁰ қачон ул моҳсиймо¹¹ ҳуснини.

Оlam аҳлин сар-басар¹² шайдою зор этмак учун
Халқ қилмиш¹³ гўйиё Тангри таоло ҳуснини.

¹ Байт мазмуни: маъюс, ғамгин юрганимни кўриб ажабланманг, негаки кечаю кундуз ахволим бошқача бўлиб (ўзгариб) бормоқда.

² Байт мазмуни: дўстлар орасидаги баҳти паришон, омадсизи ўзим бўлдим, токи эл орасида расволикка, ёмон деган номга ҳам доим ёлғиз ўзим дучор бўлай.

³ Дилхаста – кўнгли оғриган, қалби бемор.

⁴ Мисра мазмуни: кўзлари сеҳр-жодуга уста дилбарга асир бўлдим.

⁵ Бок эмас – зарапи йўқ.

⁶ Назми ҳаётафзо – ҳаётбахш шеър.

⁷ Шоири хуштабъи мавзун – хуш табиатли, сўзи ширин шоир.

⁸ Таманно – орзу, истак.

⁹ Изтироб – тоқатсизлик, кийналиш.

¹⁰ Нозир бўлмоқ – қарамоқ, кўрммоқ, назар солмоқ.

¹¹ Моҳсиймо – ой юзли.

¹² Сар-басар – бошдан-оёқ.

¹³ Халқ қилмок – яратмоқ.

Дил бериб нозу адоу ишвау рафторига,¹
Күргали ман бўлмишам ушшоқу шайдо² ҳуснини.

Нотавон³ кўнглимға, найлай, бўлмаса сабру шикеб⁴,
Кўрмайин бир лаҳза ул маҳбуби зебо⁵ ҳуснини!?

Бўлғусидур кўрган эл албатта ишқифа асир
Ким, ани(нг) дилкаш⁶ яратмиш Тангри гўё ҳуснини.

Эй Аваз, бўлсанг агар беҳуш, ман не айбким,
Кўргали ҳайратдаман бир ноз пиро⁷ ҳуснини.

КОМЁБ АЙЛАБ⁸

Бахши куйлари асосида
М.Юсупов ашулага соглан

Висоли ичра бермакка муродим комёб айлаб⁹,
Рақибин рашк ўтига бағрини яксар¹⁰ кабоб айлаб,
Манга лутфу иноёту карамлар¹¹ беҳисоб айлаб,
Тун-оқшом келди кулбам сори ул гулрух¹² шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза ҳайдин гулоб айлаб¹³.

¹ Мисра мазмуни: ноз-карашмаларига, чиройли юришига дил бериб.

² Ушшоқу шайдо – ошиғу мафтун.

³ Нотавон – заиф, бемажол.

⁴ Сабру шикеб – сабр ва ором.

⁵ Маҳбуби зебо – гўзл маҳбуба.

⁶ Дилкаш – дилни тортувчи.

⁷ Ноз пиро – ноз ишваси билан безангтан (нози ўзига ярашган).

⁸ «Чапандози Гулёр»нинг бухороча вариантида ҳам айтилган. Мухаммас таркибидаги Навоий ғазалининг тўлиқроқ изохи билан «Шитоб айлаб» қўшиги орқали танишиш мумкин.

⁹ Комёб айламоқ – бахти қилмоқ.

¹⁰ Яксар – бутунлай.

¹¹ Лутфу иноёту карам – илтифот, ғамхўрлик, марҳамат.

¹² Гулрух – гул юзли.

¹³ Ҳайдин гулоб айлаб – тердан гулоб қилиб.

Паридек жилва бирла кўргузуб чобуклик¹ ул дилбар,
Етущи айлабон беҳадду сон нозу тағофиллар,²
Олурға хаста ушшоқ аҳлининг жонини сар то сар³,
Қилиб мужгони шабравлар киби жон қасдига ханжар,⁴
Белиға зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.⁵

Бари сўзини аҳли назм назми силкига терди,⁶
Тутиб ул моҳ⁷ вафо таврини⁸, бу тун базима кирди,
Ҳамадин они муштоқи мани зору ҳазин⁹ эрди,
Келиб ўлтиридию илгим тутиб¹⁰, ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.¹¹

Қилиб комича даврон кимсани бу ҷархи ахзар тоқ,¹²
Аваз янглиғ бўлур сармаст ҳам беҳушу беҳудрок¹³,
Эса ёру аниси борҳо бир шўхи сиймин соқ,¹⁴
Аниким элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар¹⁵ тарки хоб¹⁶ айлаб.

¹ Чобук – ўйноки.

² Мисра мазмуни: беҳад эркалиқ билан, ўзини билмаганликка, танимаганликка олиб келди.

³ Сар то сар – бошдан-оёқ, битта қўймай.

⁴ Мисра мазмуни: худди кароқчилардай куролланиб – киприкларини ошиклар жонининг қасди учун ханжар қилиб.

⁵ Мисра мазмуни: мушкдай кора ва хушбўй соchlарини белига таноб (арқон) қилиб, ѿни чулгаб.

⁶ Мисра мазмуни: таърифини шоирлар ўз шеърлари ипига тизди.

⁷ Моҳ – ой.

⁸ Вафо таврини тутмоқ – вафони одат кильмоқ.

⁹ Ҳазин – маъюс, ғамгин.

¹⁰ Илгини тутмоқ – қўйуни ушламоқ.

¹¹ Мисра мазмуни: ҳар сўзини тоза дурдай қилиб гап бошлади.

¹² Мисра мазмуни: бу кўк гумбази (иёни фалак ёки тақдир) кишини ўз хошича айлантириди, ўзи хоҳдаган қўйига солади.

¹³ Сармаст ҳам беҳушу беҳудрок – қайфи ошган, телба ва хушсиз.

¹⁴ Мисра мазмуни: бир опок иякли (жонон) бир неча бор ёру дўсти бўлса...

¹⁵ То субҳи маҳшар – киёмат тонгигача.

¹⁶ Тарки хоб айламоқ – уйкудан кечмоқ ёки ухлай олмаслик.

ҲАБИБИЙ

(1890 – 1982)

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий Андижон вилоятининг Пахтаобод туманига қарашли Қўйкон қишлоғида туғилган. «Кўнгил тароналари», «Танланган асарлар» каби тўпламлари ҳамда девони билан машҳур.

1974 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан тақдирланган.

БОҒ ИСТАР

F.Аҳмедов мусиқаси

Ҳар лаҳза менинг кўнглим ёр истару боғ истар¹⁷,
Ёр илгид¹⁸ боғ ичра май тўла аёф¹⁹ истар.

Билмам, на таманнодур²⁰, фикри била шод ўлмас,
Ҳар кеча тонг отгунча рухсори чароғ²¹ истар.

Тонг чоги сабо юрса атрин сочиб оламга,
Мушкин сочидин²² бир бўй олмоқни димоғ истар.

Йўл узра висол истаб қоқмай мижа²³ кўз туттай²⁴,
Сайд этгали сайдини²⁵ андоғки тузоғ истар.

¹⁷ Истамоқ – 1) хоҳламоқ; 2) изламоқ, қидирмок.

¹⁸ Ёр илги – ёр кўли.

¹⁹ Аёғ – қадаҳ.

²⁰ Таманно – мақсад.

²¹ Рухсори чароғ – нурли, порлоқ юз.

²² Мушкин соч – ёрнинг мушк каби кора ва хушбўй сочи.

²³ Мижа – киприк. Мижа қоқмай – киприк қоқмай, кўз юммай.

²⁴ Кўз тутмоқ – кутмоқ, пойламоқ.

²⁵ Сайд – ов; бу ўринда ўлжа маъносида. Сайд этмоқ – овламоқ.

Мажнун каби овора Лайлисининг ишқида,
Гаҳ шаҳру гаҳи қишлоқ, гаҳ дашт ила тоғ истар.

Ошуфта¹ Ҳабибийни ўз ҳолига қўймайдур,
На бир дам олур ором, на лаҳза фароғ истар.

КЕЛДИК

K.Жабборов мусиқаси

Бу гулшан соз экан, соз устига соз этгали келдик,
Қадрдонларни шод айлаб, сарафroz этгали² келдик.

Олиб қўлларга нозик созу тилларда ширин ялла,
Фалакка етгудек жўр айлаб овоз этгали келдик.

Муҳаббат боғлашиб сизлар билан, ҳар кеча базм айлаб,
«Баёт»у «Ушшоқ»у «Гулёр», «Чапандоз» этгали келдик.

Чаман булбулларилик сайр этиб гулзору боғларда,
Ҳамиша яйраб, эркинликда парвоз этгали келдик.

Ҳабибий, мақсадим – тинчлик, фаровонлик давом этсиҳ,
Кўнгулларни баҳор айёмию³ ёз этгали келдик.

¹ Ошуфта – паришиён, тарқоқ.

² Сарафroz этмоқ – баҳтиёр қилмоқ, севинтирмоқ.

³ Айём – куннлар; байрам.

САЙРИ ГУЛЗОР

Ж.Султонов мусиқасы

Сайри гулзор истамам, ул сарву раъно¹ бўлмаса,
Базму сухбат гулламас, то сухбаторо² бўлмаса,
Ишқ завқин ким билур, бир гулга шайдо бўлмаса
Ё муҳаббат бодасидин³ кайфи саҳбо⁴ бўлмаса?
Ишқ ила лоф урмасин, бошида савдо бўлмаса.

Дилни мафтун этди оҳиста кулиб, ташлаб назар,
Ҳаддин ошди ҳайратим, кўзимда бўлди жилвагар⁵,
Ким кўрибдур дилраболар ичра бундоғ сехргар?
Разм ила қошу кўзи кўрсатди ранго-ранг ҳунар,
Дил қушин сайд⁶ этди нечун қошлари ё⁷ бўлмаса?

Аҳди йўқ ҳар булҳаваслардан⁸ кечиб ор айлади,
Мен Ҳабибийни садоқатли топиб ёр айлади,
Мехру шафқат бор экан қалбida, изҳор айлади,
Ҳар на бўлган аҳду паймонларга икрор айлади,
Билмас эрди тоза бу ишқимни, ифшо⁹ бўлмаса.

ХУРШИД

(1892 – 1960)

Хуршид – Шамсиддин Шарафиддинов 1892 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Қабри ўша ерда.

У Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида яратилган худди шу номлардаги мусиқали драмалардан ташқари «Сиёвуш», «Ойбону», «Қалин», «Муҳаррам» каби ўнлаб саҳна асарлари, шунингдек, талайги-на фазаллар муаллифидир.

БАЁТИ ШЕРОЗИЙ II¹

Фарғона-Тошкент маҳом йўлларидан

Сабо, еткур саломимни, етургил кўҳи² дилдора,
Паришон хотиримдин арзае³ қил нозанин ёра.

Баён эт иштиёқи⁴ васлида қилган фифонимни,
Этар, шояд, келиб бу Кўҳкан⁵ ҳолига наззора⁶.

Нигорим лаб очиб сендин агар аслим савол этса,
Дегил: «Чин⁷ шоҳидир бу севги саҳросида оввора.

Эмиш юртида Фарҳод исми, бунда тоғ қазувчикур,
Матоҳи ҳуснин⁸ олмоққа келибдур ушбу бозора».

Менга ужмоҳ⁹ кўринмиш шавқи бирла бу жафо тоғи,
Нигоримнинг кўзи – кавсар¹⁰ суви ман ташна бемора.

¹ Ушбу фазал «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасидан олинган. Байтлар кетма-кетлиги драмадаги тартибида берилиши ҳар жиҳатдан тўғри ва маъкул деб топилди.

² Кўҳ – тоғ. Кўҳи дилдор – ёр маскан туттган баландлик, юксаклик.

³ Арза – изҳор. Мисра мазмуни: ёс-хушишмнинг паришонлигини (ўзимда эмаслигини) ёримга етказ (изҳор кил).

⁴ Иштиёқ – кучли истак. Иштиёқи васл – ёр висолига ташнали.

⁵ Кўҳкан – тоғ қазувчи. Мумтоз адабиётда кўпроқ Фарҳодга нисбатан ишлатилади.

⁶ Наззора – қараш, назар солиш, зътибор бериш.

⁷ Чин – Хитой мамлакати.

⁸ Матоҳ (матоъ) – мол, буюм, давлат. Матоҳи ҳусн – ҳусн моли. Байт мазмуни: «Ўз юртида Фарҳод, бу ерда тоғ қазувчи деб атайдилар. Заҳматлардан иборат бу ишқ бозорига ёр жамолига харидор бўлиб келган» (деб айт).

⁹ Ужмоҳ – жаннат.

¹⁰ Кавсар – жаннат булоги.

¹ Сарву раъно – мажозан хушқомат гўзал ёр.

² Сухбаторо – сухбатга оро берувчи, сухбатни безовчи, маҳбуба.

³ Бода – май, шароб. Муҳаббат бодаси – ишқ шароби.

⁴ Кайфи саҳбо – қизил май кайфи.

⁵ Жилвагар – жилваланувчи, ўзини кўз-кўз қилувчи.

⁶ Сайд – ов, ов килиш.

⁷ Ё (ёй) – камон, ўқ-ёй.

⁸ Булҳавас – хойи-хавасга берилган, енгилтак, бекарор.

⁹ Ифшо – фош.

ЧУСТИЙ

(1904 – 1983)

Набихўжа Нуриллахўжа ўғли Чустий Наманганнинг Чуст туманида туғилган. Қабри ҳам ўша ерда.

Унинг «Қўзғол», «Шамшир», «Лолазор», «Ҳаёт завқи», «Гул мавсуми» каби шеърий тўпламлари, девони, ҳаммуаллифликдаги «Даврон ота», «Қурбон Умаров», «Жасур оила» сингари саҳна асарлари, шунингдек, форсийдан таржималари машҳур.

КУЛДИРСА ҲАМ

Ўргилай ранжитса ҳам, кулдирса ҳам
Ёки жон бахш этса ҳам, ўлдирса ҳам.

Ёнма-ён ўлтирумаса ҳам, майлига,
Рози эрдим – рўбарў ўлтирумаса ҳам.

Сўзласа, дил жомига қўйгай асал,
Кўп ширин – боқиб гапирмай турса ҳам.

Ундирай меҳригиё гуллар аро,
Ишқи офтобдек мени куйдирса ҳам.

Кўзларим тўймас боқиб руҳсорига,
Мен билан юз йилча даврон сурса ҳам.

Чустий дер: «Ҳар нозига юз жон фидо,
Ўргилай ранжитса ҳам, кулдирса ҳам».

БЎЛУРМУ

К.Раҳимов мусиқаси

«Недур?» – деб исмингизни сиздан сўраб бўлурму,
Ноз айлаб айтмасангиз, унга чидаб бўлурму?

Ўйнаб сабо¹ сочингиз торини кетди ташлаб,
Жон риштасини² унга, айтинг, улаб бўлурму?

Дил лаб очувди, айдим: «Шошма, куйиб кетарсан,
Борму эсинг, қуёшдан бўса тилаб бўлурму?!»

Мижгоним³ игнасиға дурдоналар тизибман,
Юпқа яқога шундан тутма қадаб бўлурму?

Нур қайда бўлса, сўзсиз, кўз шу томонга тушгай,
Сиздан бўлак томонга, айтинг, қараб бўлурму?

Сиз деб тикан азобин чекди қўлу оёғим,
Кўл бўлса тегманозик, гул дасталаб бўлурму?

Кўнглим биносини сиз нақшу нигор этарсиз⁴,
Минг офарин демакдан бир ўзга гап бўлурму?

Чустийга мақтаб эрдим, «Мен ҳам кўрай», – деди ул,
«Шеъринг, – дедим, – кўришга, балким, сабаб бўлурму...»

¹ Сабо – шабада, ел.

² Ришта – ип; тола.

³ Мижгон – киприк.

⁴ Нақшу нигор этмоқ – нақш ва суратлар солиб безатмок.

ҲАҚИҚИЙ ОШНО

O.Хотамов мусиқаси асосида Расул қори ишилаган

Ҳақиқий ошно пайдо бўлур бегоналардан ҳам,
Бироқ бегона пайдо бўлғуси ҳамхоналардан ҳам.

Ақл комида ҳақ сўз борки, бозори ҳақиқатда
Унинг ҳар жумласи қиммат турар дурдоналардан ҳам.

Деди Лайло: «Менинг севгимни ҳеч ким айб этолмайдур,
Чиқар оқил¹ киши Мажнун каби девоналардан ҳам».

«Фидо бўлғил!» – деди халқим, дедим: «Минг марта бўлсам-чи»,
Садойи «Боракалло!» чиқди кўп мардоналардан ҳам.

Саодатнинг баҳори ер юзига ёғду сочмоқда,
Кулиб қомат кўтаргай лолалар вайроналардан ҳам.

Муҳаббат бўлмаса, меҳригиёҳ унгайму тупроқдан?
Ёзиб ўт элга, Чустий, меҳрибон жононалардан ҳам.

СОБИР АБДУЛЛА

(1905 – 1972)

Собир Абдулла 1905 йили Қўқон шаҳрида туғилган. «Эрк илҳомлари», «Қўклам нашъаси», «Таажжуб», «Гулшан» номли шеърий ҳамда «Навбаҳор», «Дўстлик» сингари ҳикоялар тўпламлари; «Ойхон», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алномиши», «Муқимиий» каби саҳна асарлари, шунингдек, «Мавлоно Муқимиий» романи машҳур.

НАЙЛАЙИН

Ж.Султонов мусиқаси

Кўп замондир – бир парига мубталоман, найлайнин,
Шул сабабдин рангу рўйим каҳрабо, ман найлайнин?

Аҳли дард дўстларга айтмай, кимга айттай арзими,
Нозини ҳаддин ошириди дилрабо, ман найлайнин?

Меҳрсизлик устига ёрим тағофул¹ айлади,
Зоҳирсан дўст², ботини – «кўз ошино³», ман найлайнин?

Аҳдини, билмамки, бузмоқ ихтиёр айларму ёр,
Ўртанур жон ишқида шому сабо(ҳ)⁴, ман найлайнин?

Айламас парво париваш бир йўли⁵ кўнглим учун,
Ёлвориб қилганда юз минг илтижо, ман найлайнин?

Таъналар тошига Собирлик била сабр айласам,
Меҳрсизлик дардида кўйксим яро, ман найлайнин?

¹ Тағофул – бепарво, билиб билмасликка олувчи.

² Зоҳирсан дўст – сиртдан қараганда дўст.

³ Ботини – «кўз ошино» – аслида, номига ошина, холос.

⁴ Сабо(ҳ) – тонг.

⁵ Бир йўли – бир мартағина, бирров.

¹ Оқил – ақлии.

Фаргона-Тошкент мақом йўллари

Қай кунки бўлди бу кўнгул ҳуснингни воласи²,
Шул кун ёзилди севгини лавҳи – рисоласи³.

Атр ўлди сув оқарда бу кун шаҳр сойида,
Билмам, юварда тушдиму зулфингни⁴ толаси.

Ҳар йил баҳорда олма юзингдан хижил ўлиб⁵
Саҳрого қочди шаҳру чаманларни лоласи.

Рахм этки, бу азиз кўнгул ҳар кечада қийналур,
Тортарга асло қолмади оҳ ила ноласи.

Май сун⁶, хуморман, манга, эй соқийи гўзал⁷,
Ювгай ғамимни бода⁸ сувининг шалоласи⁹.

Етдим деганда ваъдани бузмак не? Войким,
Борму карашма, нозу тағофулни чоласи?¹⁰

Кўнглини олки, қолмади Собирда сабрдан,
Қолди санга бу телба кўнгулнинг ҳаволаси.

ПАРВО ЭТИБ КЕТ

M.Мирзаев мусиқаси

Келиб гулзорима, парво этиб кет,
Чаманни ҳуснинга шайдо этиб кет.

Очиб лаб ғунчалар бағрини доғлаб,
Кўнгулда янги ўт пайдо этиб кет.

Келишга ваъда бер, ноз этма, келмай,
Келиб бир, майли, истиғно¹ этиб кет.

Тутиб ишқ торини, соз айла, эй соз,
Ширин куйлар чалиб, ялло этиб кет.

Бўларда беғараз Собирга меҳмон
Садоқат бурчини ижро этиб кет.

¹ Фаргона мақомларидан «Дугох»га назира тарзида яратилган вариант. Баъзи авжларда асл «Дугох»дан фарқ килади (М.Т.).

² Вола – шайдо.

³ Севгининг лавҳи – рисоласи – севгининг таърифи, достони.

⁴ Зулф – соч, гажак.

⁵ Хижил ўлмок – хижолат бўлмок.

⁶ Май сунмок – май қўймок.

⁷ Соқийи гўзал – соҳибжамол май куювчи.

⁸ Бода – шароб, май.

⁹ Шалола – шовва, шаршара.

¹⁰ Мисра мазмуни: воҳ, хали нозу карашма ва бепарволикнинг чаласи бормиди!?

¹ Истиғно – ноз-карашма, ўзини кўз-кўз қилиш.

ҮЙГУН

(1905 – 1990)

Раҳматулла Отакүзи ўғли Уйгун Қозогистоннинг Жамбул вилояти Марки қишлоғида туғилган. «Алишер Навоий» (Иzzat Султон билан ҳамкорликда), «Парвона», «Абу Райхон Беруний», «Ибн Сино», «Зебунисо» каби саҳна асарлари, «Украина еллари», «Жонтемир», «Гуласал» сингари ўндан ортиқ поэма ва балладалари, бир қатор шеърий тўплам ҳамда таржималари билан машҳур.

ЎЙНАСИН

Т.Жалилов мусиқаси

Очилиб, гул-гул ёниб зулфи паришон¹ ўйнасин,
Ишва бирла силкиниб товус хиромон² ўйнасин.

Ҳар тарафга тарқатиб гулзорда гуллар атрини,
Юзлари гул, тишлари дур, лаъли хандон³ ўйнасин.

Чулғаниб белларга заррин кокили⁴, мастанавор,
Қадди барно, тўлғаниб мисли Зарафшон ўйнасин.

Дилни ўтларга ёқиб, сарноз ила қийғоч боқиб,
Хуш табассум, хуш такаллум⁵ оғатижон ўйнасин.

Юз латофат бирла ошиқларга санъат боғидан
Лутфу эҳсон⁶ айлабон ул моҳитобон⁷ ўйнасин.

Чулғаниб белларга заррин кокили мастанавор,
Қадди барно, тўлғаниб мисли Зарафшон ўйнасин.

¹ Зулфи паришон – сочлари сочилган, ёйилган.

² Товус хиромон – товусдай товланиб юрувчи.

³ Лаъли хандон – лаълдай кизил лаблари куловчи.

⁴ Заррин кокил – тилларанг соч.

⁵ Хуш такаллум – чиройли сўзловчи.

⁶ Лутфу эҳсон – меҳр-муруват.

⁷ Моҳитобон – ойдай порлоқ (юзли).

КАМТАР

ЖОНИМ ЭРУРСАН

М.Муртазоев мусиқаси

Дилбар, мени сен жисмим аро жоним эрурсан,
Жонимдан азиз севгили жононим эрурсан.

Сен бирла бошим кўкка етар, дилбари жоним,
Чунки мени сен ёру қадрдоним эрурсан.

Ой тунни, қуёш кунни ёритганда меним сан
Кундуз қуёшу тун моҳи тобоним¹ эрурсан.

Гуллар очилур фунча лабинг васфида² ҳар чоғ,
Богимда ўзинг фунчайи хандоним³ эрурсан.

Даврон сураман эркин ўсиб ушбу чаманда,
Даврим гўзали, соҳиби давроним⁴ эрурсан.

Кўнглим хуш ўлур яллаларинг тинглаганимда,
Булбул каби куйловчи хуш илҳоним⁵ эрурсан.

Камтар дилида меҳри рухинг⁶ бордур ҳамиша,
Жон бирла таним мулкида меҳмоним эрурсан.

¹ Моҳи тобон – нур таратиб турган тўлин ой; ёр юзига ишора.

² Васф – таъриф, мақтov.

³ Фунчайи хандон – лаб очган фунча.

⁴ Соҳиби даврон – даврон эгаси.

⁵ Хуш илҳон – ёқимли куйловчи, хушвож.

⁶ Шоир бу ўринда «меҳр» сўзининг икки хил маъни англатишидан фойдаланиб сўз ўйини кильмоқда: меҳри рухинг – 1) чехранг куёши; 2) чехранг муҳаббати.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909 – 1944)

Ҳамид Олимжон (Абдулҳамид Олимжон ўғли) Жиззах шаҳрида туғилган. Қабри Тошкентда.

Унинг «Кўклим», «Олов соchlар», «Ўлим ёвга», «Пойга», «Дарё кечаси», «Ўлка», «Бахт» каби шеърий тўпламлари, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ» ва бошқа достонлари, «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» сингари балладалари, «Муқанна», «Жиноят» драмалари, шунингдек, жаҳон адабиётининг ўнлаб намояндадаридан қилган таржималари машҳур.

КУЙГАЙ

Ю.Ражабий мусиқаси

Сўзингнинг шарпаси текканда олам боб-боб куйгай,
Денгизлар, дарёлар, ҳаттоқи кўлларда ҳубоб¹ куйгай.

Камондек қошларинг киприкларингдан ўқ отар доим,
Сенинг ёдинг билан тинмай ҳама нозу итоб² куйгай.

Ёниб ишқингда қалбим, кулга айланса, ажаб эрмас,
Кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай.

Олай тоқатни қайдин, кўзларингга ҳеч қаролмайман,
Тушиб бир учқунинг бағримга, гўёки китоб куйгай.

¹Хубоб – кўпик.

²Нозу итоб – ноз ва газаб.

ШЎХИЙ

(1915 – 1973)

Абдулвоҳид Шўхий Наманганинг Чукуркўча даҳасида туғилган. Қабри ўз шаҳридаги Отбозори қабристонида.

2007 йилда унинг шеърлари жамланиб «Эҳтиром» номли тўплам нашр этилган.

ПАРВОНА ҚИЛГАНСИЗ

К.Рахимов мусиқаси

Чароғи¹ ҳуснингизга нечани парвона қилгансиз,
Фироқ ўтида куйдирмоқ йўлини яхши билгансиз.

Агарчанд(и) тагофул² қилганингиз бирла, эй жоно,
Мұҳаббат дафтарининг аввалига сиз битилгансиз.

Назокатда қадингиз нахлига³ таҳсин ўқир шамшод,
Магар боғи Эрамнинг хуридан дунёга келгансиз.

Ҳама жононалар гулшан гулидан келса дунёга,
Ҳусн таҳтига сultonлиғ учун нурдан яралгансиз.

Қимори гулшани ишқ ичра қадру қимматингиз шул –
Ҳама маҳбуб(а)лар бир, бир томонга сиз тикилгансиз.

Нетай, сиздай паридан кеча-кундуз Шўхи(й) дод этмай,
Дилини сайд этурга⁴ бир қараб, оҳиста кулгансиз.

¹Чароғ – 1) чирок; 2) нур.

²Тагофул – беларволик.

³Нахл – ниҳол.

⁴Сайд этмоқ – овламок.

МУАЛЛИФИ НОМАЪЛУМ ЁКИ АНИҚЛАНМАГАН АСАРЛАР

БОЗУРГОНИЙ

Хоразм ҳалқ күйлари асосида

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов қайта ишилган

Мени бекарорлар¹ айлаган, нетай, ул пари қўзу қошидур,
Юрагимга ишқ ўти жойлаган ани маҳфиёна² қарошидур.

Неча ноз илан менга сўз қотиб, қўзу киприги ўқини отиб,
Қоши ёларин³ отиб ўйнотиб мени ўлдирурга талошидур.

Менидек жамолига волалар⁴ қиласидур фифон ила нолалар,
Демаким, шафақ фалак авжида, ани ҳасратида хирошидур⁵.

Кечалар хаёлида уйғониб, чалажон илон каби тўлғониб,
Чекиб оҳлар аниңг ишқида, назаримда, ҳусни қўёшидур.

Дилу жонима неча минг азоб, ғаму ҳажрида чекиб изтироб⁶,
Карам⁷ ўрнига қиласидур итоб⁸, менга раҳмсиз дили тошидур.

Лабининг шаробини ичган эл, билаёлмас ўзини ойу йил,
Эмас ул баҳорда мавжи селки, бу ошиқ аҳлини ёшидур.

ГАЛДИР I

Фарғонанинг эски ҳалқ ашуларапидан

Оҳ дедим, оввора бўлдим, ёр билмайдур ҳануз¹,
Дод этарман кимга, ахволимни сўрмайдур ҳануз.

Дуди оҳим² барқ уриб ҳар дам фалакнинг сахнида³,
Ул келиб бир дам менинг қошимда турмайдур ҳануз.

Умрини хуш ўтказиб бир неча яхшилар билан,
Биз ёмонни ё магар кўзига илмайдур ҳануз.

ГАЛДИР II

Зулм айламанглар, қоши қаролар,
Токай қилурсиз бизга жафолар?
Дуо қилурмиз шому сабо(ҳ)лар⁴,
Раҳм айламайсиз, эй маҳлиқолар⁵.

Зулмингни кам қил, маҳбуби жоним⁶,
Ўртанди жисмим ҳам устухоним,
Етмасми сенга оху фифоним?
Раҳм айламайсиз, эй маҳлиқолар.

Ошиқ кишининг дуоси яхши,
Маъшуқаларнинг вафоси яхши.
Ночор дегаймиз: «...Жафоси яхши»,
Раҳм айламайсиз, эй маҳлиқолар.

¹ Бекарор – оромсиз.

² Маҳфиёна – яширин.

³ Ёларин – ёларини.

⁴ Вола – ҳайратда қолган.

⁵ Хирош (харош) – тирналишдан қолган жароҳат, яра.

⁶ Изтироб – тоқатсизлик.

⁷ Карам – саховат.

⁸ Итоб – таъна.

¹ Ҳануз – ҳамон, ҳали ҳам.

² Дуди оҳ – оҳ-зор тутуни.

³ Фалакнинг сахни – осмон юзи.

⁴ Сабо (сабоҳ) – тонг, субхидам.

⁵ Маҳлиқолар – бўйчехралар.

⁶ Маҳбуби жоним – жонимнинг севиклиси.

ТАСАВВУФ ВА ТАСАВВУФИЙ АДАБИЁТДА КҮЛЛАНГАН АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР, АНЬАНАВИЙ ОБРАЗЛАР ҲАҚИДА

Тасаввуф ислом динининг фалсафаси бўлиб, мазкур диндаги ваҳдат – яккахудолик тамойилига асосланади. Яъни азал (борлик яратилишидан аввал) ва абад (у дунё) ҳамда улар оралиғидаги бу дунёнинг, бутун борлиқнинг Соҳиби яккаю ёлғиз Аллоҳдир. У азалда ҳам бор эди (чунки Тангри мавжуд (яратилган) эмас, балки Вужуд (Яратган)дир), ҳозир ҳам бор ва абадул-абад бор бўлади. Аллоҳ ўзининг 99 исми (асмо ул-хусна) ва улардаги сифатларига ҳамиша эгадир. Ана шу исмлардан бири «Ал-Жамил», яъни «жамол эгаси»дир. Дарҳақиқат, У мутлақ гўзал Зотдир.

Ривоятларга кўра, Аллоҳ ўзининг ҳусн денгизидан бир томчи олиб, уни юз улушга бўлган экан. Тўқсон тўққиз улушкини Момо Ҳаввога бериб, қолган бир улушни яна ўнга тақсимлагач тўққизини Юсуф (а.с.)га ато этган экан. Қолган бир улушкини эса бошқа маҳлуқотнинг ҳаммасига бўлиб берилган эмиш...

Тангри таоло азалда ўзининг қудрати, ҳайбати, илми, чирои ва бошқа сифатларини фақат Ўзигина билар эди. У ҳуснини кўзгуда кўрмоқ хоҳлади ва бу дунёни: Еру осмон ҳамда улар оралиғидаги жамики мавжудотни яратди. Ер юзида Ўзига халифа (ўринбосар) қилиб эса Инсонни танлади. Унинг танини тупроқдан яратди ва бу сопол жасадга Ўзининг илоҳий руҳидан уфурди. Демак, бу борлик – Тангрининг кўзгуси, уннадаги ҳар бир нарса, ҳар бир жон эса Олий Зотнинг бир зарраси. Айниқса, Инсон ўз моҳиятига кўра илоҳийдир, чунки унинг руҳи, юқорида айтилганидек, илоҳий манбадандир.

Одам боласи бу ўткинчи дунёдаги ҳаёти мобайнida нафс амри билан – жасаднинг ороми учун муттасил ҳаракат қиласиди. Ва бу йўлда ранго-ранг хатолар, айблар, гуноҳлар жамғарди. Буларнинг бари шундоғам унutilган, озиқсиз қолиб, заифлашиб бораётган руҳ устига ғубор бўлиб, оғир юқ бўлиб ўрнашади. Агар Инсон нафс истакларига чек қўйса, унинг найрангларига бўй бермай, фақат руҳияти, унинг осойиши

ҳақида қайғура бошласа, бояги ғуборлар аста-секин арий боради ва руҳ покланади. Бу ҳол баъзан шу даражагача борадики, руҳ ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиши – омонат берилган ҷоғидагидай гард-ғубордан холи, енгил бўлиб қолиши ҳам мумкин. Ботинини ана шу даражада поклай олган мавжуд (Инсон) руҳий-маънавий жиҳатдан Вужуд (Аллоҳ) билан ўйғунлашиб кетади. Бу эса тасаввуфда «ваҳдат ул-вужуд», яъни «Вужуд билан бирлик, биргалик» деб аталади.

Тасаввуф таълимоти бўйича, Инсон комилликка эришиш йўлида шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат сингари босқичларни босиб ўтмоғи лозим бўлади. Тариқат йўлига кирган киши сўфий (ёки солик, дарвеш, мурид) ҳисобланади. Уни бу йўлга олиб кирган, маънавий жиҳатдан йўллаб, қўллаб турадиган раҳнамо – устоз эса шайх (ёки пир, муршид) деб аталади.

Тасаввуфий адабиётдаги марказий тушунча – бу ишқ. У икки турли бўлиши мумкин:

1. Мажозий ишқ – Аллоҳ томонидан яратилган барча нарсага: инсонга ва бутун борлиққа нисбатан муҳаббат. Бундай ишқ акс эттирилган асарларда ёр тимсолидан Муҳаммад (с.а.в.) ва тариқат пешвоси, пири комил англашилади.

2. Ҳақиқий ишқ – Яратинни англаш, сезиш, севиш ва У билан бирлик туйғуси. Ҳақиқий ишқдаги ёр (ёки жонона, дилдор, дилбар, дилистон, санам, маъшуқа ва б.) тимсолидан фақат Аллоҳ тушунилади.

Шунингдек, тасаввуф адабиётида қўйидаги анъанавий образлар тизимидан кенг фойдаланилади:

Ағёр – бегоналар, ўзгалар; рақиблар, душманлар, ёвлар, ғанимлар. Ҳақдан бошқа нарсалар; тариқатдан йироқ кишилар.

Бурқаъ (ёки юзпарда, ниқоб, ҳижоб ва ш.к.) – Ҳақни бандадан тўсиб турувчи ҳамма нарса, ўткинчи борлик.

Бўса – ошиқнинг ёр васлидан баҳрамандлиги.

Васл (кўплиги висол) – ёр билан учрашув, дийдор, етишиш; Ҳақ билан ўйғунлашиш.

Васл аҳли – комилликка етишган, авлиёлик сийратини касб этган зотлар.

Дайр – бутхона; дунё; мажозан майхона.

Дунё (ёки бевафо ёр) – нафсоний хуруж, шайтоний истаклар жамланган воқелик,

ўткинчи мавжудлик

Ёр лаби (ёки ирн) – ёрнинг каломи, кўрсатмалари, пурмаъно сўзлари.

Жом (ёки қадаҳ, пиёла, коса, паймона ва ш.к.) – ошиқнинг кўнгли.

Ишқ ахли (ёки ушшоқ, ошиқлар) – сўфийлар, яъни тасаввуф йўлига киргандар.

Лиқо (ёки юз, чехра, ораз, кўриниш ва ш.к.) – Тангри жилласининг соликка намоён

бўлиши

Май (ёки шароб, бода ва ш.к.) – ишқ, севги; хусусан, Аллоҳга бўлган муҳаббат.

Майхона (ёки бутхона, ҳаробот) – пирлар даргоҳи.

Тарсо – ўзини Аллоҳ ишқига етишмоққа баҳшида этган инсон.

Соқий (ёки пири мугон) – маърифат улашувчи, илоҳий ишқ сирларини талқин

этувчи пири комил, устоз.

Халойиқ (ёки ҳалқ, эл, мардум) – ҳақиқий ишқдан бехабар кимсалар, дунёга кўнгил берган нафс бандалари.

Тасаввуф таълимотидаги таянч тушунчалар ва уларнинг моҳияти билан танишиш, тасаввуфий адабиётдаги бошқа тимсолларни ҳам пухта ўрганиш нафақат мумтоз адабиётимизнинг, балки мумтоз мусиқамиз, миллий қўшиқларимизнинг ҳам маъно нозикликларини англаш, ҳис қилиш, улардан тўлақонли баҳраманд бўлиш имконини, лаззатини беради. Бунинг учун қўшимча манбалар, маҳсус адабиётлар билан ишлаш лозим. Энг муҳими, (истиқдол неъмати учун Мехрибон ва Раҳмли Зотга беадад шукр!) ана ўша манбалар, адабиётлар етарлича. Фақат қунт, сабр-тоқат, иштиёқ ва ихлос бўлса бас.

МУМТОЗ ҚЎШИҚЧИЛИК ВА МАҚОМЛАРГА ДОИР АЙРИМ АТАМАЛАР ЛУФАТИ

АВЖ (луғавий маъноси «чўққи», «энг юксак нуқта») – 1) куй ва ашула ижросида энг юқори нуқта; 2) Ўн икки мақом тизимида маълум шуъба.

БАЁТ (Ўрта Осиёда яшаган туркий қабилалардан бири) – 1) мақом шуъбаларидан бири; 2) Тошкент-Фарғонада машҳур бўлган мақом йўлларидан бири.

БОЗГЎЙ (форс. «боз» – яна, тағин ва «гўй» – айтмоқ) – куйнинг ижро жараёнида бир неча бор тақрорланадиган қисмлари (оборотлари).

ДАРОМАД (форс. «даромадан» – кирмоқ) – куй ёки ашуланинг бошланиш (кириш) қисми. У тингловчини асар давомига, асосий қисмига руҳан тайёрлайди.

МАҚОМ (ар. «мақом» – ўрин-жой; истиқомат жойи) – 1) турли куй ва ашулаларнинг мусиқий асбоблардаги бошлана-диган пардаси; 2) муайян лад товуш қатори ва унга мос кела-диган мусиқий асарлар мажмуаси: Дувоздаҳ (Ўн икки) мақом ва Шашмақом.

САВТ (ар. «савт» – 1) овоз, товуши; 2) куй, оҳанг) – Шашмақом ашула бўлимларининг иккинчи қисмига кирувчи шуъбаларнинг умумий номи. Улар мақомларнинг асосий шуъбаларига назира (ўхшатма) қилиб ишланган.

САРАҲБОР (форс. «сар» – бош, бошлангич ва ар. «ахбор» – хабарлар) – Шашмақомдаги ашула бўлимларининг биринчи шуъбаси, ашулалар туркуми бошланишидан хабар берувчи дебоча.

СУВОРА (форс. «сувора» ёки «суворий» – отлиқ; от-улов-га минганд) – 1) Шашмақомда Бузрук мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар; 2) Хоразм мақомларида шўъба ва тароналар номига қўшиб аталадиган ибора ва шу номли куйнинг ифодаси, мумтоз ашулалар туркуми.

СУПОРИШ (форс. «сифориш» – топшириш) – мақомлар ва уларнинг шуъбаларини тугаллайдиган хотима қисми.

УФОР (ар. «уфор» – 1) чанг, тўзон; 2) ҳид, бўй) – 1) қадимги доира, ноғора усулларидан бири; 2) шу усул жўрлигига ижро этилувчи чолғу ёки ашула йўли; 3) мақомларда шўхроқ ижро этиладиган қисм. «Уфар» ҳам дейилади.

УШШОҚ (ар. «ушшоқ» – ошиқлар) – 1) Ўн икки мақом тизимида муайян мақом номи; 2) Шашмақомнинг иккинчи мақомлар гурӯҳига оид куй ва шу куйдаги ашула номи.

ЧАПАНДОЗ (форс. «чап андоз» – чап қўлда ўқ ота олувчи, моҳир) – 1) ўзбек ва тоҷик мусиқасида мураккаб доира усули, талқин усулининг акси; 2) шу номли доира усули жўрлигига ижро этиладиган мумтоз куй ва ашулалар.

ШАШМАҚОМ (форс. «шаш» – олти ва ар. «мақом» – ўрин-жой, истиқомат жойи; парда) – ўзбек ва тоҷик халқлари мусиқий меросида марказий ўрин тутган, олти хил лад товуш қаторларига мос келадиган цикли (занжирли) мусиқий асар; парда, оҳанг, усул, шакл, услуг каби воситалар билан ўзаро узвий боғланган Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Рост, Ироқ мақомларидан ташкил топган мумтоз куй ва ашулалар мажмуи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз (достон). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. I – VI томлар. – Тошкент: Фан, 1987 – 1990.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент: Фан, 1994.
4. Муҳаммад Фузулий. Асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968.
5. Машраб. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
6. Машраб. Девон. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1980.
7. Хўжаназар Ҳувайдо. Девон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
8. Увайсий. Кўнгил гулзори (танланган асарлар). – Тошкент: Бадиий адабиёт ва санъат, 1983.
9. Увайсий. Нодира. Ўзбек шоирлари баёзи. – Тошкент: Фан, 1993.
10. Амирий. Девон. – Тошкент: Фан, 1972.
11. Нодира. Шеърлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960.
12. Оғаҳий. Татьвиз ул-ошиқин (девон). – Тошкент: Фан, 1960.
13. Муқимий. Асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1974.
14. Завқий. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960.
15. Фурқат. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1975.
16. Асрлар нидоси (ўзбек адабиёти намуналари). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1982.
17. Ҳазиний. Девон. – Тошкент: Маънавият, 1999.
18. Ҳамза. Замон ичра (сайланма). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1989.
19. Шўхий. Эҳтиром. – Андижон, 2007.
20. Навоий асарлари учун қисқача лугат / Тузувчи Б.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1993.

МУНДАРИЖА

Тузувчилардан	3
ПУТФИЙ	
Хоҳ инонма	5
Гульзорим қани?	5
Кашқарчай савти сарвиноз	6
Сарахбори бузрук	7
Кўзи қарони	8
Мустаҳзод	9
САҚКОКИЙ	
Савти мискин	11
НАВОИЙ	
Ушшоқ	13
Кўшчинор	14
Мубтало бўлдум санго	15
Фош ўлсин	15
Айлагач	16
Соқийномай Баёти Шерозий	17
Каро бўлубдур	18
Не наво	19
Баёт II	19
Баёт III	20
Ўлмасун	21
Наззори қил	22
Эй сабо	22
Таронаи баёт	23
Топмадим	24
Қоши ёсинму дейин	25
Муножот	26
Кошки	27
Мўгулчаи дутоҳ	27
Насруллоӣ	29
Насри уззол	30
Бўлмиш	32
Ироки Бухоро	33
Баёт V	34
Сарпарда	35
Жафо қилмиш	36
Гул сочар ел	36
Ўзгача	37
Ҳануз	38
Чорзарб	39
Айласа	40
Бўлмаса	41
Ишқ	42
Ошиқ	43
Тонг насими	44

Баёт IV	45
Нишона	46
Талқини баёт	47
Ёр меҳри	49
Чапандози наво	50
Абдураҳмонбеги III	51
Даврон чекиб	52
Шитоб айлаб	53
Эрмиш	54
Ғамнок айлади	55
Ўйнар	56
Қўқон ушшоги	57
Гуландомим била	58
Ял-яли	59
Гульзорим	60
БОБУР	
Насри баёт	61
Топилмас	62
Соқийномай савти калон	63
Қаро зулғинг	64
Сарахбори оромиқон	64
Бошдин яна	65
Таронаи насри сегоҳ	66
Кошки	66
Не бўлди?	67
Савти чоргоҳ	68
Гулжамол	68
Жамолинг васфи	69
«Ўлтирур гарчи мени гуфтординг...»	70
Ишқ	71
Гахи соғин	71
Қашқарчай савти калон	72
Ўфори савти калон	73
ФУЗУЛИЙ	
Ғамзасин	74
Савти сувора	75
Мўгулчаи қашқарчай дугоҳ	76
Ақл ёр ўлсайди	77
Баёт I	78
Баёти Шерозий талқинчаси	79
Дугоҳ	80
Дилхирож	81
Қурбон ўлам	82
ЗЕБУИННИСО	
Самарканҷ ушшоги	84
МАШРАБ	
Савти муножот	86
Ҳеч кима маълум эмас	87
Таронаи сарахбори ироқ	88

Үртар	89
Келибдур	90
Малаксан	91
Мүгүлчай мушкилоти дугох	92
Тушти савдойи муҳаббат	93
«Кимга айтib йиглайин...»	93
Талқинчай савти калон	94
Уфори савти сабо	95
Ёронлар	96
Санамо	96
Дарду аламдур	97
Бормикин	99
Ишқ ичра кадам қўйдим	100
Патнисаки ушшоқ савти	102
ХЎВАЙДО	103
Чоргоҳ IV	103
На қилдим?	104
Тополмасман	105
МУНИС	106
Кел, эй маҳваш	106
Баҳона қилиб	107
Қари наво	108
Баёти Шерозий соқийномаси	109
УВАЙСИЙ	111
Талқинчай рок	111
Токай	112
АМИРИЙ	114
Чорзарб	114
Мижгонларинг	115
Устина	116
Бебокча	117
Салламно	119
НОДИРА	121
Баёт IV	121
Эй сарви равон	122
Чапандози савти наво	122
Дугоҳи Ҳусайний VII	124
Бозургони савти калон	125
Айланай	125
Фигонким	127
Уфори уззол	128
Софиндим	129
Бозургони	130
ОГАҲАЙ	132
Савти сувора	132
Феруз I	133
Феруз II	134
Бўйласа бўлмасун, нетай?	135
Дарди дилим	136

Қора дали	136
Зорингман	137
Ёрима айтинг	138
Бош устина	139
Беш парда сувора	140
КОМИЛ	142
Каро шомлар	142
Кимни севар ёрисан	143
МУҚИМИЙ	145
Уфори савти чоргоҳ	145
Айрилмасун	146
Келдим	147
Ёлгуз	147
Якка бу Фарғонада	148
Фарғона Насруллоси	149
«Шўхи паривашега гирифтормен яна...»	150
Кажҳанг сувора	150
Чоргоҳ III	152
Чоргоҳ IV	153
Чапандози гулёр	154
Қаландар II	155
Қаландар III	156
Қаландар V	157
Қўзларинг	158
Бир келиб кетсун	159
Қўрмай	160
Уфор	162
Бормукин	163
Доғман	163
Интизор	164
Бир ишва билан	165
Этсанг нетар	165
Ёр ила	166
Дил куйи	167
Доғмен	168
Согиниб	169
Эй нозанин	170
Тановар I	170
Ким десун?	171
Абдураҳмонбеги II	172
Баёти Шерозий III	173
Эй чеҳраси тобоним	174
Кўча боғи I	175
Тановар II	176
Абдураҳмонбеги	177
Ёдимга тушди	177
Айладинг	179
Гиря II	180
Қаландар I	181

Баёт III	182
Муборак	183
Нигорим	184
Уфори Абдураҳмонбеги	185
ЗАВҚИЙ	186
Фарғона рубойиси	186
Гиря (Асирий)	187
ФУРҚАТ	188
Оҳқим, раҳм айламас	188
Суратинг	189
Оҳқим, ҳамдард йўқ	190
Қадимти ушшоқ	191
Софиниш	191
Бир тараҳхум айламас	192
Чоргоҳ I	193
Чоргоҳ II	193
Кўзларинг	194
Дутоҳи Ҳусайнин II	195
Йўлингда	196
Тортадур	197
Қарамайсиз	198
«Мени, эй гулрӯҳим, булбулдек...»	199
Қашқарчаи уфор	200
Қашқарчаи сарвиноз	200
Бир тараҳхум айламас	201
Уфори оромижон	202
Фигон I	203
Истаб	204
Галдир I	205
Галдир II	205
Гулёр	206
Шахноз	206
Кокилинг	207
НОҚИС	209
Доғман	209
НОЗИМАХОНИМ	211
Қашқарчаи ушшоқ	211
ҲАЙРАТИЙ	213
Фарғонача Шахноз	213
Топмадим	214
ҲАЗЗИНӢ	215
Фарғона тонг отқунча	215
ОРАЗИЙ	216
Дугоҳ	216
ҲАМЗА	217
Бир келиб кетсун	217
Ўхшайди-ку	218
МИСКИН	219

Эй дилбари жононим	219
Сунбулинг	220
Тошкент ироғи	221
ТАБИБИЙ	222
Бош устина	222
АВАЗ ЎТАР	223
Оразибон	223
Чоқи гирибон	224
Бўлмишам	224
Ошиқ ўлдим	225
Комёб айлаб	226
ҲАБИБИЙ	228
Бог истар	228
Келдик	229
Сайри гулзор	230
ХУРШИД	231
Баёти Шерозий II	231
ЧУСТИЙ	232
Кулдирса ҳам	232
Бўлурмур	233
Ҳакиқий ошно	234
СОБИР АБДУЛЛА	235
Найлайин	235
Дугоҳ	236
Парво этиб кет	237
УЙГУН	238
Ўйнасин	238
КАМТАР	239
Жоним эрурсан	239
ҲАМИД ОЛИМЖОН	240
Қўйтай	240
ШЎХИЙ	241
Парвона қўлганисиз	241
МУАЛЛИФИ НОМАҶЛУМ ёКИ АНИҚЛАНМАГАН АСАРЛАР	242
Бозургоний	242
Галдир I	243
Галдир II	243
Тасаввуф ва тасаввуфий адабиётда кўлланган айрим тушунчалар, анъанавий образлар ҳақида	244
Мумтоз қўшиқчилик ва мақомларга доир айрим атамалар лугати	247
Фойдаланилган адабиётлар	249

САРАХБОР

Тузувчилар:
Дилором ЭРГАШЕВА,
Азизбек ҲАКИМОВ

Мұхаррир: Абдулла ШАРОПОВ
Бадиий мұхаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник мұхаррир: Дилшод НАЗАРОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусаххих: Элбек ЖУМАНОВ

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 05.05.2017 й.

Босишига рухсат этилди: 25.05.2017 й.

Газета қофози. Қофоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$.

Minion Pro гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 8,18. Шартли б.т.: 13,4.

Адади: 3000 нұсха.

Буюртма № 140.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланды.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^А-мавзе 42-үй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳқўчаси 44-үй.



ISBN 978-9943-4908-4-0



9 789943 490840